

Жо Бумаде

ВАХТ  
САРИ ТҮРТ  
КАДАМ



Жо Витале таъкидлаганидек: “Ушбу китоб сизнинг шахсий уйғонишиңгизга асосланган, ҳамма муаммалардан қутулиб, баҳт сари, излаёттан баҳтингиз сари етаклайди”.

Тортишиш кучи ҳақидаги күнлаб бестселлерлар мұаллифи томонидан таклиф қилингандын машқ ва аник тавсиялар, оңғынғызни тозалашға ва ҳәётингизни фарғон қилишға ёрдам беради деган умиддамиз.

**Рус тилидан Малика Убайдуллаева таржимаси.**

*Барча ҳуқуқтар амалдағы қонунларға асосан ҳимояланған.*

**“DAVR PRESS”** националт-матбаа үйиншиг әзма рухсанисиз ушбу нашрии қысман әки тұлғық қолда бөшік аммавий ахборот ғоситаларыда электрон әки механик күріншілдә күчиріб босиши, магнит таптауачи ғоситаларда тарқатыш қаптый тақиқланады.

ISBN 978-9943-984-51-6

© “DAVR PRESS” HMY,

# АДАМДЫҢ МУАММОНЫН СИРЛІКТЕРІ

## КИРИШ

Хеч бир муаммони у вүјүдүгө келгап сабаб-  
дан ортикроқ даражада ечиш мумкин эмас.

Альберт Эйнштейн

“Чегарасиз ҳәёт: гавайиликларнинг саломатликни мустаҳкамлаш, бой бўлнш, севиш ва баҳтга эришиш сирлари” китобимда, уйғонишнинг уч босқичи ҳакида ёзган эдим. У пайтларда уйғониш аслида тўрт босқичдан иборат эканлигини билмасдим.

Энди биламан. Бу тажриба билан эмас, факат акл-идрок билан тасаввур қилинадиган тўртинчи босқич ҳакида Эйнштейн ва бошқа буюк кишилар гапириб ўтишган. У худди ҳозирги кузатаётган воқеликдек, лекин ҳозирча сизнинг тасаввурингиздан йирок бўлса ҳам кенг ва теранроқдир.

Шу боис мазкур китобда мухокама этилаётган мавзу олдинги ижодий ишларим — “Сир”(“Secret”) фильмси, “Тортишиш кучи сири: ўзинг истаган нарсага қандай эришиш мумкин?”, “Чегарасиз ҳәёт...” китобларимдан ҳам теранроқ таҳлил қилинган.

# ЎЗ ҲАЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИШГА ТАВАККАЛ ҚИЛИНГ

*Бирорта арзыгүлк ишини бажаршишга журъат қыл.*

## Юон ҳикмати

Ютқизишдан қўрқмай қандай ишга таваккал қила оласиз?  
Мувафақкитли чиқишига ишонсангиз, ким бўлишни истардингиз?

Чексиз имкониятларингиз бўлса, нимага ахд қилардингиз?

Қандай қарорлар қабул қилардингиз?

Арзийдиган бирон ишга журъат этиш вакти келди. Ким бўлишингиздан қатъи назар — менинг тарафдоримми ёки менинг шахсни ўстириш услубим билан энди танишаётган одаммисиз, табриклайман: бу китобни олиб, Сиз чексиз имкониятлар олами эшигини очиб, биринчи қадамни қўйдингиз.

Эҳтимол, ҳозирги ҳаёtingиз аянчли кўринишдадир. Мен нима ҳақида гапираётганимни биламан, чунки уларни ўзимнинг бошимдан кечирганмай. Ҳозир ҳам ачинарли ҳаёт кечираётган қариндошларим бор. Мен қўлимдан келганча, охирги 20–30 йилда ўргангандан ҳамма нарсаларни сизга ўргатишга ҳаракат қиласман.

Бу билимларни эгаллаш осон бўлмаган. Ёшлик йилларимда Даллас кўчаларида яшашимга тўғри келган. Тўғри, уйсиз бўлганман, вактимнинг кўп қисмини кутубхоналарда китоб ўқиб ўтказардим. Ҳаётимни Клод Бристолнинг “Ишонч сехри” ва “Фикла ва бой бўл!” китоби ўзгартириб юборди.

Худога шукур, кутубхоналар бор! У ерда ҳақиқий бойлик сакланади.

Сўнг Хьюстонга кўчдим. Менинг ишларим аста-секин изига туша бошлади, кутубхонага боришни давом эттирадим, у ердан билим ортиришга мўлжалланган турли аудиодастурларни олиб, машинада тинглардим. Бу менинг машинадаги “университетим” эди, уларни тинглаб, ўзимга саноиллар берардим.

## **Бу кунлар ҳам ўтиб кетади...**

Сизнинг бу ҳолатингиз абадий эмаслигини тушунишингизни истайман. Ҳозирги ҳаётий вазиятингиз — факт шу онда сиз билан юз бергаётган ҳолат. Сиз ҳамма нарсани ўз оқимига қўйиб бергансиз, мудраб юрасиз. Лекин мен сизнинг уйғонишиңгизга ёрдам бераман. Биз сиз билан бирга уйғониш босқичларини босиб ўтамиз, қийинчилик ва баҳтсизликларниңгиз орқада қолади. Ҳаммасидан қийинни биринчи босқич ҳисобланади. Истисносиз ҳамма шу босқичлардан ўтади, лекин ҳамма ҳам юкорига кўтарила олмайди, ҳаракат қилмагани учун айримлар пастда қолиб кетади.

## **Бошқача яшаш мумкин**

Мен томонимдан таклиф қилинаётган курс ёрдамида кўпчилик ғафлат уйқусидан уйғониб, бошқача яшаш мумкинилигини тушунади. Мен биламан: сиз яшашга маблагни, кредит қарзини қайтариш учун пулларни қаердан олиш, соглигингиздаги муаммолардан қандай кутулиш ҳақида ўйлаяпсиз. Ишонинг, бу муаммолар осон ҳал бўлади. Кўнгилсизликлар билан қурашнинг яна бир йўли бор, мен мазкур китобимда шу ҳақда фикр юритаман. Бир пайтлар кўчада яшаганим ҳақида айтиб ўтган эдим. Бу хотираларимни ҳеч кимга батафсил гапириб бермаганман. Тўғрисини айтганда, ўзимни ҳақиқий уйсиз деб ҳисобламаганман.

Мен ҳақиқатан ҳам уч йил давомида — 1976—1978 йиллар мобайнида кўчада яшаганман. Бу Даллас шаҳри кўчалари эди. Мен ўша кунлардаги воқеаларга ёпишиб олмаганман ва у кунлар деярли хотирамда муҳрланиб қолмаган. Аммо мен машҳур кишига айландим, одамлар ҳаётим билан қизиқа бошладилар ва менинг қийналган даврим одамларни қизиқтираётганини пайқадим. Шунинг учун шу мавзуга озгина тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳаётимдаги инқирозим иш жойимни ўзгартириш фикридан бошланди. Ўшанда мен Далласда яшардим ва турли мамлакатларда нефть-газ қувурларини ўтказиш билан шуғулланадиган компанияда ишлардим.

Даромадим унча катта эмасди, танишларимнинг масла-хатига кўра, маълум маблағніг тўплаб ишдан бўшадим ва бир агентликка ишга жойлашиш учун мурожаат қилдим, менга мос келадиган иш топиб беришга ваъда беришди. Мен борнин бердим, факат ишлаб пул топгунга қадар овқатланиш учун пул сақлаб қолдим. Лекин агентлик инкиrozга учради, унинг раҳбари ўз жонига қасд қилди. Шундай қилиб яшашга маблағсиз қолдим, бор жамғармамдан айрилдим. Мен ишламасдим. Машинам ҳам, танишларим ҳам йўқ эди. Қашшоқлар яшайдиган туманди, энг арzon уйда ижарада туардим ва ҳаммаси почта бўлимининг остонасида тунаш билан тугади.

Агар сиз “Бахт ортидан кувиб” фильмини кўрган бўлсангиз, бош қаҳрамони — меҳнаткаш ва виждонли эркак бир-инки хато қилиб кўйинб, тезда тубанликка кулади ва черков эшиги тагида, ҳожатхонада, автобус бекатида тунай бошлайди... Мен ҳам шу йўлни босиб ўтдим. Мен почта бўлими остонасида туардим, почта кутисини ижарага олдим, мен ҳақли бўлган чек келишига умид қиласдим. Мен у даврни эслашни истамайман, бошимдан кечирганларим аянчли эди. Қандайдир, ўзим билмаган тарзда Хьюстонга боришга муваффак бўлдим. Айнан қандай бориб қолганимни айтиб бера олмайман. Қаердан автобусга пул топганим ростдан ҳам эсимда йўқ. Далласдаги уйсизлик давридан кутулдим, лекин ундан қолган жароҳат йиллар давомида ўзи ҳақида эслатиб турди.

Кейинчалик турли сабабларга кўра у ерга борганимда, албатта қандайдир кўнгилсиз воқеага йўлиқардим.

Ёдимда, бир кун мен Даллас шаҳри кўча чизигидан бехосдан ўтиб кетдим, ҳудудий назоратчи менин тўхтатиб, жарима олди. Даллас ҳақида менда факат салбий хотиралар сакланиб қолган. Онгимдан у хотиралардан тозалаш учун ўз устимда аинча меҳнат қилдим ва соглом фикрлай бошладим, муллном шўколди. Энди Далласга келганимда салбий туйгуларин дис қилмайман, шу шаҳардаги ҳаётим ҳақида бемалол, хотиржим ганири олмани.

## Илҳомлантирувчи уйғониш

Мен олган ҳаётний тажриба, иродамни тоблади, ақлимини пешлади ва энди минглаб одамларни илҳомлантирувчи уйғониш ҳақида айтиб бера оламан. Эҳтимол бу сизга ҳам илҳомлантирувчи таъсир күрсатар. Мен бу синновлардан қайта ўтишни истамас эдим, аммо тақдиримдан миннатдорман, ҳаммасига чидадим ва бардош бердим. Ўша пайтлар түғри маънода мен учун жуда даҳшатли дамлар эди.

Ваҳоланки, бу менинг бир бўлагим, менинг таржимаи ҳолим ва менинг ўтмишимнинг бир қисмидир.

“Сир” фильмида, турли одамлардан: уларнинг ҳаёти қандай кечганлиги ҳақида сўраладиган эпизодлар бор. Бир қаҳрамон кўча безорисн бўлганлигини тан олади, бири мен каби кўчада яшаганини, яна бошқаси ўзининг оғир кечинмалари ҳақида гапиради. Охири-оқибат экранга мен учун энг обрўли одам саналадиган Жек Кэнфилд чиқиб: “Бўлдими? Нима бўлти? Ҳар бирингизнинг ўз ҳикоянгиз бор. Сизда ўзингизники, менда ўзимники”, – дейди. Менинг ҳикоямда ҳақиқатан ҳам чорасизлик бор эди, аммо мен бари бир йўлини топдим. Ҳозир менинг ҳаётим тубдан ўзгарган. Ўтиз йил аввалги бошпанасиз аҳволим билан ҳозирги автомобиль коллекцияси, дала ҳовлиси бор, кинофильмлар бош қаҳрамони ва бестселлерлар муаллифи, тўкин ҳаёт кечириувчи одамни ўзаро солиштираман. Ақлим шошади: “Қандай қилиб мендай гарib одам бундай бадавлат инсонга айланиши мумкин?”

Мен сизга ажойиб ўзгаришнинг сирини очаман. Бу уйғониши туфайли юз берди. Шунинг учун бу назария жуда муҳим ва мен уни сиз билан бўлишмоқчиман. Менинг билиб олганларим, амалий фойдаси бор, кучли таъсирга эга, юксак ахлоқли молиявий ва шахсий муносабатларда фойдалидир. Ўзгаришлар жуда чуқур ва тақрорланмасдир. Менинг ҳаётим радарда илғаб олинадиган арзимас нуқтадан — бошпанасизликдан бошланади.

Фақат кўчада қолганларгина, гафлат уйкусидан уйғонади деб ўйламаслик керак. Сиз ўзингизнинг ҳолатингиздан

бошланг. Бу китобимнинг бошида ҳар бир одамнинг ўз ўтмиши, ўзининг ҳаётий тажрибаси борлиги ҳақида гапирдим. Кўплаб ҳодисаларни бошимиздан кечириб, улар ёрдамида биз кучлирок бўлдик, энди улар ҳақида фикр юритиш керак. Энди сиз хотирангизда қолган ўша ёмон вақтларга, уйдан маҳрум бўлишга, қарзга ботиб, қашшоқликда яшашга қайтмайсиз.

Буларни бошингиздан ўтказиб, ҳаётий тажриба тўпладингиз. Фақат шу. Энди сиз ундан сакраб ўтинг ва янги даражага кўтарилинг. Сиз ўтмиши тушуниб етинг — гафлат уйқусидан уйгонасиз. Лекин мен ҳеч качон сизни орқага қайтишга даъват қилмайман. Мен сизнинг олдинга қараб юришингизни, уйгонишнинг ҳамма босқичларидан ўтишингизни истайман. Шунинг учун қўлингиздаги китобимни ёздим.

Менинг бошқа китобларимни ўқиганмисиз, дискларимни эшитганмисиз, иштирокимдаги фильmlарни кўрганмисиз, билмайман. Фақат ўз назариямнинг асосларини баён килмокчиман. Сизга менинг ишларим ёқадими, “Тортиниш кучи сири”, “Сир” аудиокурсини тинглаганмисиз? Энди бунинг аҳамияти йўқ, чунки бу китобда ёзганларим уларда йўқ. Биргаликдаги йўлимизни нолдан бошлаймиз. Мен сизларни уйгониш асослари ва унинг тўрт босқичи билан таништираман. Илгари мен охирги босқич ҳақида тўхталиб ўтмаганимнинг сабаби, у ҳақида билмасдим. Ўз ҳаётим тарихи билан истаган одамларни китобларим, аудио-видеодисклар, чикишларим орқали таништираман. Менинг тарихим ҳали тугагани йўқ. Мен ўсајапман, ривожланаяпман, уйгонаяпман, онглироқ бўлмокдаман, кийинчиликларни енгаяпман ва одамлар билан тажрибаларимни ўртоқлашмоқдаман. Агар менинг ишларим билан таниш бўлсангиз жуда соз. Энди белингизни маҳкам боғланг ва олга юринг!

## **Барчасини англасангиз — ҳаммаси яхшиликка**

Нега мен бу ҳаракатларни бажарайпман? Нимага бу ердаман? Нимага ҳозир? Нимага бу воқеалар юз бераяпти? Кейин нима бўлади?

Атрофда рўй берәётган ҳодисаларга қараб сиз кўпинча: “Худойим, дунёда нималар бўляяпти ўзи? Ҳаммаси ўзгармоқда. бундан баттар бўлиши ҳам мумкин”, дейсиз. Ёки ҳаётингизга четдан назар солиб, сесканиб кетасиз ва ўзингизга: “Тўловларни қандай тўлайман? Ким оилам тўғрисида қайгуради? Иш жоийм тургунми? Кейин нима бўлади? Табиий оғатнинг олдини ололамиزمи? Бизни қандай келажак кутмоқда?” – деб ваҳимага тушасиз. Мен сизга нима бўлса ҳам яхшиликка дейман. Агар бундай олиб карасангиз ўзгаришлар бизни ўзимизга теранроқ назар ташлашга ва қатъий қарорлар кабул қилишга, хушёр тортиб муаммоларимизнинг асл сабабини топишга, уларни ҳатлаб ўтиб, юқорига — яхшироқ ҳаётга интилишимизга сабаб бўлади.

Биринчи қарашда дунёда рўй берәётган ҳодисалар яхшиликка олиб бормайдигандек туюлади. Ҳақикатан шундай деб ўйлайсизми? Хулоса чиқаришга шошилманг. 1970 йиллардаги АҚШда юз берган газ-нефть инқирози эсингиздами? Бензинга навбат чексиз эди, ҳар доим шундай бўлиб қолади деб ўйлагандим. Иқтисодий ишлар бўйича маслаҳатчи Пол Зейн Пилзер эса инқироз ривожланишга туртки бўлди, деб ҳисоблайди. Янги нефть ишлаб чиқарувчи усуллар, нефть ва газни анча чуқур ерлардан қазиб олиш йўллари ўйлаб топилди ва мамлакатни бир неча йиллар давомида таъминлай оладиганини нефть захирасига эга бўлдик. Демак, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо аслида синов, уни ечиш учун ноодатий йўл қидириш керак.

Худди шу нарса сизнинг ҳаётингизда юз бераяпти. Сиз ўтириб ўзингизга: “Пулни қаердан олсан экан?”, “Саломатлигим ва болалар соглигини қандай саклаб қолсан экан?”, “Ишим нима бўлади?” деган саволларни берасиз. Бу яхши рағбатлантирувчи омил. Бу жуда яхши. Бу сизни ён-атрофга зътибор қаратишингизга ёрдам беради. Ўзингиздаги янги имкониятларни қидиришни бошлайсиз.

Бу сизни эркинроқ ҳаракат қилишга ундаиди. Эҳтимол, ҳаётингизда мураккаб давр келмаганида, бу китобни ҳам сотиб олмасдингиз, демак сиз мен билан танишмасдингиз. Сиз баҳтли ҳаёт кечирардингиз, ўз ҳаётингизда яшаб — ўсиш имкониятини қўлдан чиқаардингиз.

Шунинг учун нимаики юз берса — яхшиликка. Менинг бунга ишончим комил. Демак, сиз қандайдир ёкмайдиган иш қилдингиз, бундан хафа бўлманг. Бу худди янги оёқ кийимни кийганингизда у оёгингизга лойик бўлса-да, қадоқ пайдо қилган ҳолатни эслатади. Аввал оғрийди, кейин шу пойабзални кийиб, янги, тўкин ҳаёт сари, эртанги кунга ишонч билан дадил қадам ташлайсиз.

## Курашишдан тўхтанг — бошқа осон йўл бор

Агар илгариғи ҳаётингизни эсласангиз, шундай хulosага келасиз — сиз кўп ва оғир иш қилар эдингиз. Ҳар доим тўсиқларни енгишга, йўл қидиришга тўғри келарди. Яхши эсимда, мактабда ўқиб юрган пайтимда Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй асарларини ўқишни яхши кўрардим, уларда одам ёлгиз ўзи оламга каршилик кўрсата оларди, ўша пайтларда курашчан кишиларни яхши кўрардим. “Жо Витале Ер сайдерасига қарши” — бундай ҳаёт тарзи кўпчилигимизга хос. Биз бирон нарсага эришмоқ учун терлаб меҳнат килиш кераклигини биламиз, ўзимизга хеч нарсанираво кўрмаймиз ва бутун умр йўлимиздаги тўсиқларни ёриб ўтишимиз кераклигига ишонамиз. Дарҳақиқат, бундай муносабат шундай мақсад қўйиш учун мухит яратади. Бошқача айтганда, агар сиз курашсиз олдингизга қўйилган мақсадга етишиб бўлмайди деб ҳисобласангиз, сиз албатта кураш билан таъминланасиз. Агар мақсадга эришинш учун кийналиш керак деб ҳисобласангиз, албатта қийинчиликка дучор бўласиз.

Сизга ўз ҳаётимдан мисол келтираман. Бошпанасиз қолиб: “Қандай қилиб шу даражага етдим?” – деб ўзимга савол бердим. Бирдан миямга, “Ўзинг яхши кўрган ёзувчилардан намуна олиб, шу даражага келдинг”, – деган фикр келди. Биринчи тахминга кўра, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэйлар ўз жонларига қасд қилишига. Менинг бу одамлар шунчалик илҳомлантирадики, уларга ҳамма нарсада тақлид қиласадим. Мен ҳам уларга ўхшаб ҳаётимни барбод қилдим. Мен ҳам курашиб, ўзимни

күнгилсизликлар билан таъминладим. Мен ўзимга курашни кафолатлагандим. Охир-оқибатда менинг ёзувчи бўлиш учун ҳамма даҳолар кийналганидек қийналиш керак деган ишончим барча омадсизликларимга сабаб бўлган. Мен кўп ичардим, жонимга суикасад қилиш ҳақида кўп ўйлардим, рухий тушкунликка тушган эдим. Менга ўринак бўлган буюкларининг йўлидан боришга ҳаракат қиласдим.

Кунлардан бир кун худди уйкудан уйгонгандек, ёзувчилардан шахс сифатида эмас, улардан ёзувчи сифатида ўринак олсан бўлади деган фикр келди. Тўғри — уларнинг асарларини ўқиб тажрибам ошиди, ўсдим, кучлироқ бўлдим, аммо энди бу ҳаёт тарзи билан хайрлашадиган вақт келди. Шуни тушунгач, мен баҳтли, омадли, сермаҳсул ёзувчиларни излай бошладим. Сизга, кураш ҳеч кимга керак эмаслигини англашингизни тушунтирумокчиман. Мен сизга энг осон йўлни кўрсатаман. Зина погоналаридан югуриб юрманг, ёнида эксалатор бор. Мен сизга курашга даъват қилган нарсани англашга ёрдам бераман ва сиз бойлик, омад, шахсий баҳт, фаровон ҳаётга, илгари курашиб эришган нарсаларингизга энди осонлик билан эришасиз. Энди сиз ҳаёт йўлида курашиб юрмайсиз. Энди сиз ўз ҳаётингизнинг ҳар дақиқасидан лаззатланиб яшайсиз.

Сиз ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар онгимизнинг қайси қисмида сақланади, деб сўрашингиз мумкин. Улар бизнинг онгимизда эмас, онг ости қисмида жойлашган бўлади.

## Сир

“Англаб етилмаган сир” номли ўкув курсимдаги фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашаман. Ўз ҳаётини, ўрганганд мухитини ўзгартириш учун кераксиз тасаввурлардан ҳолос бўлиш керак. Мен уни топишингизга, англашингизга ва йўқотишингизга ёрдам бераман. Шу китобни ўқини туфаили сизни чеклаб турувчи тасаввурларни топиб, улардан қутулганингиз ва ўзгартирганингиздан хурсандман. Энг асосийси, заарали тасаввурдан қутулсангиз, атрофингиздаги олам ўзгаради. Чунки тасаввурлар кучи фақатгина руҳиятингизгагина таъсир этиб қолмайди. У Коинотда тасвиранади, ўз ўлчовларига қараб ўзгаришга мажбур қиласди. Даствлаб бундай уқтиришлар сиз-

га галати бўлиб кўринади. Бари бир мени тингланг. Бу китобни ўқиб, ёзган усулимни амалда қўллаб, эртами-кечми ўзингизнинг келажагингизни яратасиз. Лекин тўртинчи босқичдагина сиз шу даражага эришасиз. Унгача ҳаяжонланманг. Агар сиз доимо курашиб яшаган бўлсангиз, енгил нафас олишингиз мумкин — кураш тугади.

### **Худди банқдагидек...**

Мен дастлаб сизни жуда оддий амалий усул ва медитация машқларидан бир-иккитаси билан бажонидил таништиrmокчиман. Буларнинг ҳаммаси ҳаётингизни енгиллаштиришга ва онгингизни чекловчи тасаввурлардан тозалашга ёрдам беради. Мен бу тасаввурлардан қутилишингизга ёрдам беришни истайман. Мен жуда тажрибали, босиқ амалиётчиман. Ҳар доим ўзимни мақсад сари йўналтирганман, шунинг учун сизнинг натижангизни кўрмоқчиман. Бу китоб ўзини-ўзи ишонтириш курси ва сеҳгарлик аутотренинги эмас. У кўпроқ банқдаги аник дастурни эслатади. Таклиф қилган усул ва медитацияни амалда қўлланг ва диккат қилинг. Бу дастурнинг тўрт босқичини босиб ўтинг ва натижасини баҳоланг. Ишончим комил, бу дастур билан танишгач, ҳаётингиз яхши томонга ўзгаради. Ҳозирги ҳаётингиздаги воқеалар абадий давом этмайди. Менга кулоқ солинг.

### **Асосий тўсиқ — бу қўркув**

Бу курс билан таништириш жараёнида биринчи қиладиган ишингиз — қўркувингизни назорат қилишdir. Мен қўркувни ҳамма ерда кўраман. Худди бутун дунё “Куролланинг!”, деган буйрукни олгандек, ҳамма барча нарсадан қўркиб яшайди. Оммавий ахборот воситалари ҳар доим ваҳимали нарсаларга эътибор қаратади, янги қўркувларга сабаб бўлади. Бундай хабарларга умуман эътибор бермаслик керак, ваҳима килиншга сабаб топилмайди, шунинг ўзи ҳам қизик кўриниш.

Мен сизга чуқур нафас олиб, келаётган поезд қаршиисига чиқишиңи таклиф қилмайман. Факат бир озгина нимага, хатто арзимас ўзгаришлардан ҳам қўркишингизни ўйлаб қўришингизни илтимос қиласман. Баъзилар ҳеч нарсани ўзгартиришни исташмайди, шундек ҳам улар ҳаммасидан мамнун. Улар ўз ҳаётларини “нормал” деб ҳисоблайдилар. Албатта: “Менинг қарзларим бор”, “Мен ишимни ёмон қўраман”, “Турмуш ўртогимга бефарқман”, “Менинг белим оғрийди”... Қолган ҳаммаси яхши. Таниш ҳолат. Балки озгина нокулайрок бўлса ҳам кўпроқ нарсага эришиш учун уйгониш керакдир? Яна бир бор эслатаман: нокулай вазиятдан чиқиши ва қўркув режимини ёкиш — бир нарса эмас. Қўркув одамни тўхтатади. Айнан қўркув кўпчилик одамларга ҳаракат килишга йўл қўймайди. Ўз тажрибамдан биламан, омадсизлик ва омад қўркуви мавжуд. Баъзи бирорлар унисидан ҳам, бунисидан ҳам азият чекадилар.

### Ўз қўркувингизни енгинг

Мен қўркувдан сакраб ўтиш зарурлиги ҳакида гапираман. Мен сизга бирорта арзийдиган нарсага журъат этинг дейман. Аввал нима хоҳлаётганингизни аникланг, сўнг ўша нарсага эришиш учун аввал қилмаган ишингизни бажаришингиз лозимлигини англашингиз керак. Бу тўхташ керак, дегани эмас. Бу янги ҳаракат белгиси бўлиб, йўлда давом этиш кераклигини билдиради. Бу босқичда сиздан шунни истайман. Машхур мақолда айтилганидек: “Кўл ботир — кўз қўрқок”. Вақтинчалик нокулайликка қарамасдан ҳаракат қилиндан тўхтаманг. Менга қулок солинг, сиз ҳозир, шу ерда ва бугун уйгонишингизга ваъда бераман.

### Ўз қўркувларингиз рўйхатини тузинг

Сизни чўчитадиган нарсалар рўйхатини тузинг. Шунчаки ўтиринг ва ҳаммасини бошдан-оёқ ёзиб чиқинг. Бу ҳаракатда қандайдир шифобахш хусусият бор. Ўз қўркувларингизни қалбингиздан чиқариб ташлаб, сиз деярли уларнинг кўпчилигидан қутуласиз, чунки сиз кутилмаганда

“ҳаммаси у қадар күркінчли әмас” лигини тушунасиз. Үз күркүвларингиздан халос бўлиш худди уй тозалашдек гап. Сиз онгингизни безовта қиласадан тозаланг.

Күркүвларингизни қоғозга ёзинг. Ёзганларингизни ҳеч кимга кўрсатмасангиз ҳам бўлади. У факат ўзингиз учун ёзилган, бу машгулот хавфсиз. Ҳамма күркүвларни қоғозга ёзиб, чукур нафас олинг. Шунчаки уларни кўйиб юборинг. Ҳар бир қоғозда ёзилган күркүвга қараб: “Наҳотки шундан кўрккан бўлсам?” деб ўйланг. Саволингизнинг жавоби ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Ҳар бир нуткадаги күркүвга алоҳида эътибор бериш керак, чунки шу жараённинг ўзи баъзи күркүвларнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Ишга киришинг. Ўқиши тўхтатиб, ҳозирнинг ўзида ишга киришинг. Беихтиёр қилинган ишнинг кучи ҳақида гапирган эдим, шунинг учун сизнинг дастлабки рўйхатингиз киска бўлиши мумкин. Агар қарорингиз қатъий бўлса, чукур ўйлаб кўрсангиз кўркүвлар онг остидан ёғилиб келаверади. Бу жуда яхши. Бундан кўрқамаслик керак. Шунчаки эсингизга келганини ёзаверинг. Кўркүвлар захирасини тугатиб, нафас машқларини бажаринг. Чукур нафас олинг, бир сония тўхтаб, ўзингиздан: “Яна нимадан кўрқаман?” деб сўранг. Эсингизга келганини ёзаверинг. Менга ва ўз ички хиссиятингизга ишонинг. Тинчланинг, ёзиш учун сокин жой танласангиз миянгизга яхши фикрлар келади ва сиз ҳамма кўркүвларингиздан халос бўласиз.

## Кўркүвларингизни бир чеккага кўмиб қўйинг

“Мўъжизаларни яратамиз” дастурим одамларнинг уйғонишига, орзусининг амалга ошиши ва кўркүвлардан кутулишига ёрдам беради. Ўзим билан юз берган воқеани гапириб бераман. Мен анча аввал “Рұхий маркетинг” рисоласини ёзган эдим. Унда мен Америка компаниялари манфаатларини кўзлаган эдим. Америка менежмент ассоциацияси эса бошқа асаримни — Nightingale-Conant аудиокурсини чиқартириб берди. Булар жуда консерватив ташкилотлар эди, мен “Рұхий маркетинг”ни чиқартираман деб ўйлаган эдим. Бу китобда бизнесга метафизик, ноанъанавий ёндашув ёзилган эди.

Бу ишим буклет тариқасида чоп этилди. Биттасини опамга совга қилдим, чунки уни опам учун ёзгандим (китоб орқали опамнинг кўркувларини бартараф қилишга ва орзуларини амалга оширишга ёрдам бермоқчи эдим), қолганларини одамларга тарқатдим. Биттасини Боб Прокторга унинг “Қандай бой бўлиш мумкин?” деб номланган семинарида совға қилдим. Бу 1999 йил Денверда бўлган эди. Мен бу совғам ҳақида кимга гапириб беришни билмаган эдим. Лекин Боб залдаги икки юзтacha одамга қаратса: “Залда машхур одам бор”, – деб эълон қилди. Гап мен ҳакимда бораётғанлигини билдим. Ўрнимдан туриб, таъзим қилдим.

– Жо янги китоб ёзди, – деди Боб. – У ҳали чикмади, лекин уни ўқишини ҳамма хоҳлади. У “Рухий маркетинг” деб номланади.

Мен хижолатда қолдим. “Ҳаммаси тугади, нимага бу ерга келдим ўзи?” деб ўйладим. Семинар тугаб ултурмасдан, залдаги икки юзта одамнинг ҳаммаси менга қараб, китобингиздан беринг, деб ёпирилишди. 160 тача ношир ўз ташриф қофозларини бериб, китобимни нашр этиш истаги билан мурожаат этишди.

– Нимага? Сиз ҳатто уни ўқиб ҳам кўрмагансиз-ку!

– Сизнинг яхши ёзувчи эканлигингиз кундай равшан, – жавоб берди у. – Бошқа китобингиз илгари чоп этилган. Боб Проктор китобингизни ўқиган, у яхши таассурот қолдиран. Шунинг учун мен китобингизни чиқаришга тайёрман.

Аслини олганда, мен ўз асаримни нашр эттиришга юрагим бетламасди. Аммо Боб Проктор туфайли китоб тезда бестселлерга айланди. Кейинрок уни тўлдириб, бошқа ном бериб қайта нашр қилдирдим. “Тортиниш кучи сири” китоби ана шундай дунёга келди, уни йирик нашриёт бажонидил нашрдан чиқарди ва мен “Сир” фильмida суратга тушишга сазовор бўлдим. Фильм ижодкори Ронда Берн “Тортиниш кучи сири” китобимни ўқиб, менга қўнгироқ қилди ва фильм гояси билан таништириб, бу асардан яхши сценарий чиқишини, маблағ топилса фильмда иштирок этишим мумкинлиги ҳақида гапирди. Мен бу аёлни танисамда, бошлаган ишини охирига етказмасдан қўймаслигини билмасдим. “Сир” фильмни жуда машхур бўлди. У бутун

сайёрани иккинчи босқич даражада уйғонишга, мени Ларри Кинг студияси ва Донна Дойч шоусида иштирок этиш сари бошлади. Ундан ташқари түртта фильмда иштирок этдим, “Сир” фильмни китобимнинг босмадаги ҳолига ҳаёт бағишилади. У менинг бошқа китобларим нашр этилиши учун фойдалы битимларни олиб келди.

“Рұхий маркетинг” китобининг нашр этилиши ўз самарасини берди, ахир ҳаммаси күркүвдан бошланган эди. Бу китобни нашр эттириш күркүви эди. Кімдір мени илхомлантириши керак эди... Мен энді бошқаларни илхомлантириш нима эканлигини биламан. Шу ҳақда сизлар билан сұхbatлашмоқчиман.

Мен сизни орзуларингиз амалга ошиши учун илхомлантирумокчиман. Мен сизнинг бирор-бир арзигулик ишгажуръат этишингизни истайман. Мен сизнинг уйғонишингизни холлайман. Мени Боб Проктор илхомлантириди. Лекин мен бизнинг фаровонлигимиз, муваффакиятимиз, севгап одамимиз билан бўлган муносабатларимиз, интилаётганларимизнинг ҳаммаси күркүвнинг ортида эканлигига ишонаман.

## Пул — ажойиб нарса

Бу курс ёрдамида сизга етказмоқчи бўлган фикрларимдан бири, фаровонлик — яхши, пул — ажойиб нарса эканлигидир. Мен кўпчилик пулга ҳадиксираб қарашини пайқадим. Улар бой бўлишни исташларини, лекин онг остида бойликдан кўркишларини айтишади. Бу фавқулодда ҳодисани сиз билан биргаликда тадқиқ этмоқчиман. Мен сизнинг тушунишингиз учун ёрдам бермоқчиман, кўпчилик менга: “Мен бошқа ишда ишлашни, китобимни нашр қилишларини истайман, тадбиркорликда омадим чопишини, банкдаги ҳисоб рақамимда пул кўп бўлишини, карзларим бўлмаслигини, моддий фаровон яшашни истайман”, – дейди.

Лекин уларнинг онги: “Пул — ёмон. Пул — ёмонлик. Мен бойлікка нолойикман. Ҳамма бойлар — худбин. Соликлар ҳамма пулимни еб юборади”, – деб тасдиклашдан чарчамайди. Буларнинг ҳаммаси ёлғон тасаввурлар, буларнинг барчаси кўркув хисси эди. Одам ақли билан пул ишлаб топишга

интилади, ички ҳиссиётида: “Мен пулни хохламайман, чунки мен улардан кўрқаман”, деган фикр мавжуд ва бу билан одамлар бойликни инкор этишади. Мен пул ажойиб нарса эканлигини, улар ҳақиқатан ҳам менга хизмат килишини тушундим. Лекин пул қуролга ўхшайди, ўз-ўзича у ҳеч қандай кучга эгамас. Биз уни топиш учун тиришамиз, мен ҳам, сиз ҳам. Пул бу — оддий қозғалыш металл, у фақатгина биз унга берган қийматтагина эга. Факат ундан мўъжизалар яратиши учун фойдаланишни билишимиз керак.

## **Менга бой, соғлом ва баҳтли одамни совға қилинг**

Мен ҳар доим одамларга :“Агар сиз оламни ўзгартирмокчи бўлсангиз, уни баҳтлироқ, соғломроқ ва бойроқ қилмоқчи бўлсангиз унга бой, соғлом ва баҳтли бўлган одам — ўзингизни совға қилинг”, – дейман.

## **Руҳий маркетинг**

Мен сизларга ўзимнинг катта бўлмаган, кейинчалик “Тортишиш кучи сири”га айланган ишим ҳақида эслатган эдим. “Мен руҳият ва моддийлик қарама-каршилик эмас, улар танганинг икки томони эканлигига қатъий ишонаман. Унисини ҳам, бунисини ҳам кераксизлиги учун ташлаб юбориб бўлмайди. Тўлақонли ҳаёт кечириш учун ҳар иккиси ҳам муҳимдир. Бунингучун маънавиятингиз ва моддиятингиз бир бутун бўлиши керак. Бизнинг моҳиятимиз танамиз ва унда яшовчи руҳдан иборатдир, танамиз усиз яшомайди. Бири иккинчисини истисно қилмайди. Униси ҳам, буниси ҳам биз учун қадрли бўлиб, улар бир бутунликни, яхлитликни ташкил қиласди.

Мен кўпинча маркетинг моҳият-мазмуни ҳақида кўп гапираман, лекин бу босқичда у ҳақда тўхталмаймиз. Бу борада менинг бошқа дастурларим бор. Бу китоб уйгониш ҳақида, сиз тасаввур этаётган, интилаётган ҳаёт тарзини пайдо килиш ҳақидадир. Факат битта нарсани эслатиб ўтаман. Мен маркетинг ҳақида кўпчилик одамларда салбий тасаввурлар пайдо бўлганини сездим. Улар маркетинг — пул ундириш

мақсадида уюштирилган ўйин деб ҳисоблашади. Мен бундай нұктай назарга умуман қаршиман.

Мен учун маркетинг — сизнинг товарингизга ёки хизматингизга муҳаббат билан ёндашиш, улар ҳақида эшлиши иштиёқида бўлганларга етказиш демакдир. Яна бир марта янги маркетингни мен қандай кўрсам ва уни сиз ҳам шундай қабул қилишингиз учун эслатиб ўтаман:

Маркетинг — ўз товари ёки хизматига бўлган муҳаббатни, у ҳақида эшлиши иштиёқида бўлганлар билан баҳам кўришдир, эшигандар эса уни албатта олгиси келади.

## **Муҳаббатнинг моҳияти**

Онгни уйғотиш дастури ҳақида бажонидил ҳикоя қила-япман. Сиз ҳақингизда меҳр ва муҳаббат ила қайгураяпман. Агар сезаётган бўлсангиз, дастуримни чин дилдан ўқияпсиз. Демак, биз ўзаро руҳан боғланганимиз. Менинг қалбим сизга талпинди ва сиз ҳам буни сезиб, китобимни ўқишига киришдингиз. Бу дунёда ҳамма нарса муҳаббатга асосланган. Менинг фикримча, маркетинг, молия, ҳаёт, фаровонлик, романтика ва маънавият асосида ҳам айнан муҳаббат ётади. Ҳаммасининг моҳияти — муҳаббатда. Бу дастурда муҳаббат моҳияти мужассам. Уни бошдан охиригача ўқилг ва сизда ҳеч қандай гумон қолмайди.

## **Афзаллиги нимада?**

Келинг, яхсиси айтилганларга хulosса ясаб, бу дастур қандай имюниятлар бериши ҳақида гаплашамиз. Энг аввало сиз қарзлардан, яъни молиявий “минус”лардан қутуласиз: уй, машина ва сизни қарз боткогига ботирган кредитларни тўлайсиз. Ҳозир сиз бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайсиз. Одатда, сизнинг фикр юритиш тарзингиз шу хulosага келади. Лекин уйғонишнинг тўрт босқичидан ўтиб, сиз қарзлардан қандай қутулишни биласиз. Сиз молиявий эркин бўлишни, молиявий эркинлик аслида пул, қарз ва молмулк ҳақида кўнгилсиз фикрлардан озодлигингизни билдиради. Албатта, ҳаммаси бўлмаган гапдай туюлади. Лекин

менга ишонинг. Ҳозир сизда ҳаммаси етарли бўлса, пулингиз кўп бўлса, сиз қарзга ботмаган, молиявий эркин бўлсангиз, балки бошқа соҳаларда ишингиз юришмаётгандир.

Масалан, одамлар билан муносабатингиз ёки шахсий ҳаётингиз, ишингиздан ҳузурланмасангиз ёки ички уйғунлик етишмаса, китобимда бу ҳақда ҳам гап кетади. Балки, соглиғингиз безовта килаётгандир ёки яқинларингиздан кимдир касалдир, балки қаришдан чўчиётгандирсиз. Эҳтимол ўз вазнингиздан хавотирдадирсиз ва буларнинг ҳаммасини мұхокама қиламиш. Шуни айтишим мүмкінки, мен ҳам болалик ва ҳаётимнинг кўп қисмида семизликдан жуда ҳам азият чекдим, энди ортиқча 35 кг вазндан кутулдим ва еттита фитнес мусобақаларида иштирок этдим.

## Англашнинг тўрут босқичи

Дастур давомида ўз ҳаётимдаги воқеалар билан сизни танишираман. Ҳа, мен автомобилларни яхши кўраман, шу билан бирга одамлар ҳаётини яхшилаш менга ёқади. Масалан, мен бошпанасизлик муаммосини ҳал қилмоқчиман ва уни багамом йўқ килишга гайрат билан киришдим. Машина, тилла тақинчоқлар ва шунга ўхшаш нарсаларга эга бўлиш истагининг ёмон томопи йўқ ва сиз уйғонишнинг тўрут босқичини ўтаб, шунга амин бўласиз. Бу ерда мен ilk марта тўртинчи босқич ҳакида гапирдим. Агарда сиз мен билан, ишларим билан таниш бўлсангиз-да, ёдда тутинг, сизни боғча, биринчи синфдан то университетни тутагунингизгача бўлган ҳамма босқичлар бўйлаб саёҳат килдирман. Хуллас сиз билан шу китоб оркали таълимнинг ҳамма жараёнлари билан танишамиш.

## Чексиз имкониятлар

Балки сизнинг мақсадларингиз бошқаларникидан улканроқдир. Балки сиз бутун дунёда тинчлик ўрнатмоқчидирсиз ёки алоҳида олинган соҳани ўзгартиришга ҳаракат қилаётгандирсиз. Бу китобда ёзилган тамойиллар ёрдамида деярли ҳар қандай мақсадга эришиш мумкін. Мен мақсадингиз сари сиз билан бирга бораман. Ҳозир бу

ерда фақат мен ва сиз борлигингизга эътиборингизни каратмоқчиман. Бу ерда ортиқча қулоқлар йўқ. Мен сиз билан самимий гаплашмоқчиман. Сиз билан чин юрақдан баҳам кўрмоқчи бўлғанларим— қисман илҳом, илоҳий ҳунар ёки менинг ҳаётий тажрибаларим.

Нима бўлганда ҳам менда тайёр сценарий йўқ. Юракдан юракка борувчи сўзлар, чунки дастурнинг муҳим қисми бўлган уйғонишига йўл қалблардан бошланади. Қалб, муҳаббат, бахт — заррин ип билан дастурда ёзилган сўзлардир. Мен билан қолинг ва мен билан бирга манзил охиригача боринг.

## Медитация

Ҳар бир босқич сизнинг ҳаётингизга жиддий ўзгаришлар киритади ва улар ҳозир бошланади. Шунинг учун мен сизга озгина медитация қилишни таклиф киламан. Эсингиздами, мен сизга кўркувлар рўйхатини тузишни таклиф қилгандим? Энди ўша кўркувларингиз рўйхатига қаранг ва чуқур нафас олинг. Нафас олиб, нафасингизни ушлаб туринг, бешгача сананг, рўйхатга қаранг, учгача нафасингизни чиқаринг, сўнг яна нафас олиб, чиқариб, рўйхатга қаранг. Тез орада сиз кўркув чекинаётганини ҳис этасиз.

Сизнинг кўркувларингиз энди аввалги кучга эга эмас. Агар ҳали ҳам улар ҳақида ўйлаётганингизда ноқулайлик сезсангиз, шундай қолаверсин, энди унга эътибор берманг. Шунчаки нафас олинг ва беш сония ҳавони ушлаб туриб, хотиржам нафас чиқаринг. Шу тарика бир неча дақиқа машқ қилинг ва ўзингизни енгилроқ ҳис қиласиз. Сиз бу онда кўркувни ҳис қилмаганингизни англайсиз.

Кейинчалик кўркувлардан бирига дуч келсангиз, у сизни илгаригидек кўркитмаётганини сезасиз, у кичрайди ва аввалги салобатини йўкотди, сиз ўзингизни эркинроқ ҳис қилдингиз. Ҳатто, балки ундан бутунлай қутулдингиз, энди у ҳақда ўйламанг. Унга кўп ҳам аҳамият берманг. Шунчаки эркин нафас олинг, кўркувларингиз ёзилган варагни йиртиб ташланг, ташлаб юборинг. Сўнг кўзингизни очинг — бўшашибонингизни албатта сезасиз.

# БИРИНЧИ БОСҚИЧ: КҮР-КҮРОНА БҮЙСУНУВЧАНЛИК СИНДРОМИ

Мақсадға әршиши үйлідеги тұңсықтар одамнинг ички шашончи унине мақсадларыға зид бұлған тақдирда юзага келади. Бир вақттар күчада яшашылға тұғри келген. Лекин мен "Сир"ни билүшігә сазовор бұлдым ва у ҳәттимни тұбдан үзгартышиға ёрдам берди. Агарда сизнинг бойын кетишігә бұлған ҳаракаттарыңыз бедүдә кетса, үйлашимча, сизнинг онгингиз остида нотұғри қарорлар бор. Сиз ҳаракат қилишиға, янги режалар түзүшігә уринишіг және "Сир" фильмінің қайта-қайта күринг. Уни иккі юз марта күрган адамлар бор. Иккі юз марта! Аммо сиз ички зиддияттарыңызның үзгартырмас экансиз, бирор нарасын ұам үзгартыра алмасылғынғы мүмкін.

Жо ВИТАЛЕ

## Саросимадан сұнгги ойдинлик

Онг уйғонишининг биринчи босқичига хуш келибсиз. Сиз ҳозир бир оз саросимага тушишингиз мүмкін — бу күркінчли эмас. Менинг Мэнди Эванс деган дугонам бор, у "Хиссіётли танлов" және "Текин саёхат" китобларынинг муаллифи, ажайып инсон. Бир куни у менга: "Саросима — мияннинг равшанлашиш олдидеги ҳолати", — деди. Менга бу фикр ёқди. Чунки күп марта саросимага тушганман ва биламанки, у ҳар доим йўқолиб, туман тарқалади ва қуёш чиқади. Биз айнан шу ҳақда гапирайапмиз. Агарда сиз ҳозир гумонсираётган бұлсанғыз — бу ажайыб, демек ҳаммаси режа асосида кетаяпти. Тұғрисини айтганда, дастур давомида яна саросимага тушишингиз мүмкін. Мен билан бирга бўлинг, оқ йўл!

## **Кўр-кўронада бўйсунувчанлик синдромини аниқлаб олиш**

Уйғонишнинг биринчи босқичи ҳақида гаплашайлик. У уйғониш билан кам боғланган, нега деганда инсон энди тугилиши билан ўзини бўйсунувчи деб ҳисоблайди. Балки сиз ўзгача фикрларсиз. Инсон туғилиши билан ташки таъсирларга бўйсуниш учун дастурланган бўлади. Болаликдан ота-онаси унинг миясига атроф, олам ҳақидаги ўз тушунчаларини куя бошлашади. Аста-секин биз оламда мавжуд бўлган тасаввурлар билан яшай бошлаймиз.

Шундай қилиб, ота-онангиз тасаввурлари ўзлари яшайдган борлиқни пайдо қиласди. Бу тасаввурлар билан онгингижни тўлдиришади. Гўдак атрофни англамайди. Унинг онги тоза қоғоз эмас, балки унга ўхшайди. Сиз ота-онангиз гапларига кулок соласиз, ҳаракатларини кузатасиз, хуроса чиқарасиз ва уларга тақлид қиласиз.

Масалан, агарда улар бойликка эришиш қийин, пул ёмон нарса деб ишонсалар ёки саломатликларини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурсалар, демак сиз уларнинг қарашларига ургу беришингиз эҳтимоли юқори. Ота-оналарнинг йўл-йўриклари айнан дастурлашга ўхшайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Вакти келиб, сиз мактабга чиқасиз. Мактабда ҳам сизга олам қандай тузилганини ўргатишади, лекин ўз онгингижни ўйготишни ўргатишмайди. Мактаб яшаб қолишини ўргатади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, олдига қўйилган вазифани бажара олади, лекин шаклан ва услубий жиҳатдан бенуқсон эмас. Мактаб ҳам бизни чеклашга дастурлайди. У сиз яшайдган дунёда етишмовчилик меъёрий ҳолат деган саёз фикрга бўйсунувчанликни тикиштириб, ишончни шаклантиради.

Бу ерда ҳам англаб, мулоҳаза килиш стишмайди. Бу динга ҳам тегишли. Ота-онангизнинг дунё пайдо бўлиши, Худова дин ҳақида тасаввурлари бор. Уларни савол бермасдан сингдириб оласиз. Мен буни яхши, ёмон ёки фарқи йўқ

деётганим йўк. Факат ҳаётиңгиз давомида, ота-она, давлат томонидан ёки оммавий ахборот воситалари ва бошка ташки таъсирларга берилишингизга далил келтирмоқчиман. Чунки телевизордаги кўрсатувлар, газеталардаги мақолалар, интернетдаги маълумотлар, умуман бошка ахборотлар сизга у ёки бу даражада таъсир қиласди. Бошқача айтганда, ота-онангиз, мактаб, давлат, оммавий ахборот воситалари сизни бўйсунувчан бўлишга дастурлайди.

## Биринчи босқич: кўр-кўронга бўйсунувчанлик

Биринчи босқич кўр-кўронга бўйсунувчанликка тўғридан-тўғри алокадордир. Кўпчилик умрининг охиригача ўзини бўйсунувчи деб ҳисоблаб яшайди. Улар фикрлаш тарзини ўзгартирамай, ҳаётларини яхши томонга ўзгартирумоқчи бўладилар. Мен бошпанасиз бўлганим ҳақида гапирган эдим. Мен иш топмоқчи бўлганиман, ўзини бўйсунувчи деб ҳисоблайдиган одамлар қылган ишларнинг ҳаммасини қылганман.

Мен резюме тарқатганман ва хизматга ёлланиб, яна бўйсунувчиларга хос хатони такролаганман, янги иш кидира бошлаганман. Ўзим ҳам турли инсонларга резюме ёзиб, пул топганман. Ўшанда менинг ҳар бир мижозим, хоҳ бош директор бўлсин ёки топ-менежер, улар ҳам бўйсунувчанликка мойил эканлигига зътибор берганман.

Бу одамларнинг ҳаммаси даромади хозиргидан унчалик катта бўлмаган иш кидирар эди, балки улар ҳам уйларига яқин иш, катта маош олишни ёки бошқа соҳада ишлашни исташгандир. Аммо уларнинг бирортаси ўзи учун ишламаган. Ҳаммалари бундан ортиғига ўзларини нолойик деб ҳисоблашар эди. Бундай хулқ бўйсунувчи руҳида катъий бўлади. Бу биз халос бўлишимиз зарур бўлган биринчи нарсадир.

## **Фақат бўйсунувчилар шикоят қиласидилар ва айблайдилар**

Сиз хато айбловлар орасида ўралашаётганингизни ёки гафлатда эканлигингизни англай оласиз. Эсимда, ҳали ёш пайтимда ўзимнинг ҳамма омадсизликларимда бошқаларни, ота-онамни, мактабни, таниш-нотанишларни айблардим ва бу мени бахтироқ қиласди. Мен бирорларни айблардим. Нега деганда ўз ҳаётим учун масъулиятни ўз бўйнимга олгим келмасди, қандай масъулиятли бўлишни билмасдим. Бу менинг бош нуқтаи назарим эмасди. Мен бўйсунувчи руҳиятига таянардим.

Мен бўйсунувчи эканинг фаҳмим ётмаган эди. Жек Лондон, Эрнест Хемингуэйга мафтун эдим. Чунки улар тизимга, ёввойи табиатга, удумларга қарши курашардилар. Китобларига қараганда ғолиб бўлардилар. Худди шуни такрорлашга интилиб, ўзимни маглуб бўлгандек ҳис қилишимни тушундим.

Мен олдинга қараб интилмасдим ва бу мени бахтили бўлишимга халақит берарди. Менинг онгим доимо курашишга тайёр ҳолатда турарди. Бундай бўлишига сабаб мен бўйсунувчилар сафида эдим. Буни эса англамасдим. Генри, Дэвид, Торо айтганидек, “Кўпчилик одамлар руҳан тушкунликда яшайдилар”. Худди шундай, мен тушкунликда яшардим. Эсланг: Сиз ҳам эҳтимол тизим, ҳокимијат, ва сайёрамизда ҳозирги вақтда юз бераётган салбий ҳодисалардан бир неча бор нолигансиз. Кўшниларни, қариндошларни, дўстларни ёки бирор нарсани айблагансиз.

Бу бўйсунувчининг хулқига ўхшамайдими? Биринчи босқичнинг асосий вазифаси сиз худди бўйсунувчикидек фикрлашингизни англаб, устингизда ишланг. Бу нима дегани? Ўзингизни бўйсунувчикидек ҳис қилиб: “Ҳозир мен бўйсунувчиман, эҳтимол бошқача йўл тутиб, мен бу босқичдан енгиб, янги босқичга ўтарман”, деган оддий фикрни ўйланг. Жуда кўпчилик тугилгандан то ўлгунга қадар шу босқичда қоладилар. Иккинчи, учинчи ва кейинги босқичларга ўта олмайдилар. Чунки улар биринчи босқичда

ўзларини бўйсунувчи деб англашмаган ва уйгонишмаган. Агар сизда қандайдир шубҳа колган бўлса, бу фалокат эмас. Ҳаммаси дастур давомида тушунарли бўлади.

Мен сиздан ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмасликни, ҳаммасини ўзингиздан ўтказишингизни сўрайман. Менинг гояларим ҳозирча сизга тушунарсиз кўринар. Чунки шу вактгача сиз билан бу ҳақда ҳеч ким очик, чин юракдан ва бундай эркин гаплашмаган. Яна бир марта ўзингиздан ҳаммасини ўтказишингизни ва ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмаслигини сўрайман. Мен билан қолинг ва биз йўлимизни давом эттирамиз — сиз аслида олам қандай тузилганлигини кўрасиз.

Сизга кўр-кўёна бўйсунувчи ким эканлигини тушунишга ва унинг доирасидан чиқиб кетишга ёрдам бераман. Асосий еттита муҳим жиҳатни санайман. Еттита асосий тамойил биринчи босқичда уйгонишга ва кейингисига қараб ҳаракатланишга ёрдам беради. Ҳозирнинг ўзида уларни кўриб чиқамиз. Агар сиз бошида саросимага тушсангиз, кулинг ва кейинроқ ҳаммаси равшан бўлишига ишонинг.

**1. Юз фоиз масъулият.** Сиз ҳаётнингизда юз бераётган ҳамма нарса учун масъулиятлisisiz. Ўзингизни айбламанг. Бу сизнинг айбингиз эмас, балки сизнинг бурчингиздир.

**2. Англашмаган идрок.** Сиз ўз тасаввурларингизни атрофдаги мухитдан ҳосил қиласиз. Бу англашмаган жараён. Ёдингиздами, мен туғилишингиз билан оламнинг тузилиши, қандай яшаш кераклиги ҳақида тасаввурлар ва ахборотларни олишни бошлайсиз деган эдим. Улар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирамайсиз — ҳаммаси онг остида юз беради.

**3. Сиз ўйлаганингиздан кўра кучлироқсиз.** Сиз оламии бошқармайсиз, лекин сиз ўзингиз тасаввур қилганингиздан кўра кучлироқсиз. Бу фикр сизни илҳомлантириши ва ўзингизни биринчи босқичда қандай тутишингизга кўра кўр-қитиши мумкин. Шунчаки буни мулоҳаза қилиб кўринг ва ўзингизга холис назар билан баҳо беринг.

**4. Ўз фикрларингизни англаш.** Фикрлаш тарзини ўзгаришингиз мумкин. Лекин бунинг учун фикрларингизни

англашингиз керак. Бу жуда қызик жараён: баъзилар ўзларида фикр борлигини сезишмайди. Биринчи босқичда бўйсунувчиларнинг фикрлаши аввалгидек қолади. Лекин шундай фикрлаш бўйсунувчанликнинг ўзидир. Сиз фикрлаш тарзингиз билан бир хилсиз. Ундан ажрала олмайсиз. Энди мени дикқат билан эшитинг. Ҳозир, айнан шу онда сиз бу дастур ҳақида ўйлайсиз. Бир сонияга дикқат килинг, аслида бу дастур ҳақида ўйлаяпсиз. Фикрлаш бор, ўз фикрларингизни англаш бор. Умумий жараёнданд алоҳидабир элементни ажратади олмасангиз, бу ўша сиз ўйлаётган нарса эканлигини билинг. Сиз фикрларни ўзгартиришингиз учун ўз фикрларингизга боғлик бўлмаган равишда яшаётганлигингизни англашингиз керак. Бу бўйсунувчанлик рухиятидан қутулишнинг ва иккинчи босқичга қараб ҳаракат қилишнинг энг муҳим қадамидир.

**5. Меъёри билмаслик.** Кейинги қадамнингиз сиз ҳамма нарсага қодирлигингизни англаш бўлади. Сиз амалга оширамайдиган ишнинг ўзи йўқ. Менга бу фикр жуда ёқади. Кўпчилик: “Йўқ, бу бўлиши мумкин эмас, қандайдир чегаралар мавжуд-ку”, дейиншади. Дарҳақиқат, бўйсунувчанлик фикри сизни айнан шундай эканлигини тушунишга мажбур қиласди. Бироқ орқага — тарихий воқеаларга, қадимги дунё, ҳозирги замон тараққиётига назар ташласангиз, сиз имкониятни йўқ бўлган нарсанинг ўзи мавжуд эмаслигини тушунасиз. Имкон ва имкониятсизлик ҳақида фикрлаб, биз бугунги илмий қарашларга суюнамиз.

Илмий қарашлар доимий эмас, у бизнинг олам ҳақидаги библиотекамиз билан биргаликда ўзгаради. Шунинг учун ўзингизга хурсандчилик баҳш этинг ва бир дақиқага ўзингизни ҳамма нарсага қодирдек ҳисобланг, сиз учун чексиз имкониятлар бор ва буни ҳақиқат деб тасаввур қилинг. Сиз нимага қодирлигингизни билмайсиз. Чунки ҳали кўп ишларни бажаришга уриниб кўрмагансиз. Ҳатто қўлингиздан келадиган ишларнинг кичик қисмини ҳам бажаришга уринмагансиз. Фақатгина ҳаракат қилиб

кўриб, имкониятларингиз қаерда тугашини тушунишингиз мумкин. Ўз тасаввурларингизни ўзгартирибгина сиз унинг чексизлигини англайсиз. Чеклов ва чегаралар фақат онгингизда мавжуд.

**6. Ҳиссиётлар ёнилғи каби зарур.** Ҳиссиётлар ёрдамида ҳар қандай тасаввур моддийлашишга мойил. У буюк кучга эга. Сиз доимо ёқтирадиган ёки нафратланадиган нарсаларга дуч келишингизни ҳар ҳолда сезгандирсиз. Негаки, тасаввур ёркин ҳиссиётли ранглар билан биргаликда намоён бўлади. Бир оз кечрок ҳаммасига батафсил тўхталаман, сизнинг онгингиздаги тасаввурингиз ёркин ранглар билан яратилиб, онг остида мустахкамланади ва кўпинча моддийлашади.

**7. Табний истак.** Мўъжизалар миянгиздан бирор нарсага боғлиқлигингизни чиқариб ташлаш ёки ундан воз кечганингиздан кейин бошланади. Бу жуда муҳим. Мен ҳозир сизга айтмоқчи бўлганим бажариб бўлмайдигандай туюлади. Бироқ бу ҳақиқат. Нимани истасангиз шунга эга бўлишингиз мумкин. Факат унга бўлган эҳтиёжни тўхтатишнинг ўзи кифоя. Кейинроқ нима ҳақида гапираётганимни тушуниб оласиз. Можият шундаки, агар сиз бирор нарсага жуда ҳам боғланиб қолсангиз, у сизга жуда зарур бўлса, бирор нарса содир бўлиши керак бўлса, сиздан ўз истакларингизни амалга ошишида унга қаршилик кўрсатувчи қувват ажralиб чиқади.

Ўз орзуларингизга енгил ёндашинг, муҳаббат қувватини тарқатинг ва уларга бўлган муносабатнингиз мажбурий эмаслиги туфайли сиз истаган нарсангиз ҳаётингизга жуда тез кириб келади.

## Ҳамма ўзини шундай тутади

Шундай қилиб, сиз еттита асосий тамоийил билан танишдингиз. Улар сизни уйғонишнинг биринчи босқичидан иккинчи босқичига ўтишингизга ёрдам беради. Сизда қандайдир фикрлар ёки тасаввурлар пайдо бўлишин мумкин. Балки сиз ҳеч нарсага тушунмагандирсиз. Нимани ҳис килаяпсиз? Сўраётганимнинг сабаби, сизнинг онг остин-

гизда туриб қолган “бўйсунувчи” — айёр мавжудотdir, у жуда чукур жойлашиб олган. Ўзингизга, гапираётган гапларингизга эътибор беринг. Балки сиз: “Доктор Витале умуман ноҳақ”, деяётгандирсиз.

Тасаввур қилинг, сиз ҳалокатга учрадингиз. Сизнингча ким айбдор? Сиз телевизор кўраяпсиз ва қандайдир ёмон ходиса юз бераялти. Айтайлик, молиявий инқироз ёки теракт юз берди. Кимни айблайсиз? Сабабини ўзингиздан қидиринг, лекин сиз ҳокимият ёки сиёсий вазиятни сўкасиз. Ишдаги муаммоларингизда кимни айблайсиз, раҳбариятними? Назоратчи ташкилотларними? Бўйсунувчи одамлар бошқа бировларни айглашга мойиллар. Улар ўзларидан бошқа ҳаммани айблайдилар.

Аввало мен сиздан ҳамма ўзини шундай тутишини англашингизни сўрайман. Мен ҳам ўзимни шундай тутаман, сиз ҳам. Балки ҳар доим ҳам шундай тутгандирсиз. Сиздан илтимос, қилаётган нарсанинг бори фақат шуни англаш. Бу китоб айнан англашингизга ёрдам бериш учун яратилган. Унда онгнинг англиши ёритилади. Англаб, сиз ғафлат уйкусидан уйғонасиз.

## Эркинлик хиссиёти

Юкорида кўрсатилган еттита тамойилни қабул қилиш учун осон ёки мураккаб кўрингандир. Қандай бўлмасин, сиз улар ҳақида ўйлаб кўргандирсиз. Бир фикрга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман. Яқинда биз мураккаброқ нарсани ўрганамиз. Демак, сиз еттита асосий тамойил билан танишиб, улар ҳақида ўйлаб кўрдингиз. Бу ақлий жараённи, келинг, бошқача таърифлаймиз.

Хозир айнан мен сизга савол берган онда бирор нарса ҳақида ўйлаяпсизми? Елкангизни кисиб, мени тушунмаяпсиз ёки “Мен ўйлаяпман, лекин бу менинг фикрларим эмас”, деб тан оласиз. Фикрлар пайдо бўлади ва осмондаги булутдек

тезда йўқолади. Фикрлар бизнинг онгимиз негизидир. Сиз фикр эмассиз ва у ҳам сиз эмас. Фикрларингизни шунчаки кузатиш мумкин. Улардан четлашиш мумкин шу бу эркинлик беради. Шундай қилиб, англашнинг янги даражаси бошланади. Ҳозирча, шунчаки ўз фикрларингизни кузатинг ва кузата туриб, янгилик билан нафас олинг — ахир бу ҳаётингиздаги муҳим бурилиш онлариdir. Ўзингизни бўйсунувчи деб тан олиш жуда осон. Бирорни бармоқ билан никташ осон. Юкорида ёзилган, еттига тамойилни миянгиздан чиқариб ташлаш ҳам жуда осон. Бари бир, менга ишонишингизни сўрайман.

Ўйғонишинг ҳамма босқичларидан ўтганман ва сизга ёнг биринчи босқичдан ўтишга ёрдам бермоқчиман. Эсингиздами, Далласдаги бошпанасиз ҳаётимдан сўнг мен учун у ерга қайтиб бориш қийин эди. Сабаби шундаки, мен ҳам жуда узок вакт кўр-кўrona бўйсунувчи синдроми билан яшаганман. Ҳар сафар шу шаҳарга қайтганимда, у намоён бўларди. Ўз устингизда ишлаганингизга, китобларни ўқиганингизга, аудиокурсларни эшитишингизга қарамасдан ҳаётингизнинг баъзи бир соҳаларида бўйсунувчанлик руҳи ҳали ҳам ҳукмронлик қиласди. Балки шахсий ҳаётингиз ажойиб кечеётгандир, лекин соглигингиз билан боялиқ муаммолар бордир. Бунда ким айбдор? Ўзингизнинг молиявий муаммоларингиз учун кимни айблайсиз?

Менда Далласгабориш учун икки ёки уч маротаба зарурят пайдо бўлди ва фактат мўъжиза мени онг остимни бошқарувчи заарли тасаввурлардан халос бўлишга ёрдам берди. Бу дастур давомида мен сизларга кераксиз тасаввурлардан халос бўлиш учун ичингизда бўйсунувчанликни ҳис қилмасликни, ҳаётингизнинг ҳамма соҳаларидан лаззат олишни ўргатувчи машқлар, медиатив техникаларни таклиф қиласман. Бу онгнинг ўйғониш вазифасидан иборат. Бу еттига тамойилни қабул қилишдан ва ўз фикрларини кузатиш одати билан бошланадиган биринчи қадамдир.

## **Барчаси ўтмишда қолди**

Сизнинг ҳаётингизда бўйсунувчи ролида бўлган ҳодисалар юз берганлигини англаш жуда муҳим. Мен ўтмишда юз берган ҳодисалар ҳақида гапирмаяпман. Улар энди йўқ. Уларнинг баъзиларидан сиз фикран фориг бўлишингиз зарур. Мен шуни билишингизни истардимки, жалб этувчи сиз хоҳламаган ҳолатларга, сизни боғлаб турувчи фикр тарзларига ўзингизни бўйсунувчи деб ҳис қилганингиз учун тушасиз. Дарҳакиқат, одамлар автоҳалокатларга учрайдилар, касал бўладилар, зўравонликка дуч келадилар. Баъзида одамлар ҳақиқатан ҳам кўр-кўрона бўйсунувчи ролида бўладилар. Биз бу ерда бошқа нарса ҳақида гапирайпмиз.

Биз ҳар доим бир нарсани: сен ғолиб бўлмайсан деган фикр ҳақида гапирайпмиз. Шундай кайфиятда қолиб, ниманидир ўзгартиришга ҳаракат қилиш керак. Мақсадга эришиш ҳақида китоб сотиб олиш мумкин. Доктор олдига бориш мумкин. Бўш ўринлар ҳақидаги эълонга янги резюме тузиб жўнатиш мумкин. Бари бир сиз биринчи босқич доирасида қоласиз ва ҳали ҳам бўйсунувчи позициясида ҳаракат қиласиз. Ўтмиш келажакка тенг эмаслигини тушунишингиз керак. Ўтмишда бўлган воқеаларни такрорлаш шарт эмас. Нимани хоҳласангиз ҳаммаси ҳаётингизга кириб келиши мумкин. Фақат ўз фикрларингизни тартибга солсангиз бўлди.

## **Кучларни янгича ҳис қилинг**

Яна чукур нафас олинг. Ўз тасаввурларингиз, фикрларингизни англанг ва сизнинг ҳаётингизда юз бераётган ҳамма нарсада, балки сиз ўзингизни айбламассиз. Балки ўзингиз ўйлагандан кўра, анча кучлироқдирсиз. Агар ҳали ҳам сиз еттита тамойилнинг тўғрилигига шубҳаланаётган бўлсангиз, орқага қайting ва бошқатдан уларни ўқиб чиқинг.

Агар онгингиз уларни қабул қиласа, янги кучлар қуиилиб келаётганини ҳис қиласиз. Бу хиссиёт туфайли бўйсунувчи бўлишдан тўхтайсиз ва иккинчи босқичга ўтасиз. У ерда мен сизни қувонч билан кутиб оламан. Ўз бўйсунувчанлик тажрибамдан бу ёқимли ҳолат эмаслигини биламан.

Ҳаёт қанчалик ажойиб бўлиши мумкинлигини тасаввур қилингиз қийин. Ахир, ҳозир ҳам, тепангизни қора булат коплаётгандек туюлаяпти. Сизнинг уйғонишингиз ўз фикрларингизга эътибор беришни ўрганиб, ўйлага-нингиздан кўра кўпроқ нарсага эга бўлишингизни англаб, бўйсунувчанликка хос фикрлаш тарзидан кутулиб, маъсул-иятингизни ҳис қилган лаҳзадан бошланади.

## Бўйсунувчида ҳам танлов бор

Ёднингизда сақланг: агар сизга боғлиқ бирор кор-ҳол рўй берса сизда танлаш имконияти бўлади, ҳатто сиз бўйсунувчи бўлсангиз ҳам. Бўйсунувчи руҳиятли одамларнинг ҳаммаси ҳам уларда танлаш имконияти борлигини билмайдилар, билгандари эса тўғри қарор қабул киладилар. Бошқача айтганда, бир оиласда катта бўлган икки киши бир хил баҳтсизликларни бошдан кечирган бўлсалар ҳам турлича ҳаёт кечира оладилар. Улардан бири тақдирини лаънатлаб, ўзини ярамас деб ҳисоблади, иккинчиси эса салбий ўтмишидан тўғри хулоса чиқариб, хато килмасликка ҳаракат қилади. У ўз маслаҳатлари билан яраланган қалбларга мадад бериши мумкин. Танлов доим бор.

Сиз бошингиздан кечираётгандарингизни катта баҳтсизлик деб баҳолашингиз ёки ҳаммаси яхшиликка дейи-шингиз мумкин. Бу коидалар истисносиз бўлмайди. Ҳатто бўйсунувчи руҳидагилар ҳам ўзини қандай тутиш ва бўлаётган ҳодисаларга ўз муносабатларини билдира оладилар. “Emotional Options” ва “Travelling Free” китобларининг муаллифи

Мэнди Эванс иккинчи ишида бўйсунувчи рух хақида ёзиб, китобхонларга фикран ўтган йил воқеаларига қайтишни ва уларни таҳлил қилишни таклиф этади. У воқеанинг аҳамияти йўқ, фақат унга бўлган сизнинг муносабатингизнинг аҳамияти бор деб ҳисоблайди. Бу жуда мухим. Агар ўша воқеани сиз фожиа ҳисоблаб, уни кечира олмасангиз ва эсингиздан чиқара олмасангиз, у етказган жароҳат узок вақт битмайди, оғриб юраверади. Сиз баҳтсиз бўласиз, ҳатто ўзингизга яна худди шундай кўнгилсизликларни орттирасиз. Сизда оғир хотиралар қолиши аниқ. Эванс бари бир “кўнгилсиз воқеаларга яна бир бор назар ташлаб, унга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг, балки унинг яхши томонлари топилиб қолар” дейди.

### ЁМОНЛИКДАН ЯХШИЛІК ҚИДИРИНГ

“Тортишиш кучи сири” китобимда Курт Райтнинг гапларини ёзган эдим. Унинг фикрича: ўтган воқеани, дейлик бир йил аввалгисини, ўшанда у сизга фожиадек туюлган ва унда ўзингизни бўйсундирилган деб ҳисоблагансиз, ҳозир бир йил ўтиб, ўша воқеага четдан назар солиш имкониятингиз бор, унинг фожиали эмас, ҳаттоки ажойиблигини ҳам тушунасиз. Балки шу воқеани бугун кимгадир сўзлаб берётганингизда сиз одамларни кулдира оларсиз.

Райт агарда бир йил вакт ўтгач, ўтган воқеаларнинг нимасидандир кулгили нарса топа олсангиз ва ҳисснётга берилмасангиз, демак ўшанда ҳам шундай қилиш мумкин эди, деб ҳисоблайди. Агарда яхшилаб ўйлаб қарасангиз, бу жуда теран фикр. Сиз қандай воқеаларни бошингиздан кечиргансиз, онгингиз қанчалик бўйсунувчан, моҳиятан буларнинг катта аҳамияти йўқ, ҳар доим бўлаётган ҳодисаларга четдан назар ташлаш имконияти бор, ундан яхши ва ўзингизга фойдали томонларни топиш мумкин. Кўчада яшаган

найтимдаги ҳаёттій тажрибам ҳақида ва қашшоқпикка қарши курашим ҳақида гапирганимда, ўша кунлардаги воқсалар мени күчлироқ қылганини айтишни унуганым йўқ.

Мени бошқаларни илҳомлантиришга ёрдам берувчи ва сизни ҳам умид қиласанки, илҳомлантирувчи ўтмишим шундай пайдо бўлган эди. Факат шунинг ўзигина ўша даврни омадсиз хисоблашга йўл кўймайди. Мен сизга ҳаётингиздаги барча нарсалар яхшиликка, деб ишонтиришга мажбур қилмоқчи эмасман, аниқ биламан, шундай воқеалар бўладики, одамнинг қалбида чукур жароҳат қолдиради. Улар узок вакт оғриши мумкин. Ҳечқини йўқ, ўкишда давом этинг ва менинг сўзларимдан сизга бўлган муҳаббатимни ҳис этасиз.

Сухбатимизни давом эттирамиз, сиз салбий хиссийт-ларингизни енгасиз ва уйгонасиз, кейин умуман янги босқичга ўтасиз. Эйнштейн: “Муаммони у вужудга келган сабабдан ортиқроқ даражада ечиш мумкин эмас”, – деган эди. Гап фикрлаш доирасининг кенгайиши ҳақида кетаянти. Гап ўз фикрларингизни англашингиз ва уйгошишнинг тўрт босқичидан ўтишингиз ҳақида. Биринчи босқичнинг ўзида ҳали сиз бўйсунувчи эканлигингизда ва бу ҳақда ҳали гумонсирамаётганингизда уйгониш бошланиши керак. Сиз ҳозир нима ҳақда ўйляяпсиз? Кимни айблаяпсиз? Сиз фикрингиздан ташқарида мавжудлигингизни англанг.

## Шикоят қилишни бас қилинг

Сизга Уилл Боузнинг “Нолишдан тўхта ва олам ўзгаради” деб номланган китобини тавсия этишга ижозат беринг. Мен муаллиф билан бир неча бор учрашганман ва ҳозир ҳам унинг жамғармасидаги директорлар кенгashi аъзосиман. Биз бутун дунёда шикоят ва нолишга қарши харакат бошладик. Бу фикр тутуруқсиздек туюлади. Ҳаммамиз нолиймиз, айниқса бўйсунувчилар. Бўйсунувчилар доимо кимлардандир нолий-

дилар. Уилл Боуэн услуги айниқса биринчы боскичда керак бўлади ва иккинчисида ҳам ундан фойдаланамиз. Бу турли нарсаларни англаш, фикрлаш, ўсиш даражаларига, ҳаётнинг хоҳлаган даври учун фойдалидир.

Боуэн 30 кун давомида нолимасликни вазифа қилиб беради. Унинг мақсади — англашни ўрганиш. Менга бу машқлар жуда ёқади, чунки мен ниятнинг кучига ишонаман ва бу ҳақда биз кечроқ гаплашамиз. Боуэн: “Қачон нолимоқчи бўлсангиз тўхтаб туриңг. Ҳозир сизни тезлиқда қувиб ўтган йигитнинг, раҳбарингизнинг ёки яна бир бошқа одамнинг устидан нолиш истаги пайдо бўлади. Йигилиб қолган ранжалам чикиш йўлини кидира бошлайди. Унинг чикишига йўл кўйманг. Тўхтанг, ўзингизни ушланг. Аламингизни бошқа йўл билан чиқаринг, бирор фойдали иш билан шугулланинг. Комедия кўринг, кизикарли китоб ўкинг: Шикоятингизни эмас, келгуси ишларингиз ҳолатини яхшилашни белгилаб кўйинг”, – деб маслаҳат беради.

Агарда сиз “Тортишиш кучи сири” китобимни ўқимаган ва “Сир” фильмини кўрмаган бўлсангиз, бу сиз учун умуман янгилик бўлади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил гаплашамиз. Ҳозир сиздан талабим — ўз фикрларингизни англанг. Бу ҳозир биринчи боскичда, ўзингизнинг бўйсунувчи эканлигинизни тушуна бошлаётганингизда, вазиятни ўзгартирмоқчи бўлаётганингизда жуда муҳимдир. Ўз кучини ҳис килишининг йўли — бу бирор нарсани гапиришдан аввал ўз ниятини ўйлашдир. Сўзларни эмас, уни айтишдан олдин мақсадингизни аникланг. Миянгизда фикр пайдо бўлдими, уни айтмоқчисиз, нола қилмоқчисиз, лекин тилингизни тийинг. Тин олинг ва сизга нима кераклиги ҳақида ўйланг.

Масалан, тўлов қоғозини ола туриб: “Менинг тўлашга пулим йўқ” деманг, “Бу тўловни тўлаш учун етарли пулга эга бўлишни истайман” денг.

## **Ноқулайликдан ҳимояланган әмассиз**

Агарда баъзи бир ноқулайликни ҳис қилсангиз, хавотир олманг. Ахир сиз биринчи марта шундай рухда фикрлаб, ўз мақсадларингизни шу тарзда намоён этасиз. Бўйсунувчи ҳолатида кўп вақт давомида бўлсангиз, бошида ўзингизни ноқулай сезасиз. Бир неча амалиётдан сўнг енгилроқ бўлади. Биринчи боскичда ўз фикрларингизга эътибор беринг.

### **Ўз нутқингизни яхшиланг**

Мен сизга бир маслаҳат бермоқчиман. Нимадир ҳақида фикр юритаётганингизда, ҳатто бўйсунувчи доирасидан чиқмаган бўлсангиз ҳам, ўз нутқингизни тўғрилашингиз мумкин. Бошқалар “муаммо” дейишаётганда, сиз “имконият” ҳақида гапиринг. Бу онгингиздаги ҳақиқий ўзгариш. Бу ўйин қондасига кўра “қилишим керак” иборасини ижобиЙРОК, “Мен қилмоқчиман”га ўзгаргиришингиз керак (“Мен ишга бормоқчиман”, “Мен бу масалани ҳал қилмоқчиман”, “Мен шу ишни бажармоқчиман”). “Мен қилмоқчиман” (бирор нимадир қилиш), ўзида кўпроқ яратувчилик кучини олиб юради. “Менга керак” иборасида маҳкумлик ва шикоят ётади.

Иккинчи ибора салбий тонлар билан бўялган. У кўпроқ бўйсунувчига хос. Ўз нутқингизни назорат қила туриб, атрофдаги ҳодисаларни назорат қила бошлийсиз. “Омадсизлик” деманг, “таклиф” денг, “менинг душманим бор” эмас, “менинг бир ошнам бор...” денг. “Ҳаётимни кимдир бузаяпти” эмас, “у мени яашашга ўргатаяпти” денг. “Огрияпти” эмас, “огриқка ишора бераяпти”, денг. Негаки, ҳақиқатан ҳам оғриқ, сиз билишингиз керак бўлган нарсалардан хабар бераяпти.

## **Огриқ дўст бўлиши мумкин**

Жисмоний огриқ билан боглиқ бўлган вазиятга эътибор қаратинг. Улар сизга сабоқ бўлиши мумкин. Кўпчилик огрикни сезувчи бўйсунувчилар зудлик билан уни бартараф килишга интиладилар. Агар сиз бу огрикни чакираётган ҳакиқий сабабни билсангиз, ундан бутунлай кутулишингиз мумкин. Шундай қилиб огриқ хабарга айланади. “Мен талаб киламан” сўзларининг ўрнига “Мен истардимки”ни айтиш мумкин. Бу иборада атрофдагиларга нисбатан меҳрибонлик ва муҳаббат кўпроқ.

Шикоят қилиш ўрнига одамга илтимос билан мурожаат қилинг. “Мен у билан курашайман” сўзларини “Мен ҳали бундан ҳалос бўлмадим”га алмаштиринг. Ҳайратда айтилган “Мен буни бажара олдим!”нинг ўрнига “Мен буни бажардим” деган яхшироқ. Уйғонишнинг биринчи босқичи сизнинг қаршингизда кўп йўлларни очади. Нутқ, фикрлаш ёкни онгингиз билан ишлаш мумкин, асосийси бошлаб олиш. Ҳаммамиз бўйсунувчи бўлганмиз, шу жумладан мен ҳам. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони ҳам, унда бизнинг айбнимиз ҳам йўқ. Сиз уйғонаяпсиз, ўзингиз учун масъулиятни оляяпсиз, сиз олдинга қараб интиляяпсиз. Ҳаммасини тўғри қилаяпман деб елкангизга қоқиб кўйсангиз ҳам бўлади. Ҳаётингизни яхши томонига ўзgartираётганингиз учун ўзингизни мукофотлашингиз ҳам мумкин.

## **Орзуларингиз ортидан боринг**

Орзуларингиз ортидан бораётганингизда сизни кўллаб-кувватлаш учун маслаҳат бермоқчиман. Мен ўзимни ва атрофдагиларни кўллаш учун имкон кидирувчилар қаторига кираман. Лекин ҳар доим ҳам бундай бўлмаган. Олдин ҳамма нарса ва ҳаммадан газабланардим. Кунлардан бир куни менга ишонадиган одамлар пайдо бўлди. Улар менинг қалбимда

яширингандын эзгулик уругини топиши. Унга сув күйиб, күштүгө күйиншди, бу уруг ўсганида ҳаммаси ўзгарди. Айнан шу нарсаны сизлар билан баҳам күрмөкчиман.

Мен сизни күллаб-куватлайман ва маъкуллайман. Якинда мендан “Кувватлаш катта аҳамиятга эга эканлигини қачон тушунгансиз? Ўзини ва бошқаларни күллаб-куватлашни бошлаш мүйжиза яратишга қодирлигини қандай билгансиз?” деб сүрашди.

Мен эсладим: Бу 1980 йилларда, мен “Марва Коллинз йўли” китобини ўқиганимда юз берганди. Чикаголик ўқитувчи Марва Коллинз шаҳар марказида аҳоли зич жойлашган тумандаги мактабда дарс берар эди. Бир муддат мактаб тизимида ишлагач, ундан кўнгли совиб, ишдан кетди. Ўзининг иккинчи қаватида ўз мактабини очди. Аввал 5 та ўкувчини ўқитди. Уларнинг 2 нафари ўзининг фарзандлари эди. З таси тарбияси оғир, “ўзига хос” болалар эди. Улар саводсиз, таълим-тарбияга мойил бўлмаган — маъмурий таълим тизими шундай деб ҳисоблайдиган болалар эди. Марва уларни ўз мактабига қабул қилди ва ҳар хил йўллар билан уларни мукофотларди. Китобни ўқиб, у болаларни жуда яхши кўрганини тушундим.

У ҳатто ўзини яхши кўрмайдиган болаларни ҳам яхши кўрарди. Улар ўзларини ёлгиз ҳис қилганларидан, моҳияттан бўйсунувчан бўлганликлари учун ўзларини яхши кўрмаганлар. Марва болаларга ўкишни, ёзишни, тўғри гапиришни ўргатди. Бир йил ўтгач, болалар тест топшириши. Улар одатдаги бошқа болаларга караганда 5 балл юқори баҳо олиши.

Шу тарника “Марва Коллинз йўли” китоби машҳур бўлиб кетди. Муаллифга катта шахсий мактаб очишига имкон берди. Тўғри, у рўйхатдаги мактабида ўкишни истаган 800 та боладан фақат 200 тасини қабул қилди. Ақлга сиғдириб бўлмайди! Аёл ахир ўзларини маҳкум деб ўйлаган болаларни

қабул қилиб, уларга ўз мұхаббатини тақдим этган. Уларнинг озгина бўлса-да, ижобий фазилатларини кўра олган, бу энг мухими эди. У болаларни бирор нарсада хато қилсалар танқид қилмаган, вазифани тўғри бажаргандарида эса мукофотлаган.

“Эйнштейн омили” китобининг муаллифи Вин Венгернинг фаолиятини ўргангандан. У одамларга билим дара-жасини қандай ошириш мумкинлигини ўргатади ва ва буни амалда кўллади. Кўпчилик одамлар юксак акл-идрок коэффициенти ўзгармас микдорда деб ҳисоблашади. Лекин бу фикр бўйсунувчи руҳиятига асосланади. Вин фикрлашни, аникроғи фикр юрнишни, кунига атиги 20 дақиқа фикрлаш машқларини бажарини таклиф қиласди. У ўз IQ радикалини ўзгартиради. Ажойиб!

Вин мен учун: “Катта эътибор қаратган соҳангда кўпроқ натижага эришасан”, – деган биринчи психологик қонунни кашф этди. Қандайдир яхши ишларни бажараётган одамни кўрса, у мақтарди. Марва Коллинз ҳам бола бирор ишни кўнгилдагидай бажарса, уни мақтаган. Мукофот улар кўп эътибор берадиган соҳадаги натижаларни кучайтиради. Агар сиз бирор нарсага дикқатингизни жалб қилсангиз, бу ҳаётингизда каттароқ натижа беради.

## Яхшилик ҳақида ўйланг

Агар сиз дикқатингизни ўзингизнинг муаммоларингиз ёки қандайдир кўнгилсизликларга бўйсунувчи сифатида жамласангиз, ҳаётингизда салбий вазиятлар кўпаяди. Бунда ҳеч қандай хатолик йўқ. Бу Вин Венгернинг биринчи психологик қонуни. Умуман олганда ўзини мукофотлаш усули, ўз ижобий сифатларини кўллаш, ўзидан турурланиш ва севиши мумкин бўлган сифатларни топиш — равнақ топиш ва уйгонишнинг иккинчи босқичига ўтиш йўлидир.

Сиз кучлироқ бўлганингизни, ижодий қобилятингиз очилганини, ўзингизни яхшироқ назорат килаётганингизни

шо қандай хусусиятларингиз учун ўзингизни севишингиз мумкинлигини, улар сиз ҳисоблагандан кўра анча кўплигини билиб қолдингиз. Шунда кўр-кўронга бўйсунувчаник син-дроми йўқола бошлади.

Мен Марва Коллинз, Вин Венгернинг услубидан Хьюстонда маърузалар ўқиётган пайтимда фойдаландим. Уни ёзувчилик ва публицистника маҳорати бўйича ўтказилган машгулотларимда қўллай бошладим. Уларнинг йўлидан бориб, ўзини маҳкум деб ҳисоблаётган одамларни қўллаб-кувватладим ва маъкулладим, шунда улар ажойиб ишларни бажаришиди. Гарчи уларнинг ҳеч кайсиси бу қаюндир юз беришига умид килмаса ҳам уларнинг ёзганлари нашр қилинади.

Тингловчиларимдан бирин талабалик давридан бери бирор мисра битмаган. Нега деганда унинг ижодини отаси тан олмасди. Унинг салбий муносабати киз қалбини чукур жароҳатлади. Киз ўзини бўйсунувчи деб ҳис қиласди. Мен унга бир неча маслаҳатлар бердим ва ёзувчилик ҳақидаги орзусини қўллаб-кувватладим, у китоб ёзди. Дарҳақиқат, ажойиб китоб. Бу китоб нашр этилдими-йўқми билмадим, аммо менимча, бу аёл ярим йўлда тўхтаб қолмади. Унга ишонадиган ноширни қидирди. Бу тамойиллар “Мўъжизалар яратамиз” деган дастурим асосида ётади. У туфайли одамлар ўзига ишонадиган ва қувватлайдиган одамлар билан мулокот қила олади.

## Ўзингизга ишонинг

Мана менинг сизга берадиган кўрсатмам: Сиз ўзингизга ишонишингиз керак. Агар ўзингизга яхшироқ эътибор берсангиз, унда сиз яхшини ҳам, ёмонни ҳам, нафратни ҳам топасиз. Сиз факат яхшиликка фикрингизни жамлашингизни истайман. Мен сизни уйғонишнинг биринчи босқичида

Ўзингизнинг энг яхши томонларингизни англаб, равнак топишингизни истайман.

## Ўз қадр-қимматингизни билинг

Бу босқичда бажарадиган энг доно ишингиз — ўз нуктаи назарингиз ёки атрофдагиларнинг фикрлари бўйича кучли сифатларингиз рўйхатини тузинг. Масалан, сизнинг севимли машгулотларингиз. Уларга сиз вақтингизни фойда келтириш-келтирмаслигидан қатъи назар сарфлашга тайёрсиз. Бу ашула айтишми, мусика басталашми, боғбончилик, таълим ва четтилини ўрганиш бўлиши мумкин.

Рўйхатдаги бандлар микдори чекланмаган. Барчасини ёзинг. Мен сизнинг ижобий сифатларингизга эътибор жамланишини истайман. Ҳаммангиз буни инобатга олинг. Бу ўз фазилатларингиз ва билимларингизни англашнинг аъло усули. Ўзингизда мавжуд бўлган энг яхши сифатларингизга диккатнингизни жамланг. Агар биз қачонки яхшиликка диккатимизни қаратсак, у бизнинг ҳаётимизда кўпаяди. Буни ёдда тутинг. Яна бу ўзингизга бўлган муҳаббатингизнинг ажойиб усулидир. Ижобий сабабни қидиринг.

## Ижобий фазилатларни қидиринг

Эсингизда бўлсин бу фақат рўйхат, навбатдаги маҳкумлик учун сабаб эмас. Бунга ўйинdek муносабатда бўлинг. Нафас олинг — нафас олиш катта аҳамиятга эга. Вазифани бажараётган вактда 2–3 марта олинган чукур нафас ишингизни анча енгиллаштиради. Бутун танангизни ишга солинг. Яхшилаб керишинг. Давом эттиринг. Елкаларингизни енгил сикинг. Тўғри ўтиринг. Чукур нафас олинг, сўнг астасекин нафас чиқаринг. Машгулот устида ўзингизни бўшашибингизга имкон беринг.

Сиз ўзингизни бўйсунувчи деб ҳис қилган вазият ёки онларнинг рўйхатини тузинг. Тугатгач, улардан бирини ташланг — мен сизга уни нима қилишни тушунтираман. Шунчаки ёзганларингизни кўриб чиқинг ва кўзингиз тушган биринчи жойда тўхтанг. Нима бўлишининг фарки йўқ: бу ерда тўғри ёки нотўғри қарор йўқ. Бандлардан бири сизнинг қаршингизда, сиз уни танладингиз. Сиз бундан хурсандсиз. Энди сиз у билан сухбатлашишингиз керак. Буни ёзма ёки оғзаки равишда бажаришингиз мумкин. Таңлаган бандингиздан у сизга нимани ўргатиши мумкинлигини аниклаб олинг. Сизнинг вазифангиз юз берган ҳодисанинг ижобий, қандайдир яхши томони борлигини тахмин қилишидир. Тўғри нафас олишни унутманг. Сиз бехатар жойдасиз, бўшашибсан. Ҳаммаси жойида. Сиз бу вазият ва ҳолатларни назорат қилаяпсиз, сиз хотиржамсиз. Уларга хавотирсиз қараш мумкин.

Яхши. Сиз рўйхатдаги бир бандни, бир ҳодисани танладингиз. У сиз билан ўтмишда юз берган ва ҳозир унга гўёки четдан қарайапсиз. Қаранг, у худди сиз билан гаплашаётгандек кўринади. Агар тасаввур қилсангиз, ўзининг аҳамияти тўғрисида балки бирор нарса айтар. Сиз нимани ҳис этсангиз, эшиитсангиз ёки тахмин қилсангиз ҳам уни қабул қилинг. Тақид қилманг, муҳокама қилманг ва айбламанг. Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолаверсин.

Шундай қилиб, ўзингиздан унинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлган, унда қандай ижобий мазмун ётганлигини сўранг. Миянгиздан ўтаётган ҳамма нарса қабул қилинади. Агар унинг жавоби эшиитилмаса, ўзингизни худди уни эшитаётгандек тутинг. Бу вазиятда гаплаша оладигандек тасаввур қилинг. Унинг орқасида ижобий сабаблар тургандек қабул қилинг. Хуллас, сабаби қандай бўлиши мумкин? Миянгизга келганларининг ҳаммасини белгиланг. Агар хаёлингиз сизга панд берса, зўриқманг, у кечроқ — айланиб

юрган пайтингизда ёки телевизор кўраётганингизда, ҳатто ухлаётганингизда келиши мумкин. Ишонинг, у келади. Сиз ният қилдингиз.

Сиз рўйхатингиздаги кўнгилсиз ҳодисадан қандайдир яхшилик топишни истадингиз, демак, унга албатта жавоб оласиз. Қачон фикр пайдо бўлмасин, ёзib кўйинг. Кечрок истак пайдо бўлганда муолажани рўйхатингиздан ёзib олинган ҳар бир банд билан қайтаринг. Шошилманг. Ҳаммасини бир вақтда килиш керак эмас. Бутун рўйхатни бошидан охиригача ҳозирнинг ўзида бажаришга ҳаракат килманг. Ҳовлиқманг. Бўш вақtingизда у билан шуғулланинг ва бу жараён сиз учун ёқимли бўлсин.

Эсингизда бўлсин, сиз бехатар жойдасиз. Бўшашинг, ҳамма кўнгилсизликлар ортда қолган. Сиз бўлиб ўтган воқеалардан фақат яхшиликни қидиräяпсиз. Агар шу дақиқада ҳали жавоб олмаган бўлсангиз, хотиржамлинидан лаззатланинг.

## **ИККИНЧИ БОСҚИЧ: КУЧ**

*Коинот тезликни севади. Ички ҳиссиётингиз хабар берса — ҳаракат қилишг. Сиз қалбан шима қилмоқчилигингишни: юрагингизни очмоқчимисиз, хизмат тақлиф этмоқчимисиз ёки китоб ёзмоқчимисиз ҳис қиласиз. Бу ҳамма нарса бўлиши мумкин, лекин буларнинг бари фақат сизга тегшиши бўлиши лозим.*

**Жо Витале**

### **Маҳкумликдан сехргарликкача**

Бу боскичда мўъжизалар юз беради — сиз сехргарга айлана бошлайсиз. Маҳкумликдан ғолибликкача бўлган йўлни қандай босиб ўтиш мумкин? Биринчи боскичдан иккинчисига қандай ўтиш мумкин? Бу қандай юз беради? Сиз фильм кўрасиз, китоб ўқийсиз, кимнингдир аниқ фикрини тинглайсиз. Қизикарли семинарда иштирок этасиз, яхши аудиокурс эшитасиз ва ичингизыва бир нарса ларзага келади. Нимадир сизни уйготади. Айтишим керакки, “Сир” фильмни кўпчилик учун дил рози бўлди. У 2006 йилда пайдо бўлди, у АҚШни, кейинчалик бутун оламни ларзага солди. Бу фильм ҳаммани уйгота олди ёки уни кўрганларнинг деярли ҳаммаси уйғонди. “Сир” нима ўзи у? Агар фильм ҳақида ҳеч нарса билмасангиз, интернетдан кўчириб олинг ёки дискини сотиб олинг. Ишонинг, бу фильмни кўрган вақтингизга ва сотиб олган пулингизни ачинмайсиз.

### **Тортишиш кучи қонуни**

“Сир”да тортишиш кучи қонуни ҳақида гап кетади. Менга у ҳақда гапириб беришимга ижозат беринг. Қонунда айтилишича, сизнинг ҳаётингизда юз бераётган ҳамма нарса

онг остингизда жойлашган тасаввурларингиз билан боғлиқ. Кувватингиз, фикрлаш тарзингиз, тасаввурларингиз ва онг остингиз сизнинг борлигингизни юзага келтиради. Агар сиз биринчи марта бу қонун ҳақида эшитаётган бўлсангиз, балки таажжубга тушасиз: “Вой Худойим, ҳамма муаммоларимни ўзим яратдимми? Нима мен ҳаётимда юз берәётган яхши ва ёмон кунларга ўзим сабабчиманми?”

Ҳа, фақат ўзингиз сабабчисиз, бошқа ҳеч ким. Тўғри, сизда ўзингизни оқлашингиз учун асос бор, нима қилаётганингизни билмагансиз. Сиз онгсиз — беихтиёр ҳаракат қилгансиз. Шунинг учун ўзингизни айбламанг. Сиз нима қилаётганингизни тушунмагансиз. Ўрганган ролингизни ўйламасдан ўйнагансиз, яъни бўйсунувчанлик ролини. Сўнг “Сир” фильмни пайдо бўлди. Фильм яратувчилари тасаввурингизда ҳиссиёт билан нимани ният қилсангиз, ҳамма нарсага эришишингиз мумкинлигини қайд қилишади. Ажойиб янгилик!

Биз тўғри маънода ўз ҳаётимизни ўзгартира оламиз. Агарда илҳом, ҳиссиёт билан, фикримизни жамлаб, ният қилсақ, ҳаммасига эриша оламиз. Эслаттан қонунимиз қандай ишлашини тушунтиришга имконият беринг. “Сир”даги ролимни “Тортишиш кучи сири” туфайли олдим. Унда бойлик, сиз учун муҳим бўлган мақсадингизга эришишнинг 5 қадами ёзилган. Бу қадамларнинг нима эканлигини билиш сиз учун жуда фойдали бўлади. Бу фильмни ўзлаштиришингизни анча енгиллаштиради. Бундан ташқарин кейинги сухбатимиз унинг асосида курилади. Шунинг учун иккинчи босқичда мен улар билан сизни таништираман.

### **“Тортишиш кучи омили” дастури: ниятни амал ошириш учун 5 қадам**

Қадамлар нима ўзи? Биринчи қадам — сен нима исташингни англашинг. Бу катта куч талаб қилмайди. Одатда одамлар нима истамаслигини аниқ билишади. Деярли ҳамма ўз ишидан норози. Тадбиркорларни бизнесдаги қийинчи-

ликлар азоблайди. Кўпчилик соғлигидан, турмуши йўлга кўйилмаганигидан, пул етишмаслигидан шикоят қиласди ёки ҳеч қандай сабабсиз нолийди.

## *1. Хоҳишингиз бўлмаган нарсаларни аниқланг*

Ўзингиз истамаган нарсаларни англаш тўғри ва фойдали ёканлигини яна бир бор таъкидлайман. Бу “Тортишиш кучи сири”га биринчи қадам. Сизга нимани хоҳламаслигингизни билиш жуда муҳим. Бу ҳакда ўйлаб кўринг. Керак бўлса, уни ёзиб олинг. Ўзингизнинг “истамайман”ларингизни “истайман”га алмаштиринг.

## *2. Нима истайсиз? Ниятингизни маълум қилинг*

Иккинчи қадам — ниятларингизни маълум қилинг. Ўз истакларингизни аниқ изоҳланг. Мен нима исташимни билмайман дейдиган одамлар бор. Уларга ўз шикоятларига қулоқ тутиб, таъкидларини ўзгартириш — мана уларга нима керак? Уни мақсад, ниятга айлантиришлари керак. Кўпинча сиз “Ўз ишимни ёмон кўраман”ни “Мен ўз ишимни яхши кўришни хоҳлайман”га ёки “Кўнглимдаги ишни топмоқчиман”га ўзгартиринг.

Агар сизда: “Доим пул етишмаслигидан жуда чарчадим” деган одат бўлса, бу фақат шикоятдан бошқа нарса эмас. Нима хоҳлашингизни аниқланг. Шикоятингизни ниятга айлантиринг. Масалан, “Мен доим пулларим ўз вактида тўловларни тўлашга етишини истайман” ёки “Мен уйим учун олган кредитни тўлиқ тўлаш ниятидаман”, деб айтинг. Кўриб турганингиздек, биринчи қадамдан иккинчисига ўтмоқчисиз.

Шундай килиб, биринчи қадам — истамаган нарсаларингизни англашдир. Иккинчи қадам — уларни хоҳиш, кейинроқ эса ниятга айлантиришдир. Опри Уинфри таъкидлаганидек: “Ният оламни бошқаради”. Бу ҳакда кейинроқ батафсил гаплашамиз.

### **3. Чекланган тасаввурлардан халос бўлинг**

Учинчи қадам қандай қадам? У жуда муҳим қадамдир. Афсуски, негадир бу қадам ҳақда ҳеч ким гапирамайди. Бу қадам покланиш деб аталади. Агар сизда ниятга қарши салбий тасаввурлар, ўзини баҳолашда муаммолар ёки яхшироқ яшашга лойиклигингизга шубҳалар бўлса, у сизнинг истагингиз бажарилиш имкониятини камайтиради. Иккинчи қадамни кўя туриб, сиз: “Мен озмоқчиман”, “Мен чекиши ташламоқчиман” ёки “Мен бойиб кетмоқчиман” деб айта оласиз.

Калбингизнинг тубида бу мумкин эмаслиги, сиз бундай баҳтга нолойиқлигингиз ҳақида ўйлайсиз. Агар сизда шунга ўхшаш бошқа заарарли тасаввурлар кучли бўлса, уни ҳар қандай яхши ниятга алмаштиринг. Шундай килиб, учинчи қадам тўхтатиб турувчи омиллардан покланиш учун керак. Сиз буни бажаришингиз лозим.

Сизни тўхтатиб турувчи онг остингиз тўлиб кетган, бундай ортиқча лаш-лушларнинг ҳаммасидан халос бўлишингиз керак. Бу қадам ҳақида кам гапиришади. Кўпчилик эса унинг борлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмаган. Лекин буни сиз биласиз, бу жуда яхши. Покланинг Нима истаган бўлсангиз барчасига деярли тезда эришишингиз мумкин. Бу учинчи қадамни ташлаганингиздан кейин содир бўлади.

### **4. Ўз мақсадингизни кўзга кўринмас қилманг**

“Тортишиш кучи сири”да тўртинчи қадам мен “Мақсадни невиллаштириш” деб номлаган жараён билан боғлик. “Невиллаштириш” сўзини ўзим ўйлаб топдим. Уни мистик сўздан ўзлаштирганман. Ёзувчи ва нотик Невилл: “Ҳиссиёт билан бўладиган кўриниш охир-оқибат сиз орзу қилган натижани ҳаётингизга олиб келади”, деб айтган. Мақсаднинг моҳият тушунчаси унинг ҳиссиётли таркиби. Жуда кўпчилик кўз билан кўриш ҳақида эшлишган. Медиатация билан кўпчилик таниш. Лекин невиллаштиришнинг мақсади анча чукурроқ маънода келади.

Тўртинчи қадамни боса туриб, охирги натижани тасаввур килишингиз керак. Агар сиз кўп пулни ва мустаҳкам соғлиқни, ажойиб машинани, уйни, ишни истасангиз унга эришаман деб тасаввур қилинг. Унга келажакда эришасиз деб ўйламанг. Ўзингизни у худди ҳозир бордек тутинг. Ўз орзунгизни муваффақиятли амалга оширишингизни тасаввур килиб, сиз тортишиш қонунини фаоллаштирасиз ва у сизга ишлай бошлайди. “Мақсадни невиллаштириш”ни сиз фақат ўзингизга эмас, балки Коинот учун ҳам мавжуд нарсага айлантирасиз ва Коинот сизнинг истагингизни бажаради.

Демак, тўртинчи қадам: Мақсадингизни невиллаштиринг.

### **5. Илҳомингизга қараб ҳаракат қилинг**

Бешинчি қадам: Четга чиқинг ва илҳомингизга қараб ҳаракат қилинг. Демак, истагингиз ҳақида хаёлдан чиқмайдиган фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг. Биз сиз билан еттита тамойил ҳақида гаплашгандик. Ёдингиздами? Миянгиздаги истагингиз ҳақида хаёлдан кетмайдиган фикрлар ва заруриятлардан халос бўлишингиз билан дарров улар сизнинг ҳаётингизга кириб келади. Унинг йўлида ҳеч қандай тўсиклар учрамайди.

Четлашиш бу бирор нарсага кучли зарурат сезаётганингиз ҳақида ўйлашдан тўхташдир. Сиз учун у иш, пул, соғлик ёки машина бўлиши мумкин. Айнан нималиги муҳим эмас. Истаган нарсангизга эришмасангиз, бу ҳали ҳаёт тугади дегани эмас, шундай экан тинчланинг.

Вазифанинг иккинчи қисми — илҳом келганда ҳаракат килиш керак. Бу ҳам катта аҳамиятга эга. “Сир” фильмини кўрганларнинг жуда кўпчилиги: “Фильмда ҳаракат ҳақида бирорта сўз айтилмаган. Гап фақат креслога ўтириб, менда машина борлигини тасаввур қилишим, креслодан турганда эса машина худди уйимнинг олдида тургандек ҳис қилишим керак” дейилади деб танқид килишади. Лекин ундаи эмас.

Мен чин дилдан сехр ва мўъжизага ишонаман. Улар хакиқатан юз беради. Факат кўпинчамустакил ҳаракат қилишга тўғри келади — бу мажбурий шарт. Сиз хоҳишингизни амалга оширишингиз учун иштирок этишингиз керак. Чунки бу икки томонлама жараён. Сиз ҳаракат қилишни бошласангиз, шунда Коинот ишнинг маълум бир кисмини ўзи бажаришга киришади.

Орзунгизнинг намоён бўлиши — сиз қилган ҳаракатнинг натижасидир. Демак, сизнинг вазифангиз — илҳом бўйича ҳаракат килишдир. Бу бешинчи қадам. Илҳомнинг келиши эса, сизга боғлиқ. Чунки у ич-ичингизда пайдо бўлади. У сизга бизнес режа тузишни, резюме жўнатишни ёки зъюнлар рўйхатини ўқиб чиқиши маслаҳат берувчи қўшнингиз сифатида пайдо бўлмайди. Ҳаммаси аниқ юз беради: ички ҳиссиётингиз нима деяётганига қулок тутинг. У сизнинг китоб сотиб олишингизга ёки семинарда иштирок этишингизга туртки бериши мумкин. Гарчи ҳар куни ўнгга бурилсангиз ҳам чапга бурилишга мажбур этади. Бу туртки сизнинг илҳомингиздир.

## Сиз кучлисиз

Мана сизга “Тортиниш кучи сири”нинг бешинчи қадами. Уларни исталган соҳада кўллаш мумкин, у ички кучингиз жиҳатларидан бирини ташкил қиласди. Бу факатгина кучингизни англаш жараёнининг сиз гумон қилмаган қисмидир. Бўйсунувчи бўлиб, сиз ўзингизни ҳеч қачон кучли деб хисобламагансиз. “Мен бутун дунёга каршиман” деган доира моделида ҳаракат қилгансиз ва ўзингизни фидойилардек ҳис қилгансиз.

“Тортиниш кучи сири” китоби ва ундан сўнг чиққан бошқа китобларни ҳам ўқинг. Зўр ёзувчиларнинг кўплаб китоблари мавжуд. Шунда сиз: “Мен ўзимда улкан куч ўсаётганини ҳис қилаяпман! Ақлим ва қобилиятларим билан ҳакиқий мўъжизани яратиш имумкин!” деган ишончни ҳис қиласиз. Учинчи босқичнинг кувончи, сехргарлиги ва тантанаси шунда мужассам бўлади.

## Амалиёт

Энди келинг озгина чалгиймиз. Мен ҳозир нимага эришмоқчи бўлсангиз шу нарсани тасаввур қилишингизни хохлайман. Ҳозирнинг ўзида ҳаётингизга тортмоқчи бўлган ниманидир ва реал кучингизни ҳис қиласиз. Бинобарин хаёл сурамиз. Нима бу? Машинами? Севгими? Саломатликми? Балки уйдир? Яна бирор мен айтмаган, лекин сиз доим интиладиган нарсадир? Бу қандайдир зўр нарса бўлиши шарт эмас ва сиз ҳеч ҳам амалга ошмайди деб ҳисоблайдиган нарса бўлиши керак эмас. Майли, орзунгиз ҳали сиздан бироз узоқроқда.

Ҳозирнинг ўзида нимадир олгингиз келаяптими? Нима исташингизни аниқроқ билишингиз учун “Тортишиш кучи сири”нинг биринчи қадамига қайтинг. Сиз одатда нимадан шикоят қиласиз? Агар сиз: “Мен елкамдаги оғриқдан чарчадим” десангиз, демак сиз саломатлигингизга алоҳида эътибор қаратишингиз лозим. Сиз ниятингизни соглом умуртка погонасига жамлашингиз керак. Ўз шикоятларингиз ҳакида ўйлаб кўринг ва уларнинг бирида нима бўлишидан қатъи назар тўхтанг.

Исталган вазиятда ҳам сиз танловда адашмайсиз. Сизнинг истагингиз қандай бўлишидан қатъи назар Коинотда яшашга ҳакли. Сўнг уни ниятга ўзгартиринг ёки тасдиқланг. Истак ўзича ёмон эмас. “Мен кўп пул ишлаб топиш ниятидаман”, “Мен кутилмаган фойда олиш ниятидаман”, “Мен саломатлигим муаммоларини ҳал қилиш ниятидаман” деб шакллантирилган истакларингиз тезроқ амалга ошади. “Менинг ниятим” сўзи “Мен истайман” сўзидан анча кучли ва таъсирлиdir.

Ўзингизнинг истакларингиз ҳакида хаёл суриб у билан боғлиқ бўлган ва пайдо бўладиган фикрларингизга эътибор қаратинг. Сизнинг: “Мен шундай автомобилни хохлайман”, деган фикрингиздан кейин: “Мен шундай автомобилга қачондир эриша оламанми?”, “Мен шундай машинани сотиб олсам, ота-онам, кўшниларим нима деб ўйлашади ёки янги машинамга ўғриларнинг назари тушса-чи?” деган саволлар

жуда күплаб пайдо бўлса, уларга эътибор берманг. Уларнинг борлигини белгиланг ва имконияти бўлса, ёзиб кўйинг. Тўгри нафас олиш ёдингизда турсин. Бу саволлар қандай тасаввурларда пайдо бўлиши ҳақида ўйлаб кўринг.

Келинг, давом этамиз ва тўртингчи қадамга ўтамиз. Сиз ўз ҳаётингизга тортиб олмоқчи бўлган нарсанни худди мавжуддек тасаввур қилинг. Истаган нарсангизни олганингизни тасаввур қилдингиз. Агар бу машина бўлса — деразангиз тагида тургандек хаёл қилинг. Агарда саломатлик бўлса, худди сиз шифокорга бориб, ундан “Сиз мутлақо согломсиз!” деган гапни эшитишингизни тасаввур қилинг.

Сиз йўлингиздаги ҳамма тўсиқларни енгиб ўтдингиз. Албатта ҳар қандай истагингизнинг охирги натижасини кўрсатувчи, ишонтирувчи суратни топишингиз керак. Агар сиз янги уйни истаб ва ўзингизга: “Мен шу уйни сотиб олишни ният қиласман” десангиз, хаёлингизда тасаввур қилишни унутманг. “Мен шунга эришишга лойикманми?” ва “Унга пулни қандай тўлайман?” мавзууси бўйича фикрлар билан боғлиқ бўлган тасаввурларни назорат қилишни унутманг. Шунчаки уларга эътибор қаратинг ва унунинг. Ҳозир ўзингизни уй эгасидек тасаввур қилинг.

Хаёлингизда янги уйга кириб, ўзингизни қандай ҳис килаётганингизни кўз олдингизга келтиринг. Сизга охирги натижа олиб келиши керак бўлган ҳиссиётга шўнгинг. Бу мақсадингизнинг намоён бўлиши учун жуда муҳимдир. Натижа — мана сизга нима керак! Унга эришиш жараёни эмас, ниҳояси муҳимдир. Кўрган нарсангиздан лаззатланинг, сўнг чукур нафас олинг ва хаёлни миянгиздан чиқариб ташланг.

Нафас олганингизда бу фикрни хаёлдан чиқаринг. Чунки бешинчи қадам илҳомга қараб четлашиш ва ҳаракат қилишдир. Бир неча дақика, соат ёки кунлар ўтгандан кейин сизда амалга ошириш учун гоялар пайдо бўлганини сезасиз. Албатта сизда кўшимча варианtlар пайдо бўлади. Улар ташкаридан эмас, ичкаридан келади. Сизга нимадир туртки бераётганини ҳис қиласиз. Барча ишларни ички овозингиз

айтиб турганидек бажаринг. Чунки у сизнинг “мен” инглизнинг ёнг тубидан келади, сизнинг Коинот билан алоқангизни ушлаб туради.

Сизнинг онгингиз — факат катта эшикдаги қулф тешиги орқали кўра олиш имкониятидир. Ҳакиқий кўра олиш факат онг остига берилган. Интуиция (ички ҳиссиёт)нинг келиб чиқишини тушуниш учун Карл Юнг атамасидан фойдалансак, жамоавий онгиззик деган нарса мана шу ерда бизнинг онгимизда пайдо бўлади.

Ҳамма айтилган нарсалар бемаънидек туюлади. Бундан масаланинг моҳиятини қидирманг. Баъзи бир импульсларни ола бошлигинизни шунчаки инобатга олинг ва ички ҳиссиётларингиз сизга нима қилишнингиз кераклигини айтади. Бу кўрсатмаларга амал қилишнингизни жуда илтимос қиламан. Чунки улар сиз интилаётган нарсага эришишингизга ёрдам беради. Бу жуда оддий ва мазмуни чукур механизмдир.

### **Фикр чегараларини кенгайтиринг**

Сизнинг олдингизга осон бўлмаган вазифани қўймокчиман. Аввал мен сизга қандайдир арзигулик ишни бажаришга қарор қилишни сўраган эдим. Ҳозир сиз ҳакиқатан ҳам буюк нарса ҳақида ўйлашингизни истайман. Эсингиздами, беш қадамли амалиётни ўтишда мен сиздан оддий истак танлашингизни сўраган эдим. Энди мен сизнинг фикрлаш доирангизни кенгайтиришни хоҳлайман. Мен мўъжизалар албатта рўй беради деган гояга ишонишингизни ва уни сизга исботлашга имкон беришингизни истайман.

### **Тузатиб бўлмас хатони тўғриланг**

Меир Шнайдер кўр бўлиб туғилган. У сизларга шу ҳақдаги хужжатни кўрсата олади, камлик қилса, ўқиб ҳам беради. У ўқий олади, автомобиль бошқаради. Юзлаб, балки минглаб одамларни ўқитадиган мактабни бошқаради. Кўришни ўргатади. У кўриш қобилияти паст ва бутунлай кўр одамларни кўришга ўргатади.

Меирнинг ўзига келсак шифокорлар иккала кўзини текшириб, мутлақо кўриш қобилиятига эга эмас деган хulosага келишган. Лекин у кўради. Мен у билан сұхбатлашдим. East/West журнал мұқовасига 1984 ёки 1985 йил унинг расмини жойлаштирдім. У ҳозир ҳам ишлашда давом этмоқда. Ҳали ҳам одамларни ўқитмоқда, машина бошқаряпти, ўзи намуна бўлиб, одамларни илҳомлантираяпти. Ҳаммага маълумки кўрлик даволанмайди.

Меир-чи? Аутизм ҳам даволаниб бўлмайдиган хастилик хисобланади. Аутизм билан оғриган боланинг ота-оналарини бу дардни даволаш учун дорилар мавжуд эмаслигини доим огоҳлантиришади. Истисно эса, ҳақиқатан ҳам мавжуд. Барни ва Съози Кауфманларни мисол қилиб келтираман. Бир неча йил аввал бу болаларнинг бирига аутизм ташхисини кўйишиди. Шифокор бу бола билан шуғулланишдан наф йўқ деган хulosага келади. Унинг ота-онаси “Бошқа фарзандларингиз бўлса, улар билан шуғулланинг, бундай фарзанд бўлгани ачинарли ҳолдир”, деган ҳукмга кўнига олишмайди.

Кауфманлар бунга ишонишдан воз кечишиди. Улар мўъжизага ишонишиди, муҳаббатга ишонишиди. Ўғли Ронни кандай бўлса, шундайлигича қабул қилишиди. Уни чексиз яхши кўришарди. Бор вақтларини ажратишиди. Бугун Ронда ҳеч қандай аутизм белгилари йўқ. У йирик университетни тутагтиб, катта компанияни бошқаради. Бошқалар эса, аутизм даволанмайди, деб ҳисоблашда давом этишмоқда.

### **“Иложи йўқ” — бу оддий сўз**

Бўйсунувчанлик рухиятидаги одамларга бўлиши мумкин эмас, деган гапга сўзсиз ишонишларнга эътиборингизни каратмоқчиман. Бу босқичдан ўтиб, кучлироқ бўлганингиз учун, сиз “иложи йўқ” иборасининг оддий сўз эканлигини тушунасиз. Мустақил, имкониятларингиз чегарасини баҳолаб, бошқа одамларнинг кўлидан келмайдиган нарсаларга қодир бўлишингиз мумкин. Кўрликни даволайсиз, аутизмни даволайсиз, оғриётган барча аъзонгизни даволайсиз. Мен сизни ҳақиқатан кенг кўламда ўйлашга чакираман. Балки

сизга учинчи қадамни босиб, чекланған тасаввурлардан кутулиш керак бўлгани учун осон бўлмас.

Сиз томондан кўрсатилган енгил қаршилик, сизнинг тасаввурингиздаги: “Ҳм... Ўйлаган нарсамга кучим етадими, билмайман. Кўлимдан келадими, билмайман. Пулим етадими, билмайман. Бундай бўлиши мумкинми? Мен билмайман”ни билдиради.

Ёдда туting: Бу фақат сизнинг тасаввурларингиз. Улардан кутулиш мумкин.

## **Кераксиз тасаввурлардан кутулинг**

Чеклайдиган тасаввурлардан қандай кутулиш мумкин? Бу “Сир” фильмининг жуда муҳим кисмидир ва “Тортишиш кучи сири” китобимдаги тортишиш қонунининг моҳиятини ташкил қиласди. Онг остингизни улардан тозалашингиз керак. Уни бажариб, сиз истаган натижага эришасиз. Унга қандай эришини керак?

## **Асосийси — шукроналиқ**

Бир неча ҳақиқатни ўзлаштиришингизга тўгри келади. Улардан бирни шукроналиқдир. Фоя сизга бирмунча ғалати кўринса керак. Агар мен шуни бундан 20 йил аввал эшитганимда: “Бўлмаса-чи! Нимадандир миннатдор бўлнишим мумкин бўлса, миннатдор бўлардим”, – деб ўйлаган бўлардим. Ҳаётда ҳаммаси ўзгача тарзда рўй беради. Аслида, хеч нарсага қарамасдан, ҳозир сизда бор нарса билан бой эканлигинингизни англашдир. Бир кун мен “Бойликка элтувчи йўл” мавзусида семинар олиб бордим. Бу йўлнинг асосий босқичи —“энди” сўзини англашдир. Сиз энди бойсиз.

Тингловчиларни ўзининг ҳаётига четдан назар ташлаб, уларнинг ейишга овқати, яшашга бошпанаси ва маълум даражада ҳимоя қилинганини ўйлаб кўришни сўрадим. Эҳтимол, уларнинг қандайдир даромади бордир, майли ишсизлик нафақаси бўлса ҳам. Агарда уларнинг ҳаётини учинчи дунё

одамлари билан ёки ўрта асрлардаги шоҳ саройи билан солиштирганда, улар бирмунча таъминлангандирлар. Демак, сиз энди бойсиз.

Сизнинг ҳаётингиз ўзингиз ўйлагандан кўра анча яхшироқдир. Сиз юксакликкка қараб интиляпсиз. Менинг дастурим унга эришишга ёрдам беради. Каттароқ нарсага эришишнинг бир усули, бу — бор нарсага шукур килишдир. Бу ҳақда биринчи марта эшитганда, худди ҳозир сиздек шубҳалангандман. Эсимда, мен “Яхши, бажариб кўраман” деб ўйлаганман ва кўлимга қалам олганман. “Мен учи яхши очилган қалам билан нима хоҳласам шуни ёзишим мумкин: ҳаридларим рўйхати, катта роман, пьеса, севги мактуби... Бу зўр қашфиётлигини биласизми? Бир бўлак графит ёрдамида мен ижодкор одам сифатида намоён бўла оламан”.

Сўнг қаламнинг иккинчи учига қарадим: “Қандай зўр ўчиригич бўлаги!” Ҳамма нотўгри ёзилган нарсаларни ўчириб ташлаш мумкин. Қаламимга қараб туриб, унга нисбатан миннатдорчилик ҳисси пайдо бўлди. Мен унда сехрли таёқчани кўрдим. Унинг ёрдами билан қоғозга хаёлимдаги режаларимни, шикоятларимни ўтказишим мумкин. Севги хати ёки васиятни ёзишим мумкин.

Исталган ёзувни тўғрилаш мумкин. Шу кичкина нарса менинг олдимда турли имкониятларни очганини сизга айтмоқчиман. Қаламга нисбатан шукроналик ҳисси менинг юрагим эшигини очди. Энди у Коннотнинг муҳаббатини кабул кила олади. Бу мисол сизни юқорида айтилган тамойилга йўналтиради. Агар сиз бирор нарсада фикрингизни жамласангиз, сизнинг ҳаётингизда ўша нарса кўп бўлади.

Шукроналикда фикрингизни жамланг. Мен тақдирдан миннатдор бўлиш билан ўзимга жуда кўп нарса ва вазиятларни торта бошладим. Мен атрофга қарадим ва ўзимга савол бердим: “Энди нимадан миннатдор бўла оламан?” Масалан, ҳозир гаплашаётган одамимдан, еган овқатимдан, нафас олаётганимдан, тириклигимдан ва соғлигимдан миннатдор бўлишим мумкин. Шукроналик ҳисси мендан салбий ҳисснётларни чиқариб ташлайди. У менга бахтни

хис қилишни ва ҳозир бор нарсани тушуниш ҳақиқатан бу зўрлиги ҳакидаги ишончни олиб келди.

Ҳозир жуда яхшилигини тушундим, яхшиликни ўзимга торта бошладим. Менинг покланишдаги энг яхши кўрган усулим — шунчаки миннатдор бўлишдир.

## Кирк воқеаси

Менга Кирк ҳакидаги воқеани гапириб беришимга рухсат берсангиз. Ҳозир Кирк 9 ёнда бўлса керак. У тугилганидан кейин олти ҳафталик бўлганида инсульт бўлди. Инсульт ўзи кекса одамларнинг касаллиги хисобланади. Мен гўдак болаларда ҳам мияда кон айланнишинг бузилиши мумкинилигини билмасдим. Бу ён оиласидаги баҳтсизлик ҳакида менга умумий дўстимиз гапириб берди ва мен уларга ёрдам бернига карор килдим. Мен Киркни даволаш учун унинг ота-онасига катта микдорда пул бердим.

Ҳалигача, улар менга доимо Киркнинг суратларини жўнатишади. Ҳар бир суратда болакай менга кулиб қараб туради. Бу табассумни кўрганда мен ҳам кувончдан товланаман ва “ҳаёт, дарҳакннат жуда гўзал!” деб ўйлайман. Киркнинг онаси унинг ўғли ўзини баҳтсиз хисобламаслигини ёзади. Унга қараб, ногирон бўлиш қандай даҳшатлигини тасаввур қилаётганилар, ундан кўра баҳтсизроқдир. Кирк бўлса танаси ва аклий норасолиги билан кичик буддага ўхшайди. У тириклигидан, яшаётганидан миннатдор эди. Кичик Киркка қараб туриб, мен ҳам шукроналикни ҳис киламан.

Мен бунда баҳт сири яширинганини тушунаман. Ўзини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш ва шу билан катта нарсага эришиш — баҳт. Сиз юрмасангиз, юришга ҳаракат киласиз. Худди Киркка ўхшаб кувонч билан қайта тикланишга ҳаракат киласиз. У буни шукроналик ҳисси билан бажаради. Ўзининг яшаётганидан миннатдор. У худди ўзингда бор нарса билан миннатдор бўлиш кераклигини эслатаётгандек. Мен ҳам сизга шуни эслатаман. Ўзингизда бор нарсадан миннатдор бўлинг.

## Миллионларга элтувчи йўл

Шукроналик — тортишиш омилларининг энг улкани ва ёмон тасаввурлардан кутулишнинг энг кучли услуби. Агар сиз ҳозир миннатдор бўлишга қодир эмаслигинизни хис қилсангиз, унда сизнинг миянгиз салбий фикрлар ва шикоятлар билан тўлган. Бу фожиа эмас, мен ONBS каналидаги Донни Дойчнинг “Катта ғоя” шоусида иштирок этдим. Бу ҳётимда гууруланса бўладиган воқеалардан бири эди. Бу кўрсатувда иштирок этганимдан жуда хурсандман. Чунки Донни яхши ишлайди.

Шоуни диккат билан кузатинг. У сизнинг бойлигингиз, пулларингиз ва молиявий эркинлигингиз нимадан шикоят қиласетганингизга боғлиқлигини доим такрорлайди. У атрофни кузатишга таклиф қиласи. Сўнг сиз: “Буни тартибга солса яхши бўларди”, “Бу билан кимдир шуғулланса яхши бўларди” ёки “Буни кимдир қилиши керак” деган сўзларни айтгингиз келади. Мана шу ерда у “Сизнинг миллионларингизга қалит қўмилган” дейди.

Сизга келсақ, азиз китобхоним китобимни ўқиб: “Мен миннатдор бўла олмайман. Менинг муаммоларим жуда кўп”, – деб ўйлаяпсиз. Бунинг қўрқинчли жойи йўқ. Муаммоларни тан олиш мумкин. Уларни қабул қилиш ва улардан ҳам миннатдор бўлиш мумкин. Муаммоларни имкониятларга айлантириш осон, биз буни дастур давомида баҳарамиз. Ҳозир эса, сизда у қандай кетаётганлигини ўйланг ва хис қилинг.

## Детектив бўлинг

Ҳозир мен сизга, ўзим ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ яхши кўрадиган ва кўпроқ ишлатадиган покланиш усули ҳакида гапириб бермоқчиман. Ундан фойдаланиш учун сиз детектив бўлиб, ёмон тасаввурларни қидириш билан машгул бўлишингиз керак. Сизнинг онг остингизда қандай тасаввурлар мавжудлигини билиш жуда муҳимdir. Чунки айнан улар сизнинг борлигингизни ташкил қиласи. Сиз

нинманидир ҳәётингизга тортишга уринаяпсиз ва бунинг удасидан чиқаяпсизми? Демак сизнинг онг остингизда ниятингизга қарши нарса буйрук бермоқда. Бу нима ва унга қарши қандай курашиб мүмкін эканлигини билиш сизга кирик бўлади.

Ҳаммасини бошидан охиригача аниқлаш учун сизларга қўйидаги нарса ҳақида ўйлашни тақлиф қиласман. Йил охирда кўпчилик одамлар ўзгаришлар зарурлиги ҳақида ўйлаб кўришади ва 1 январдан бошлаб пархезга ўтгеришга, чекишини ташлашга ёки ҳафтада 3 марта спортзалга боринига вавда беришади. Лекин бир ҳафта ўтгач, улар ўз ниятларини эсдан чиқаришади.

Сиз: “Агар ниятимиз бутун оламни ҳаракатлантираса, нега унда 1 январда ўйлаганим содир бўлмади?” ва “Мен нинмани кучлироқ хоҳлайман?” деб сўрашингиз мүмкін. Ҳақиқаган ҳам сизнинг ҳамма ниятларингиз одатда ижобий ва оддий бўлади. Кимдир эртадан бошлаб “нина”га ўтиришини ёки тамом бўлган гиёҳванд бўлишни истамаса керак. Аксинча одамлар яхши иш топгиси, ўз бизнесини бошқаришни ва шунга ўхаш яхши мақсадларни ният қиласди. Лекин ҳеч нарса чиқмайди, мақсадсизлик халақит беради.

Онг остида улкан қарши тасавурлар мавжуд бўлиб, англаб қилинган аҳдга тўсқинлик қиласди ёки халал беради. Тўсқилардан халос бўлиш учун, уларни аниқлаш муҳим. Бундай заарарни тушунчаларни топишингиз учун, детективга айланишингиз керак. У қандай бажарилади? Сизда қандайдир вақти-вақти билан пайдо бўлиб турувчи тасаввур бор. Унинг намоён бўлмаслиги мүмкін эмас, у фикр тарзида нутқда: “Ҳар доим мен билан шундай бўлади”, “Мен ҳеч қачон кўп пул ишлай олмайман”, “Менинг тақдирим шундай”, “Ҳамма эркак ва ҳамма аёллар шунаقا” каби таъкидлар шаклида изғиб юради. Бу сизнинг тасаввурингизнинг ўзгинаси. Шуни англаб, ўзингизга: “Мен ҳақиқатан шунга ишонмайманми?” деб савол беринг.

Масалан, сиз баъзида “Қашшоқликдан ҳеч қачон қутула олмайман” дейсиз. Тўхтанг ва ўзингиздан “Кўп пул бўлмаслигига ростдан ишонмайманми?” деб сўраб кўринг. Агар бу

таъкидга ишонмайман деган хулосага келсангиз, уни унутинг. Демак, у сиз учун аҳамиятсиздир. Гарчи жавобингиз: “Ҳа, мен ростдан ҳам менга пул етишмаслигини биламан. Менда ҳеч қачон кўй ишлаб бўлмаган”, – десангиз, бу ҳам яхши. Нимага сиз шундай ўйлашингизни ўзингиздан сўранг.

Сиз шу ишончнинг сабабини топишингиз керак. Саволларингизга жавоб қидириб, чукур ва янада чуқурроқ асосини топасиз. Балки, у оға-онангизнинг маоши ўзлари ҳисоблагандаридан камрок чикиб, галдаги тўловларини тўлай олмаган пайтларидан сизни миянгизга ўзингандир. Улардан бири шунда “Пул ҳар доим етишмайди” деган. Сиз шундай шитиб, сўзсиз унга ишонгансиз. ўна пайтда шубҳаланини учун уйғок эмасдиниз. Ҳозир ҳамма

## Гумон қилинг

Ўз тушунчангизнинг ҳакиқатга тўғри келишинига шубҳалансангиз, унинг пайдо бўлиши сабабини топсангиз ўзингизни эркин ҳис қиласиз. Шунда ўзингизнинг кучлирок бўлганингизни сезасиз. Сизда танлаш имконияти пайдо бўлгани учун кучлирок бўлдингиз. “Мен унга ишонишни давом эттиришини истайман” ёки “Бу тушунча менга ҳалакит беради, мен ундан кутулмоқчиман” ёки “Уни ўзгартироқчиман” дeng. Гумоннинг кучи шунда. Менинг маслаҳатим: ўзингизга мулойим, дўстона тарзда савол беринг. Газаблаиманг, асабийлашманг. Ўйиндай бўлсин. Ўзингизни бу гал жиноятларни очишга отланаётган Шерлок Холмс, деб ҳисобланг.

Ўзингиздан пул ҳақида қандай тасаввурга эга эканингизни, муносабатлар ҳақида нима ўйлаётганингизни, саломатлигингизга қандай муносабатдалигигизни сўранг. Энди миянгизга келган жавобни шунчаки қабул қилинг. У тўғри ва нотўғри бўлиши мумкин. Бу факат сизнинг тушунчангиз, холос Жавоб қандай бўлмасин ёзиб олинг ёки ўсингизда турсин. Сўнг ўзингиздан: “Ҳақиқатан ҳам мен шунга ишонаманими?” деб сўранг. Агар жавоб коникарни бўлса, бундай ишончининг сабабини топишга ҳаракат қилин. Сўнг

Ўзингиздан, “Бу асосли сабаб эканлигига ишонасанми?”, деб сўранг. Агар “йўқ” деб жавоб берсангиз, демак занжирнинг охиригача борибсиз. Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, нега уни асосли деб ҳисоблаётганингизни сўранг ва нега унга ишонишни давом эттиришингизни ўйланг.

Янги жавоблар пайдо бўлади, улардан шубҳаланиб, саволлар бера бошлийсиз. Умуман чуқурроқ саволлар берган сари бу жараёндан хузурланасиз. Яхшиси буни ёзма равишда бажаринг. Овоз чиқариб ҳам ўқиш мумкин. Мен “Мўъжизалар яратамиз” деб номланган бутун бир дастурни ишлаб чиқдим, у одамларга ўз ҳаётини ўзгартирмоқчи бўлганлар билан бирга ишлашни ўргатади.

Сиз уни бирорининг кўмагисиз ҳам бажаришингиз мумкин. Кечиктирмасдан қўлингизга қозоғ ва қалам олинг, ўзингиз ёқтирган дараҳт тагида ўтириб ёзишни бошланг. Бу ишларни бажаргандан кейин сиз ҳаёгингизни ўзгартириб юборасиз.

### “Наҳотки бу рост бўлса?”

Сизга яна бир воқеани сўзлаб беришимга рухсат беринг. Молиявий ишиларимни узок вакт ҳал қилишга бехуда уриндим. Мен бир вактлар кўчада яшаганимни ва қашшоқликка карни курашганимни айтгандим. Кейинчалик ҳам мен доимо пулга муҳтоҷликни сезганимай. Фақатгина пуллар билан менда ҳаммаси жойнадалигини англаганимдан сўнггина, ҳаётимни, онлам ҳаётини ва агар истасам бутун олами ҳозир ишлаб топаётган маблагим билан ўзгартира олишимни тушундим.

Кўпчилик қанча кўп пул сарфласангиз улар шунча тез кетади, деб ҳисоблашади. Мен ҳам тики тасаввуриниг тўғрилигига шубҳа билан қарамагунимча шундай деб ўйлардим. Кўпчилик бундай тушунчалардан шубҳаландими? Шак-шубҳасиз, бунииг ҳақиқатлиги кўринниб турибди. Ҳамма ҳисобчилар бунга қўшилади. Мен эса шубҳаландим. Мен ўзимдан: “Қизик бу ростдан ҳам шундаймискан?” – деб сўрадим.

Онганинг кучи ва янги тушунчани олиб, мен ўз борлигимни яратдим, биз ўз тасаввурларимиздан оламда яшаб унга

ишенмасак-чи? Агар мен шу тақлидда шубҳаланаверсам нима бўлади? Мен ундан шубҳаландим ва унинг тўгри эмаслигини тушундим ва уни “Қанча кўп сарфласам, шунча кўп оламан, тушунчасига ўзгартирдим”. Ҳозир менинг борлигим бу тушунчага мос келади. Мен сарфлашга улгурмаяпман. Қанча кўп сарфласам, шунча кўп оламан. Мен шундай яшайман. Мен буни мантиқан тушунтира олмайман. Чунки бу хулқ намунаси Коннотнинг чексиз имкониятларига бўлган ишончга асосланади.

Мен пулимни нима хоҳласам шунга сарфлайман ва улар тугамайди. Мен Киркнинг онасига пул бердим, эсингида бўлса у ҳақда юкорида гапиргандим. Мен пулимни ўзим ишонадиган дастурларга сарфлайман, ўзим ҳам бир неча дастурлар тузганман. Одамларга кўпроқ яхшилик қиласман. Жумладан, ўзимга ҳам. Мен пул сарфлайман, пулларим камаяди. Нимага? Аввалги ҳаётимнинг ҳозирги ҳаётимдан фарки нимада? Сизга эслатган уқтиришимда. Аввалги “Қанча кўп сарфласам, шунча кам қолади” таъкиди то ундан шубҳалангунимча менга табиий кўринарди. Энди мен бошқа нарсага ишоняпман —“Қанча кўп сарфласам, шунча кўп пул оламан”.

Бу ёндашув менга кўпроқ ёқади.

### **Нима учун тақдирдан миннатдор бўлиш керак?**

Фойда олиш ҳақида гапириб, энди “Шукроналик” рўйхатини тузишга ўтамиз. Уни қоғозга ёзиш мумкин ёки фикран тузиш ҳам мумкин. Атрофга қаранг ва ўзингиздан тақдирдан нима учун миннатдор бўлишиним керак, деб сўранг.

Хеч бўлмаса, нафас олаётганингиз учун. Шу ҳақда ўйлаб, чукур нафас олинг — нафас чиқаринг. Бунинг қандай ёқимли эканлигини ҳис килинг. Сиз фақат шунинг учунгина беҳад миннатдор бўлишингиз мумкин. Бу ажойиб кунда, бу ажойиб китобни ўқияпсиз, менинг сўзларимни дикқат билан

тинглайпсиз ва ўз ҳәётингизни четдан кузатиб — сиз ҳәётдан завқланаяпсиз. Фикран ёки қофоз варагида стол ёнида ўтирган бўлсангиз, тақдиридан миннатдор бўлган нарсалар рўйхатини ёзинг (кўл-оёкларингизнинг бутунлиги, юзингизнинг чиройи ёки кўзларингизнинг кўраётгани учун).

Йўлда учраганлар, умрингизни бағишилаган ишингиз учун, балки машина, велосипед учун ёки жуда майда нарса, масалан қалам учун. Ўз уйингиз, қўшинилар учун, ўз шаҳринигиз ёки мамлақатингиз учун, шунчаки миннатдор бўла оладиган нарсалар учун рўйхат тузинг. Шулар ҳақида ўйлани:

## **Ҳиссиётлар ҳаммасини ҳал қиласи**

Энди ўзингизнинг миннатдорлигингизни ҳис қилинг. Ҳиссиёт бу ерда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Шукроалик” рўйхатини тузиб, ҳар бир банд тўғрисида ўйлаб кўринг. Деярли ҳар куни, иссиқ ванша қабул килаётганимда мен ўз ҳәётим ҳақида ўйлайман ва ҳаёлан миннатдор бўлишим керак бўлган нарсалар рўйхатини тузаман. Шукроалик ҳиссига берилганимда кўз ёшларимни базур ушлаб тураман, чунки мен билан юз беряётган нарсалар учун тақдиридан беадал миннаторман.

Атрофингизга қаранг ва мен ҳәётимнинг ўзгаришини истайман, бирор нарсанинг менда бошқалардан кўпроқ бўлишини хоҳлайман, менда ҳозир ҳам ҳаммаси яхши, ҳамма нарсам етарли, тақдиридан миннатдор бўлишим учун менинг ҳамма нарсам бор деган гапларни ҳаёлингиздан ўтказинг. Биринчи имконият бўлиши билан қоғозга ёзиб қўйинг. Бу жуда ҳам самарали усул.

## **Сиз миннатдор бўлган нарсаларни тортасиз**

Бирор нарсага эътибор қаратсангиз, ўша нарса албатта содир бўлади, деб айтган эдим. Ҳәётингизда нимадан миннатдор бўлганингиз ҳақида фикрингизни жамланг ва сиз-

нинг ҳаётингизда ўша нарсалар кўп бўлади. Бу руҳшуносликнинг биринчи коидаси. Бу исботланган. Яхши нарсага фикрингизни жамланг ва у сизнинг олдингизга келади.

Ўзингизга ва ўз танангизга қаранг. Ҳойнаҳой, сизнинг ҳақиқатан ҳам жуда яхши кўрган нарсангиз бордир. Бу қўлларингизми, оёқларингизми ёки юзингиз? Бирор аъзонгиз, масалан кўзлар ёки соchlар. Нима бўлишидан қатъи назар танангизнинг сиз ёқтирган қисмига фикрингизни жамланг. Фикран рўйхат тузинг. Кези келганда қоғозга туширинг. Энди ўз уйингизга қаранг. Қандай яшаингиздан қатъи назар, тақдирдан миннатдор бўлиш учун сабаб топилади. Бу кулай диван ёки кресло, телевизор ёки ДВД бўлиши мумкин. Бу ташки оламга очиладиган дераза бўлиши ҳам мумкин.

Уйингизни жуда яхши кўришингиз учун бирор нарса бўлиши керак, бу уйингизнинг бирор қисми, балки ҳозир сиз ўтирган жойингиз ҳам бўлиши мумкин. Якин атрофга қаранг. Дўстларингиз, қўшниларингиз, қариндошларингиз бор. Уларга эътибор беринг ва улар ҳаётингизга олиб келадиган нарсаларга фикрингизни жамланг. Ҳаммасидан миннатдорлигингизга фикрингизни жамланг. Ҳиссиётлар ҳакида унумтанг.

Ўз миннатдорлигингизни ҳис қилинг. Ҳаётингизда нима бўлғанлиги ҳакида ўйлаб кўринг. Ҳар доим бажонидил эслайдиган бирор яхши нарса юз бергандир? Кулгили вазият ёки катта муҳаббат ёки чукур миннатдорчилик. Дўстлар билан боғлиқ воқеалар ёки элашингиз ёқимли бўлган воқеа. Яхши хотираларда фикрингизни жамланг ва улар учун шукроналикни ҳис қилинг. Улар сизни тўлдирсин. Улар билан нафас олинг. Улардан кувонинг.

Энди сизнинг ишингиз ҳакида. Ҳойнаҳой, унда сиз ростакамига яхши кўрадиган бир жиҳат бордир, балки сизга ойлигингиз ёқар. Сизнинг ишингизда албатта яхши кўришга арзийдиган бирор-бир хусусият бор. Ўйлаб кўринг. У сиз миннатдор бўлишингиз керак бўлган қандайдир имкониятни беради. Балки бу имкониятларнинг биридан ҳалигача фойдаланмагандирсиз. Қўлдан бой берган имкониятингизни амалга оширишга интилаётгандирсиз ёки аксинча. Ишин-

гизни билиб-билиб бажарасиз ва муваффакиятингиз учун шукур қиласиз.

Энди дам олиш ва саёҳатлар ҳақида гаплашамиз. Балки сиз яқинда таътилда бўлгандирсиз ёки дам олишга чиқмоқчиидирсиз. Саёҳатга чиққанингизда шукроналик хиссиятларини, таътил ёки кечки дам олишингиздаги хиссиятларни эслаб қолинг: Балки сизнинг хоббингиз бордир? Ёки сизга ёқадиган ва сиз аъло даражада уддасидан чиқадиган, кўнгилсизликларни эсдан чиқаришга мажбур киладиган машгулотингиз бордир?

Ўз ҳаётингизни ҳар томонлама таҳлил қилинг ва шукроналикка лойиқ топган нарсалар рўйхатини тузинг. Яна ва яна қайтиш мумкин бўлган рўйхат — бу сизнинг тумор тошингиздир. Сиз миннатдор бўлган нарсаларни эсда сақлаб қолиш керак ва шунда яхшилик кўпроқ бўлади. Улар янги баҳтли ҳодисаларни ўзига тортади. Уларнинг ҳаммасини ёдда сакланг. Улардан миннатдор бўлинг ва рўйхатингизни тўлдириб боринг. Сизга яна бир бор эслатаман: миннатдор бўлинг, бу кун шу онга шукроналик келтиринг. Шукроналик туйғуси мавжудлигидан миннатдор бўлинг.

Инсонлар мукаммал яратилган. Сизнинг миннатдор бўлишга кодирлигингиздан мен хурсандман. Бу қандайдир катта спорт майдонига ўхшайди. Энди кўзларингизни юмишингизни сўрайман. Агар сиз хотиржам бўлсангиз ва ўзингизни кулагай сезсангиз, кейинги машқка ўтамиш. Албатта бажариладиган машқларни ёзиб олинг. Бошладик. Кайфиятингизни кўтаринг ва ўзингизни бўш кўйинг.

## Медитация

Аввалги бобда мен сиздан арзийдиган нарсага қарор қилишингизни сўраган эдим. Кейинчалик биз кўрликни енгган Мери Шнейдер ҳақида гаплашган эдик. Бари Кауфман ва унинг хотини ҳаракатлари билан ўглини аутизмдан даволаганлари ҳақида ҳам гапирдик. Сиз арзийдиган нарсани бажаришга журъат этишингизни истайман, бирорта буюк нарса ҳақида ўйлашингизни хоҳлайман.

Сиз күчлироқ бўлдингиз ва жиддий нарсалар ҳакида ўйлашнинг вақти келди. Олдин улар ҳакида сиз ўйлашга журъат эта олмагансиз. Мен сизнинг бирорта арзийдиган нарсага журъат этишинингизни хоҳлайман. Ўз ҳаётингиз ҳакида ўйлаб кўринг. Ҳаммаси амалга ошишини аниқ билсангиз, нима қилган бўлардингиз? Кўрқмас бўлсангиз, ҳамма нарсага кодир бўлсангиз, нима иш қиласадингиз?

Факат шу машқ учун бирор нарсанни, қандайдир катта ва мардонавор, марокли ва кучли нарсанни таниланг. Буни амалга оширишни уddaлаганингизни тасаввур қилинг. Қандай амалга ошириш ҳакида ўйламанг. Бу ҳозир бизни қизиктирмайди. Охирига натижани тасвирланг. Сиз буни бажардингиз. Ҳаммаси амалга ошди, уни ўзингизга тортинг. Қандайлиги мухим эмас, энди у сизникинги мухим. Ўзингизни қандай хис қиласиниз? Қандай хиссиётларни бошдан кечираяпсиз? Қувончни сезаяпсизми? Нафас олишингиз тезлашдими? Сиз табассум қиласапсизми? Ким биландир баҳтингизни бўлишяпсизми?

Биз охириги натижка деб айтотган нарсага тегининг. У билан яшаш қандай яхши! Уни кийиш, олиб юриш, хис қилиш. Бу мўъжизавий ҳолатда бир он тўхтаб туриңг. Үндан лаззатланинг. Бошқалар бўлиши мумкин эмас деган нарсанинг улласидан чиқдингиз. Сиз улкан вазифани бажардингиз. Сизнинг арзийдиган ишни қилишга журъатингиз етди. Мана охириги натижка. Сиз уddaладингиз. Сиз буни бажардингиз. Сиз ўзингизни яхши хис қиласапсиз. Бу ҳақда ганириб беришга, ёзишга шошаяпсиз. Балки ўзининг катта орзусини амалга ошириш қандай хиссиёт эканлиги ҳакида бутун бир достон ёзишга тайёрдирсиз. Ўзингизга қулоқ тутинг ва сизнинг ҳаётингизда жуда ажойиб, мухим нарса юз берганлигини сезганингиздан лаззатланинг.

**Сизни табриклайман! Сиз буни уddaладингиз!**

## УЧИНЧИ БОСҚИЧ: ИТОАТКОРЛИК

“Мен жуда ағасусдаман. Мени кечир.  
Сендан миннатдорман. Мен сени севаман”.

Бу сұзларни талағфуз қылаётганингизда уларнинг қандай кетма-кетликда келишининг ақамияти шүк Ичингизда ўзингизга мос равишда тақрорланғ. Ўз ҳиссияттарингизга бўйсунинг. “Чегарасиз ҳаёт” дастурининг охирги семинарида доктор Хью Лин бу гапларни иккита жумлага жо қшибди: “Мендан марҳаматини аяма” ва “Мен сени севаман”.

Жо Витале

**Муросай мадора ҳақида ганириладиган онг  
уйғонишининг учишли босқичига хуш келибсиз!**

### Бўлиши мумкин эмас: Хоопонопоно воқеаси

Биз ҳаётимиз лаҳзаларини аниқлашда уйғонишимизга ёрдам берган бирорга нарса билан тўқнашамиз. Одатда бу бирорта воқеа бўлиши мумкин. Кўп йиллар аввал мен бу карахтликдан бир дўстимдан эшитган воқеа туфайли уйғондим. Аввал унга ишонмадим. Гап ғайришуурый жиноятчилар учун руҳий касалхонада ишга жойлашган шифокор ҳақида. Бу шифокор даволанишнинг Гавайи усулидан фойдаланган. У туфайли барча беморлар тузалиб кетган.

Энг қизиги шифокор касаллар билан ҳатто учрашмаган ҳам. “Бўлиши мумкин эмас”, ўйладим мен. Албатта мўъжизалар рўй беришини, масофадан туриб, даволаш усувлари мавжудлигини билардим. Кувват таъсири ҳақида сиртдан даволаниш ҳолатлари ҳақида эшитгандим. Шунчаки, бундай нарсаларга ишонмасдим. Уни миямдан чиқариб ташлаган эдим. Бу эса ўшанда менинг онгим ёпиқлигини яна бир марта исботлади. Бир йил ўтгандан сўнг дўстим яна ўша гаройиб

ходиса ҳақида эслатди: “Сен ишонмадинг, бу түғрими?”, “Сен жиноятчи ва рухий касалларни даволаган ўша шифокорни топишга уринмадинг ҳам түғрими?”, – қизикди менинг сухбатдошим.

– Йўқ, – деб жавоб бердим, – бу ҳақда эсламадим.

– Кел, интернет орқали кўрамиз, – таклиф килди у.

Биз компьютер олдида ўтириб қидира бошладик. Керакли бўлган маълумотни олиш ўша пайтда ҳар ҳолда осон бўлмади. Лекин биз қайсарлик билан уни қидирдик ва бу одамнинг исмини билиб олдик. Шу билан ишимиз тамом бўлди.

Лекин бир неча кун ўтгач, уйимдаги компьютер олдига кулаги жойлашиб, ўша шифокор ва унинг усули ҳақида батафсил билиб олишга қарор килдим. Менга айтиб берилган воқеа ҳақиқатга яқинми? Агар бу ҳақиқат бўлса, бу мўъжиза ҳақида одамларга албатта етказишим керак. Бу даволаш усули ҳақида ҳамма билиши шарт. Мен бу фикр иштиёқида ёндим. Қидиувга бир неча соат сарфлаб, ҳақиқатан ҳам Гавайдаги бир рухий касалхонада bemorlarning ommavij даволангани ҳақида билиб олдим. Уларнинг ҳаммасини икки йил аввал шу касалхонага ишга жойлашган бир шифокор даволаган.

Бу қандай одам эканлиги ва уни излаб топиш учун мен қидиувни давом эттирудим. Охир-оқибат у муваффақиятли якунланди. Бу сеҳргар даволовчи билан қай даражада мулоқот килишга чанқоқ эканлигимни тасаввур кила оласизми? Менинг кувончим чексиз эди. Мен бу шифокорни топдим ва унинг электрон манзилига хат жўнатдим. Телефон рақамини топа олмадим. Шунинг учун почта билан чекландим. Шифокор илтифотли экан. У телефонда мен билан бажонидил сухбатлашишини айтди ва мен қўнгироқ қилдим.

У жуда очиқ қўнгил инсон экан, 45 дақиқа вақтини менга ажратди. Мен унинг учун умуман бегона одам эдим. Биз ҳатто таниш эмасдик. У менинг ҳамма саволларимга жавоб берди:

– Рухий шифохонада ишлаб, bemorlarни даволаш учун қандайдир алоҳида усулдан фойдаландингизми?

– Ҳа, – деди, у.

– Буни қандай амалга оширдингиз? Бу усул нимадан иборат? Ҳаммасини билишни истардим.

Бирок шифокорнинг жавоби мени довдиратиб қўйди.

– Ҳаммаси ўз онгимни тозалашга тақалади.

– Одамларни даволашнинг жуда ғалати усули, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Мен касалхонада ишлардим, – ўз ҳикоясини давом эттириди шифокор.– Оддий шифокорлардек беморларни кўриқдан ўтказмадим. Мен ишга касалларнинг ўзи билан эмас, касаллик тарихи билан иш олиб бориш шарти билан рози бўлган эдим.

Шифокор тиббиёт варакаларини кўздан кечириб, жонжади билан ғазабланишни, жазавага тушишни, нафратни хис килди. Ахир бу одамлар энг оғир жиноятларни содир этишган. Уларнинг орасида қотиллар, зўравонлар, шафқатсиз кимсалар бор эди.

У ёзилган варакаларга қараб, одамларнинг ҳиссиётларига кулоқ тутарди. Сўнг ўз ҳиссиётларини осмонга, у КОИНТОТ деб номлайдиган томонга юборди. Ким учундир бу Худо, Ҳаёт ёки Гая. Унинг учун эса бу Коинот эди.

У ўз ҳисларини Олий кучга юборарди: “Мен жуда ачинаман. Илтимос мени кечир. Сендан миннатдорман. Мен сенин севаман”.

Мен уни эшитдим, аммо тушунмадим. Бу одам менга ёкарди. У менда қизиқиш уйготарди. Гарчи, унинг овози менинг миямда: “У жуда ғалати. Унинг ҳаракатларини бу олам нуктаи назаридан тушунтириб бўлмайди”, деб шивирларди.

Мен саволларни давом эттирадим.

– Менга яна бирор нарса ҳақида гапириб беринг. Шифохона ва у ерда нима қилганингиз ҳакида.

Шифокор меҳрибон ва олийжаноб эди. У бундан кўра ёмонроқ жойни тасаввур килиш қийинлигини менгатушунтирди. У бу шифохонага ишга жойлашганда беморларнинг кўпчилиги кишанлаб қўйилганди, уларга кучли тинчлантирувчи дорилар бериларди. Бир ой ишламасдан, шифокорларнинг кўпчилиги ишдан кетарди. Ҳамширалар ҳам кўп ишламасди, 1–2

ҳафта ишлай олардилар, холос. Ходимлар доимий равиша ўзгаради, чунки шароит “дўзах”ни эслатарди. Йўлакдан юрганда, деворга тақалиб юриш керак эди — ходимлар хужумдан кўркишарди. Бу ҳакиқатан ҳам даҳшатли эди. Менинг янги танишим унга шахсий даволаш усулидан фойдаланиш шарти билан ишлашга рози бўлганини айтди.

— Бу қандай усул? — яна сўрадим.

— Хоопонопонога тенг бўлган, гавайича усул.

У мен ҳатто қайта талаффуз кила олмайдиган номни айтди. Гап нимада эканлигини тушунмасдим. “Ҳа, хоопонопоно воситасидаги мувофиқлик усули”. Мен дикқат билан, энди эса баъзи бир зўриқиш билан тинглардим.

— Сиз балки, ҳар бир одам ўзини ўраб турган оламни ўзи яратишини эшитгандирсиз?

— Ҳа, албатта, — дедим. — Бу ахир иккинчи босқич. Сиз кучлироқ бўлганингизда ўз борлигингизни яратасиз. Бу иккинчи босқичда эканлигинингизнинг белгиси.

Бу вақтда у давом этарди:

— Демак, агар сиз ўз борлигингизни яратар экансиз ва шу борлигингизда руҳий касал жиноятчи пайдо бўлса, сабаби сизда эмасми?

Мен шошиб қолдим. Чукур нафас олишимга тўғри келди. Худойим! Бу шахсий масъулиятимни тушунишнинг кучли кўтарилиши эди: бу одамлар менинг ҳаётимда пайдо бўлибдими, мен у ёки бу тарзда бунга дахлдор эканман. Мен уларни яратишга ёрдам бердим. Ҳозиргача бу далилга сира ақлим етмайди.

Биз сухбатни давом эттиридик. Шифокор ўз ҳаётида бу одамларнинг пайдо бўлганига дахлдор эканлигини тан олди. Тўғри уларни тўғри маънода яратмади, лекин ўз борлигига уларнинг мавжудлигини яратди. Шифокор касаллик тарихини ўқиб туриб: газаб, қаҳр, ғам-андуҳ ва бошқа ҳиссиётларини фаҳмлади ва ўзига ҳисобот берди. У фаҳмлаб, бу ҳисларни қабул қиласарди.

Бу жуда муҳим: ўз ҳиссиётларини, у худди дуодек, илтижодек Коинотга жўнатарди. У худди ўз килмишларидан

афсусланаётгандек бўларди: “Мен сенинг олдингда гуноҳкорман. Тавба қилдим. Бу одамнинг менинг ҳаётимда нима сабабдан пайдо бўлганини билмайман, лекин уни қабул қиласман. Марҳамат қилиб, илгари ва ҳозир қиласётган гуноҳларим учун мени кечир Мендан марҳаматингни аяма, мени улар учун кечир”.

Сўнг у шукроналикка ўтар эди: “Мен сендан миннатдорман. Мен учун қайғураётганинг учун миннатдорман. Менинг ҳаётимни поклаётганинг учун миннатдорман. Менинг муаммоларимни ҳал этаётганинг учун миннатдорман. Унинг мурожаати: “Мен сени севаман”. Бу сўзлар дунёдаги энг қудратли сўзлар эканлигини билиб олдим. У Коинотга мурожаат қиласман. У “Мен сени севаман “ дерди ва шу билан ўзининг итоаткорлигини тан оларди.

## **Биз ўйлаганимиздан кўра камроқ назорат қила олишга қодирмиз**

Итоаткорлик — учинчи босқичнинг асосий гоясидир. Менинг сұхбатдошим биз ақл билан назорат қилишга ўзимиз ўйлаганимиздан кўра жуда кам қодир эканимизни менга гапириб берди.

Бу одам—доктор Ихалалиакала Хью Лин. Биз дўстлашдик. Энди ҳамкорликда семинарлар олиб бораяпмиз. Биргаликда “Чегарасиз ҳаёт” деган китобни ёздиқ. У ерда Гавайи руҳий касалхонасидаги ишларининг барча тарихи ёзилган. Унда шифокор хоопонопоно усули ёрдамида бир неча ой давомида кишанлаб қўйилган, кучли тинчлантирувчи дорилар қабул қиласиган одамларни қандай даволагани ҳақида ёзилган. Ярим йилдан сўнг уларнинг баъзиларини касалхонадан чиқариб юборишган. Икки йил ўтгач, уларнинг ҳаммаси соғайди.

Бу менинг эшигларим ичидаги, энг қизиқарли, гаройиб ва мистик воқеадир. Мен тақдиримдан, айнан мени сиз билан таништирганидан миннатдорман.

## **Ўтакетган худбин фикрларга изн берманг**

Учинчи босқичда биз итоаткор бўлишимизга тўгри кела-ди. Нимага? Қандай итоаткор бўламиз? Кимга итоат қиласми? Мен доктор Хью Лин билан мулоқот орқали — кўпчилик одамлар, айниқса биринчи босқичда бўйсунувчи ролида ўйнашаётгандаридан худбинлик нуқтаи назаридан мулоҳаза қилишини билиб олдим. Ўтакетган худбинлик — уларни бу босқичда ўзига хос кўриниши бошқалардан ажратиб туради. Улар тезда хафа бўладилар ва ҳар нарсадан қўрка бошлайдилар. Доимо ўзларининг “мен”ларини жанговар тарзда ушлаб туришади.

Ҳатто иккинчи босқичда сиз анча кучлироқ бўлсангиз ҳам, сизнинг “мен”ингиз ҳали юқорида. Сизнинг кўп истак ва ниятларингиз ҳали худбинлик билан тўйинган. Улар юракдан чиқмайди, илоҳий бошланишидан келмайди.

Учинчи босқичда сиз итоат қилишини ўрганасиз. Итоаткор бўлиб, кўр-кўrona бўйсунувчанлик босқичидан ўтасиз ва кучлироқ бўласиз. Ундан ташқари Коинот билан ҳамкорликка ўта бошлайсиз. Сеҳгарлик шундан бошланади, ҳакиқий мўъжизалар юз беради.

### **Тўрут ибора**

Келинг батафсил кўриб чиқамиз. Шифокор Хью Лин шунчаки тўрут иборани талаффуз қилган: “Мен гуноҳкорман. Мени кечир (Гуноҳкор бандангни кечир). Сендан миннатдорман (Ўзингга шукур). Мен сени севаман”. Кейинроқ уни исталган кетма-кетлиқда талаффуз қилиш мумкинлигини билдим. Мен Коинотга овоз чиқармасдан, ўзим билан унинг орасидаги боғлиқликни ҳис қилиб жим мурожаат қилинши ўргандим.

Ундан ташқари ибораларни бошқача айтиш мумкин экан. Ҳаммага ҳам “Мен гуноҳкорман” деб айтиш қийин. “Ҳечқиси йўқ, кечир” деса ҳам бўлади. “Миннатдорман”нинг ўрнига, “Раҳмат” денг. Тўрт иборани сизни илҳомлантирадиган равишда ёки ёзилган тартибда айтаверинг. Менга ўхшаб оддийгина қилиб “Мен сени яхши кўраман” деса ҳам бўлади.

“Севаман” сўзини Коинотга йўналтирсангиз, атрофга, оламга ва содир бўлаётган воқеаларга сизнинг муносабатингиз ўзгаради.

“Мен сени севаман!” Барча мавжуд бўлган сўзларнинг энг қудратлисиdir. Мен ўз чиқишлиаримда кўпинча: “Агар оламдаги одамларнинг барчаси бир-бирларига “Мен сени севаман” деса олам қандай бўлар эди?” – деб сўрайман.

Бизнинг ички оламимиз қай даражада ўзгаради, сайдера миздаги муҳит қандай ўзгарап эди? Мен буни ҳозирнинг ўзида бошлашга ундейман. Сайрга чиққанингизда, рулда, мусиқа эшиштаётганингизда ва кундалик ишларингизни бажараётганингизда, миянгизда “Мен сени севаман” сўзларини айлантираверинг. У сизни табассум қилишга мажбур қиласди. У кўзингизда учқун пайдо қиласди. У сизга кўпроқ куч бериб, атрофдагилар нимани ўйлаётган экан деб, бошқача карайдилар. Уларга миянгиздаги “Мен сени севаман!” ибораси юрганини айтишингиз шарт эмас. Шунчаки ёдингизда бўлсин шу хаёллар ёрдамида атрофинингиздаги оламни ўзgartирасиз.

Шифокор Хью Линдан бизнинг “мен”имиз борлиқ ҳакида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас ва унинг кўрсатмасига кўра иш қилишини билиб олдим. Номуносиб иш: бу йўлдаги муваффакиятсизлик, хатолар бўлади, боши берк кўчага ва кўнгилсизликларга бошлайди. Нимага деб сўрарсиз? Чунки сизнинг “мен”ингиз катта оламнинг кичик бўлагини кўради. “Мен”ингиз Коинотни калит тирқишидан кўриш демакдир. Олий қудрат эгаси, Коинот ва ҳатто онг остингиз кўпроқ нарсаларни кўришга қодир.

## “Мен” ёки Яратганинг иродаси?

Мен нима учун ниятни ажойиб дейман? Ниятнинг кучи ҳакида “Гортишиш кучи сири” китобимда бир неча бор тўхталгандим. Ҳамма айтганларим кучида қолади, лекин сизнинг “мен”ингиз томонидан қилинганд ният билан Коинот томонидан берилган ниятларнинг ўртасидаги фаркка зътибор беринг. Сизга автомобилларга қизиқаман деб айтгандим. Бутун дунёдаги машиналар коллекциясига эга бўлишни, дунёдаги энг машҳур автомобиль коллекционери Жей Ленони ҳам менга ҳасад қилсин деган ниятим “мен”имда намоён бўлади.

Мен шунчаки миямда мақсад ва ниятларнинг пайдо бўлишига ҳеч қачон тўсқинлик қилмайман. Мана яна бир мисол: Коллекциямдаги автомобилларимдан бирига эга бўлиш — ички туйгум билан тасодифан интернетда маҳсус сайтга кириб қолишимдан пайдо бўлди. У ерда 1998 йилда ишлаб чиқарилган Panoz Roadster сотиш бўйича аукцион, худди шу пайтда тугаётган экан. “Қизиқ, нега мен бу сайтга кирдим?” деб ўйладим. Дастреб менда бу ният йўқ эди. “Мен”им бу ҳакда сўрамаганди. Умуман компьютер олдига ўтиришни режалаштиргмаган эдим.

Хаёлимга келтирмасамда ўша ерда бўлдим. Ўша хиссиётдан қутула олдим ва интернетдаги шу саҳифани очдим. Мен фақат ички овозимга бўйсундим. Камтарона, охирги таклиф қилинганд нархдан озгина юқориогини таклиф қилдим. Таажжубки, савдода ютдим. Энди менинг спорт машинам бор. У қачонлардир рок юлдузига тегишли бўлган. Жуда ноёб нусха, жуда катта қийматга эга. Унинг собиқ эгаси Стивен Тайлер ўз имзосини қолдирган. Энди унинг нархи бебаҳо.

Бу қандай юз берди? Ўйлайманки, “мен”имнинг бу ерда дахли йўқ. Бу Яратганинг инояти. Коинот менинг кўлларим ёрдамида мўъжиза яратди. Мендан фақат “Ҳа” деб тасдиқлаш имконияти талаб қилинди. Бу итоаткорликнинг намоён бўлишига бир мисол. Буни ҳам шифокор Хью Линданд ўрганганман. Бизнинг “мен”имиз борлиқ ҳакида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас.

## Тажриба сақланадиган омбор

“Чегарасиз ҳаёт” китобида Бенжамен Либет ўтказаётган тажрибалар ҳакида түхталгандим. Улар фикрлаш учун озиқ ва таассурот беради. Чунки олим бирор нарсаны бажариш ҳакидаги қарори аввал онг остида пайдо бўлади ва кейин онг даражасига чикади дейди. Бошқача айтганда, агар сиз ҳозир ҳошияга белги қўйиш учун қўлингизни чўзсангиз, билингки, бу импульс онгингизда туғилмади. У онг остида бошланади, сўнг онгли ниятга айланади ва ҳаракат билан тугайди.

Ҳаракатларингизни мажбурий эмас деб ҳисоблайсиз. Сизга ҳаракатларнингизни тўлиқ назорат қила оладигандек туюлади. Либет томонидан ўтказилган илмий тажрибалар фикр пайдо бўлиши осон эмаслигини яна ва яна исботлайди. У онг остидан келади. Унга бошқа томондан қарашиб мумкин. Тўхтанг ва сизнинг кейинги фикрингиз қандай бўлиши ҳакида ўйланг. Овоз чикариб, талаффуз қилинг ёки мен учун, ёнингизда ўтирган одам учун ёзинг. Сиз буни бажара олмайсиз. Чунки фикрларингиз ўз-ўзидан тақиқларсиз пайдо бўлади. Фақат шаклланган фикрни ёзиш мумкин. Олдинги фикрни озгина англашиб мумкин. Лекин кейингисини айта олмайсиз. Нега деганда фикрлар онг остидан келади.

Сизнинг онг остингизда эсадликлар, тасаввурлар, янглишишлар ва шифокор Хью Линнинг фикрича ҳатто ўтган ҳаётингизда тўпланган улкан омбор мавжуд, биз бу оламга фақатгина покланиш учун келганимиз. Биз шундай эзгу амални бажариш ўрнига худбин ўйларга, тўсатдан пайдо бўладиган режаларга маҳлиё бўлиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмай кун кечирамиз.

Мен биринчи марта шифокор Хью Лин билан телефон орқали гаплашаётганда у “Мен беморларим билан бажарган барча ишимда, кейинги фаолиятимда ва ҳозир сиз билан сұхбатимиз давомида ҳам шу эзгу амални бажарайпман, бу покланишдир”, – деб айтганди. Мен бу нимани англатишини

билишни жуда хоҳлардим ва у менга: “Мен хаёл қилаётган нарсалар бир неча иборадан ташкил топган. Улар “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил, мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман, мен гуноҳкорман...” У бу сўзларни қайта-қайта такрорлади. Нега деганда бу онг остини поклайди.

Эндиликда мен хаётнинг у ёки бу воқеаларини тортувчи ҳамма хаёл ва дастурловчи таъсиrlардан покланишда шу сўзларнинг жуда муҳим эканлигини чукур англадим. Ҳозир улар менинг ички монологим асосини ташкил қиласди.

### Ички монологнинг янгича шакли

Мен сизга ички монолог кўпчилик одамларга хослигини ва у катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтган эдим. Биз ўзимизни уришамиз, доим нимадандир шикоят қиласмиз, нимагадир кўз ёш тўкамиз. Менинг ички монологим шундай: “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”. Бу сўзларни миямда ҳозир ҳам такрорламоқдаман. Китобхонларга мурожаат қилиб, ўз онгимни тозаламоқдаман. Нега деганда Коинот билан сизнинг орангизда воситачи бўлишга интиlamан.

Назорат этилмайдиган таъсиrlар борлигини ҳётий тажрибамдан билардим, ҳозирда шифокор Хью Линнинг покланиш зарурлиги ҳақидаги назарияси бу фикримни яна бир бор тасдиқлади. Шифокор Хью Лин покланиш зарурият эканлигини таъкидлайди. Мен у билан ҳамкорликда кўп семинарлар ўtkazdim. Ҳамкорликдаги чиқишларимиз кўп бўлган. Биз бирга ишлаймиз. Ундан ўрганишни давом эттиromoқдаман. Менга у билан бирга бўлиш ёқади. Нега деганда унда хотиржамлик ва босиқлик мавжуд. У ҳар онда бутунлай покланишга ва бутун борлиғи билан Коинот овозини эшлишишга тайёр туради.

## **Сиз — муаммонинг бир қисмисиз**

Сизларнинг кўпчилигингизда саволлар пайдо бўлди ва улар бир-биридан фарқ қилмаса керак: “Наҳотки бу одам менинг ҳаётимдан муаммо ёки вазиятнинг йўқолишига бирор таъсир кўрсата олса?” Хью Лин: “Ҳар бир муаммода факат битта тузувчи — сиз борлигингизни наҳотки кўрмайтган бўлсангиз?” — деб айтарди. Сизнинг ўзингиз айнан иштирокчисиз. Ҳатто буни тан олмасангиз ҳам. Лекин бу ҳам бўйсунувчи руҳиятининг пайдо бўлишидир. Биринчи уч боскич уйғонишнинг боскичларидан бирига хос фикрлаш шаклини кўчиб юришига имкон беради. Ўз ҳаёлларингиз устида назоратни йўқотмасликка ҳаракат қилинг ва ўз онгингизни тозалашдан тўхтаманг.

Шифокор Хью Лин “Муаммонингда битта ташкил қилувчи бор, бу — ўзингиз”, — дейди. Муаммо нимада эканлигининг фарки йўқ. У сизники ва сиз унинг бир қисмисиз. Муаммонинг ягона, доимий компоненти сизнинг ўзингизсиз. “Сиз уни яратдингиз. Агар ўйлаб қарасангиз, сиз ўзингиз ҳаёт тарзингизни яратгансиз. Сизнинг ўзингиз уни кургансиз”, — дейди у. Бу билан нима қилиб бўлади? Хью Лин маслаҳат беради: “Ўз ҳиссиётларингизни қабул қилинг. Норозиликларингизни англанг. Уларни ўзингизда қолдирманг. Сизнингча улар билан боғлик бўлган ўша одамга, ўша уйга, ўша компанияга ёки ўша обьектга эътибор берманг. Улар билан бирга Коинотга мурожаат қилинг”.

## **Коинотга мурожаат қилинг**

Ўз ҳиссиётларингизни худди дуо каби Коинотга йўналтиринг: “Мен гуноҳкорман. Бу муаммони нима келтириб чиқарганини билмайман. Лекин у мавжуд. Демак, унинг пайдо бўлишида мен иштирок этганиман. Марҳамат қилиб, мени кечир. Кечир мени — мен билмасдан килдим. Бундай бўлишини билмасдим. Мен ўзимдан миннатдорман. Ўз ҳаётим учун миннатдорман. Унда иштирок этаётганингдан миннатдорман. Мени эшиштаётганинг учун миннатдорман.

Борлигинг учун миннатдорман. Яшаётганим учун, нафас олаётганим учун миннатдорман. Бу мўъжиза, албатта, мен сени севаман”.

Мен муҳаббат сўзларини чин дилдан Коинотга йўналтиришингизга ишонаман. Сиз албатта Унинг эшиштәётганлигини хис қиласиз. Бу сизга баҳт ҳиссини беради. Кўзларингизга ёш келади. Сиз: “Ҳаёт эканлигим қандай яхши. Бу ерда ҳозир бўлиш, яшаш ва уйғониш — бу буюк инъом. Жуда ҳам буюк инъом. Шунинг учун миннатдорман! Сенга раҳмат!” дейсиз. Чексиз шукроналик ҳиссини сезиб, ҳойнаҳой уни айтгингиз келади. Бор жисмингиз билан муҳаббатни хис қилинг. Сиз Коинот билан уйғуллашиб кетасиз. Агар Коинотни бир сўз билан ёзиш мумкин бўлса, бу сўз муҳаббатdir!

### **Бу сизнинг айбингиз эмас, аммо...**

Мен шифокор Хью Лин ҳақида тўхтовсиз, узоқ гапиришим мумкин ва унинг: “Сизнинг ҳаётингизда ннмаики юз бермасин, ўзингиз ҳаммаси учун масъулиятни бўйнингизга олишингиз керак” деган гапини эслатаман. Бу “ўз айбингни тан олиш” деган маънони билдирамайди. Ўзингизни азоблаш билан шуғулланманг. Менга шундай шакл кўпроқ ёқади: “Бу сизнинг айбингиз эмас. Бу сизнинг масъулиятингиз” деган фикрни келтириб ўтаман.

Бу сизнинг айбингиз эмас. Лекин барча масъулият сизнинг бўйнингизда. Итоаткорлик у билан курашишнинг энг яхши усулидир. Муаммога итоат қилинг. Уни Коинотга шу сўзлар билан йўналтиринг: “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”.

### **Идрок ва ҳаракат тарзини ўзгартириш**

Мен айнан шу итоаткорлик босқичи ҳақида гапиришни жуда яхши кўраман, лекин сиз унинг моҳиятини аниқ тушунганингизга ишонч ҳосил қилмоқчиман. Биринчи босқичда

сиз ёрдам сўрашга мойил эканлигингизни “Худойим, ёрдам бер!” деб таъкидлайсиз. Сиз у ёки бу шаклда ёрдам сўрайсиз. Нега деганда ўзингизни аник бўйсунувчи деб ҳисоблайсиз. Бутун олам сизга қарши тургандек туюлади. Бу биринчи босқичнинг бир белгисидир. Сиз қандай дуо қиласиз? Қайси сўзлар билан Яратганга, Коинотга мурожаат этасиз?

Иккинчи босқичда сиз шундай дейсиз: “Мен буни сенинг ёрдамингда ва усиз бажара оламан”. Сиз кучлироқ бўлдингиз ва “мен”ингиз аник бўлди. Сиз бирмунча ўзингизга ишонгансиз. Агар сиз Яратганга мурожаат қилсангиз “Менда бор нарса учун сенга раҳмат”, дейиш билан бирга ундан яна бирор нарса сўарсиз. Сиз ўзингизни бўйсунувчи сифатида эмас, ўзингизни ҳимоя қилиш учун Коинотдан узр сўрайсиз.

Учинчи босқичда дуо қилаётганингизда итоаткорлигинингизни ҳис қиласиз. “Мен буни ёлгиз уддалай олмайман. Бу муаммони ўзим ҳал қила олмайман. Менга сенинг ёрдаминг керак”, деб айтасиз.

Бунинг бўйсунувчи ҳолатига боғлиқлиги йўқ. Сиз бу ҳолатда Коинотга бўлган чексиз мухаббат ҳиссиётига савимият билан таянасиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Коинот ўзингизда, у ҳар бир одамда мавжуд, дуонгиз: “Менга сенинг ёрдаминг керак”, – деган илтижога айланади. Сизнинг дуонгизда умидсизлик йўқ. Бу факат ундан мадад кутаётганингизни англатади. Ундан ташқари учинчи босқичда сиз вазиятни назорат қилишдан тўхтайсиз. Моҳият ана шу итоаткорликда, сиз назоратдан воз кечасиз.

## Ҳаммасини назорат қилиб бўлмайди

Келинг бу мавзуга батафсилроқ тўхтаймиз. Қандай сабабларга кўра назорат қилиш фикридан қайтиш мумкин? Инсон хаётини тўлиқ назорат қила олмайди, Коинотни ҳам назорат қилишнинг имкони йўқ. Сиз шундай қилмоқчи бўлгансиз, тан олинг, натижаси бўлмаган. Унинг ҳеч ёмон томони йўқ, ахир сиз “мен”ингизни йўқотмагансиз.

Сизнинг “мен”ингиз ўзингиз билан қолади. Аслида, у сизнинг күтқарув чамбарагингиздир. Унинг күмагида сиз чўқмайсиз ва керакли жойга етиб борасиз. Унинг ёрдамида сиз ёқимли ҳаёт кечиришингиз учун қилишингиз лозим бўлган ишни бажарасиз. Мен аниқ биламан, сизнинг “мен”ингиз онгингиз билан биргаликда Коинотдан ўз ҳаётига ижобий воқеаларни кўпроқ жалб этиш учун мадад сўрашга қодир.

Афсуски, ўз ҳаёtingизни назорат қилишга уриниб, сиз ўз “мен”ингизга суянасиз, у фақатгина Коинотнинг ушоқдек жойини кўра олади. Энг катта қийинчилик ҳам ана шунда бўлади.

### **Бу менинг ихтиёримда эмас...**

Яна мен сиз билан кўнгилсизликлар ҳақида сухбатлашмокчиман.

Баъзи бир одамлар семинарларимда иштирок этиб ёки Хью Лин билан биргаликдаги чиқишларим, “Чегарасиз ҳаёт” китобимни ўқиб, итоаткорлик ҳақида эшитиб, бари бир оғир оқибатларни бошидан кечиргандар. Бир аёлнинг фарзанди нобуд бўлди. У мастьулият ҳақидаги гояни юрагига яқин олган: “Нега қизим ўлди? Мен ибодат килардим, қўлимдан келганини қилдим-ку. Мен ҳатто Хью Лин усулини қўлладим. Мен: “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм кил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”, – деб нола қилдим. Боламнинг яшашини истагандим. У ўлди. Нега бундай бўлди?”

Хью Лин эса: “Балки аёл ўз ибодатларида бошқа нарса сўрагандир”, – деб жавоб беради.

### **Ф.Т. Барнум билган эди**

Одатда учинчи босқичда сиз: “Бу менинг ихтиёримда эмас. Сенинг айтганинг бўлади”, дерсиз. Бу жуда кучли гап. Бу фикрга биринчи марта “Ҳар бир дақиқада яна бир харидор тугилади” (Эксмо 2010) китобимни ёзаётган вактда антреприз

ва маркетинг даҳоси Финеасе Тейлор Барнум китобида дуч келганман. Бу кишининг ҳәётини ўрганиб, у дағн этилган Коннектикут штатидаги Бриджпортга бордим.

Барнум цирк ижарачиси бўлибгина қолмай, ёзувчи, нотик, тижоратчи, сиёсатчи ва рекламанинг даҳоси эди. Уни икки маротаба Бриджпорт мэри қилиб сайлашган. Одамларнинг ҳәёти ва фаровонлиги унинг учун жуда аҳамиятли эди. У хозир кунгача биз фойдаланаётган кўп нарсаларни ихтиро қилган. Ҳозир кўлланнаётган жуда кўп атамаларни ўйлаб топган.

У ҳақиқий маънода маркетингнинг даҳоси эди. Унинг қабр тошида “Бу менинг ихтиёrimda эмас. Сенинг айтганинг бўлади” деб ёзилганди, бу лавҳани биринчи марта кўра туриб, таажӯубландим: Бу одам бутун оламни ўз атрофида назорат қилишга интилувчи худбин эмасми? У ҳақида маълумот йигиб, китоб ёзаётганимда, Барнумга итоат қилиш фалсафаси бегона эмаслигини тушундим. Унинг ҳаракати учинчи босқичга мос тушади, у итоаткорлик зарурлигини англаган.

Иш соҳасида унинг иштиёқи ҳамма ташабbusларни бошқарди. У агар бирор нарса ўхшамаса, унда қандайдир чукур, хозир сезилмайдиган мазмун бор деб биларди. Нью-Йорк марказидаги унинг музейи икки марта ёниб кетди. Эрондаги дунёга овоза бўлган қасри ёнган. У хотини ва фарзандидан кўпроқ умр кўрган. Лекин ҳар сафар оёққа туришга ва итоаткорлик билан “Бу менинг ихтиёrimda эмас. Сенинг айтганинг бўлади” деб айтишга куч топа олган.

## Ҳаммасини билиб бўлмайди

Боласини йўқотган аёлга келсак... Хью Лин “Коинот ато этган тақдирнинг туб сабаби нима эканлигини биз билмаймиз”, деб айтган. Аслида нима яхшироқ эканлиги ҳам бизга номаълум. Қўлимиздан келадиган нарса бу “хисларни тозалаш”дир. Агар сиз ҳозир шу ерда ўзингизни баҳтли, хотиржам ва ишончли деб ҳис қилмасангиз, ўз хисларингизни Коинотга шу сўзлар билан айтинг: “Мен гуноҳкорман. Менга

раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”. Мен биламан: “Бунинг учун катта эътиқод керак”. Ҳатто айнан эътиқод бўлмаганида ҳам “Мен мавжудман” деб қайтаринг.

## Амалий машғулот

Мен бу жуда ишончли амалий усул ўз ишларингизни тўғрилашингизда, муносабатларингиз ўрнига қўйишишингизда, банкдаги ҳисобингизни тўлдиришишингизда ёрдам бериши мумкинлигини билишишингизни истайман. Мен ўз бизнесимни интернетда ҳам олиб бораман. Янги китоб, маҳсулот, хизмат, интернет-манзил ёки семинар ҳақида обуначиларга маълумот юбораётганда ҳар доим “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман” дейман. Ишонинг, бу ёрдам беради. Бу сўзларни ёзаётганда “Хозир мен покланаяпман. Мен ҳамма нарсадан покланмоқдаман”, деб ўйлайман.

Англаммаган нарсаларнинг ҳаммасидан, мен интилаётган нарсаларнинг охирги натижасидан, менда бирор нарсани бажаришга интилиш бор. Мен ҳақиқатан ҳам электрон почта орқали маълумот жўнатаман. Мен ҳақиқатан ҳам жавоб олишни истайман. Лекин вазиятни назорат қилишга интилмайман. Менинг истакларимнинг чегараси қандай бўлиши керак бўлса, шундай бўлишига ишонаман. Мен асосий роль Коинотга тегишли бўлишини истайман. Нега деганда керак бўлмаган ҳиссиётлардан покланаман ва ўз хабарларимни муҳаббат билан тўлдираман.

Маълум бўлишича, улар жуда зўр ишлар экан. Аъло натижаларни оляяпман. Бунда мен ёлгиз эмасман. “Чегарасиз хаёт” китоби устида ишлаётганимда дўстим Билл Хиблер амалиётда ҳаммасини қўллашга қизиқди. Биз “Биргалиқда кутиб ол ва бойн” номли китоб ёздик. Билл жуда ақлли ва шубҳаланувчи одам эди. У “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”, деган сўзларни унинг иш даражаси ва савдоси натижасига қандай таъсир қилишини аникламоқчи бўлди.

Тажриба бошланди у ўз мижозлари ҳакида ўйлай бошлади. У мижозлари ҳакида шунчаки ўйларди, уларга хабар юбормасди. Улар ҳакида ўйларкан, фикран: “Мен сени севаман”, – дерди. У мижозларига фикран мурожаат қилиб, “Мен сени севаман” деб такрорларди. Унинг миясига ҳар хил фикрлар келарди. “Яхши, мен улар ҳакида ўйлаётганимни улар хис киластганларини билмайман-ку” ёки “Бу ҳакиқатан ҳам ишлайдими ёки Жонинг ақли жойидамасми, балки шифокор Хью Лин тентак ёки ғалати одамдир, мен билмайман-ку”, “сени севаман” деб ўз мижозларимга айтиб ўтирибман деб ўйларди. Шунга ўхшаш фикрлар келганда уларни четлаштириб, “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм кил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман”, деган сўзларни ўргатиб кўйилгандай такрорларди.

Ўзининг хайратига кўра ўша ойда олдинги ойга нисбатан 41% кўпроқ савдо қилди. Ундан ташқари бу йилги савдосини ўтган йилги савдоси билан таққослади. Ўз онгини декабрда тозалаган бўлса, ўтган йилги декабрь ойида худди шу ойда шу натижа бўлмаганмикин деб текшириб кўрди. Бу содир бўлмаган экан. Кейинги йилда эса иш фаолиятида компютер олдида ўтирганида Коинотга мурожаат қилиб, мижозлари ҳакида ўйлаган. У муҳаббат тарқатган ва хавотир, иккиланиш ва қаршиликлар пайдо бўлиши билан “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман” деган сўзлар билан покланган.

## **Муваффақият билан баҳслашиб бўлмайди**

Бу услубнинг таъсири жуда катта. Калифорниялик автомобиль савдоси билан шугулланадиган, доктор Хью Лин услублари ва менинг ишларимнинг катта муҳлиси бўлган бир одамни танийман. У шахсий автосалонидаги харидорлар билан сухбатлашаштганда фикрларини тозалайди. “Мен фақат кўриб чиқмоқчиман. Менга ҳеч нарса тақлиф қилманг. Каталогни олмайман, шунчаки кўриб чиқмоқчиман” дейдиган харидорлар тоифаси бор. У “Яхши кўраверинг” деб жавоб беради ва фикран сизга таниш бўлган сўзларни такрорлайди.

— Сиз мижозларингиз билан гаплашасизми? — деб сўрадим.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Об-ҳаво ҳақида, агар савол пайдо бўлса, машиналар ҳақида гаплашамиз. Аммо ҳаёлимда “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман” деб покланишдан тўхтамайман.

Бу одам мен билган одамлар ичида энг оғир-босиги ва вазмини эди. Автомобилнинг ҳамма моделлари бўйича барча рекордларни ўрнатган. Бу бизнесда ишлаётган одамларнинг ҳаммасидан кўпроқ машина согган. Унинг савдодаги сирли қуроли ҳаммага ҳаёлан “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман” деб айтишига бориб тақалади. Унинг ёнида турган одамлар ниманидир ҳис қилишади. Шунчаки кўришга кирдик деган харидорлар баъзида битта ёки иккита автомобиль билан кетишади.

Амалиётда бу ўзига хос сеҳр таъсир кўрсатадими? Албаттa, ҳа. У ҳар доим ва ҳамма даражаларда таъсир кўрсатади. Балки сиз “Билл, доктор Хью Линда амалга ошди” деб ўйларсанз. Бу менда ҳам худди шундай бўлади дегани эмаску! Биласизми, мен сизга нима дейман: “Бу ҳаёллардан покланинг”. Шубҳаларингизни унунтинг, уни Коинотга шу сўзлар билан йўналтиринг: “Мен гуноҳкорман. Менда бу ҳиссиётлар, бу шубҳа ва ишончсизлик қаердан пайдо бўлганини билмайман. Илтимос улар учун мени кечир. Улар менинг ҳаётимга қандай кириб келганини билмайман. Бу ҳақда қайгурганинг учун раҳмат. Мени эшитаётганинг учун миннатдорман. Мен сени севаман”.

Аввалига бу сўзларни айта туриб, ростакамига уларнинг ичига сингиб кета олмайсиз. Лекин уларни айтишда давом этиб, айниқса итоатнинг биринчи натижаси пайдо бўла бошлигач, уйғонишнинг учинчи босқичига ўтганингиздан сўнг, сиз яна олдинга қараб боришни истайсиз. Сиз бу сўзлар олиб келадиган баҳтни ҳис қиласиз.

## Ҳаяжонлар бўлмасин

Бу услубда қарши кўрсатма бор. У хавотирдан ҳалос қиласди. Агар сиз нима ҳақдадир хавотирланётган бўлсангиз — олдинда турган сухбатдан, тўловнинг қийматидан ёки сизнинг ҳақингизда кимнингдир фикридан, ўз ҳаяжонингизни ўйқотиб тақрорланг: “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қил.

Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман". Албатта, бу жуда оддий эшитилади. Лекин бу ҳақиқатан ҳам сизни хавотирдан ҳалос қиласиди. Елкаларингизни кўтариб, табассум қиласиз. Оlam ўзгаради.

Марк Твеннинг: "Сизда хавотир уйготадиган ҳодисаларнинг кўпчилиги умуман юз бермайди", – деган гапларини жланг. Керак бўлмаган хавотирдан кутулиб, Коинот сизга берадиган ёқимли совғалар учун ўзингизни тайёрлайсиз. Бу ҳақда кечроқ гаплашамиз. Сиз интиляётган нарсангизнинг асоси бу айнан ҳозирги ҳаётингиздир. Ҳар бир лаҳзада ҳузурланишга ҳалакит бераётган ҳамма нарсадан ҳалос бўлинг. Бу қандай мўъжиза эканлигини тушунаяпсизми?

## **Сизни хавотирга соладиган нарсалар рўйхатини тузинг**

Келинг мавзудан четга чиқамиз ва сизни хавотирга соладиган нарсалар рўйхатини тузамиз. Унинг таркибиغا ҳамма нарса кириши мумкин — ишингиздан тортиб, то фарзандлар билан бўлган муносабатгача. Балки сиз саломатлигингиздан, ипотека бўйича кейинги тўловингиздан ёки автомобиль кредити учун тўлашингиз керак бўлган нулдан хавотирланаётгандирсиз.

Балки сиз экология масалалари ёки сиёсий мухит ҳақида кайгураётгандирсиз. Вариантлар жуда кўп бўлиши мумкин. Биз хавотирларнинг сизнинг ҳаётингизда борлигини биламиз. У ёки бу даражада сиз уларнинг юзага келишида иштирок этгансиз. Сизни ҳаяжонга соладиган нарсаларнинг рўйхатини тузинг. Ҳаммасини қоғозга тушириш жуда қизиқ бўлса керак. Қоғознинг ўзига сўзларни ёзиш, ўз-ўзидан терапевтик самарани беради.

Мен сизга жуда тўлиб тошган рўйхат тузишингизни таклиф қиласман ва ҳаттоқи талаб қиласман. Нима хавотирга солса, нимадан қайғурсангиз, ҳаммасини ёзиб чиқинг. Ҳар доим миянгизни банд қиласидиган фикрларнинг ҳаммасини ёзма равишда баён этинг. Қоғозга ишонинг, муҳокама қиласманг. Гап қайтарманг, ўзингизни айбламанг. Вазифангиз

сизни асабийлашишга мажбур қнлаётган нарсаларнинг рўйхатини тузишдир. Бу қоғоздаги рўйхат бўлиши керак. Ёзишни тутгатганингиздан кейин, ушбу бандларни ёздишни покланишингизни сўрайман. Сўнг бошқаларига ўтишингиз мумкин.

Бу жараённинг ҳаммасида иштирок этмайман. Факат бошида нима қилиш кераклигини айтиб бераман. Ёзилган рўйхатга қаранг. Агар у билан шуғулланмаган бўлсангиз, миянгизга келган биринчисини танланг. Хавотирланишингиз учун сизда қандайдир сабаб топилишига менда шубҳа йўқ. Хаёлан жаҳлни чиқарадиган ёки норозиликни уйготадиган нарсаларга бош қотиришнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Бу ҳис мавжудлигини тан олишингизни ва дикқатингизни унга жамлашингизни сўрайман.

Сизни ҳаяжонга соладиган биринчи тўғри келган сабабни, нима бўлса ҳам бу машқни бажаришга мўлжалланганини олсангиз, мен сизга ундан халос бўлиш йўлни ўргатаман. Менга ишонинг, яқин 15–20 дақиқада сизга покланишига ёрдам бераман. Рўйхатдаги битта ёки бир неча бандлар билан ишлаш мумкин. Кейин нима ҳодиса юз берса, ёзиб боринг. Ёзувларни бир ой давомида ҳар куни бир неча дақиқа ажратиб ёзиб боринг.

Ҳаммасини ёзиб боринг ва итоаткорликка тайёрлигинингизнинг қандай ўзгараётгандигини кузатинг. Биринчи галда мен сиздан ҳиссиётингизда дикқатингизни жалб қилишингизни ва хаёлан “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм кил. Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман” дейиншишингизни сўрайман. Энди мен бир неча дақиқа давомида бу сўзларни кайтараман. Хаёлан сиз ҳам уларни такрорланг. Уларни секин ёки тез, хоҳлаганингизча такрорлашингиз мумкин. Ўз ҳиссиётингизга дикқатингизни жалб қилишни унутманг. Коннотдан ундан халос бўлишингизни сўранг.

*Мен гуноҳкорман. Менга раҳм қили.*

*Мендан марҳаматингни аяма. Мен сени севаман!*

Бу сўзларни 100 марта ва ундан кўпроқ такрорланг.

# ТҮРТИНЧИ БОСҚИЧ: УЙГОНИШ

*Ақтүнгизни тиңчлаптириң, Коинот билан  
үйгүнлашиң ва ундан истеген нарсанғизни  
сұрап.*

Жо Витале

Түртинчи босқичга хуш келибсіз — буткул уйгониш вакты келди. Бу босқични баён этиш ҳаммасидан қийин ва унга күпгина сабаблар бор. Биринчи босқич уйгониш имкониятларини ва кейинги қадам ташлашни мүлжаллайды. Биринчи босқични ўқиётганингизда, балки сиз ўзингиз учун қандайдыр янгилик очгандырысиз. Балки сиз юқори босқичга күтарилгандырысиз? Бу босқичда сехрли таекча ишора қылганидек уйонасиз.

Менинг вазифам — қаерга боришингизни аник тушуннингиз учун сизга түғри йўл кўрсатишидир. Ундан ташқари мақсадга етишишингиздаги зарурий параметрларни топишга ёрдамлашамиз. Яна бир марта такрорлайман: бу муҳим босқич. Бу босқичда Коинот кучини англаш учун уйонасиз. Менинг сўзларимга дикқат қилинг. Тушунаман, биринчи карашда фикрим ҳатто ғалати кўринар ва ғашингизни келтирар, аммо мен уни тушунишга ёрдам бераман.

## Кузатувчи

Сиз ҳар доим, ҳатто ҳозир ҳам бу сатрларни ўқиётганингизда хаёл сурасиз. Олдинги боблардан бирида ўз фикрларингизни тасаввур кила олмаслигингизни англай олмайсиз, леб ўргатган эдим. Энди давом этамиз. Сизнинг жисмоний қобигингиз бор — у сизнинг танангиз. У билан ҳаммаси жойида бўлиши мумкин. У сизни тўлиқ қаноатлантириши мумкин. Балки сизнинг озишингиз керакдир. Аммо шуни билингки, танангиз бу сизнинг ўзингиз эмас. Сиз уни фикрларни англашадек англайсиз. Лекин сиз тана ёки фикр эмассиз. Сизда ҳиссиёт ва ҳислар мавжуд: сиз қувноқ, гамгин,

дарғазаб, хавогирда бўлишингиз мумкин. Сиз буни ҳис қиласиз, лекин бу — сиз эмас. Баъзи бир маънода буларнинг ҳаммаси кийинмии эслатади (тана, фикр, ҳиссиёт). Сиз, фазогирдай мос келган костюмини киясиз ва оламга кўзойнек оргидан карайсиз.

Агар фикр ҳам, тана ҳам, ҳиссиёт ҳам бўлмасангиз, фақат тана деб помланган қобиқ остига яширинган бўлсангиз, сиз кимсиз? Сиз аслида нимасиз? Ташқи қобигингиз ичидаги ҳодисаларни Коннот ташқаридан назорат килишини айтишни ўз зиммамга олмоқчиман.

Ҳақиқий, хаёл сурувчи, ҳис этувчи, жисмоний қобиги бор, ҳаммасини четдан кузатиб турган Коннот борлигини англаиз.

## Илоҳий муқаддима

Баъзи бир нуқтан назарга кўра, сиз одам қиёфасидаги Коннотсиз. Сиз буни билмагансиз, буни билмаслигингиз Коннот орқали созлаинган. Сиз дунёга бўйсунувчи бўлиб келгансиз, кучлирок бўлишни бу китобдан ёки бошқасидан ўргангансиз. Сиз итоаткорликни ўргандингиз. Энди кутимаган ҳодисага дуч келасиз: уйғониш учун зарурий кайфиятни сизнинг ўзингиз берасиз. Коннот ўзини оддий одам тарикасида, тўрт боскичдан ўтиб, ўзи бўлиши керак бўлган жойда: “Мен Коннотнинг ўзиман” деб англаши керак.

Мен сизга мурожаат қилмаётганимни ёдда тутишингизни штитмос қиласман. Худбинликдан узоқлашиш. Агарда сиз уйғониш йўлида турган бўлсангиз, сизнинг фикрларнингиз билан Коннот ҳисоблашади. Ичингиздаги юз берәётган ҳодисалар Коннотда ҳам юз беради, чунки Коннот — бу сиз, унинг бир бўлагисиз.

## Танловдаи ташқарида

Бир кун доктор Хью Линдан сўрадим:  
— Танлов ҳақида нима деб ўйлайсиз? Сиз қарорларни қандай қабул қиласиз?

У менга шундай жавоб берди:

– Агарда сиз мұхым танлов олдида турған бўлсангиз, А режасини ёки В режасини амалга ошириш ҳақида иккиласангиз, уни сотиб олиш керакми ёки бошқа нарсаними деб ўйласангиз, демак сиз ҳали тўлиқ покланмагансиз.

Агар сиз ҳақиқатан итоаткор, уйғоқ бўлсангиз, хеч қачон иккиланмайсиз. Нима қилсангиз ҳам, нимани гапирсангиз ҳам ўзингизга савол бермасдан қиласиз. Чунки сизни гапиритираётган ва ҳаракат қилдираётган куч билан бир бутунсиз. Барча айтилган гаплар сизга ғалати кўринниши мумкин, бари бир мен билан бирга қолинг.

Биз мана нима ҳақда фикр юритамиз: “Нега мен ўйлайман-у, фикрларим менини эмас? Уларни қандай англайман? Менинг қайси қисмим уларни англайди? Менинг танам бор, нима учун танам — бу мен эмас. Бу тананинг ичидаги мен қандайман? Баъзи бир маънода мен рухман. Буни мен англайпман. Мен буни хис қилаяпман. Негаки, менинг хиссиётим бор ва улардан четлашиншим мумкин. Мен уларга четдан қарай оламан. Мен улардан шубҳалана оламан”.

## ОҚ ДОСКА

Агар шу сўзларни ўйлаб кўриб, уннинг том маъносини тушунсангиз, у билан бир бутун бўласиз. Мен эса сизни ҳиссиёт, тана ва фикр эмаслигингизни тушунишингизга чакираман. Сиз улардан алоҳида мавжуд кузатувчисиз. “Кузатувчи” ким у? Баъзи бир семинарларда, айниқса доқтор Хью Лин билан ҳамкорликдаги “Чегарасиз ҳаёт” мавзуси бўйича (биз уларни чекловларсиз семинарлар деймиз) семинар ўтаётганда мен кузатувчи ҳақида дастлабки манба ёки “оқ доска” деб гапираман. “Оқ доска” атамасидан, чиқишлиарим пайтида одамлар олдига катта оқ доска кўйиб қўйганим учун фойдаланаман. Үндаги барча ёзувларни ўчириб: “Мана сизнинг моҳиятингиз”, дейман.

Сизда Коннот каби фикрлар йўқ. Сиз ҳали хеч нарса ёзилмаган тоза доскасиз. Доскада ёзилган ҳар бир сўз сизни Коннотдан узоклаштиради. Коннот мұхаббатнинг ўзи дегани деб муҳокама қиласиз ва унга ёрлиқ осасиз.

Бу фақат муҳокама холос: мен Коинотни муҳаббат билан тенглаштириш түгри ёки нотүгри деяётганим йўқ, Коинот хақида фикр юритаётганингизда унга таъриф берасиз, уни тавсифлайсиз — сиз ундан узоқлашасиз.

Мен сиз уммондан бир томчи эканлигингизни тушунишингизни истайман. Сиз уммондан ташқарида мавжудсиз, аммо сиз уммоннинг ўзисиз. Агар томчи уммонига қайтаришса, унга кўшилиб кетади. “Оқ доска” билан ассоциациянинг моҳияти ҳам мана шунда. Сиз Коинот билан аралашиб кетасиз. Сиз уммондаги томчи сув каби ўзига хосдирсиз.

Сиз медитация қилаётганингизда хаёлга бериласиз, ўз борлигингизни фикр, ҳисснёт ва хислардан ажратиб, “оқ доска” билан уйғуллашиб кетасиз. Шундай тарзда уйғониш ва фикрингизни теранлаштириш мумкин.

## Фикр теранлашиши

Мабодо аввалги ҳаётингизга пазар ташласангиз, балки шундай онларни эслайсизки, уларни эслаб ногаҳон дилингиз равшанлашиб кетади.

Бундай онларда: “Мен олам билан биргаман. Мен Коинот билан биргаман. Сизнинг шахсингиз, сизнинг “мен”ингиз кетади. Сиз тўлиқ англайсиз. Қаерда яшашингиз ёдингиздами? Барча сиз билан юз берган ходисаларни эслайсиз-у, бу нарсалар билан бирлашмайсиз. Фақат: “МЕН Коинот билан бир бутунман” деган фикрнинг аҳамияти бор.

Бу сиз оламни бошқарасиз дегани эмас, чунки сиз Тангри ёки илохий идрок эмассиз. “Суғур куни” фильмидаги қаҳрамон ўзини Худо дейди. Ундан қайта сўрашгандаридаги: “Мен У Худомас, шунчаки Худоман”, – дейди. Фикр теранлашиши медитация қилаётганингизда, ҳаёт ҳақида ҳаёл сурган пайтингизда ёки сокинликка кулоқ тутганингизда юз беради. Биз бассейн олдида ёки автомобиль бошқараётганда, табиат манзаларига маҳлиё бўлганда уни сезамиз. Фикр теранлашиши аниқ вазиятларга боғлиқ эмас, у менга худди сехрли таёқча ишораси билан пайдо бўлгандек туюлади. Биз унинг келишига тайёр бўлишимиз керак холос, сиз фикр теранлашиши нима эканини хис қилишингиз, унга ишонишингиз мумкин.

## Кундалик медитациялар

Энди сиз уйғондингиз ва түртінчі босқынчда түрібесіз, энди мен сиздан медитацияга иложи борича күп вакт ажратышингизни сұрайман: у фикр теранлашишига ёрдам беради. Унинг фойдалы эканлыгини илмий изланишлар күп марталаб исботлаган. У тананы даволайди, стресс дара-жасини пасайтиради, бош мия чап ярим шарини ўнг ярми билан тенглаштиради, онгни енгиллаштириб илхом беради. Лекин медитациянинг мен учун энг қызық томони — Коннотта қайтиш имконияти ёки Коннот бўлишдир.

Хозир бу нарсаларни сизга тушунтираётганимда, сиз мен нима хақда гапираётганимни англаётган бўлсангиз керак. Сиз ўзингизда фикр борлигини ва улар сизники эмаслигини, танангиз бор-у, аммо у сизники эмаслигини, ҳиссиётларингиз мавжудлигини, аммо у сизнинг ҳиссиётингиз эмаслигини, менинг сўзларимда маъно борлигини ҳам биласиз. Сиз буни онг ости даражасида тушунасиз, бу билим билан қандай кўшилиб кетса бўлади?

Худбин онгингизни енгиб, Коннотта айланиб ва доктор Хью Линдек “Танлов муаммоси мавжуд эмас” деган қатъий ишонч билан ҳаёт йўлидан қандай событ қадам ташлаш мумкин? Бу сизнинг ташвишингиз эмаслигини тушунинг. Коннот ҳаммасини сиз учун ҳал қиласи. Сиз факат савол бермасдан ва гумонсирамасдан ҳаракат қилишингиз керак. Фикр теранлашининг энг яхши услубларидан бири — мақсадга йўналтирилган кундалик медитация. Уни хар қандай қулай пайтда бажариш мумкин.

## ІOrgai йўлингизда медитация қилинг

Ўз ҳаётингизни йўлдаги медитация деб қарашига уриниуб кўринг, бу бирмунча мураккаб бўлса ҳам яхшиликка олнб келади.

Кундалик ишлар билан шуғулланаётган пайтингизда, автомобиль ҳайдаётганда, ишга кетаётганингизда, одамлар билан мулоқот қилаётганингизда, нағватда турганингизда, такрорланг: “Мен — менинг танам эмас. Мен — менинг фикрим эмас. Мен — менинг ҳиссиётларим эмас”.

Тұлға үзингизни четга олиш учун ҳаракат қилинг. Шунда бутун ҳәтингиз мәдитацияға айланади.

Мен суткасига 24 соат англаш ҳолатида бўлишингизни таклиф қиласман. Айнан 24 соат, мен жиддий айтаяпман. Тушингизда ҳам англашингиз мумкин, агар бу сизга жуда мураккаб туюлса, унда кундалик мәдитацияларни машқ қилинг. Үзингизга 10 ёки 20 дақика вакт ажратинг. Кўп мәдитацияларни кунига иккى марта: 20 дақиқадан кечқурун ва эрталаб бажаринг. Үзингизга кулагай вактда бажаринг. Бу босқичда, деярли уйғониш босқичида мәдитация мухимлигини тушунинг. Мәдитация сиз учун нафас олишдек оддий ва табиий бўлиши керак. Мәдитация худди эрталаблари тиши ювишдек, кундалик ишлар билан шугулланиши ёки ишга боришдек одат бўлиши лозим.

Мәдитация қилишдан максад — Коинот билан уйғунлашиши, ҳамма хавотирлардан, заарлар одат ва дастурлардан ҳалос бўлиш, натижада янги ҳаёт қуришдир. Ҳар бир дақиқаси сехр ва мўъжизага, иззат-икромга тўла ҳәтингиз тасаввурингиз, имкониятингиз, тушунчаларингиз ортиладир.

## **Мәдитация — сизнинг фикрларингиз эмас**

Кўплаб мәдитация турлари мавжуд ва улардан бирини ўзлаштиришингизга ёрдам бераман. Уни ҳар куни бажаришга ваъда беринг. Менинг энг севимли ибораларимдан бири: “Мәдитация — сизнинг фикрларингиз эмас”. Мәдитация ҳакидаги фикрларингиз қандай бўлмасин, улар кўпинча хато бўлади. Фикрларнинг мавжудлиги мәдитация йўклигини билдиради. Мәдитация фикрга боғлиқ эмас. Мен ҳаммасини кўзимни юмишдан бошлайман. Сизга ҳам шуни тавсия этаман. Нафас олишнингизни назорат қилинг: бурнингиздан нафас олиб, оғзингиздан чиқаринг. Агар миянгизга бирор фикр келса уларни факат белгилаб кўйинг холос. Уни осмонда сузиб юрган булат деб тасаввур қилинг. Кейинги булат қандай пайдо бўлишига қизиқасиз. “Булат қандай пайдо бўларкин?” деган савол шаклланган фикрни намоён қиласди, шунинг учун сизга олга юришини ёки чукур фикрлаш жараённга киришни таклиф қиласман. Оқ доска. Уммон. Коинот. Сизнинг моҳиятингиз.

Мен сиздан медитация қилиш вақтида Коннотдан тоза экранни кидириб топишни, қалбингизнинг тубида жойлашган бу тоза экран билан тулашиб кетишни сўрайман. Нима ҳақда гапираётганингизни тушунади. У сиз нима ҳақида ўйлаётганингизни ва нима билан нафас олаётганингизни, сизнинг атрофингизда нималар юз бераётганини билади. Мен сиз ҳам ҳаммасини тушунишингизни ва У билан уйғуналашишингизни истайман. Бу уйғониш йўли бўлади.

Уйғонишнинг куйидаги уч усули мавжуд:

### **1.Медитация**

Бугун мен уйғонишнинг уч йўлини биламан. Биринчиси медитация — у ягона эмаслигини уқтиргандим. Агар доимо медитация қила олмасангиз хафа бўлманг. Мен “иктисодий маконда мистика” деб номланадиган одам бўлиши мумкинлигига чин дилдан ишонаман, кундалик ташвишлар билан шуғулланинг: бизнесни бошқаринг, муносабатлар ўринатинг, истаган ишингизни қилаверинг, имконияти борича англашда давом этинг. Сиз нимани англашингиз керак? Ўзингизнинг кайфиятингизнинг англанг, факат белгиланг, уни ўзингиз билан тенглаштирманг. Сиз ундан четлаштирилгансиз. Аммо миянгизга келган хаёлга қизикуччанлик билан қаранг ва бу факат хаёл ва у сиз эмаслигини белгиланг.

Агар қаерингиздири оғриётган бўлса, бу нарсани инобатга олининг: “Менинг тиззам оғрияпти”. Унда сиз — тизза эмаслигинингизни ёдда тутинг. Сиз тизза ва унинг оғриғига боғлиқ бўлмасдан мавжудсаниз.

Агарда сиз бу техникани ўзлаштирасангиз, куни билан фаол медитация қилган бўласиз. Сиз коя чўққисида ўтиришинингиз, маҳсус хона ажратишингиз ёки шамлар ёкишинигиз шарт эмас. Бунинг ҳаммаси жуда зўр, агар сизга шу йўсинда медитация қилиш ёкса уни бемалол бажаринингиз мумкин. Мабодо сиз банд одам бўлсангиз, одатий ҳаётингизда медитация учун вакт ажратинг. Юрган Йўлнингизда медитация ўтказинг. Ўз ҳаётингизга уйғонишни киритинг.

Мабодо медитацияга вакт топа олмасангиз, сукунат сизни чўчите, уни аста-секин бошлайг. Агар медитацияга бирор

нарса халақит берса, унда бу сизнинг худбинлигингиз иши эканлигини билинг: балки сиз сукунат ўрнига телевизор кўйишни ёки телефонда гаплашишни афзал кўрарсиз. Бу хакда ўйлаб кўринг.

Яна бир бор такрорлайман: ўзингизни айбламанг. Ўзингизни севинг. Ҳар қандай вазиятда кучингиз етганича иш килинг. Агар сизни ўзингизга назар ташлаш, хотиржамликнин ҳис этиш ва сукунатни эшитиш чўчитса, бундан гаваийича усулни кўллаб халос бўлинг: “Мен гуноҳкорман. Менга раҳм кил. Марҳаматингни аяма. Мен сени севаман. Миннадорман!”

Мен ўзингиз билан тотувликда яшашингизни истайман. Ўз камчиликларнингизга марҳаматли бўлинг. Агарда сиз ўзингизга нисбатан жуда қаттиқўл бўлсангиз, ўзингизга босим ўтказсангиз, мажбурласангиз сизга бирорта ҳам усул ёрдам беролмайди. Итоат қилиш муҳимлиги ҳакида ўтган бобда гапирган эдик. Коинот олдидаги итоаткорлик: нима бўлса яхшиликка бўлишинга ишонишингиз кераклигидадир. Мабодо ўзингизда хоҳ сукунатда ёки гурух билан биргаликдаги фаол машқларда медитация қилишга хошиш сезмасангиз, унга кунингизни баҳшида этиб йўл-Йўлакай бажаринг. Хотиржам англаш ҳолатига кўшикасиз. “Менинг фикрларим бор. Менда хисснётлар бор. Мен оғриқ ва кувончни ҳис эта оламан”.

Ҳаётингизда ҳар қандай оғир вазият ва қийинчиликлар бўлмасин, уларнинг мавжудлигини англаанг. Бу уйгониш сари кўйилган бириничи қадамдир.

## 2. Шукроналик

Уйгонишнинг иккинчи йўли — бу шукроналикдир. Биз бу хакда англаш даражадалигимиизда айтиб ўтган эдим. Ҳозир тўртингчи босқич ҳакида, ўз ички оламингизнинг уйгониши ҳакида, Коинот билан уйгунлик ва унга ўхшашлигингиз ҳакида гапирамиз. Бу босқичда шукроналик ўзгача бўлади. Сизнинг шукроналик ҳиссингиз ёругроқ ва теранроқ бўлади. Одам ўз танасида жойлашган маънавий дунёсини англаши шукроналик учун асосли сабаб бўлади.

Мен сизларга ўз миннатдорлигингизни ёкимлі ижодий машғулотда билдиришингизга ёрдам бераман. Шеър ёки күшиқ айтишингиз, расмлар тұпламини түзиншиңгиз мүмкін. Бұндай машғулотларнинг ҳар бири сінза шукроналик ҳиссіні уйготади. Нұтқ сўзланг, пьеса ёзинг, фотосуратлар билан шуғулланинг, ракс түшинг ёки бошқа санъат турини танланг. Ўз миннатдорлигингизни турлы шаклда намоён қилишингиз мүмкін. Яна мен ҳар куни кечқурун иссик душ кабул қиласман. Мен осмонга нисбатан шукроналик түйғусини сезаман. Осмонни, юлдузларни кузатаман, уларга қараб: “Мен сени севаман. Мен гунохқорман. Мендан мархаматтингни аяма. Раҳм қил. Миннатдорман”, дейман. Юлдузлар мени илхомлантыради ва менда шукроналик ҳиссіні уйготадиган нарсаларни секін санаб ўтаман: “Мен энг аввало шу иссик ванна учун миннатдорман Бу жуда зёр! Юлдузлар, хаётим ва ундағи ўзгаришлар учун, бошнанасизликдан, баҳтсизликдан қутулиб ҳозирғи даражага етганимга шукур қиласман. Мен ўсишда давом этмоқдаман, мен англашнинг янги даражасига күтариляпман. Мен ўзимда Коинотни ҳис қилганимдан хурсандман, у менда ўз аксини күрмөкда”.

Мен шукроналик ҳиссига шундай бериламанки, ҳатто йиғлагим келади. Мен иссиқ сувга тушар эканман, юзимни күз ёшларим ювади ва мен: “Ақылга сиғмайдыған ҳаёт: қандайdir ўттиз йил ичіда уйсиз одамдан, ҳозирғи мавқега эришдім”, деб босиб ўтган ҳаёт йүлім ҳақида ўйлайман. Мен ўсишда давом этяпман, мен янги онг даражасига күтариляпман, баҳтсиз, алкоголизмге, жонига қасд қилишга мойиллиғи бор әрқақдан, машхур, бой, ўзига ишонған, ёзувчи, китоблары катта ҳажмда босилиб чиқадыған одамға айландым.

Мен факат шу фикрнинг ўзидан миссиз қувват оқимини ҳис қиласман. Иссиқ ваннада ўтириб, чексиз шукроналик ҳиссіні тұяман.

Сиз ҳам ўша түйғуни ҳис қиласыз. Сиз унга қандай ёндашсанғиз, шундайлигича айтинг. Мен қысқа қилиб: “Баҳтли бўлишни истайсизми, баҳтли бўлинг”, – дейман.

Мен кўпинча одамлар билан мuloқot қиласман ва ҳар доим улар интилаётгандар нарсалар: янги уй, романтик муносабатлар,

саломатлик, бойлик, янги иш — ҳаммаси ҳақиқатда хом хаёл, орзунинг ортидан қувиш эканлигини айтаман. Сиз баъзида: “Шундай кун келадики, мен машина сотиб оламан, уйим, ишим, севгим бўлади ва мен ўзимни бахтли ҳис қиласман” деб ўйлайсиз, лекин бу хаёл, факатгина бахт ҳақидаги хом хаёл, холос. Бу ерда катта ҳазил ётибди. Бу ўзини ўзи алдаш. Биз унга барҳам бердик, ундан бошлангич босқичдаёқ кутулдик. Биз ўзимизни, истаган нарсага эришиб охир-оқибат бахтли бўламиз деб алдаймиз. Лекин ундин эмас.

Орзу қилган машинангизга, бойлик ва саломатликка эришиб, сиз қисқа вақт давомидаги шодликка бериласиз. Сиз мақсадга эришганингиздан қувонасиз сизнинг “мен”ингиз қониқтирилди ва ҳатто Коинот ҳам худди: “Сен зўрсан!” дяёғтандек туюлади. Лекин бир оз вақт ўтгач сиз: “Бу жуда яхши машина-ю, наригиси бундан ҳам яхшироқ, тезроқ юради, ранги ҳам яхшироқ”, – деб ўйлайсиз, “Менинг уйим яхши, анави қаср эса ундан кўра яхшироқ ва каттароқ” ёки “мен ҳозир бойман, лекин ер юзидағи ҳамма нувлар менда эмас-ку, мендан бойлар тикилиб ётибди”, – дейсиз. Агар соғлом бўлсангиз, “Мен ҳали супермен бўлмадим, мен кўпрогини хоҳлайман”, деб яна бирор нарсанинг ортидан югурасиз.

Сиз яна орзунинг кетига тушасиз, яна энг муҳим туйғудан қочиб кетасиз. Сиз ҳозир ва шу ерда бахтли бўлишингиз керак. Бу бўлиши мумкин. Бахтни қандайдир нарсаларга эришишга боғлаб, сиз лаҳзаларнинг тақрорланмаслигини унутиб кўймоқдасиз. Коинот шу ерда ва ҳозир мавжуд. Сизнинг кучингиз ҳозир ва шу ерда. Бахтингиз айнан шу ерда ва шу дамда.

Мен сизга ўтиб кетган нарсалар ҳақида эмас ёки келажак ҳақида эмас, аниқ вақт ҳақида шу ерда ва шу дамда айтаяпман ва бу онда дегани шуни англатади. Агар истасангиз ҳар онда баҳтиёр бўлишингиз мумкин. Бу сизда янги машина, уй, севикли одамингиз, саломатлик ва бойлигингиз — ҳамма сиз истаётган нарсаларингиз бўлмайди дегани эмас. Бу яна ҳаракат қилишнинг зарурлигини инкор этмайди. Вакт ва баҳт ҳиссига боғлиқ бўлмаган ҳолда Коинот сизни керакли

Йұналишга рағбатлантиради. Бу автомобиль, уй, севги, соғлик ва бойлик ҳам бўлиши мумкин. Факат сиз ушбу оннинг ажойиблигини хис қилсангиз ва ён-атрофга қараб: “Жуда ажойиб!” – дейсиз, шундагина сизнинг миннатдорлигингиз эшитилади.

Ён-атрофга бир қаранг ва “Ҳаммаси жуда яхши. Ҳозир айни пайтда менда ҳаммаси жойида. Албатта нимадир мени хавотирлантираяпти, лекин мен ундан қутуламан. Уни қўйиб юбораман ва ҳар бир лаҳзани хис қиласман, хавотир эса бир хаёл холос деб ўйлайман”, деб айтинг. Ҳар бир онни хис қилиш — ҳаммаси жойидалигини билдиради.

Ҳар бир онни хис қилишнинг яна бир усули: ички монологингизга эътибор қаратишингиз зарур. Одамлар кўпинча уни мессимайдилар, эшиitmайдилар ва тингламайдилар. Улар факат ўзлари билан баҳслашишга сабаб қидириш билан банд бўладилар. Уларнинг ўз ҳикоялари, ўз режалари бор, уларнинг вақтнинг ажойиб эканлигини хис қилишга вақтлари йўк.

Ўзингизни тингланг: сизда шу ҳолат рўй бераяптими? Сиз гаплашаётганингизда, нонушта қилаётганингизда ёки ўргокларингиз билан овқатланаётганингизда, телефонда сұхбатлашаётганингизда, миянгиз нима билан бандлигига — дўстингиз нима деяпти, жавоб бериш учун сўз қидирайптими, шунга эътибор қилинг. Шунда сиз муайян лаҳзаларни хис қиласиз.

Машқ қилиш учун ҳамсұхбатингизни тинглаётганингизда жавоб бериш учун аниқ сўзлар топилайптими? Нима демокчилигингизни ўйлаб ўғирманг. Чукур нафас олинг ва ростакамига сизга нима деяётганларига қулоқ туting. Бу сизга шу онни хис қилиш туйғусини қайтаради ва мен аминманки, диалогингизни чукурок ва маъноли тузасиз. Демак, ўйғонишнинг учинчи усули чукур нафас олиш ва нафас чиқараётганда ичингизда тўпланган нарсаларни чиқариб юборишидир. Атрофга қаранг. Агар машинада бўлсангиз, асбоб ўрнатилган жойга, уйда бўлсангиз ўтирган креслога, ишда бўлсангиз атрофингиздаги бирорта буюмга кўл теккизисб қўйинг. Уни қўлларингиз билан силанг. Бу эслатма

бўлади: “Мана ўша он. Мен яшаяпман. Ҳаммаси жойида. Бу ажойиб”.

Ўзингизни ҳозир ва шу дамда англаш сизни уйғонишга чакиради. Бу ўзингиз учун тўртингчи босқични очмок демакдир ва буни айнан ҳозир бажаринг.

## Четланиш ва тўлақонли ҳис-туйғу

Балки сизни ўз туйғуларимдан, хаёл ва танамдан четда турсам ҳаётим бемаъни бўлиб қолмайдими деган савол кийнаётгандир? У аввалгидек қизикарли бўладими? Наҳотки илгариги кўнгилхушликлардан воз кечишга тўғри келса? Наҳотки умидсизлик ва кўнгил оғришлари бўлмаса? Мен одамийликдан йирокда бўлиб қолмайманми? Албатта йўқ. Уйғонгач, сиз ҳаётни тўлақонлигича англайсиз. Сизни ички уйғунлик туйғуси бошкаради, сизнинг баҳтингиз вазиятга боғлиқ бўлмай қолади.

Сиз ўз интилишларингизга четдан қарай бошлайсиз ва шундай бўлиши керак деган тушунчадан холи бўласиз. Сиз озод бўласиз.

Сиз, ҳаётингиз — катта ўйининг бир қисми эканлигини тушунасиз. Бутун олам театр ва унда барча ўз ролини ижро этиши керак. Агар ҳамма ўз ролини яхши ижро этса, ажойиб симфония янграйди.

Сиз ҳаётдан завқлана бошлайсиз, ўз қалбинги очасиз. Қалбинги ва ақлингизни янада теранрок англайсиз, бу ҳаётдан сиз ҳатто орзу ҳам қилиб кўрмагандай завқлана бошлайсиз. Бу босқич катта имкониятлар беради. Қувонч ила уни қабул қилинг. Ундан лаззатланинг. Завқланинг. Ишонинг, бу ажойиб.

## Хозирги замонда мавжуд эмаслигингиз белгиси

Сиз ҳозирги лаҳзаларни ҳис қилмаётганингизни кўрсатувчи баъзи бир белгиларни кўриб чиқамиз. Кўпчилик маълум бир онни ҳис қиласман деб ҳисоблашади, ҳақиқатда

эса ундей эмас. Масалан, мен шундай одамни биламан. У ўз гаражида бир талай эски-туски нарсаларни саклади. У ўз ўтмишига жуда боғланиб қолган. Яна бир танишим, қаюндирик керак бўлиб қолади деб, барча кераксиз нарсаларни йигиб қўяди. Улар келажакни кутиб яшайдилар.

Ўтмишдан келиб чиқиб, сиз ҳаяжон ва қўркувни ҳис қиласиз. Ўтмишдаги ҳодисаларнинг келажакда такрорланишини кутасиз. Демак, сиз “шу ерда ва шу дамда” ҳолатидан узоклашгансиз. Мен аввал бу ҳақда гапиргандим, қайтариш фойдадан холи эмас: агарда сиз шу ерда ва шу дамда эканлигингизни сезсангиз, сизни ҳеч нарса безовта қилмайди, сизда ҳаммаси жойида. Мана сиз ўзлаштиришингиз керак бўлган асосий нарса. Сизни факат хаёл безовта қилади, бўлаётган воқеа эмас. Хаёлни ҳайдаб юбориш, ўзгартириш ёки унга четдан қараш ва “Бу хаёл ўтмишдан келди, у ўтмишга хос, мен уни келажакда қайтарилиши мумкин деб ўйлаб, асабийлашацияпман”, дейиш лозим.

Ҳозирги даврга қайтинг. Айни пайтда ҳаммаси жойидалиги ва хавотирга ўрин йўклиги ҳакида ўйланг. Бу ўзијигизни қўлга олишнингизга ёрдам беради. Ўзингизни дадил тутишингиз ўзингизга боғлик, сиз ўз танангиздасиз, танангиз эса шу ерда ва шу дамда мавжуд. Вактни сезишдан четлашмаганингизни ўтмиш ёки келажак ҳакидаги хаёлларингиз орқали билиб олиш мумкин. Бундай четлашиш сабаби орзу бўлиши мумкин. Мен орзу қилиш ёмон демаяпман. Бошланғич босқичларда бу фойдали ҳам. Лекин ҳозир, тўртинчи босқичда, биз сиз билан уйғониш ҳакида гаплашацияпмиз.

Орзу қилаётганингизда улар албатта келажакда амалга ошиши мумкин деган хаёл сизни овутади. Лекин айни дамда ва шу ерда сиз Коинот билан муносабатларингизни мустаҳкамляпсиз, ортиқча нарсанинг қераги йўқ, ишонинг.

Сизда албатта ёқимли таассуротлар пайдо бўлади. Лекин сизни лаҳзани ҳис қилиш туйғуси тарк этмаса, орзулар ўз имкониятларингиз ҳакидаги тасаввурларни чеклаётганини сезасиз.

Ҳар доим шу дамда ва шу ерда бўлиш керак, чунки Коинот ҳам айни дамда шу ердадир.

## Орзулар — биринчи синф ўқувчисининг алифбосидир

Агарда сиз “Сир” фильмини кўрган ва уйғонишнинг биринчи босқичини дикқат билан ўрганган бўлсангиз, орзу килинг деган гапим сизни ҳайрон қолдирган бўлса ажаб эмас.

Яна бир бора тақрорлайман, бошлангич босқичларда орзу қилиш фойдалидир. Тўртинчи босқичга етгач, орзунинг кераги бўлмай колади. Ўхшашликни биринчи синфдан тоғса бўлади. Биринчи синф ўқувчиларига албатта алифбе ва икки чизикли дафтар зарур, юкори синф ўқувчилари ва талабаларга эса улар умуман керак эмас.

Яна бир мисол — велисонедда юриш малакаси. Болалигингиздаги икки оёкли велосипедингиз орка оёкларида кўшимча равишда иккита кичкина гилдиракчasi борлиги ёдингиздами? Улар сизни муҳофаза қилиш учун, сиз мувозанатни ушлаб туришни ўрганишнингизча, педаль айлантириб, рулни бошқаришни ўргангунингизгача керак бўлади.

Кейинчалик уларни отангиз керак бўлмагани учун олиб ташлаган. Орзулар ҳам худди шундай. Улар сиз биринчи қадам ташлаётганингизда зарур бўлади. Тажриба тўплагач, унга талаб йўқолади. Тўртгинчи босқичда кўшимча гилдираклар ортиқчалик қиласди. Сизга келажакни тасаввур килишининг кераги йўқ ва сиз Коинотдан бирор нарсани ўтиниб сўрамайсиз. Бу илк давр учун амалиёт эди.

Агар биринчи босқичда бўлсангиз ўзингизни бўйсунувчи деб ҳисобласангиз, шу тақлииддаги усуслардан фойдаланишишнинг мумкин. Иккинчи босқичда сиз хаёлий образлардан фойдаланасиз. Учинчи босқичда Коинотга итоат килишни ўрганасиз, у ҳамма нарсани билгувчи ва бергувчидир.

Энди сиз маррага етиб келдингиз ва биринчи қадам боса-ётгандек, синааб кўришнинг кераги йўқ. Энди сиз ва Коинот бир бутун, яхлитдир.

## Босқичлардан ўтиш учун маслаҳатлар

*Мен сизга уйғонши түрт босқичдан иборат жаңылыгини эслатаман. Бу:*

*1. Күр-күропа бүйсүнүвчанлык.*

*2. Күч.*

*3. Итоаткорлык.*

*4. Уйғонши.*

Бу йүлни түгри босиб ўтиш учун ўз фикрларингизни ёзиб боришиңизни маслаҳат бераман. Буннинг сабаби бор, чунки биз бирор нарсага эътибор қаратсақ, ўша нарсанни юкори даражада оламиз.

Ўзингизнинг энг ёркىн хотираларингизни эсланг, улар ичида сизда Коннот билан ёнма-ёндек уйғониш онлари бўлгандир. Балки боланинг кулгиси, ўрмонда сайдр вақтида учратиб қолган ажойиб жонивор, дараҳт баргининг ерга тушиши ёки спорт мусобақаси, оқибати мўъжизанинг ўзи бўлган ўқиган китобингиздир. Китоблар катта таъсир қилиш ва уйғотиш кучига эга — мен билан шундай бўлган эди. Бу медитация натижаси ҳам бўлиши мумкин — кўпгина медитация усуллари мавжуд. Балки сиз бирор нарса қилгандирсизки, у сизда керакли туйғунинг уйғонинига сабаб бўлгандир. Балки яна бир марта китобин ўқиб туриб, ҳайратга тушгандирсанз. Мен сиздан шу дақиқаларни ёзиб олишингизни сўрайман. Уларнинг рўйхатини тузинг ва воеаларни батағсил қайд қилинг.

Уларни эслаб қолинг. Сиз шу йўл билан ўзингизда кўпроқ таассурот қолдирасиз. Сиз ҳаётингизда янги тажриба орттираяпсиз.

Сиз эътибор берган ҳодисалар қўпаяётганига диккат қилинг. Сиз ўзингизда ёқимли дамларни хис қилиб, Коннотнинг бир бўлаги эканлигинингизни сезасиз.

## *II. Устоздан ёрдам сўранг*

Уйғониш йўлини кўрсатиш учун, олдин ўтиб кетган, буюк даҳолардан маслаҳат олиш учун мурожаат қилиш лозим.

Мен пайғамбарларни назарда тутаяпман. Уларнинг ҳаёт йўлларини батафсил билинингиз шарт эмас, лекин уларнинг қувватини ёрдамга чакиринг. Бунинг учун кўзларингизни юминг ва қиска дуо ўкинг: “Мен сизлардан (номини айтиб) тўғри йўл кўрсатишингизни ва менни уйғонишга тайёрлашинингизни сўрайман”. Сиз хис қилган ҳар бир импульсни ва ҳар бир белгини ёзib олинг. Ўйлаб кўринг, шахсий холоссангизни чиқаринг. Бу сизнинг уйғонишга қараб юрган йўлингизнинг бир бўлаги бўлади.

## *III. Ўзинги миннатдор бўлган нарсалар рўйхатини тузинг*

Биз шукроналик ҳақида кўп гапирдик, нимадан миннатдор бўлсангиз шукроналик рўйхатингизга киритинг. Агар миннатдорчиликни шеър, ҳайкал, қўшиқ ёки санъатнинг қайсиdir шакли оркали ифода этганингиз келса, марҳамат уни ёзib қўйинг. Бизнинг вазифамиз шукроналик туйгуларини қоғозга ёзив, мустаҳкамлашдир.

## *IV. Ҳар куни медитация қилинг*

Медитациянинг фойдаси ҳақида яна бир бор эслатмоқчиман. Кунига 2–3 бор медитация қилинг. Медитацияни йўл-йўлакай, ўз фикр ва туйгуларингизга ҳисоб берган ҳолда олиб бориш мумкин. Уни алоҳида ажратилган вақтда: 5, 10, 15 дақиқа ёки кўпроқ (бу машгулотта қанча вақт ажратга олсангиз шунча ажратинг) бажаришингиз мумкин.

## *V. Юз бераётган ҳодисаларга эътибор қаратинг*

Мен сизларга юз бераётган ҳодисаларни ёзив боришни таклиф қилмоқчиман. Уларга бўлган муносабатингиз қандай? Сиз стресснинг йўқолаётганини хис қилаяпсизми? Фикрингиз теранлашдими?

Ушбу битиклар сизнинг уйғонишингизга ёрдам беради.

# УЙГОНГАН МИЛЛИОНЕР

Сиз ўз фикрларынгизни англаб, уларни сарапаб, буңдан лаззаптамоқчусиз, негаки, сиз дүрдона яратаяңсиз. Сиз — ўз тақдирингиз Микеланжелосисиз.

Жо Витале

## ЖО БИЛАН ТАНИШУВ

**Питер:** Салом, менинг исмим Питер Уинк, мен “Нурпоттik Marketing, Inc” маркетинг компаниясыннинг вице-президентиман. Сизни машхур инсонлар билан учрашувларга бағишенланган “Уйгонган миллионер” маҳсус дастурида кўрганимдан хурсандман. Мен сизга ҳурматли меҳмонни таништирум оқчиман кўплаб бестселлерлар муаллифи, унинг “Калит”, “Тортинши кучи сири”, “Чегарасиз ҳаёт”, “Ҳар дақиқада янги ҳаридор туғилади”, “Гипностик реклама матнлари”, “Бир сўз билан ҳаридорларни қандай ишонтириш ва таваккал қилириш мумкин?”, “Ҳаридорни қандай транс ҳолатига тушириш мумкин?”, “Савдо ва маркетингнинг янги психологияси”, “Туғилганингизда сизга бериш ёддан кўтарилган, ҳаётни бошқарниш” ва янги “Илҳомлатируди маркетинг” деб номланган китоблари мавжуд.

Бундан ташқари у бир неча видео ва аудио кассеталар, шу жумладан “Сир” фильмни, “Жанжалли маркетинг кучи”, “Уйгониш сири” дастурининг ҳам муаллифидир. Шундай килиб, қувонч билан ўз дўстим деб айтнишга лойиқ инсон — бу доктор Жо Виталедир.

**Жо:** Салом Питер. Ишлар қалай?

**Питер:** Менда ҳаммаси яхши. Сенда-чи?

**Жо:** Ажойиб. Кел, бўлмаса сухбатни бошладик.

## Уйгонган миллионернинг ўзи ким?

**Питер:** Яхши, Жо, сен уйгонган миллионер ҳақида гапирайпсан. Бу нима эканини тушунтир.

**Жо:** Бир сүз билан айтганда бу пул ҳақида ўйламайдынган одам. Батафсил айтганда, у ўз ҳаётида, атрофида ва ҳаттоң оламда ниманицир яхши томонга ўзгартироқчи бўлган инсондир. Ҳақиқатан ҳам ҳаммаси молиявий масалада ҳам, бошкаларида ҳам уйгунлик ва хотиржамлика бориб тақалади.

**Питер:** Сен “Ичкари томонга саёҳат” китобини ёзибсан, у менда жуда зўр таассурот қолдирди. Ўйлайманки, унда кўпчиликка ибратли воқеалар ва фикрлар бор. Ҳозирча мен уни ипидан иғнасигача ўқишига муваффақ бўлғанлардан бириман. Бу китоб ҳаёт бўйлаб қизиқарли саёҳат экан. Ўзинг ҳақингдаги, бошпанасиз бечора қандай қилиб бой ва машхур ёзувчига айланганинг ҳакидаги ҳикоянгни бизларга гапириб бер.

### **Жонинг бошидан кечирганлари: бошпанасизликдан уйғок миллионер бўлдим**

**Жо:** Питер бу жуда узун ҳикоя ва бизда ортиқча вақт ҳам йўқ. Уни қискартирган ҳолда айтиб бераман. Мен Огайода туғилиб, ўсдим. Темир йўлда ишлаганман. Ишсиз қолиб, Техасга жўнадим. Ўша ерда мени уйсиз, ишсиз қолдирган кўнгилсизликлар бошланди. Узоқ вақт давомида бу давр ҳакидаги сухбатлардан қочардим: менинг қисматимга жуда оғир кечинмалар ёзилган эди ва ўзимнинг қўлмишибидан роса уялардим.

Кейин мен Хьюстонга келдим ва яна ўн йилча қашшоқликда яшадим. Устимда кўп ишлашимга тўғри келди, кўп вақтимни ўз қадрим ва тасаввурларимни поклашга кетказардим. Мен аввалгидек китоб ёзишни истардим, ўз фикр ва бор куч-куватимни ёзувчи бўлиш учун жамладим. 1979 йили “Роберт Бивинс” пъесасини ёздим, у кўпчиликка таниш эмас. У ҳатто Хьюстон университетининг мукофотига сазовор бўлди-ю, аммо ўзи билан мен кутган бойликни олиб келмади. Мен яна кўчада қолдим.

### **Хеч нарса тасодифан юз бермади**

**Жо:** Жуда кўп тушқунликка тушдим, лекин ўз устимда ишлаш услублари ҳақида ўқий бошлаганимдан сўнг, ҳаётимда баъзи бир ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу

бирданига юз бермади. Ўзгариш учун ўттиз йилга яқин вакт кетди. Фақатгина 1984 йилга келиб менинг биринчи ишим чоп этилди, аммо ноширлар китоб сотишни билишмас экан. Мен маркетинг, реклама иши ва жамоатчилик билан боғланишга жиддий қизиқиб, уларнинг иш фаолиятини ўргандим, китобимнинг биринчи харидори ҳам ўзим эдим.

Натижада менинг китобларим муваффақиятли сотилди, минжозларим пайдо бўлди ва мен Хьюостонда машхур бўла бошладим. Менда шундай ҳам ҳаммаси яхши кетаётганди, интернет пайдо бўлгач эса ўз китобларимни унга жойлаштирудим. Минжозларим янада кўпайди.

Ўйлайманки, туб бурилиш электрон китоблар пайдо бўлгач бошланди ва мен Марк Жойнер деган одамдан бағоят миннатдорман, у менга китобимни керакли бичимга айлантиришда ёрдам берди. Уларнинг қанча пул олиб келишини тушунгач, оз муддат ичида 17 та китоб чиқардим. Мен ўзимнинг маънавий маркетинг ва хаёт тарзига ички томондан таъсир ҳақидаги фикрларимни ёза бошладим.

## Яширин жойдан чиқиши

**Жо:** Мен ўзимни ноқулай сеза бошладим. Ҳамма менинг устимдан қуладигандек туюларди. Охир-оқибат мен ўзимнинг “Маънавий маркетинг” китобимни ёзиб тугалладим, у менга яширин жойдан чиқишига ёрдам берди. Мен шундай деб ўйлайман, бу жараённи миллионернинг уйгониш жараённи деб номласак бўлади. Ўз бизнесимга ҳар доим маънавий, руҳий нуқтаи назардан ёндашдим. Ишбилармонларнинг катта қисми ҳам уни яхши қабул килди. Китобимнинг номи “Тортишиш кучи сири”га ўзгарди, бестсселлер асарга айланди ва мен “Сир” фильмига таклиф этилдим. Сўнг Ларри Кинг ва Донии Дойчининг шоулари, сўнг “Опус”, “Хиссийт эркинлиги техникаси”, “Сакраш” каби фильмлар, бошка шоуларга таклиф этилдим...

Мен тўгримдаги тўлиқ ривоят шундан иборат.

Аммо бошпанасиз, қашшок, умидсизликка тушган одам, қандай қилиб мультиллионер, оламга машхур одамга айланди, деган саволга, қисқа қилиб, мен чарчамай, тинмай орзу йўлидан бордим дейман.

**Питер:** Қизик. Күтилмаган муваффақият йүли 30 йил давом этдими?

**Жо:** Мен жуда күп таржимаи ҳолларни ўқиб чиқдим, бир күн уйғониб, машхур кишига айландым деган одам ортига назар ташласа, унга 20 йил ичидә эришгандыгы маълум бўлди. Мен имиллаб, секин ҳаракат қилганим учун менга кўпроқ вақт кетди.

**Питер:** Сизга уйғонишга нима ёрдам берди?

## Уйғониш

**Жо:** Яхши савол. Уйғониш онлари менга бутун умр ҳамроҳ бўлиб келди. Мен бу китобни одамларнинг ҳаётларни босқичларга бўлинишини тушунишлари учун ёзdim. Биринчи босқич мен кўп вақт чиқа олмаган давр, афсуски кўпчилик одамларнинг бошланиш ва тугатиш йиллари бўлади. Бу бўйсунувчилик босқичидир. Кўчада яшаб, мен ўзимни ҳақиқатан маҳкумдек хис қилардим. Хьюстонда қашшоқликда, хор-зорликда, 10 йил давомида омадсизликларимда ўзимдан ташқари ҳаммани айблардим. Бундай яшаш жуда кийин, чунки сен бутун оламга карши курашасан. Ўзингни ёлғиз, ҳимоясиз ва заиф сезасан, сенга умид йўқдек кўринади.

Бу осон эмас, лекин менинг уйғонишим “Ўйла ва бойи” китобидан ва руҳшуносликка оид, яна мен ўқиган китоблардаги амалий маслаҳатлар туфайли юз берди. Оммавий кутубхоналар туфайли менда мутолаа қилиш имконияти бор эди. Ўқиш менда кучли бўла олишимга ва ўз ҳаётимни олдингидан кўра яхшироқ назорат қила олишимга ишонч уйготди.

Ўз имкониятларимни ангилаш менга катта таъсир қилди ва мени тўгри йўлга бошлади. Мен коучинг самараасига ҳам ишонаман. Ҳатто коучингнинг шахсий “Мўъжизалар яратамиз” дастурига асос солдим, ахир бир вақтлар менга мутахассисларнинг маслаҳатлари жуда катта ёрдам берган эди. Мен ўз тасаввур тизимимни баҳолай олдим, ёнимда ҳатто ўзимнинг ҳафсалам пир бўлганида ҳам менга ишонадиган одам бор эди. Мен коучинг исталган мансабга эришишдаги асосий ва ҳал қилувчи омил эканлигига ишонаман, ахир менинг ҳаётимда у шундай роль ўйнади.

**Питер:** Сенинг ҳикоянгни эшитиб, ҳаётингда китобларинг ва бошқа одамларнинг ҳикоялари билан танишиб, ота-оналарнинг улар ҳаётида катта ўрин эгаллаганларига амин бўлдим ва менда “сен болалик чогингда пул ҳақида ўйлаганмисан ва у сенинг оёқка туришингда қандай роль ўйнаган?” деган савол тугилади. Умуман бундай таъсир ҳақида гапириш мумкинми?

**Жо:** Албатта. Пул ҳар доим маълум даражада таъсир этиш кучига эга. Мен ҳар доим тингловчиларга шу ҳақида гапираман: болалик пайтингиздан ота-оналарингиз, жамият, мактаб, давлат, ахборот воситалари, дин сизларни дастурлайди дейман. Бу ерда ёмон ният йўқ, албатта бу таъсирни сиз онгсиз равишда қабул қиласиз. Мен билан ҳам шундай бўлган. Отам тўрт кишилик оиланинг ягона бокувчиси эди. Бу ўша пайтларда оддий ҳол бўлган.

Отам уйга ҳар доим баджаҳл бўлиб қайтарди, у пул этишмаслигидан ташвишланар ва жуда чарчарди. Бизларда ҳатто ҳожатхона учун қоғоз олишга пул ажратниш имконияти йўқ эди, ҳар доим пул йўклиги ва умуман бўлмаслиги ҳақидаги гапларни кунига эшитардим. Буларнинг ҳаммаси онгимда мухрланиб қолган ва мени пулсизликка дастурлаган. Мен бу тажрибада ёлғиз эмасман. Агар сизлар ҳам шу йўлни босиб ўтган бўлсангиз, ажабланмайман. Ота-оналаримиз этишмовчиликни ва чекловларни мұқаррар деб билишади ва беихтиёр ўз тасавурларини болаларига ўтказадилар ва бу ҳолат чексиз давом этаверади.

Бахтимизга уйгонишимизга кўмаклашадиган китоблар, диск ва фильмлар мавжуд. Бугунги кунда менинг мақсадим одамларнинг чеклов тасавурларини ва шу жумладан болалиқдан пулга бўлган дастурланган муносабатни ҳам енгигб ўтиш мумкинлигини англашга ҳаракат қиласман.

**Питер:** Мен бу мавзудаги сұхбатингни тинглаб, китобингни ўкишга муваффақ бўлдим. Бу одамларнинг кўр-кўрона бўйсунувчанлик синдромига сингиб кетишлари ҳақида жуда чукур мавзу экан. Менга айтчи, сен одамларнинг қайси хусусиятларига кўра маҳкум эканликларини аниклай оласан? Улар нимани ҳис қилишади? Уларнинг рухияти қай ҳолатда бўлади?

## Бўйсунувчанлик сидроми белгилари

**Жо:** Албатта буни аниклашнинг оддий усули бор. Агар сизнинг ҳәётингизда нимадир ўхшамаётган бўлса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлмаса, йўлингизда доимо тўсиқлар мавжуд бўлса, муаммо ва қарзларга ботиб кетсангиз, “бунга ким айбдор?” деб ўзингизга савол беринг. Ҳойнаҳой, кимнидир айбдор қилаётгандирсиз? Бўйсунувчилар масъулиятни бўйниларига олгилари келмайди. Бўйсунувчи харакат қиласи, аммо ўз қилмишларинга жавоб беришга тайёр эмас. Улар ён-атрофларнга қараб: “Бунга қўшним, хукумат, раҳбар, отонам айбдор, мени шундай тарбиялашган — мен айбдор эмасман”, дейди. У бармоғини барчага никтайди.

Агар сиз шундай йўл тутсангиз, демак сиз бўйсунувчисиз. Сиз бўйсунувчи ролини ўйнаяпсиз, улар ҳәётингизни бузаттандай, ҳәётингизга аралашаётгандай ва барча вазиятларни назорат қилаётгандай туюлади. Мабодо сиз уларнинг гапини маъкуллаб, масъулиятни юкламоқчи бўлсангиз, сиз ҳам бўйсунувчи бўлиб қоласиз.

Агар яхшилаб ўйлаб қаралса, бундай фикр юритиш кўпчиликка хосдир. Вақти-вақти билан иккинчи, учинчи боскичларга ўтиб турдимиз, ҳәётимизнинг асосий кисмини эса бўйсунувчанлик боскичидаги ўтказамиз. Бу ролни бизларга оммавий ахборот воситалари, ҳокимият, атрофдагилар доимо юклаб туришади ва бундан муаммо катталашиб кетади. “Ўзингни бўйсунувчи деб ҳис эт!” деган шинор худди ҳавода муаллак тургандек, биз унга бўйсунамиз.

**Питер:** Сизни тўгри тушунган бўлсам, агар бирорни айласам, демак мен бўйсунувчи эканман-да?

**Жо:** Ҳа, агар сиз кимнидир айбдор ҳисобласангиз сиз бўйсунувчисиз. Сиз ҳәётингиздаги барча юз берәётган ҳодисалар учун масъулсиз. Мен доим тақрорлайман, ҳар кандай муаммо сизники эмас, лекин сиз унга масъулсиз. Мен буни тақрор ва тақрор айтаман, чунки бу жиддий таъкид. Одамларнинг онгига бунга сиз айбдор эмаслигингиз мухрланиб қолсин дейман.

## **Масъулият куч бағишлийди**

**Жо:** Мабодо күнгилсизликлар сизни доимо таъқиб қила-  
ған бўлса, сиз ўзингизни айбдор қилманг, сиз катта куч  
сафлайдиган пайт келаётганига умид қилинг. Ўзингизни  
айблавермасдан, ҳаммаси ўз қўлингизда экани ва бу  
вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топишингиз керак. Буни  
мен масъулиятни ўз зинмамга олиш дейман. Масъулиятни  
ўз зинманига олиб, сиз бўйсунувчиликдан кутуласиз. Сиз  
кучлироқ бўласиз. Энди сиз вазиятни назорат қиласяпсиз ва  
олдинга қараб юряпсиз. Мана сиз нимага интиляяпсиз.

**Питер:** Жуда қизик, дўстим. Биз ўн йилдан бери таниш-  
миз ва шу йиллар давомида мен сени кузатаман. Менинча  
сенинг ҳаётинг ҳақида мендек бошқа одам маълумотга эга  
эмас. Шуниси қизиқки, сен аввал Saturn автомобилида,  
сўнг буюртма асосида тайёрланган BMWда, Rapoz спорт  
автомобилида юрасан. Ҳозир машхурлар мингган машиналарни  
сотиб оляпсан. Сен қандай қилиб молиявий жиҳатдан бундай  
кўтарилидинг? Бу ҳам фикрлаш тарзининг ўзгаришиданми?

## **Янгича фикрлаш ва ишончда кескин сакраш**

**Жо:** Дарҳақиқат, ҳамма гап фикрлаш тарзида бўлса керак,  
ишонч кескин ўзгарганида, ҳаёт тарзи ўзгарганда ўзини сабр-  
бардош билан енгиш юз беради.

Мен ўзимга Saturn автомобилини сотиб олган кунимни  
яхши эслайман. Унгача шалдироқ араваларда юрар, уларнинг  
тўкилиб кетишнин кутардим. Бундай автомобилда доимо  
ўзимни бўйсунувчи деб ҳис қиласардим. У доим бузиларди  
ва мен таъмирлаш учун пул қидириб юрадардим. Ишончли ва  
чиройли машинани орзу қиласардим, у иштимани акс эттиради.  
Мен иштим кучига чексиз ишонаман. Бу ҳакда “Тортиниш  
кучи сири” китобимда ёзганман.

## **Қатъний қарорлар**

**Жо:** Шундай қилиб, мен янги автомобиль сотиб олишини  
ният қилдим. Мен унинг ишончли, хавфсиз ва арzon бўлишини  
орзу қиласардим. Унинг ташки кўринниши мени қизиқтирумасди.

Машинам чиройли бўлса бўлди эди, унинг дизайнни биринчи талабим эмасди. Биринчи ўринда хавфсизлик, кейин эса ишончлилик. Мен авто кидираётганимда доимо *Saturn* автомобильининг янги рекламасига рўпара келардим. Хьюстонлик автомобиль даллоли ёнига кетаётганимда роса асабийлашардим.

Биринчидан, қачонлардир менинг ўзим автомобиль сотардим. Мен ишлаётган компания ёлғон гапиришга, одамларни манипуляция қилишга мажбур қиларди ва бу менга ёқмасди. Мен инсон психологияси ҳақида унча-мунча нарсадан хабардор эдим. Эски автомобиль сотувчилари кўпинча виждонсиз одамлар эди. Мен янги автомобиль сотиб олишга кетаётган бўлсан-да, эски тажрибам шубҳаланишга мажбур қиларди.

Хаяжонланишинга яна бир сабаб: менинг кредит олишига пулим ҳам, имкониятим ҳам йўқ эди. Автомобиль даллонинг олдига устозимнинг сиқуви ва мадади туфайли борган эдим. Устозим “Сен бориб, ўзинг истаган автомобилингни сотиб олишинг керак, ҳеч бўлмагандан бир урниниб кўр”, деди.

Шундай қилиб ҳаммаси ниятдан бошланди.

## Кўтаринки рух билан ҳаракат қилинг

**Жо:** Иккинчи қадамим ҳаракат эди. Эсимда салонга келиб, жуда чиройли тилларангли спорт авто-купе машинасига кўзим тушди. Мен дарров унга маҳлиё бўлиб қолдим. Сотувчидан “унинг аудио кассеталар учун мосламаси борми?” деб сўрадим. Бу мен учун муҳим эди. Ҳеч нарсани чалкаштираётганим йўқ, унда аудио кассета қўядиган магнитафон бор эди.

**Питер:** CD 8 дисклами?

**Жо:** Ҳеч қандай CD дискли эмас.

**Питер:** Яхши, кассета бўлса кассетада.

**Жо:** СДгача биз шундай ҳам бора олмадик. Кассетали магнитафон мен ўзимнинг устимда ишлаётганим учун керак эди. Рулдалингимда доимо *Nightingale-Conant* кассеталарини сотиб олнб тинглардим. Шундай қилиб ўз муваффақиятимни дастурлардим.

Демак, машинанинг ҳамма нарсаси бор эди. Мен енгил нафас олдим ва анкета тўлдиришни бошладим. Сотувчи пулиинг бир қисмини дарров тўлашимни хоҳлади, лекин асабийлашганимдан ва ўзимга ишонмаганимдан, бир доллар ҳам бермадим. “Унда машинани сотиб юборишимиз мумкин”, – деди сотувчи. “Майли, мен шунчаки сизларга хужжатимни ташлаб кетмоқчи эдим. Агарда менинг номзодим ёккан бўлса, қўнгироқ қиласиз”, – деб жўнаб кетдим. Мен ансамблда бирга ишлайдиган дўстларим ёнига бордим ва куннинг қолган қисмини репетиция қилиш билан ўтказдим. Машина ҳақида эсламадим ҳам, бир кун ўтгач, менга қўнгироқ қилиб, “машинани олиб кетишингиз мумкин”, дейишиди.

Бир неча сония тилим калимага келмади, сўнг:

– Сиз айнан мен эканимга ишончингиз комилми? – деб сўрадим.– Қўлингиздаги қоғозда Жо Витале сотиб олиши мумкин деб ёзилганми?

– Ҳа, – деган жавобни эшитдим.

Мен салондан янги машинани олиб кетдим. У менинг биринчи янги машинам эди. Рулда ўтириб: “Менда биринчи тўлов учун маблаг бор, иккинчисига ҳеч вақо йўқ”, – деб ўйладим. Ҳамма маблагни тўрт йил ичидаги тўлаш керак эди. Машинани олдим-да, жўнаб кетдим.

Ўйлаб кўринг, бу ерда асосий гап нимада? Машина сотиб олиш ҳақидаги ниятимни аниқ баён қилдим. Ўша пайтда фикрим ижобий қарорга тўғри келмаса-да, менга ишонадиган устозим бор эди. Мен ўз ниятимни баён этдим, устозимга ишондим, зарур ишни қилдим, бориб, мендан талаб қилинадиган ҳамма ишларни бажардим, сўнг ўз истагимни кўйиб юбордим.

## Умуман тайёр бўлмасангиз ҳам, ишонинг

**Жо:** Бу воқеада ҳаммадан қизиги — ҳар ойда кредит бўйича пул тўлаш вақти келганида “йўқ, аниқ пулим етмайди”, деб ўйлардим. Лекин ҳар сафар тўловларни амалга ошира олардим. Бу воқеада онгдаги ўзгариш ишонч масаласи билан

боглиқ эканлигига амин бўлдим. Мен ишонардим, ҳаракат қилардим ва ҳаммаси амалга ошарди.

Бир-икки йилда *Saturn* жонимга тегди ва уни ўзгартирдим, мен ўзимнинг яхши кредит тўловим билан мақтансам бўйларди, шу маркали автомобилим борлиги ва доимий харидор бўлганим учунин иккинчи автомобилимни сотиб олишим осон кечди. Янги автомобиллар сотиш тармоги эски автомобилларни сотишдан фарқ қилади. Уларда сервис аъло даражада, сотувчилари хушмуомала, машиналари ҳам зўр, ўша пайтда мен кейинги қадамни ташлашга тайёр эдим. Сизнинг кейинги саволингизга жавобим шуки, ҳатто ўзгаришларга тайёр бўлмасангиз ҳам, ҳаммаси ният ва ишончга боғлик.

## Ниятнинг ўзи нима?

*Питер:* Жуда қизик. Сен ҳар доим ният деб тақрорлайсан.

*Жо:* Ҳа, худди шундай.

*Питер:* Бу ҳақиқатан ҳам қизик. Биз иккаламиз ният нималигини биламиз. Биз ҳар доим у ҳақда гаплашамиз. Бу сўз ҳамма китобларда бор, лекин янги китобхонлар унинг нима эканлиги ҳақида билишмайди. Балки сен бу атама ҳақида қисқача тушунча берарсан.

*Жо:* Мен ниятни яхши кўраман ва улар ҳақида гапиришни ёқтираман.

Бир куни мен Опра Уинфри шоусини кўрдим. Кўпинча уни томоша қилмайман, ўша куни кўнглим худди бир нимани сезгандай телевизорни кўйдим ва бошловчининг “Ният оламни бошқаради” деганини эшишиб қолдим. Менга Опра жуда ёқади. У нима деяётганини аниқ билади. Ният — сизнинг нима исташингизни, мақсад эса уни аниқроқ қилиб баён этади. Ўйлайманки, олдига мақсад кўйинш бу яхши ҳолат. Факат мақсадлар одатда худбинроқ бўлиб кўринади. Улар ҳақида кўп гапирилади, фикрнинг ўзи эзиб юборади. Мен ният тўғрисида гапирмоқчиман, мақсад кўйиншдан кўра, у менга амалга ошадиган бўлиб кўринади.

Ният тўғрисида бундай дейиншади: “Мен яқин ойларда беш минг доллар олмоқчиман”, “Мен ўз хизматимни етти

кишига сотмоқчиман”, “Ярим йил ичида мен ўттизта янги харидорни жалб этмокчиман”. Бундай шаклдаги ифодада ҳам күвват, ҳам ишонч бор. “Мен ... ниятидаман” дәсітганды овозингизда ишонч пайдо бўлади. Шу тарзда гапириб, икки күёпни бир ўқ билан урасиз.

## Тана ва идроккинг яхлитлиги

**Жо:** Биринчи галда сиз идрокингиз ва танангизни бир йўналишда дастурлашингиз керак. Улар бир томонга қараб туришлари зарур. Бизда бир эмас, бир неча “мен” яшайди. Тана бир томонга, онг бошқа томонга қарайди. Шу пайтнинг ўзида онг ости бошқа нарсани истайди. Тасаввур қилинг, сиз кутубхонага келдингиз, қайси китоб кераклигини билмай, айланниб юрибсиз. Агар сиз кутубхоначининг ёнига бориб, “Мен Жо Виталенинг “Калит” китобини излайпман”, десангиз, сизни дарров керакли токча ёнига бошлашади. Сиз жуда кам күвват ва вакт сарфлайсиз. Йўналиш маълум. Максад аниқ. Ният белгиланган.

Демак, ўз ниятнингизни билдирад экансиз, онг остишгиз ва танангиз бир йўналишга йўналтирилади ва сехргарлик бошланади. Бу ҳақда ҳар бир уйғонган миллионер билиши керак. Сиз Коинотга хабар берасиз, Коинот эса шунга қараб сиз истаган нарсани бериш учун қайта созланади.

## Коинот аниқ хабарга жавоб беради

**Жо:** Бирдан телефон қўнгироги жириングлаб, анчадан бери учратмаётган одамнинг овозини эшитасиз. Сиз кутилмаганда қайсиadir кафеда, китоб магазинида, семинарда ажойиб бир одам билан танишдингиз ёки миянгизга ажойиб бизнес режа тузиш, китоб ёзиш, маърузага бориш каби фикрлар келиб қолди. Ким билади бу ниятларингиз Коинотда худди харакат қилишга хабардек қабул қилинар. Кимлардир тортишини қонуни ҳақида билади, кимдир йўқ, бу Конунга биноан, сиз ичингизда бутулигича хис қилган туйғу, албатта ташқаридан кимнидир тортаётгандир.

Шундай қилиб, ният улкан кучга эга бўлиб, турли дара-жаларда ишлайди. Мен одамларга: “Нима олиш ниятидасиз? Ўйонган миллионер сифатида мен нима олмоқчиман?” деб ўйлаб кўринг, у амалга ошади, чунки сизнинг идрокингиз аниқ мақсадга йўналтирилган. Шунга созланинг. Ният — жуда қудратли кучdir.

## Пулга чекланган муносабатдаги тасаввурларга доир тестлар

**Питер:** Энди мен “Тортишиш кучи сири” номли омадли китобинг ҳакида гапирмокчиман. Унда сен бошқача ҳаёт тарзи ҳакида сўз юритасан. Гап пул билан боғлик тасаввурлар ҳакида, улар молиявий соҳада тургун ўзгаришларга айланishi учун қандай ўзгариши керак? Марҳамат қилиб, тушунтириб бер, менда пул ҳакида чекланган тасаввурлар бор-йўклигини қандай билишим мумкин?

**Жо:** Менда пул борми? Ўзингизга шундай савол бериш осонроқ. Кўпчилик “Йўқ” деб жавоб беради ва ўйлашимча бу одамлар идрок қилишларини ўзгартиришлари даркор, бу уларнинг пуллари борлигини тушунишdir. Албатта уларда қанчадир пул бор. Уларнинг машиналари, пастқам бўлса ҳам уйлари бор. Иш жойлари, даромадлари ёки ҳеч бўлмаса ишсизлик нафакалари бор. Буларнинг ҳаммаси моддий бойликка киради ва агарда уларни ҳисобга олмасангиз, демак чекланган тасаввурлар билан бошқариласиз.

У бўйсунувчанлик фикрлари билан боғлик, ўша пайтнинг ўзида миллионернинг хаёллари фаровонлик психологиясин билан боғлиқ бўлади. У атрофга қарап экан биринчн галда: “Мен янада кўпроқ пулим бўлишини хохлардим. Лекин уларсиз ҳам менда пул кўп, – деб ўйлашади. – Мен яна ҳам иуфузли машинани, ҳашаматлироқ уйнӣ, яхшироқ ҳақ тўланадиган ишни истардим. Мен ўзим учун ишлашни, нима хохласам шунга эришишни истайман”. Шу вақтда уйонганillioner “Менда ҳаммаси жойида. Менда етарли пул бор ва мен тақдирдан миннатдорман” дейди. Уйонганillioner ҳатто у кўпрогини истаса ҳам ҳозир ва айни дамда баҳтиёрdir.

## Мақсадға қарши

**Питер:** Мен “Калит” китобингни ўқидим, унда сен покланишга күпроқ ургу бергансан. Покланиш нималигини тушунтири, илтимос. Унинг уйғонишга тааллукли жойи борми?

**Жо:** Яхши савол. Жуда яхши мавзуни күтардинг. Бу ҳақда одатта кам гапирилади. Ўз устида ишлаш учун күплаб китоблар, семинарлар мавжуд, ўзгача ресурслар ҳам бор, лекин одам ўз идрокини покламас экан, ўзи интиләтган нарсага эришмайди. У муваффакиятли бўлиши мумкин, аммо ҳамма соҳада эмас. Нимагадир осон эришади, нимагадир кийин, ҳаммаси ички тўсиқларнинг мавжудлигига боғлик. Бу тўсиқларни енгиш ёки худди покланишдек қутулиш керак.

Буни мисол билан тушунтирган маъкул. І январни эслайлик. Одатда ҳар бир одам янги йилдан бошлаб ўз ҳаётида ниманидир ўзгартиришга, заарли одатларни ташлашга, спорт билан шуғулланишга, чет тилини ўрганишга ваъда беради. Аммо ҳеч ким: “Эртадан бошлаб героин истеъмол килишни бошлайман”, – демайди Деярли ҳамма яхши ниятлар қиласи: бири тренажёр залига боришни, бошқаси шахсий муносабагларни яхшилашни, учинчиси иш жойини ўзгартиришни истайди. Аммо ҳамма ўзи фойдали ва тўғри деб ўйлаган нарсасига етишишга интилади.

Нимага ниятларимиз кўпга чидамайди? Орадан кўп ўтмай, ниятимизни унутамиз. Нимага? Ўз онгимизда улар ижобий фикр тарзида бўлади. “Мен ишимга кўпроқ эътибор бераман”. Аммо онг остида унга қарши ният қаршилик кўрсатади ва қилаётган ишимизни охирига етказмайди, ахир онг ости бизнинг организмимизнинг құдратли тизимиدير.

Мен покланиш керак деганимда, салбий тасаввурлардан ва чекловлардан қутулишни назарда тутаман, у ҳамманинг онг остида мавжуд. Биз сиз билан ҳозир асосан пуллар ҳақида гап юритяпмиз. Кўпчилик бойликка интилади ва уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. Улар олдиларига кўпроқ пул топишни мақсад қилиб қўйишиади. Нимага улардан ҳеч нарса чиқмайди? Чунки онг остида акс тасаввур

кучли, ички “пуллар — бу ёмонлик, пуллар — бу ёвузлик, пуллар мени очкўз қилиб қўяди, ҳамма бойлар зиқна, бойлар бошқалар ҳисобига бойийди” деган фикрлар мавжуд бўлади.

## Тасаввур — бу ҳақиқат эмас

**Жо:** Булар тасаввурлар. Салбий тасаввурлар, булар аниқ далиллар эмас, балки фикрлардир, ундан бошқа ҳеч нарса эмас. Ва бу фикрлар жуда фаол бўлиб, молиявий бойликни тортишга халақит беради.

**Питер:** Демак, одамлар пулни ҳамма ёвузликлар сабабчи-си деб ўйлар эканлар-да?

**Жо:** Айнан шундай, лекин пуллар ўз ҳолича салбий ёки ижобий хусусиятга эга бўлмайди. Пуллар ё metall ёки қоғоздан тайёрланган. Мен пуллар ҳаётингизни, атрофдагилар ҳаётини, кариндошларингизнинг, шаҳрингизнинг, оламнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб ташлашга қодирлигини аниқ биламан. Пуллар — қудратли ва фойдали қурол, уни нимага ишлатишни ўзимиз белгилаймиз. Агар сиз пулни ёмон нарса деб ҳисобласангиз, унда уларга ҳақиқатан етиша олмайсиз. Кун бўйи сиз молиявий фаровонликка интилаётганингиз ҳақида гапиришингиз, яхши иш қидиришингиз ва ўз ишинингизни бошлашингиз мумкин, аммо ичинингизда уни ёмонлик деб ўйлаб, ўзингиздан итарасиз. Мана шунинг учун ички салбий тасаввурлардан онг остингиз покланиши керак.

**Питер:** Сен ўз ҳаётингдан шундай салбий оқибат ҳақида мисол келтиришинг мумкинми? Сен улардан қандай йўл билан кутулдинг? Қандай тургун тасаввурлардан кутулиш мумкин?

**Жо:** Сен чуқурроқ ковлаштироқчимисан?

**Питер:** Иложи борича.

## Саёзлик — бўйсунувчининг тасаввури

**Жо:** Нима ҳам дердим, менга бундай ёндашув ёқади. Демак, кўпчилик одамлар пул кам, у ҳаммага етмайди, деб ҳисоблашади. Бу камбагаллик психологиясига хосликнинг

намоён бўлишидир. Уйғоқ миллионер бундай деб ҳисобламайди. Узоқ вакт давомида мен, кўпчилик сингари, пул кам деб ўйлар эдим. Узоқ вакт қанча кўп пул ишлатсам, кам қолади деб ҳисоблардим. Менга ҳақиқатан ҳам шундай туюларди. Тасаввурларнинг табиати ўзи шунака, сиз ҳатто уларнинг мавжудлиги ҳақида ҳам билмайсиз. Ҳаммаси табинидек қабул қилинади. Сиз: “Мен пул ишлатдим, ўз-ўзидан маълумки, менда кам пул қолди”, – деб ўйлайсиз. Сиз бу холосанинг мантиқийлигига ишонасиз. Оlam шундай тузилган, деб ўйлайсиз. Аммо бу хато тушунча. Бу фақат сизнинг тасаввурингиздир.

Мен бу қарашларимни устозим туфайли қайта кўриб чиқдим. У менга ички тўсикларни фаҳмлаб олишни маслаҳат берди. Пул ҳақидаги тасаввурларимга четдан қараб ундан шубҳаланиб, бу фақатгина ҳаёт, даромадлар, пуллар ва бойлик ҳақидаги тасаввур эди холос деб ўйлайман. Бу нарса ишонганим учун аниқ далил бўлиб туюлган. Бунга бошқалар каби сўзсиз ишонганиман.

### **Ўз тасаввурларингизни таҳлил қилинг**

**Жо:** Бизларда умуман шубҳа уйғотмайдиган тасаввурлар тўплами бор. Улар ҳаётимизда реал кўринишда бўлиб, биз уни тортамиз. Мен дастлабки фаразларни таҳлил қилиб ўзимга савол бердим: “Нимага мен қанча кам сарфласам, шунча кўп пул қолади деб ҳисоблайман?” Аввалига мен уни тасдикладим, чунки ўзим шундай деб ҳисоблардим. Бу савол ўз тасаввурларимни қайта кўриб чикишга мажбур қилди: мен эски қарашларни янги ҳаёт учун олиш шарт эмас деб ўйладим.

Уларни ўзгартириш мумкин.

### **Янги танлов қилинг**

**Жо:** Ўшанда менинг ҳаётим, фикрлаш тарзим ўзгарди. Ўшанда менда танлаш имконияти пайдо бўлди. “Агарда мен нимага ишонишини танлай олганимда, нимани афзал кўрардим? Мен энди бўйсунувчи эмасдим. Менда ўзим

истаган нарсаны танлаш имконияти бўлганида нимани танлаган бўлардим? Мен қанча кўп сарфласам, шунча пулим кўпайишини афзал кўришга қарор қилдим. Бу иборани ўз битикларимга жойладим ва дарҳол ўзгаришни сездим: елкаларимни тўғрилаб, кайфиятим яхшиланди ва янги куч пайдо бўлди.

**Мен**: Энди кўпроқ табассум қиласидиган бўлдим, кўзларимда учкун пайдо бўлди.

**Питер**: Тўхта, сен “Қанча кўп сарфласам шунча кўнаяди”, дедингми? Бу таъкидингни одамларнинг қабул қилиши қийин бўлади, деб ўйлайман.

**Жо**: Агарда сен пулим камайди деб ҳисобласанг, бу осон эмас.

**Питер**: Демак, шунинг ўзи чекловчи тасаввурдир.

## **Тасаввурингни ўзгартирсанг — борлиқни ҳам ўзгартирасан**

**Жо**: Тўппа-тўғри. Ҳозир сиз рағбат учун қудратли қурол оласиз. Ўйғонган миллионернинг гапини тингланг: пулга, миллионларга, бойлик ва мақсадга яқинлашишингизга тўқсинглик қилаётган ягона нарса — бу сизнинг тасаввурингиздир. Ҳакиқатан ҳам бу фақат тасаввур. Уни ўзгартириб, борлигингишни ҳам ўзгартирасиз. Пул ҳакида салбий тус олган ўз қарашларингизни ўзгартиринг ва сиз уларни торта бошлайсиз. Бу жуда ҳам оддий.

**Питер**: Яхши, биз пулларни тортиш ҳақида гапираймиз. Мен сенга яна бир қийинрок саволни бермоқчи эдим.

**Жо**: Мен тайёрман.

## **Тортишиш кучи қонуни**

**Питер**: “Тортишиш кучи сири” китобида сен жуда яхши гапларни айтгансан, мен ҳозир ундан парча келтираман. Унинг мазмунини баён этиш учун ёзиб олгандим. “Коинот тезликни ёқтиради. Имконият, интилиш борида, ичингиздан нимадир бизни ундаётганида ҳаракат қилинг. Бу сизнинг

вазифангиз ва бу сиз бажаришингиз керак бўлган ишдир". Сен бир неча дақиқани ҳаракат ҳақидаги саволга жавоб бериш учун ажрата оласанми?

Агар янгилишмасам, сен "Сир" фильмни қаҳрамони ва Ларри Кингнинг шоусида чиқиб: "Тортишиш кучи фақат бошланишдир, унинг ортида кўпроғи туради" деганлардан бирисан. Бу билан сен нима демоқчи эдинг?

**Жо:** Мен айтмоқчи бўлган гапимни айтдим. Энг аввало тортишиш кучи қонуни — бу ҳақиқатан ҳам биринчи қадамдир. "Сир" китоби ва фильмни, умуман ҳамма китобларим энди қонун юзидаги пардани очиб юборади. Лекин унинг туб моҳиятини очмайди ва китобхонга Коинотда ўзини топиш, биргаликда ҳаракат қилиш учун етарли билим бермайди. Шунинг учун кўпчилик бу ғояга танқидий муносабатда бўладилар.

"Сир" фильмини кўрганларнинг кўпчилиги, китобларимни мутолаа қилганлар тортишиш кучи қонуни кетидан бориб, керакли натижага эришдилар. Фақат бу натижага, салбий ниятлари бўлмаганлар эришдилар. Ички тўсиқлар мавжуд бўлса, фильмни кўриш ҳам, китобларни ўқиш ҳам фойда бермайди. Шунда одамлар қонун иш бермади деб галира бошлайдилар.

Амалда қонун ишлайди ва бу унинг моҳиятига кириб боришнинг энг юкори даражасидир. У худди оламнинг тортишиш қонунига ўхшаб доимо ишлайди. Тортишиш кучи қонуни жуда аниқ ва универсал, аммо у онг остида ишлайди. Сиз тортаётган нарсалар ҳақиқатан ҳам онгингизда ишонадиган, тилингизда бўлмаган нарсалардир. Бу турли нарсалар бўлиши мумкин.

## Сиз ва Коинотнинг ижодий ҳамкорлиги

**Жо:** Дарҳақиқат, ҳаракат қилишнинг зарурлиги имконият эшикларини очувчи аҳамиятга эга. Одамлар жуда кўп вақтларини ҳаракатсиз ўтказишади: шунчаки ўтиришади, бир нарсаларни бурун тагида пичирлашади, медитация қилишади ва ҳоказо. Улар янги машинани, гўёки осмондан тушиб

қоладиган миллионларни кўз олдиларига келтиришади. Аммо ҳеч нима рўй бермайди, чунки одамлар бирор нарса килишга ҳаракат қилишмайди. Ҳеч нарса қилмагандан кейин, ҳеч нарса пайдо бўлмайди. Ўз ҳаётини ўзгартириш, миллионер бўлиш ёки мақсадига эришиш учун Коинот билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш лозим. Сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда. Коинот ва бутун олам агар сиз ўз вазифангизни бажарсангиз, улар ҳам ўз вазифаларини бажаришга ҳаракат килишади. Бу муваффақият гаровидир.

## **Коинот тезликни ёқтиради**

**Жо:** Иккинчи шарт ҳам бор. Одамлар қандай қилиб бундай самарали ишлашимга қизикишади. Мен элликдан ортиқ китоб ёздим. Кўплаб мақолаларим чоп этилди, аудио-видео кассеталарим чиқди, фильмларда, турли лойиҳаларда, семинарлар ва ижодий кечаларда иштирок этдим. Баъзида мендан “Қачон ухлайсиз, ухлайсизми ўзи?” деб сўрашади. Қандай қилиб ҳамма ишга улгурман? Уйғонган миллионер билиши керак бўлган яна бир сир бор. Хаёлингизга келган исталган гоя — бу инъомдир.

Коинот сизга тақдим этган тухфадир. Бу Яратганинг инояти, мен унга ҳурмат билан карайман. Айнан мен шу инъомни қабул қилганимга ҳисобот бераман ва уни Коинотнинг саховати деб биламан.

Менинг вазифам ҳозир ва айни дамда ҳаракат қилишдир. Бунинг икки сабаби бор.

## **Сир: ҳозир ҳаракат қилиш керак**

**Жо:** Биринчи сабаб — миянгизга бирор гоя келиб қолса, у билан биргаликда сермазмун, фаровонлик туйгуси кириб келади. Сиз илҳомланган бўласиз ва ташаббусга тўласиз: “Менда гоя бор” дейсиз. Чирок ёнади. Сиз қувват оласиз. Айнан шу онда натижага эришиш учун ҳосил бўлган қувватни керакли йўналишга узатиш керак. Мана асосий

сир қаерда. Сиз нима қиласыз? Одатда ғоянгизни кундалик лафтарингизга ёзіб құясыз, ундан кейинги ҳафтада, кейинги ойда, келгуси йилда фойдаланмоқчи бўласиз.

Менинг ҳисоб-китобим бўйича, бундай ғояларнинг 99,9 фонзи йўқ бўлиб кетади. Гарчи ғоянгизга қўлингиз етиб борса ҳам, амалга оширишга кувватингиз етмаса у йўқолади. Кувват ғоя билан биргаликда йўқолади. Шунинг учун мен дарров шу ерда ва айни дамда кучим етганча ҳаракат қиласман.

## **Сиз бўлмасангиз, бошқаси**

**Жо:** Тезкор ҳаракат қилишнинг яна иккинчи сабаби бор. Менга гоя Коинот кучлари томонидан юборилган ва уни бир ўзим қабул қилмаганман. Коинот ҳар бир одам ишга киришишини билиб, бир пайтнинг ўзида, бир ахборотни камида эллик-олтмишта одамга юборади. Уни биринчи бўлиб амалга оширган миллионларни кўлга киритади. Уйғонган миллионер ҳаракат қилиш зарурлигини билади: ҳаракатни шу ерда ва айни дамда бошлаш ва тезкор ҳаракат қилиш лозим. Агар уни сиз бажармасангиз бошқа бирор бажаради.

Бу ўзича ёмон нарса эмас: ўйинга кечроқ киришиб ҳам ундан кўпроқ пул ишлаб олиш мумкин. Маркетинг нұқтаи назаридан эса — катта пул ва муваффакият биринчи ҳаракат қилган одамга тегади. Мана сизга ҳамкорликдаги ишнинг асосий иккى далили сиз натижага эришишингиз учун унинг туб механизмини ўрганишингиз керак.

## **Кимки эрта турса...**

**Питер:** Мен бу саволни беришни режалаштиргандим, аммо бу мавзуга тўхталганинг учун сўрашга қарор қилдим. Ўзинг тузган видеокурс ҳақида гапириб бер: эсингдами, у ҳақда сўрашганида, сен уни дискка ёзіб улгурган здинг. Мен ҳикояларинг тафсилотини билмайман, аммо ишонаман: ҳикоя қизиқарли бўлади. Ҳикоя тортишиш кучи қонуни ва пулга bogлиқ bўлади, ахир сен ўшанда кўп пул ишлаб

топгансан. Эсимда, шу мавзуда кимдир энди гап бошлаганида сен ҳаракат қилаётган эдинг. Янглишмасам, ҳамма ишга бор-йүғи бир неча соат, атиги бир неча кун кетган эди. Шу ҳақда гапириб бер, илтимос.

**Жо:** Хотиранг яхши экан. Ҳаммасини қандай қилиб эслаб қоласан? Биринчидан, бир куни хаёлимга DVD диск чиқариш ҳакида гоя келгани рост. Мен уни дўстим билан муҳокама қилдим ва у “Кел бирга ишлаймиз”, – деди. Меникига жўнадик. Шундай қилиб менинг уйимда “Шаклланмаган тасаввурни моддийлаштириш” деган диск яратилди. Энг биринчи ёзув “Бойликни тортиш” деб номланган эди.

**Питер:** Бу гоя хаёлингизга кутилмаганда келганми?

**Жо:** Ҳа, умуман кутилмаганида.

**Питер:** Яхши.

**Жо:** Аслида гоялар шундай туғилади. Улар ғайриихтиёрий равишда келади. Уни илҳом олиб келади ва бунинг учун биз унга “Раҳмат” дейишимиз лозим.

**Питер:** Ҳамма одамларнинг хаёлига юзлаб гоялар келиши мумкинлигига эътибор қаратдим. Менинг хаёлимга ҳам агар адашмасам кунига юзлаб фикрлар келади. Аммо уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилмайман.

**Жо:** Уларни менсимасдан миллионларни йўқотасан.

**Питер:** Ҳазиллашаяпсанми?

**Жо:** Мана қара. Менинг хаёлимга бир гоя келди ва мен дўстимни уйимга тасклиф қилдим. Ташқари ховлида, дараҳтларнинг тагига биз стол-стул ва видеокамера кўйдик. Бу Техасниниг илиқ кунларидан бирида бўлди. Тасвирга олиш жараёни икки соат вақтни олди. Шу тарзда, барча иш, гояни муҳокама қилиш билан бирга, суратга олиш, нусхаларни кўпайтириш ва сайтда хабар беришга бир сутка вақт керак бўлди.

Тасвирга олиш пайтида, сенинг саволинг нуқтаи назаридан, яна бир одамнинг хаёлига худди шу гоя келган. У менга кўнгироқ қилди, мен унга жавоб бера олмадим, чунки ўша пайтда жуда банд эдим. Шунда овозли хабар жўнатди. Мен уни эшитаётганимда “Бойликни тортиш” диски тайёр бўлган эди. Хабар нима ҳақда эди, биласанми? Дўстларимдан бирининг хаёлига, гипнозни қўллаш йўли билан бойликни жалб қилиш ҳакида видеодиск ишлаб чиқиш фикри келиби.

**Питер:** Хуллас у сен амалга оширган ғоя билан мурожаат килибди-да?

**Жо:** Жуда түғри.

**Питер:** Зёр!

**Жо:** Бундан бир неча сабоқ олса бўлади. Биринчидан, бир фикрнинг ўзи бир нечта одамга келади. Иккинчидан, вақтни чўзсанг, кимдир илгарилаб кетади-да, сенинг ўрнингга пул ишлаб топади. Бу фурсатда дикс орқали мен ва дўстим пул ишлаб олдик.

### Ғоя ортидан қувиб

**Питер:** Мен ҳайратдаман. Бозорга янги маҳсулотни атиги 24 соат ичидаги олиб чиқиш эҳтимолдан узоқ. Ҳамма воқеани бутунлигича: сенинг уйгонишинг, маҳсулот яратиб сотиш ҳақида бир онли реакция, ундан ишлаб топилган пулларни кўз олдингга келтир. Мен бугун биз гапираётган нарсалар шу харакатда мужассамланган демоқчиман.

**Жо:** Ўша пайтдан бери мен факат ишлайман. Менга ғоя келганида уни ўша заҳоти амалга оширишга шошиламан. Интернет ихтироси туфайли 24 соат давомида ҳаракат кила оламан. Эрталаблари янги ғоя билан уйғонган қунларим ҳам бўлади, қозогга тушираман, сайт тайёрлайман, кечкурун эса ўз аудиториямга: “Салом, дўстлар! Менда ажойиб ғоя бор. Уни шу ерда сотиб олиш мумкин”, – дейман.

Мен уйғоқ миллионер ғояларни қабул қилиш учун доимо тайёрлигини тушундим. Муваффакиятнинг бу каби муҳим жиҳатлари ҳақида кўпчилик билмайди. Ҳаракат қилинг. Фаровонликни жалб қилиш учун ўз ғояларингизни амалга оширинг.

### Тортишиш кучи қонунининг ўзи етарли эмас

**Питер:** Хуллас, биргина тортишиш кучи қонунининг мавжудлиги етарли эмас. Ҳаракат зарур. Келинг ғояларни таҳлил қиласиз. Улар ўз-ўзидан бизнинг аралашувимизсиз келадими ёки биз уларни чақириб оламизми? Чунки бу босқичда биз

очиқ ҳаракат қиласыз, күч сарфлаймиз, лекин бизда уйғонган нарса биздан ташқарыда мавжудми? Агар атрофимизда ҳар доим мавжуд бўлган нарсаларга, биринчи марта назар солсак, бу билан биз оламга бошқача қараб, янгича фикрлайдиган бўлиб қоламизми? Мен тўғри тушунаяпманми?

Масалан, менга кимдир хонадаги жигар ранг тусли нарсаларни санаб ўт деса, фақат сўраганларидан кейин жигарранг нарсаларни зўр бериб эслай бошлайман. Мен бу нарсаларни ўзимга тортаман ёки улар ҳар доим мавжуд бўлган-у, мен уларга эътибор бермаганманми?

### **Уйғонган миллионер ҳамма нарсада имконият кўради**

**Жо:** Бу жуда яхши мисол! Сен ўзингда кўра олиш туйгусини уйғотяпсан. Бўлажак миллионер ҳамма ёққа назар ташлайди ва ҳамма ерда имкон топади.

**Питер:** Демак, атрофимизда, ённимизда миллионлаб имкониятлар бор экан-да. Шунчаки уларни кўришга ўрганиш керак.

**Жо:** Ҳа, худди шундай. Кўзингизни каттароқ очсангиз, улар миллиардлаб. Бошланиши учун миллион ҳам етарли.

**Питер:** Биз миллионерлар ҳақидаги масалага кечроқ кайтамиз.

**Жо:** Келишдик.

### **Бойлик қўрқувингиз ортига яширингап**

**Питер:** Сенинг бир хислатинг ҳаммадан кўра мени таажжублантиради. Бу серкірралигинг ва фаолиятингнинг кўплиги. Сени маркетинг ва автомобиллар, яна маънавият ҳақидаги масалалар ҳам қизиқтиради, ахир улар турли-туман нарсалар. Мен сенн маркетинг даҳосига ва бир вактнинг ўзида муваффақиятли ёзувчига айлантирган, руҳан илҳомлантирган таъсири ҳақида эшиитмоқчиман. Сенинг бир-бирига умуман

тўғри келмайдиган, зид вазифаларни бирлаштиришинг ақлга сиғмайди. Айримлар Жо Виталенинг китобига қараб: “У маркетинг даҳоси!”, бошқалари эса “Тортиниш кучи қонунининг маънавий устози” дейди. Аслида сен ўзингнинг истеъмолчилар психологияси бўйича ёзган китобларингни омадли сотиш учун маркетолог даҳосига айланишинг керак бўлган.

Сен аввало психологсан. Аммо илҳомланиб катта нарсага эришдинг ва бошқа соҳада ҳам ўзингнинг салмоқли сўзингни айта олдинг. Бунинг учун бир неча дақиқани ажратса оласанми? Сенинг биринчи китобинг муваффақиятга эриншмаганини кўргач, қандай фикрларга бординг? Сен вазиятни қандай ўзгартира олдинг, ўша пайтда маркетингдан анча йирокда эдинг-ку?

**Жо:** Ўйлашимча, ўз кўркувимни қандай енголганимни ҳаммадан кўпроқ эшишмоқчисан. Ана шундай, мен кўркувимни енгиб ўтдим. Охир-оқибат: “Сиз эришиш иштиёқида бўлган бойлик, журъатсизлигингиз ортида”, деб ҳар доим гапираман. Такрор ва такрор айтишимга сабаб унда чукур маъно мавжуд.

Сиз интилаётган бойлик, сиз излаётган миллионлар, орзу қилаётган фаровон ҳаёт — ҳаммаси кўркувингиз ортига яшининган.

Бу жуда чукур фикр, бунга ёрқин мисол келтираман. Айтганимдек, “Маънавий маркетинг” китобим кейинчалик “Тортиниш кучи спри”га айланди. Унда менинг барча фикрларимни бирлаштирдим. У энди орзу қилинаётган нарсага эришиш дастурининг кириш кисмига айланди. Мен уни опам учун ёзгандим. Биз у билан жуда яқин эдик. Ўша пайтларда опам нафака пулига яшар, фарзандлари касал, эри ишламас эди. Мен ундан хавотир олардим. Биз тез-тез кўриниш олмасдик, минглаб километр узоқликда яшиардик.

Мен унга атаб китоб ёзиб, почта орқали жўнатишга карор қилдим. Айтилган сўз — отилган ўқ. Мен ёздим, жўнатдим ва ҳаммаси ўзгарди. Нафака олиш бекор қилинди, эри ишга жойлашди. Болалари мактабни тугатиб, коллежга

ўқишига киришди. Ҳозир унинг ҳамма иши жойида. Вақт ўтгач, бу китобдан битталаб, одамларга тарқата бошладим. Ҳавф нимада эди? Гап шундаки, мен Америка менежмент ассоциацияси ва Америка маркетинг ассоциациялари вакили эдим ва “Nightingale – Conant” менинг дастурим бўйича чиқаётган эди.

Мен ҳакимда нима деб ўйлашларидан жуда кўрқардим. Харидорларим ва мижозларим реакциясидан агар “Маънавий маркетинг” китобини чиқарсан, улар мен ҳакимда нима деб ўйлашларидан чўчирдим. Менимча, улар таажоубланиб, маркетинг асосларини эмас, унинг мистик томонини муҳокама килардилар. Ёки аксинча ярим аудитория маркетингни афзал кўриб, қолган қисмини ташлаб кетиши мумкин эди. Кўриниб турибдики, бу бой берилган иш бўлар эди. Нима бўлган тақдирда ҳам мен ўз кўркувимни енгишига ҳаракат қилдим.

Бу Боб Прокторнинг енгил қўллари билан амалга ошди. У менинг ишларимни 200 та одам олдида мақтаб, шундай деди:

– Жо “Маънавий маркетинг” номли китобини ёзди. Уни албатта ҳаммангиз ўқишини истайсиз, – деди.

Мен бу одамлар ҳақиқатан ҳам китобимни ўқишини хохлаётганларини тушундим. Улар мени ҳар томонлама ўраб олишди. Китобим улар учун қизиқарли эди. Уни тезлик билан нашр қилдирдим ва тез орада бестселлерга айланди. “New York Times”да у ҳақда мақола чоп этилди. Кейин йирик ноширлардан бири у билан қизиқиб қолди ва унинг номи “Тортишиш кучи сири”га айланди. Мен кўркувни бир чеккага йиғиштирудим ва қаршимда янги имкониятлар эшиги очилди.

“Маънавий маркетинг” кейинчалик “Тортишиш кучи сири” деб аталди, мен “Сир” ва шунга ўхшаш бошқа фильмларда роль ўйнадим. Мен учун бирйўла шунча имкониятлар эшиги очилди. Агар мен бурчакда кўрпага ўралиб, ўзимга: “Мен факат маркетологман, холос. Мен ҳеч қачон одамларга ўзим шугулланмоқчи бўлган маънавий маркетинг ҳақида гапириб бера олмайман. Мен уларга ҳеч қачон уйғонган миллионер ҳақида айтиб бера олмайман”, деб ётганимда ҳеч нимага эриша

олмасдим. Мен қўрқардим, қўркувимни енгганимда устимга пуллар ёғилди. Ҳаётимда фаровонлик, мўл-кўлчилик, муваффакият ва омад пайдо бўлди. Қўркувнинг юзига тик қаранг, шунда бойликни ўзингизга тортасиз.

## **“Тортишиш кучи қонуни” — молиявий муаммоларни ҳал этиш учун беш қадам**

*Питер:* Агар одамда пул билан боғлиқ жиддий муаммолар бўлса биринчи галда нима қилиши керак?

*Жо:* Биринчи галда бажариши лозим бўлган иш — “Мен кўп пулга эга бўлиш ниятидаман”, деб маълум қилишингиз керак. Бу ниятни чин юракдан ифодаласангиз, шунча яхши. Якинда ўз ниятини аниқ ифода этган бир миллионер ҳақида эшишиб қолдим. Биргина “пуллар” сўзини айтишнинг ўзигина кифоя эмас. У пулларга интилди, аммо аниқ микдорини айтмас эди. Бир гал у дунёнинг беш юзта бойлари рўйхатини ўқиётганида, “Forbes” журнали наклига кўра, рўйхатда турганларнинг охиргисига тикилиб, қараб турган ва “Бу йигитдан фақатгина 1 доллар ортиқроқ пул топганимда, мен ҳам шу рўйхатга киритилардим”, деган.

Биринчидан, ўз ниятингизни аниқ, очиқ-ойдин билдиринг. Иккинчидан, бўлаётган воқеани кузатинг. Унда қуйидаги воқеалар содир бўлади: хаёлингизга турли фикрлар келади: “Шундай бўлиши мумкинми?”, “Уни қандай бажараман?”, “Мен бундай бойлика лойикманми?”, “Бу менга зарар қилмасмикан?”. Буларнинг ҳаммаси чекловчи тасаввурлар. Бундай тасаввурлардан покланиш керак. Улардан “Мўъжизалар яратамиз” номли маҳсус дастур орқали, мустақил равишда онг остилизни тозалаймиз. Ўзингдаги тасаввурларни топиб, улардан холи бўлиш, уйғонган миллионерга айланиш учун бу шарт. Учинчи қадам — ҳаракат. Ҳаракат қилиш жуда муҳим. Хаёлингизга фикр келиши, импульсни сезишингиз биланок ҳаракатни бошлаб юборинг. Қўркувни улоқтиринг, чунки унинг ортида катта бойлик беркинган, тезроқ ҳаракат қилинг.

## Коучинг кучи

**Питер:** Мен асосий мавзудан четга чикиб кетдим. Биламан, сен устоз – шогирдлик тарафдорисан. Сен “Miracles Coaching” ташкилотини бошқарасан, унинг вазифаси — одамларга омад ва бойликни ўзига тортишни ўргатишдан иборат. Сенинг ҳәётингда коучинг қандай роль ўйнади, айтиб бера оласанми? Нимага сен қатъйлик билан уни ҳаммага тавсия этасан?

**Жо:** Коучинг — бу менинг ҳәётимни ўз вактида ўзгартириб юоришига ёрдам берган ҳаракат қилувчи қудратли куч. Мен бу ҳақда “Тортишиш кучи сири” китобимда айтиб ўтганман. Ўн йил давомида мен коучинг билан учрашганман, у менга зарар келтирадиган тасаввурлардан холи бўлишга ёрдам берган. Бу менга кўнгилсиз дақиқаларни, масалан қашшоқликни бошимдан кечиришни енгиллаштирган. Мен қашшоқликдан, то молиявий тургунлик, сўнг бойликкача бордим. Бу ёнимда менга ишонган ва йиллар давомида менга суюнчиқ бўлиб қўллаб-куватлаган, мени муҳокама қилмасдан, маъсулиятли деб билган, мақсадга интилаётганимдаги тўсиқлар ва камчиликларда ҳам яхшилик таратган одам бор эди.

Бу амалиёт жуда омадли чиқди, кейинроқ мен коучингчилар гурухи билан учрашганимда улар менинг “Устоз – шогирд” дастурим бўйича иш олиб бораётганларини, яна бир дастур ишлаб чиқишни таклиф қилдилар.

Анча аввал “Мўъжизалар яратамиз” дастури бўйича иш бошламоқчи эдим, дедим. Шахсан ўзим бу дастур бўйича шуғуланаётган одамларни ўқитмоқчи эдим, 10 йил давомида мен коучинг билан шуғулланганимда у менга кўп нарсаларни ўргатди. Мен қандай саволлар бериш ва яхши коучинг қандай тарзда фикрлаш кераклигини биламан. Менга қачонлардир ёрдам берганидек, бошқаларга ёрдам бериш учун бу дастурни яратдим ва қайси учрашув қандай ўтишини олдиндан билардим. Айнан “Мўъжизалар яратамиз” дастури туфайли мен уйгонган миллионерга айландим.

## Пулларга элтувчи йўл

**Питер:** Ижобий фикрлаш қанчалик мухим? Салбий кайфият менинг уйгонишим ва миллионер бўлишимга халақит бера оладими? Биз ижобий фикрлаш ҳақида кўп эшитамиз, лекин мен пессимистман, ҳаммадан ва ҳамма нарсадан шикоят қилиб юрадиган одамларнинг қанчасининг бойиб кетганини биламан. Сен шу масалага ойдинлик кирита оласанми?

**Жо:** Бундай олиб қараганда, баҳслашиш учун жуда қизиқ савол. Исталган тасаввур ва фикрлар ёрдамида мультилионер бўлиш мумкинлиги бу ҳақиқатдир. Агар пул сизга дарёдек оқиб келадиган бўлса, демак сиз пессимиристик кайфиятда бўлсангиз ҳам, оқим бундан тўхтамайди. Оптимистга айланиб, пулларни ўзингизга тортишни давом эттиришингиз мумкин. Ўйлайманки, ҳаётга ва атроф-оламга ўз хиссангизни кўшсангиз, сиз баҳтли, соғлом, фойда келтиришга кодир одамга айланасиз. Бу жуда мухим нарсани: пулга қандай муносабатда бўлишингиздан қатъи назар, яхшими-ёмонми, сиз ноҳак эканлигингизи исботлайди. Негаки, бой-бадавлат бўлишингизга халақит бермагунича истаганингизча фикрлашингиз мумкин. Сизнинг тасаввур ва сифатларингиз қандай бўлишидан қатъи назар, сиз бойий-верасиз.

## Олишни истасанг — ҳадя қилишни ўрган

**Питер:** Ҳадя бериш — қанчалик мухим?

**Жо:** Ўйлайманки, бу фаровонликка етишишнинг асосий сиридир. Бу ҳақда кўпгина динларда гапирилади. Ўнликларни садақа қилиш одатини мисол келтиришим мумкин. Аввалига мен бу гапларга шубҳа билан карадим. 10 фонзни шу йигимни ташкил қилган диний ташкилот олиб кўяди деб ўйлардим. Ҳақиқатда эса, агар сиз ўз даромадингиздан сизга маънавий ёрдам берган одам ёки ташкилотларга берсангиз,

сиз инъомлар учун (бу мачит, курслар, такси ҳайдовчиси, күчадаги нотаниш одам ва ким бўлишидан қатъи назар) юрагингизни очган бўласиз.

Одамлар қашшоқлиқ психологиясидан келиб чиқиб, бирор нарса ҳадя қилишдан бош тортишади. Уларнинг кўлларидағи пул ҳозиргидан кўпаймайди. Шунинг учун уларни ушлаб туриш керак деб фикрлайдилар. Ҳадя улашиб, сиз Коинотга тўкин-сочинлик ҳақида хабар берасиз. Шунда маркетингнинг қармик кучи ишга тушади: сиз ҳадя берадётганингизда Коинот у ёки бу тарзда сизга жавоб қайтаради. Агар сиз унга ишонмасангиз, бу тамойил ишламайди. Масалан, сиз “Жо Виталега 10 доллар берсам, 100 доллар бўлиб қайтиб келишига ишонмайман” деб ўйлайсиз. Ишонмасангиз, ҳеч нимага эга бўлмайсиз ҳам. Бу сизнинг танловингиз, сизнинг тасаввур тамойилингиздир, универсал тамойилларнинг ҳаратига халақит берган бўласиз.

Мен сизга ўз тасаввурларингизни холис баҳолашни тақлиф киласман. Кафолат бераман, сиз ажойиб туйгуларни хис киласиз. Буни билиш ўзига миллионлар тортишнинг яна бир сиридир. Одамларни, воқеаларни ва имкониятларни ўзингизга тортасиз. Агар сизга яхши бўлса, сизнинг молиявий ўсишингизга ёрдам берадиган одамлар, воқеа ва имкониятларни тортасиз. Яна бир марта тақрорлайман:

Бирор нарсага эга бўлиш учун, ҳадя бериш жуда муҳимдир.

## УЙФОҚ МИЛЛИОНЕР ШУКУР ҚИЛИБ ЯШАЙДИ

**Питер:** Сен ҳаётингни янада тўлароқ қилишга қодир бўлган шукроналик ҳақида кўп гапиришингни биламан. Деярли ҳамма китобларингда шу ҳақда гапирасан. Шукроналик ҳақида қисқача тушунча берсанг.

**Жо:** Албатта, ахир бу фаровонликка эришишнинг яна бир сири-ку! Ўзингизда бор нарсаларга шукrona келтириш, каттароқ истакларнинг амалга ошиши учун халақит бермайди, лекин атрофингизга қараб, “Мен бу мусика

учун миннатдорман”, “Мен бу китоб учун миннатдорман”, “Хаётимдаги мавжуд нарсалар учун миннатдорман” деган гапларни айтиб, самимий шукроналикни ҳис қылсангиз, сиз ўз ички ҳолатингизни ўзгартирасиз ва бошқа қувват — шукроналик тортиш қувватини ярагасиз.

Бу қувват сизга янада күпроқ қизықарли одамлар, жойлар ва воқеаларни жалб этади. Буларнинг барчаси шукроналик, муҳаббат ва тушунишга асосланади. Шукроналик — кудратли восита. У сизнинг уйғоқ миллионер бўлишингизга ёрдам беради. Уйғоқ миллионер хаёт оқими бўйлаб сузади, ҳар доим шукроналик хисси билан юради. Чунки барча чиройли нарсалар доим ёнида бўлади. Ҳаёт жуда гўзал ва ажойиб, шукроналик эса ҳақиқатан ҳам буюк нарсадир.

## **Миллионер ёки миллиардер? Молиявий кайфият**

***Питер:*** Биз бу ҳақда гаплашган эндиқ. Аммо мен бўлгуси, уйғонган миллионер ёки миллиардернинг фикрлаш тарзига қайтмоқчиман. Улар қанақа? Билл Гейтс бир миллион доллар даромад оладиган одамдан қандай фарқ қиласди?

***Жо:*** Зўр савол. Бу фарқ ўзини-ўзи баҳолаш ва бунга лойиқлигингиз ҳақидаги фикрга бориб тақалади. Ҳар бир одам молиявий координатларни кутади. Сиз бугун фақат миллионер бўлишига кодирман деб ҳисоблайсиз. Бундан ортиғига эмас. Нимага? Менинч бунинг сабаби сизнинг ичингизда яширинганди. Менинг ойлигим кам бўлса, фикрлашим, ўз-ўзимни баҳолашим, молиявий координатамнинг ҳаммаси мен фақат шунга лойиқлигимни ва фақат шунга ишонишим лозимлиги ҳақида билдиради. Балки мен кўпроқ хоҳлагандирман, ҳатто ўз ниятим ҳақида билдиromoқчи бўлгандирман. Лекин тасаввур тизими бошқача ҳолатга имкон бермаган ва мен ўзимни қўлимда боридан ортиғига эп кўрмаганман.

Үйлайманки, ҳар биримиз чукур нафас олиб, “Мен пул ҳакиданымадеб үйлайман, ўзимни қандай баҳолайман, бундан каттарогига лойикмамми?” деб ўзимизга савол беришимиз керак. Балки сиз олға дадил қадам ташлаб, ўзингиздан “Агарда менда миллиард доллар бўлганида ҳётим қандай бўларди?” деб фикран сўрашингиз мумкин. Бу савол, эҳтимол сизда кўркув уйғотар. Балки сиз “Мен катта компанияни бошқаришимга, бир талай ҳисобчиларни ёллашимга тўғри келади. Солиқчилар билан муаммолар пайдо бўлади?” деб үйлайсиз. Миллиардларга эга бўлганларга бундай фикрлаш кутилмаганда кўнгилсизлик олиб келади.

Сиз банк ҳисботи билан бирга пайдо бўлган фикр ва тасаввурларингизни таҳлил қилинг. “Катта компанияни бошқаришимга тўғри келса, мен ҳамма нарса устида қайғурадиган мутахассисларни ёллайман. Солиқ масалалари бўйича менинг хукукшунос вакилларим шугулланади” деб фикрингизни тўғрилашингиз мумкин. Миллиардлар тўғрисида салбий тасаввур ва фикрлардан холи бўлиб, сиз миллиардерлар каторига номзодингизни кўшишингиз мумкин. Сиз ўзингизга юқори баҳо бериб, кўпрогига лойик эканлигингизга ўзингизни ишонтиришингиз керак. Янги координатни ўзингизга топширишингиз керак.

## Моддий ва маънавий

**Питер:** Маънавият тарафдорлари кўпинча камтаринлик ва меъёр ҳақида кўп гапиришади. Унда машина ва уйларни нима қилиш керак? Уларнинг ғояси бўйича биз уларга эга бўлишга интилмаслигимиз керак. Баъзида менга бундай туюлмайди. Моддий фаровонликка эга бўлишни сен қандай баҳолайсан?

**Жо:** Бу истакнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Бундан ташқари мен моддий ва маънавий бойликни танганинг икки томонига ўхшатаман. Ҳар бир олам факат маънавий томондан иборат, машина, бойлик, уйлар ҳақида гап кетганда таажжубланадиган одамларни иккюзламачи бўлади деб

ўйлайман. Комил одамда маънавий ва моддий қизиқишилар бир-бирига мутаносиб равишда бўлади. Уй ёки машиналарга эгалик килиш ҳуқуқида ҳеч қандай ёмонлик йўқ. Менинг фикримча ягона муаммо ортиқча худбинлик ва худбин ниятлиликда. Мен бу ҳақда “Онгнингуйгониши” ва “Мўъжиза яратамиз” номли дастурларимда айтиб ўтганман. Бошқача айтганда, дунёдаги энг кагта автомобиль коллекциясига эга бўлиш худбинлик хусусиятига боғлик.

Агар мен юрагимнинг ўйнаб кетишига ва ҳётдан хурсанд қилишга мажбур қиласидиган машинани кўрганда, “Бунақа машинага эга бўлиш жуда зўр” деган ички овозин эшитаман. Демак, уни олишга менга Коннот туртки бермоқда. Коннотдан бўлак ким бу мен учун яхши ёки ёмонлигини аита олади. Ҳар қандай ёт фикр объектив бўлмайди. Айтганимдек, моддийлик ва маънавийлик танганинг икки томонидир.

## **Ўйғоқ миллионерлар ҳеч қачон олдинга ҳаракат қилишдан тўхташмайди**

**Питер:** Раҳмат Жо! Тугаллашимиздан аввал сенга бир неча саволим бор. Менда кўпинча шундай фикр тугилади. Менинг дўстларим бой бўлганлари сари, улар вактларини китоб ўқишга ва мустакил билим олишга сарфлайдилар. Сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан? Айтмоқчиманки, сен жуда бой одамсан. Аммо китоб ўқиш ва семинарларга қатнашишни давом эттироқдасан. Ҳозир сен учун таълим қандай роль ўйнайди?

**Жо:** Жуда аниқ кузатув. Мен ҳақиқатан ҳам ўсиш ва ўқишида давом этяпман. Мен жуда кўп ўқийман. АМА-ZON номли китоб дўкони энг севимли жойим. У ердан маркетинг, психология, фикрлашнинг хусусиятлари ҳакидаги китобларни сотиб оламан. Ўсиш, ўқиш ва олдинга интилишни давом эттирајлман. Бошқа мутахассислар ўтказдиган семинарларга бораман. Бир куни дўстларимдан бири “ўзини ривожлантириш учун ҳамма устозлар бир-биридан ишларини сотиб оладилар”, деб айтди. Нима учун? Негаки,

биз ҳаммамиз ўсишга ва доим олдинга интилишга ҳаракат қиласыз. Агар сиз ҳаётингизда сезиларлы ўзгаришлар бўлишини, уйғоқ миллионер ёки миллиардерга айланишни истасангиз, янги билимлар: китоблар, дисклар, семинар, коучинг дастурларига интилишингиз зарур. Ўйлашимча, улар катта аҳамиятга эга.

## Арзийдиган бирор нарсага журъят этинг

**Питер:** Сен сұхбатимизнинг якуннда уйғоқ миллиардер ҳакида бир нима демокчимисан?

**Жо:** Менинг ташриф көзозимда лотинча “Aude aliquid dignum” ибораси ёзилган. Бу “Арзийдиган бирор нарсага журъят этинг”, деган маънени билдиради. Бу китобни ўқиётган ҳар бир одамни миллионер, мультимиллионер ёки миллиардер бўлишни ният қилишга, ўзингиз ва ўз тасаввурларингиз бўйича ишлашга чақираман. Ҳар доим кимдантир қўмак олишга ҳаракат қилинг. Чунки масъулиятни ўргатадиган ва руҳ уйғоклигини кўллашга қодир одам билан сұхбатлашиш имконияти — уйғоқ миллионер мақомига эришиш йўлининг муҳим элементидан биридир.

Мен сизни баҳтиёр бўлишни жуда исташингизни тушишинингизга чақираман ва сиз шу ерда, шу дамда миллионларни ишлаб топишингиздан олдин баҳтли бўла оласиз. Мен сизларни арзийдиган бирор нарсага журъят этишга даъват этаман.

**Питер:** Сен билан мулокот қилиш биз учун катта шараф, Жо. Бизга сұхбат учун вақт ажратганинг ва ўз фикрларинг билан бўлишганинг учун катта раҳмат.

**Жо:** Сендан миннатдорман, Питер!

**Питер:** Бугун биз билан бўлганинг учун раҳмат!

# ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҮЙГОНИШИ

*Бир қуни кечириб, ўз ички отамингизни ўз-  
гартирасиз.*

**Жо Витале**

**Жо:** Салом, мен доктор Жо Виталеман. “Ўзаро муносабатларнинг үйгониши” дастурига хуш келибсиз. Бугун биз сиз билан шахсий ва ишдаги муносабатлардан ўзингизга қандай максимал даражада фойда олишингиз мумкинлиги ҳакида гаплашамиз.

**Тереза Пушкиар:** Жо, сиздан илтимос, ўзаро муносабатлар үйгонишининг ўзи нима эканлигини тушунтирангиз.

## Ўзаро үйғонган муносабатлар — бу мұхаббат

**Жо:** Барча үйғоқ муносабатлар фақат мұхаббатға асосланған. Сиз үйгонишининг 4 та босқичи мавжудлигини тушенишингиз керак. Биринчи босқичда күп одамлар бўйсунувчи мавқесида бўладилар ва атрофдагилар билан мuloқотда қийинчиликларни ҳис қиласидар. Иккинчи босқичда ўзларини кучлироқ сезадилар. Муносабатлар мустаҳкам, ўсишга қодир ва катта имкониятли бўлиши мумкин. Лекин эртами-кечми, учинчи босқич бошланади. Унинг моҳияти итоаткорлик. Сиз — шеригингиз олдида эмас, Коинот олдида итоаткорсиз. Сиз Қурдатли куч олдида итоаткорсиз. Тўртинчи босқичда үйғонасиз. Үйғоқ муносабатлар мұхаббатға асосланади. Аслини олганда, ҳамкорингиз агарда мұхаббатни бошқарса, сиз — мұхаббатнинг ўзисиз. Муносабатларда үйғоқ одамлар шеригига қараса мұхаббатни кўради. Сизнинг үйғоқ шеригингиз ҳам фақат мұхаббатни кўради. Мұхаббат үйғоқ муносабатларнинг моҳияти ва асосий тушунчасидир.

## Хақиқий дүстлар

**Тереза Пушкир:** Мұхаббат ҳақида гапирганда, күпчилік одамларда ҳақиқий дүстлар бор деб таъкидлаш мүмкінми? Умуман олғанда ҳақиқий дүстлар ким ўзи?

**Жо:** Бизнинг күпчилігімиз ҳақиқий дүстларымыз борлиги билан мақтанамыз. Бу жуда ажабланарлы күрінса ҳам, бир одамдан мен самимий дүстлик ҳақида қуйидаги гапни эшитдім: “Агар сиз қандайдыр күтилмаган баҳтсиз тасодиғ туфайли қамоққа тушиб қолсанғыз, қайси дүстингиз ёрдамға келиши мүмкін? Дүстларингизнинг қайси бири ҳамма ишларини ташлаб, керак бўлса, ҳатто дунёning нариғи чеккасига сизни озод қилиш учун боради?” Щу қондага кўра, ҳақиқий дүстлар кўп бўлмайди. Асосан атрофинингизни танишлар, касбдошлар, кўшинилар ўраб олган. Баъзин бир одамлар билан вақти-вақти билан кўришасиз. Баъзилари билан вақтингиз қизиқарли ўтади. Фақат сизнинг хотиржамлигингиз ва сиз ҳақиқигизда ўйлайдиганлар жуда кам. Бари бир агар ўзаро муносабатларда ичингизда мұхаббат тўлиб тошса, бу сизга жавоб қайтарадиган одамларни ўзига тортади. Ҳақиқий дүст менимча, сизни ва сизнинг мақсадларингизни тўлиқ кўллаб-кувватлади. Сизнинг қизиқишиларингизни ёдда тутади. Сиз уни кўнглингизга яқин оласиз.

## Муносабатлар кўзгу вазифасини ўтайди

**Тереза Пушкир:** Жо, биз мұхаббат ва ҳақиқий дүстіміз деб ҳисоблаётган одамлар билан бўладиган ўзаро муносабат ҳақида гапирайпмиз. Сиз салбий муносабатда бўлган одамлар ҳақида нима дейсиз? Зиддиятли ва ўзбилармонлар ҳакида-чи? Агар сизнинг шерингингиз доим ҳаётидан иолиса ва ҳамма нарсадан норози бўлса-чи, унда нима қилиш керак? Қандай йўл тутиш керак?

**Жо:** Биласизми, сиз турган босқичга боғлиқ равишда вақти-вақти билан кайсар, пессимиист, бўйсунувчи фикрга эга

бўлган жаҳлдор одамларни тортасиз. Анъанавий иенхология нуқтаи назаридан улар сизнинг иккинчи “мен”ингиздир. Ҳозир сиз эшитадиган нарса сизга аввалига галати бўлиб туолади. Гап шундаки, сиз норози бўлган одам пессимист, зиддиятли ва бўйсунувчи ҳолатида ҳаракат қилувчи одам ҳақиқатани ҳам ўзингизни худди шундай ҳис қилаётган бўлагингизни намоён қиласади. Демак, сиз ўзингизга тортаётган муносабатлар ичингизда аллақачон мавжуд. Вазиятни тўғрилашининг асосий усули — ўз-ўзингиз билан муносабатингизни яхшилашдир. Масъулиятни зиммангизга тўлалигича олинг ва ҳамма салбий, ёмонлик тилювчи ва ичингиздаги бўйсунувчига хос хислатларни таҳлил қилинг. Сиз ичингизда яшаётган бўйсунувчиндан холи бўлинг ва уйғонишга томон яна бир қадам ташланг. Сиз ёқтирамайдиган одам ўзгаради ёки ҳаётингиздан умуман йўқолади.

Ахир, сизнинг қувватингиз энди уни жалб қилмайди.

## Ўзаро фойда

*Тереза Пушкир:* Баъзи бир дўстларим инъ ва яннинг бирлигини рамзийлаштиради. Бир қарашда улар қарама-қаршиликдек бўлиб кўринади. Бир қанча вақт ўтгач, галати тарзда улар бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирига ўзаро фойда келтирадиган ишлар юз бера бошлайди. Муносабатлар ўзаро фойдали бўлиши керакми?

*Жо:* Муносабатлар ҳар доим ўзаро манфаатли бўлади. Бўлмаса, улар тўхтаб қолади. Агар сиз таниш одамдан ҳеч нарса олмасангиз, у ҳам сиздан ҳеч нарса олмаса, ўйин тугайди. Баъзи бир вактларда муносабатлар ёқтирасдан бошланади. Бир-бирини яқинроқ таниб олгач, ўзаро тушунмаган тасавурлардан холи бўлгач, улар бажонидил мулокот қила бошлашади. Одатда, уларнинг муносабатлари узоқ вақт давом этади ва ёқимли хотиралар қолдиради. Агар шериклардан бирининг фойдаси тегмаётгани сезилса, муносабатлар тўхтайди.

## **Мустаҳкам ва ишончли муносабатлар сири**

*Тереза Пушкир:* Ўша муносабатларнинг сири мавжудми?

**Жо:** Бундай муносабатларнинг сири яна муҳаббатга бориб тақалади. Муҳаббат ўзи нима? Муҳаббат — ўзаро бир-бирини тушуниш, тўлиқ ва сўзсиз шеригини қабул қилишдир. Муҳаббат чегара билмайди, у шартлар билан чекланманган. Муҳаббат поклик, ёргулик, тинчлик ва баҳт олиб келади. Ишда ёки уйда идеал муносабатда бўлишни истасангиз, бошқа одамдаги муҳаббатни ҳис қилиш керак. Ўзингиздаги муҳаббатни ҳам кўришингиз керак. Яна бир марта тақрорлайман дўстлик муносабатлари муҳаббатга асосланади, уларнинг ўзи муҳаббат.

## **Барчаси ҳақиқат, хеч қандай сир йўқ**

*Тереза Пушкир:* Тўғрилик билан муҳаббат қанчалик бир-бирига мос? Ҳар биримизнинг ўзимизга яраша сирларимиз, фикрларимиз ёки қилмишларимиз бор. Уларни шерикларимизга ошкор қилишни хоҳламаймиз. Бу яхшими ёки ёмонми? Унга қандай муносабатда бўлиш керак?

**Жо:** Зигмунд Фрейд руҳий саломатликни сақлашнинг асосий сири хеч қандай сирларнинг бўлмаслигидир деб айтади. Менимча, бу жуда чуқур фикр. Ўйлашимча, муносабатлардаги тўлиқ самимият катта шифобахш кучга эга. Бошқа одам билан муносабатдаги, ўзи билан бўладиган муносабатдаги самимият ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги уйғоқ муносабатларнинг калити, деб ўйлайман. Балки, буни эшитиш учалик ёқимли эмасдир. Китобда “аччиқ” ҳақиқат ҳақида аллақачон ёзилган. Унинг мазмуни: одам ўзи билан ўзи сўзсиз самимий бўлиши керак. Одам ўз ўтмишини ва истакларини ҳалол баҳолаши керак. Шунда ҳаёти ва муносабатларига хотиржамлик олиб келади. Ҳеч қандай сирларсиз бўлади бу калит. Бу уйғоқ муносабатларга бўлган энг тўғри йўлдир.

## **Фикрловчи шахс ва қалб: ҳамкорлик**

*Тереза Пушкар:* Жо, мен доимо ўзим билан ўзим курашишимга түгри келади. Мен ҳеч қачон ўз қалбим билан яхши муносабатда бўла олганман деб ўйлайман. Бу жуда ёқимсиз. Ички қарама-қаршиликлардан кутулиш ва уйгунилкка қандай эришиш мумкин?

*Жо:* Жуда яхши савол. Биринчидан, ўзингни қандай бўлсанг, шундайлигингча қабул қил. Ўз-ўзинг билан курашиш фақат вазиятни чигаллаштиради. Қайсалик эса бунга қарама-қаршиликни қўшади. Ҳар бир онни ҳис этишга, қалбга катта эътибор бернишга ҳаракат қилинг. Сизнинг шахсингиз, сизнинг худбинлигингиз ҳеч қачон қалбингиз билан бир боскичда бўла олмайди. Қоида бўйича бирга бўлиши мумкин хам эмас.

Лекин у сизнинг қалбингиз фойдасига ҳал қилиниши керак. Чуқур нафас олинг ва унга итоат этинг. Бу сизнинг худбинлигингиз эмаслиги ҳакида медиатация қилинг. Сиз — бу сизнинг фикрларингиз эмас. Сиз — бу сизнинг танангиз эмас. Сиз — бу сизнинг ҳиссиётларингиз эмас. Сиз — бу юз бераётган ҳодисаларни кузатувчисиз. Бу фикрларни ўзингиздан ўтказинг. Коинот сиз билан қандай бўлсангиз шундайлигингизча гаплашини хоҳлайди. Сизнинг вазифангиз эса, унинг кўрсатмаларига амал қилишдир. Худбинлик ниятлари ҳафсаласизликка олиб келади. Мен бу туйгулардан холи бўлишни тавсия этаман. Уни қўйиб юборинг. Ўзингизга нигоҳ ташланг ва Коинотга ишонинг. Бу сизни гафлат уйқусидан уйғотади. Сизнинг “мен”ингиз — сизнинг дўстингиздир.

*Тереза Пушкар:* Айтган гапларингиздан кейин яна бир савол тугилди. Кўпгина маънавиятчилар одам худбинлигини, “мен”ини худди душмандек, уни йўқотиш шартдек ҳисоблашади. Бу сира түгри келмайди. Менда шундай таассурот уйгонадики, бу салбий муносабат фақат қаршиликни, ўз атрофида девор қуриб жиддий курашишни чакиради. Бу ҳақда сиз нима дея оласиз?

**Жо:** Сизнинг худбинлигингиз — сизнинг дўстингиздир. Мана менинг фикрим. Сизнинг худбинлигингиз яшаб қолишингизга ёрдам беради. Сизнинг ҳар бирингиз ўзингизнинг “мен”ингизни ҳис қилувчи шахсиз. Бунинг ёмон томони йўқ. Шунчаки вазиятни худбинлик бошқаришига йўл қўймаслик керак. Чунки у ҳаёт йўлингизда кўп балоларга йўлиқтириши мумкин.

Ўз “мен”ингни ўлдириш мумкин эмас. Сизнинг “мен”ингиз — бу сизнинг дўстингиздир. Бу фикр жуда оддий. Бунда сизнинг “мен”ингиз Коннотга хизмат қилиши керак. Коннот нафақат сизнинг ҳаётингизни, бутун сайёрани бошкаради. Сизнинг вазифангиз — бу мақсадга хизмат қилишдир.

## Гўдак тилидан

**Тереза Пушкир:** Сиз гапираётганингизда мен болалар ҳакида ўйладим. Ўсиб бораётган авлод ҳакида. Уларнинг шахси ёркин намоён қилинган дейиш қийин. Лекин биз уларни ўстиришга ҳаракат қиласиз. Уларга сизнинг foянгизни етказишингизнинг йўли борми?

**Жо:** Ўйлашимча, бу ерда ҳаммасининг акси. Мен болалар ҳаммадан покиза, ҳаммадан Коннотга якинлигига ишонаман. Улар манбага жуда яқин. Чунки фикрловчи шахс бўлишга энди ўрганишмоқда. Улар яашни энди ўрганишади. Балки уларни, ўйинларини, атроф-олам билан ўзаро муносабатларини кузатишимиз керакдир? Уларнинг кўзлари порлашига қаранг — қизиқувчаник олови ҳали ўчиб улгурмаган. Чин юракдан “Келинг, ўйнаймиз. Келинг, кучукка шоколад ёки мармелад берамиз. У билан дўстлашамиз. Келинг, қизикроқ бирор ўйин ўйнаймиз”, дейишади. Улар жуда ихтирочи.

Болаларни ўзгартиришга интилманг. Улардан ўрганиш керак. Ўзингиздан кичкина илохий мавжудотлардан қандай хислатларни олиш мумкин деб сўранг.

**Тереза Пушкир:** Бундан ташқари, ўйлашимча, менинг фикримга кўшилсангиз керак, катталар ўз болаларини ҳаётдан “химоя” қилишга уринмасликлари ва четда туришлари керак.

## **Биз уларни англашга ўргатишимиз мумкин**

**Жо:** Ҳақиқатан ҳам болаларни ҳимоя қилиш зарур. Негаки, улар бўйсунувчи фикри билан оламга келишган. Улар ота-оналари ва атроф-муҳитнинг дастурларини қабул қилишиади. Биз уларга машина, автобус, поезд нималигини, қаерда хавф борлигини тушунтиришимиз керак. Биз уларни англашга ўргатамиз, уларнинг “мен”ини шакллантирамиз. Яна бир бор қайтараман: Ҳар биримиз фикрловчи шахсмиз. Ҳар биримизда шахсий “мен” бор. Бу инсон яшаб кетиши учун зарурий шартдир. Болаларда яшаб кетишнинг тўлик малакалари ва ижтимоний муносабат тажрибалари йўқ. Шунинг учун уларга гамхўрлик кўрсатишнинг, таълим, ёрдам бериш ва ҳаётга тайёрлашнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ.

**Тереза Пушкир:** Баъзида ўз кўркувларимни англай олмайман. Эрталаблари уйғониб, “Худойим, қизимни боғчага олиб боришим керак. Бирданига тепага чиқиб, йиқилиб кетса-чи?” деган хаёлга бораман. Улар менин жуда кўркитади. Бу кўркувми ёки ички сезгими? Уларни қандай ажратиш мумкин? уни бир-биридан ажратадиган усул борми?

## **Болангизга яхшилик тилаш учун фикрингизни жамланг**

**Жо:** Сизга кўркув хисси яхши таниш. Истагнингизга фикрингизни жамланг. Кўркувга фикрингизни жамлаб, уни ўзингизга тортасиз. Кўркув ҳақидаги хаёлинигизни англайсиз ва ундан кўпроқ кўрка бошлийсиз. Ўзингизни кўркитаётган ёқимсиз сценарийларнинг амалга ошишига яқин келаяпсиз. Чукур нафас олинг ва нимани хоҳлаётганингизни ўйланг: “Мен ва болам хавфсиз бўлишини, кувноқ ва кувонтиришга кодирбўлишини хоҳлайман. Мен у билан болалармайdonчаси-га бориб, бундан ҳузурланишини истайман. Мен одамларга

караб қулишни ва мuloқот қилишни, кичкін тойимнинг бошқа болалар билан үйнашини кузатишни хоҳлайман”. Мен бу ҳолатни күз үнгингизга келтириш қандай ёқимли ҳолат эканлиги ҳақидағи фикрингизни жамлашингизни истайман. Сиз шунга диктатингизни жамласангиз, бу ҳодисаларни ҳаётингизга тортасиз. Бу психологиянинг асосий қоидасидир. Бу ҳақда китобимда гапирғанман. Ҳамма нарса ниятга яраша бўлади.

## **Қўрқув буни аввал бажармаганингизни билдиради**

*Тереза Пушкар:* Келинг энди иш фаолиятига доир саволларга мурожаат қиласиз. Биз муҳим қарорларни қабул қилишимизга тўғри келади, кўпчилигимиз хавфдан холи эмасмиз. Менинг ҳаёлимга “яхшиси бу ишни бажармайман, бу хавфли бўлиши мумкин”, деган ҳаёл келади, уни баъзида “мен у ҳаётимга жиддий ўзгаришлар олиб келиши мумкинлиги учун кўрқаман” деган фикрдан ажратиш қийин.

*Жо:* Яна кўрқув ҳақида. Сизга кўрқув ҳамма ерда мавжуддек туюлмаяптими? Қизиқ, тўғрими? Менинчай кўрқув биринчи босқичдан келаяпти, у бўйсунувчи рухияти билан шартли равишда боғлиқ. Бизга ёмон бўлишидан, пулни, обрўни, инвестицияни йўқотиш мумкинлигидан, юзимизга лой чапланишидан кўрқамиз. Бир миллиардер омадсизликка учраб, инқирозга учраган ва яна оёққа туриб қайтадан миллиардер бўлган. У менга шундай деди:

– Кўрқув ва омадсизликлар туфайли мен баъзи бир нарсаларни билиб олдим.

– Айнан нимани? – деб сўрадим мен.

– Ҳамма нарсани йўқотганингда, деярли ҳеч қандай кўрқинчли ҳолат содир бўлмайди, ҳеч нарсадан кўрқмайсан, – дей жилмайди.

– Дунё унутади ва кечиради, – гапида давом этди у, – ўзингни ўзинг ҳаммадан кўпроқ хатонг учун тергайсан, кейин бу хато сабоқ вазифасини ўтаганлигини тушунасан. Сен

сабоқ оласан, мослашасан, ўрганасан ва олдинга қараб давом этасан.

Кўркувни қабул қилиш тўғри қарор эмас, у қундалик ҳаётда бўладими ёки бизнесдами, сизни тўхтатади, харакат қилиш истагини сўндиради. Сиз ривожланишдан тўхтайсиз. Кўркув сизни бўйсунувчанлик доирасига киритиб қўяди. Мен кўркувни енгиб, бирорта қимматли нарсага эга бўлиш мумкинлигини билиб олдим. Сизнинг кўркувингиз ортида катта хазина ётибди. Сиз нимадан кўрқсангиз ҳар эҳтимолга кўра шу ишни бажаришингиз керак. Менда шундай қоида бор: ниманидир бажаришдан кўрқсам, ўша ишни албатта бажараман.

Биринчи китобим “Маънавий маркетинг”ни нашр эттиришимда худди шундай воқеа содир бўлган. Бирор нарсага киришишдан кўрқсам, менда худбинлик гапираётган бўлади. У омадсизликдан азият чекишдан кўрқади. Мен кўркувнинг юзига қарашга қарор қилганимда, унда ҳаётимни ўзгартирувчи воқеалар бекинганини кўрдим. Хонада б киши бор эди. Мен шундай асабийлашардимки, ҳатто деворга ёпишиб олдим. Ҳушимдан кетиб, полга йиқилаётгандек ҳолатда эдим. Ўшандан бери мен доимо кўркувни енгиш билан шуғулланаман. Ларри Кинг ва Донни Дойч шоуларида иштирок этдим. Дональд Трамп ўтирган залда нутқ сўзладим. Олдин буни ҳаёлимга ҳам келтира олмасдим! Энг кагта чикишим — профессионал спикерларнинг миллий ассоциацияси конференциясидаги асосий маърузам бўлди. Мени беш мингта профессионал нотиклар тинглашди ва ўрниларидан туриб олқишлиб, қарсак чалишди.

## Нокулайлик чекинишга сабаб бўлолмайди

**Жо:** Ўйлашимча, агар мен ўз кўркувимнинг кўзига тик қарамаганимда бундай хulosага ҳеч қачон келмаган бўлардим. Эслатаман, кўркув — буни бажарма деган маънони англатмайди. Кўркув — бу аввал ҳеч қачон бажармаган ишингизни бажаришга қарор қилганингизни билдирадиган хабардир. Буни ёдда тутинг. Сиз янги бизнес очмоқчисиз.

Акциялар сотиб олмоқчисиз, ресторон очмоқчисиз, сиз аввал бундай ишларни бажармагансиз. Шунинг учун ўзингизни нокурай ҳис қилаяпсиз.

Бу нокурайликнинг қўркувга дахли йўқ. Бу шунчаки ўзингизни енгиш зарурияти туфайли пайдо бўлган хавотирдир. Чуқур нафас олинг. Ўзингиздан “Бу ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласими?”, “Мен бу ишни бажарсам ҳаётим тугашидан қўркишим керакми?” ёки “Хавотиримнинг сабаби ўзим одатланган қулайлик зонасидан чиқишми?” деб сўранг. Агар нокурайлик янги вазифага боғлиқ бўлса, ўз қўркувингизни енгиб ўтинг ва олға ҳаракат қилинг.

## Бир мазмундаги фикрлаш

*Тереза Пушкир:* Бизнес ва ўзини-ўзи енгиш ҳақида гапираётганда мен жамият ҳақида ва унинг ҳамма аъзолари доимий қўркув остида юришлари ҳақида ўйладим. Ҳамма шошилади. Бизнинг асаб тизимимиз худди сиқилган лимонга ўхшайди. Сиз бу ҳақда, ўзингизнинг 4 босқич назарияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб нима дейсиз? Кундалик хавотирдан, ҳовлиқишдан, нокурайликдан, зўриқишлардан кандай кутулиш мумкин?

*Жо:* Ҳақиқатан ҳам биринчи босқич — бўйсунувчанлик босқичида шошма-шошарлик ва стресс доимо ёнма-ён бўлади. “Бутун дунё менга қарши, вазиятни назорат қилишга қодир эмаслигимни сезаяпман. Мен ҳеч нарсага улгурмаяпман. Аклдан озяпман. Бунга вақтим, пулим ва кучим етмаяпти”. Бу бўйсунувчи одам учун одатий монолог. Эслатаман, биринчи босқичнинг ёмон томони йўқ. Сиз астасекин уйгониб, олдинга ҳаракатланасиз. Балким, бир кунда 1–2 дақиқа дам оларсиз, балки чуқур нафас олиб бўшашарсиз ёки чўзилишдан олдин кўзларингизни бир неча дақиқа юмиб турарсиз, балки ҳар куни медитация машқларини бажарарсиз, спорт залига борарсиз, кўпроқ сайр қиласиз.

Сизга массаж олиш ҳам халақит қилмайди. Бир ҳафтада ёки бир ойда бир марта олинадиган массаж жуда фойдалидир.

Сиз фикрлаш сари биринчи қадамни ташламоқдасиз. Унинг асосий тамойили — бутун олам ақлдан озса, озаверсин, бунинг менга дахли йўқ. Ўзим ҳакимда қайғуришим керак. Ишларимни ташлаб қўймасдан ўзимни севиб, эркалатишм мумкин. Сиз уйғонишнинг қайси босқичида эканлигингизни аниклашга ҳаракат қилинг. Агар сиз бўйсунувчи босқичида уйғонган бўлсангиз, яхши. Сиз вазиятни ўз назоратингизга олишга қодирсиз ва кейинги босқичга ўта оласиз. Сиз ўзингизни кучлироқ сезасиз. Ишларингизни ўзингизга кулагай шароитда бажаришга ёрдам берувчи услублардан фойдаланасиз.

## **Ҳамма нарсани ўзингизга олманг**

**Жо:** Учинчи босқичда сиз Коинотга қараб: “Кўриб турибсан, мен стрессдан чиқиб кетолмаяпман. Доимий судралишдан қутуломаяпман. Оламда нима бўлаётганиллигига эътибор қаратса олмаяпман”, деб айтасиз. Ажойиб Гавайи услуби мавжуд. Икки сўз билан айтганда, ҳаётингиздаги ҳодисалар учун масъулиятни ўз бўйнингизга олишингиз керак. Сиз ҳаётингизда пайдо бўлган одамларнинг ҳар бирини кечирасиз. Сиз ҳаммани, шу жумладан ўзингизни ҳам севасиз. Шу ерда ва шу дамда ўзингизни хис қилиш, покланиш, олам ва ўзингиз билан ўйғунликда бўлиш учун шундай қилишингиз керак.

## **Доимий бандлик**

**Жо:** Ахир сиз шу ерда ва шу дамда бўлган вақтингизда ҳамиша бандлик мавжуд эмаслигини тушунасиз.

**Тереза Пушкиар:** Сиздан миннатдорман. Биз ҳозир бандлик ҳақида гапираётганимизда аёллар ва оналарни эслаяпман. “Мен ўзим ҳакимда қайғура олмайман” ёки “Мен бошқалар ҳақида қайғуришим керак” каби шикоятлар эпидемик характерга эга. Бу хусусда менинг фикрим, жамиятнинг фикри мавжуд. Лекин биз аёлларнинг ўзини онла учун курбон қилганиларнинг бир неча авлодларини кўрганимиз. Мен

бу ёпиқ доирадан нафақат ўзимни, балки тасаввурларимни ҳам олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилаяпман. Сиз менга буни қандай бажариш мүмкінлиги ҳақида маслаҳат берасизми?

**Жо:** Албатта, дарров хәёлимга шу фикр келди. Биринчидан, ҳозирнинг ўзида айтганларингизни тасаввур қилдим. Тасаввурим бўйича аёлларнинг фикрини “ҳеч нарсани бой бериб бўлмайди, имконият йўқ, бўйсуниш керак”, деган ўйлар эгаллайди. Ўйлаб қарасам, бу факат тасаввур холос. Шунинг учун сиздан талаб қилинадиган нарса оддий, мен айтган машқларни бажариш. У “Ўзингга бу тасаввур ҳақида савол бер” деб номланади.

Масалан, “Мен ҳамма қила оладиган нарсани бажаришим керак”, деб ўйлайман. Мен ҳақиқатан асрлар давомида аёллар бажариб келган ишларни бажаришим керак деб ҳисоблайман. Бу саволларга жавоб бера туриб, сизга мерос бўлиб қолган тасаввурлар асосини бузасиз. Ёшлиқ пайтингизда бу ҳолатни онгли равишда танламагансиз. Бу кечрок пайдо бўлган. Агар бу шартли тасаввур эканлигини тушунсангиз, уни қўйиб юбора оласиз. Бирорта кизиқарли нарса билан алмаштирасиз.

Бунда алоҳида покланиш усулини танлашингиз мүмкин. Унда: “Мен сени яхши кўраман. Афсусдаман. Марҳамат килиб, мени кечир. Раҳмат” дейиш мүмкин. Бу ҳолатни ҳамма тасаввурлардан покланиш учун фойдаланиш мүмкин. Ҳатто кайси хиссият сизда у ёки бу туйғуни уйғотаётганини англай олмайсиз. Ҳар қандай хавотирни озгина ушлаб туриб, сўнг Коинотга ёки Яратганга илтижо қилиб: “Мен гуноҳкорман. Менда бу туйғу қаердан пайдо бўлганини билмайман. Бу тасаввур қаердан пайдо бўлганини англамадим. Раҳм қил. Шу ҳодисани яратишда билиб-бilmай қилган ишларим учун кечир. Бу ҳақда қайғурганинг учун раҳмат. Бундан озод қилганинг учун раҳмат. Покланганим учун раҳмат”, денг. Ўз муҳаббатингизни Коинотга ишончли тарзда айтиш кераклигини тушунишингиз керак. Шунинг ўзи бирданига бир неча ҳаёллардан халос этади ва сиз ўзингизни бенихоя кучли ҳис қиласиз.

Сиз қилиш керак бўлган нарсани ўз вакти ва ўз жойида бажарасиз.

## Ҳамма гап менда

**Тереза Пушкар:** Сиз тасаввурлар ҳақида гапирайтганингизда менда яна бир савол туғилди. Бу шерикларнинг қаршилигига тегишли. Айтайлик, мен сизнинг қариндошингизга ишонаман ва доим ундан фойдаланаман. Аммо менинг хотиним (ёки эрим) бу қарашларимни маъқулламайди ва мен унга қарши курашаман.

**Жо:** Ўзингизнинг “Мен унга қарши курашаман” деган иборангизга зътибор беринг. Ташки шароитларга қарши курашга дарҳол шайланиш сизнинг бўйсунувчи эканлигингиздан далолат беради. Бу қўрқинчли эмас. Биз доимо бир босқичдан иккинчисига ўтгунча, токи тўртинчи босқичда бутунлай уйғонмагунимизча судралиб юраверамиз. Яхшиси шундай тасаввур ҳосил қилган хаёлингизни яхширок таҳлил қилинг.

Бундан хоопонопоно усули ёрдамида покланишингиз мумкин. Ҳаётингизда пайдо бўладиган ҳар бир одам сизнинг ички оламингизнинг ойнадаги акси эканлигини тушунишингиз гоятда муҳимдир.

Сиз билан юз бераётган ҳодиса, воқеалар ички холатингизни тасвирлайди. Агар ҳаётингизда эрингизми, рахбарингизми сен ноҳақсан, мен бундай деб ўйламайман деган одам мавжуд бўлса, демак бу онгингизнинг худди шундай фикрлайдиган бўлагини намоён этаяти. Мен онгингизнинг соя қисми — сиз билишни истамайдиган қисми ҳақида гапирайпман. Бу соя сизники экан, фақат сиз уни ўзgartира оласиз.

Мен ўзимга аталган ёқимсиз ёки жаҳлимни чиқарадиган нарсани эшитганда хаёлан “Бунга ишонайми?” деб ўзимга савол бераман ва агар ўзимга нисбатан ҳаққоний бўлсан, “ҳа” ишониш керак дейман.

Иккинчи “мен”им бу айтилаётган ёқимсиз нарсага ишонади. Атрофдагилар ўзимда кўришни истамаётган ёқимсиз нарсаларни фақат айтиб ўтишади. Унга ишонгим келмайди. У мени нафрлатлантиради. Айтмоқчиманки, сиз оқибати билан

курашгандан кўра, сабаби билан курашинг. У ўзингизнинг ичингизда. Мен бу мавзуда ички диалог ўтказишим мумкин. “Нега сен бунга ишонасан? Нега сен бундай дедииг?” деб ўзимга савол бераман. Мен хаёлан ўзим билан ўзим тинчланиб олмагунимча гаплашавсраман. Ички уйгунилкка етганимда суҳбатдошим менга қаршилик қўрсатмайди. У ҳам тинчланади. Нега унда бундай ўзгариш юз берди? Чунки мен ичимдаги нарсани ўзгартирдим.

Ахир у ички оламимнинг ойнадаги аксиdir.

## **Ички оламингизни ўзгартириб, атрофдаги оламни ўзгартирасиз**

*Тереза Пушкар:* Балки бу менинг худбинлигим учун қоп-қондир. Агар ўз устимда ишлашни давом эттирсам, ички диалог ва покланишдан фойдалансам, эҳтимол, мен ўз фикрлашимнинг соявий кисмидан қутуларман ва шу билан бирга эримнинг хулки ўзгарар.

*Жо:* Ҳа. Сиз айнан шундай қилишингиз ксрак. Сиз қанчалик ўз устингизда кўпроқ ишласангиз атрофингиздаги олам ўзгаради. Шунинг учун мен ҳар доим такрорлайман, бутун дунёда тинчлик бўлишини истасангиз, аввало ўзингиз тинчликка эришинг. Сиз соғлом, бой ва доно бўлишни хоҳласангиз, яна бир соғлом, бой ва доно кишини жалб этинг дейман. Сиз ўз устингизда ишляяпсиз. Натижада эрингиз ўзингиз билан биргаликда ўзгаради ёки ташлаб кетади. Сиз ўзаро мулоқот қилаётган одамлар ўзгаради ёки кетади. Ичингизда бўлаётган ҳодисаларга қараб Коинот ҳам ўзгаради. Сиз ҳаётингизни ўйлаганингиздан кўра кўпроқ назорат қилишга қодирсиз. Чунки ичкн оламингизни ўзгартирганингизда сизнинг атрофингиздаги олам ўзгаради.

## **Жамоавий идрок ҳамма нарсага қодир**

*Тереза Пушкар:* Гарчи биз Коинот ҳақида гапиранканимиз, охирги пайтда жуда кўп табиий оғатлар, техноген ҳалокатлар

юз берәётганини унутмайлик. Бугун дунё қўркув ва оғриққа тўла. Агар сизнинг нуқтаи назарингиздан келиб чиқсак, сайдёрамизда нима бўлалайти?

**Жо:** Жамоавий идрок ҳамма нарсага қодир. Сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши, очарчиликни бошидан кечирган одамлар у ёки бу даражада ўзлари айборлар. Ҳар ҳолда улар бир-бири билан учрашиб: “Кел, алоҳида жойда сув тошқини ўюштирамиз”, деб келишишмаган. Аммо уларда сув тошқини рўй беришини истовчи хошиш бор. Улар буни англашмайди. Худди биз онг остилиздаги нарсани англамагандек. Бундай хошишларнинг барчаси бир жойга йигилади ва бир-бирини тортади.

Ахир бир хил фикрлар бир-бирини тортади. Гўёки, одамлар фикрлаш тарзига кўра бир жойда тўпланадилар. Қанийди ҳаммаси кейинги босқичга қадар ўсишса, қанийди ҳаммаси тўртинчи босқичга ўтиб уйғонишса! Ахир, сув тошқинидан азият чекиши учун уни бошдан кечириш шарт эмас. Одамлар телевизор орқали, газета, интернетдаги ахборот орқали оғатларни кўришади ва жабрланғанларга ачинишади. Лекин кимга кўпроқ ачиниш керак: жабрланғанларгами ёки уларгами?

## **Сиз ҳаётингизда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси учун жавоб бераеиз**

**Жо:** Бу фикрга доктор Хью Лин тўлиқ қўшилади. Агар сизнинг ҳаётингизда қандайдир мушкулот бўлса, шикоят қилишингизга асос бўлса, у қандай муаммо бўлмасин, исталган муаммонинг таркибий қисми ўзнигиз эканлигингизга эътибор беринг. Сиз ҳамма муаммоларнинг доимий иштирокчисисиз. Умумий белги бўлмиш — ер қимирлаши, ёнгин, сув тошқини ёки террористик акт ҳакида эшитаётганингизда, рўй берган ҳодиса сизга ёқмаслигини сезасиз. Оддий бир ҳакиқатни англанг: бу ҳодисалар масъулиятининг бир бўлаги сизда ётибди. Чунки у сизнинг ҳаётингизда рўй берди. Мана шунинг учун хам доним покланиш зарур.

Мана шундай оғир дамларда хоонопонопоно усулидан фойдаланиш мұхим роль үйнайды. Агар сиз ҳақиқатан ҳам табиий оғатларсиз яшаши истасанғиз ва олам үзгаришини хоҳласанғиз үзингизга үзингиз: “Мен гуноҳкорман, мен бу нарсаны онғ остим қандай чақирганлыгини билмайман. Раҳм қил. Мени билиб-бilmай қилған гуноҳим учун кечир. Менинг билмасдан берәётган ўша қувватим учун кечир. Ҳаммасини түғрилашинг учун ва ғамхўрлик қилаётганинг учун раҳмат. Мен сени яхши кўраман. Мен сени яхши кўраман. Мен сени яхши кўраман”. Ҳаммамиз шундай деб тақрорлашимиз керак. Яна бир бора тақрорлайман. Биз бўйсунувчи ролини англамасдан үйнадик, билмасдан ҳаракат қилдик. Шунинг учун уйгонишмиз шарт.

*Тереза Пушкиар:* Охири гаппингиздан кўпчилик норози бўлади. Қандай қилиб мен сув тошқинига сабаб бўлишим мумкин? Сизнинг нима ҳаққингиз бор? Эҳтимол, кўпчилик одамларда сиз билан баҳслашиш истаги туғилар ва сизни душман деб қабул қиласин. Бари бир уларнинг фикрларини тинч йўналишга буриб ўзаро муросага эришиш мумкинми? Бу холатда мен кимга кўпроқ ачинишни билмайман сизгами ёки уларгами?

### **Сиз кимнинг кучини сарфляяпсиз?**

*Тереза Пушкиар:* Бу одамларни танқиддан воз кечтириб қандай қилиб маstryулиятини англашига ва хоопонопоно усулидан фойдаланишга ундаш мумкин?

*Жо:* Самимий ва тўғри савол. Дарров айблашга ўтадиган одамлар, улар менинг гапимдан хафа бўлишган, бошқа ҳеч нарсаны тинглашни истамайдилар. Топингчи, улар кайси босқичда туришибди? Тўғрироғи, биринчи — бўйсунувчанлик босқичида. Уларга кейинги босқичга ўтиши учун қандай ёрдам берса бўлади? Буни итоаткорлик орқали амалга ошириш мумкин. Коинотга итоат қилиб, сиз билан юз берәётган воқеаларга сизнинг ички оламингиз қай даражада жавоб берәётганини англанг.

Агар кимдир юзимга қараб: “Ўзингча нималар деяпсан? Нега бунақа айловвлар қўяяпсан?” деса, мен чуқур нафас

оламан, қайси дир қисмим у билан розилигини англайман. Сүнг ўзимдан: “Бу айнан қайси қисмим экан? Унинг менда борлигига сира ақлим етмаяпти”, дейман. Мен покланиб, ундан холи бўламан. Шундан сўнг ўша одам менинг ҳаётимдан йўқолади. Тўғри, у мен билан бир сайдерада яшайди, эҳтимол ўшандай фикрлашда давом этар. Аммо менинг борлигимда пайдо бўлмайди. Нимага? Чунки мен ўз онгимни тозаладим.

Мен одамларга ўз ғазабини тинглашни маслаҳат бераман. Бўйсунувчи нима дегани? Ғазаб ва қувватингизни ташқариға чиқариб юборганда ўзингизни қандай ҳис қиласиз? Дўстларимдан бири менга доимо ҳокимиётдан ва сиёсий пренадаги ҳодисалардан норози киши ҳақида гапириб берди. Улар дўстимнинг жаҳлини чиқаради. Ҳолбуки, у умуман ҳокимиётга ҳам, давлатга ҳам тааллукли иш билан шуғулланмасди ва сиёсатчи ҳам эмасди.

Бир куни дўстим: “Сенинг жазавага тушишингдан энг кўп азиат чекадиган одам ким?” деб сўради. Шубҳасиз, салбий туйгуларни ҳис қилаётган одам, биринчи галда ўз танаси, акли, баҳти ва ҳаёт тарзини бузади. Бу унга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Балки ўйлаб кўрарсиз, сиз бўйсунувчидирсиз? Сиз кучлироқ бўлиб, иккинчи босқичга ўтишни истарсиз? Бундай ҳолатда мен ички оламимга назар ташлайман ва қалбан покланаман.

### Кўркувга эрк берманг

**Тереза Пушкир:** Раҳмат. Сизнинг барча жавобларингиз бўйсунувчанлик гоясига бориб тақалаяпти. Мен ҳозирги фикрлаш тарзини таҳлил қилиб кўрдим. Маълум бўлишича, у Коинот ниятидан бутунлай фарқ қиласди. Сиз бизга қонундан четлаштирадиган нотўғри йўллар ҳақида гапириб бера оласизми?

**Жо:** Коинот қонунига кўра ҳеч нарсадан кўрқмаслик керак. Бу мавзу деярли ҳамма динларда “Кўркиш керак эмас, кўрқмасдан ҳаракат қилинг” дейилган. Кимки бўйсунувчи каби фикрласа ёки худбинлик ниятида бўлса, албатта кўр-

кувни хис қиласи. Улар ҳамма нарсадан қўрқишиади. Улар ўзлари ва ўзгалар айтмоқчи бўлган гаплардан, йўлдаги кейинги бурилишдан ва кейинги сухбатдан қўрқишиади. Нима бўлишидан катъи назар, улар ҳар доим қўрқишиади. Коинот аввалдан: “Яратган ҳар доим сенга ғамхўрлик қиласи, ҳеч нарсадан қўрқма. Биз сени яхши қўрамиз!” деб огохлантиради.

Коинот моҳияттан муҳаббатнинг ўзиидир. Шу ернинг ўзида асосий қарама-қаршилик туғилади. Худбинона фикрлайдиган одамлар ўзларини ҳимоя қилиш керак деб ҳисоблашади. Коинот эса: “Назорат қилишдан, ҳимоя қилишдан тўхтантг. Буни кўп ўйламанг”. Унинг чақиригини эшитиб, қачондир сиз уйгонасиз ва Коинот билан яхлит бир бутун бўласиз.

## Ҳаётдаги муҳим воқеа

*Тереза Пушкир:* Бахтсиз ҳодисалар ва касалликлар масаласи ҳақида 2 хил ёндашув мавжудлигини биламай. Биринчи ёндашув: “Мен бўлаётган ҳодисалар учун масъулиятни тўлиқ зиммамга оламан”. Одамлар китобни ўқиб, у ёки бу аъзо фаолиятнинг бузилишини аниқлашга ҳаракат қилишиади ва ўзларига: “Демак менинг ҳаётимда юз берадиган турли кўнгилсизликларнинг психологик ва эмоционал характеристи мавжуд экан”, дейди. “Нега мени айблашаяпти?” деб ўйлади. Кўнгилсизликлар ҳамма билан юз беради (жароҳатлар, касалликлар). Бунинг онгимга ҳеч қандай дахли йўқ. Бу фикрга сизнинг нуқтаи назарингиз қандай?

*Жо:* Бунга камида 2 нуқтаи назар билан қараш мумкин. Агар сизнинг реакциянгиз бўйсунувчи томонидан буюрилган бўлса, “бахтсизлик ҳамма билан юз беради” ва “мен фақат шу вазият қурбониман”, деб ҳисоблайсиз. Агар сиз иккинчи босқичда бўлсангиз, чуқурроқ ўйлаб, “балким мен у ёки бу усул билан ҳодисаларни ўз ҳаётимга тортгандирман ёки уларга қаршилик кўрсатмагандирман”, деб тахмин қиласиз.

Бу гаплар ҳалокат юз бериб, жароҳатлар олган бўлса ҳам, яшаб қолган кишилар ҳақидадир. Кўпчилик инқирозли дақиқа уларнинг ҳаётида муҳим ҳодиса бўлиб қолганини айтади.

Оркага қараб улар: “Балки бу ҳодиса юз бергани учун мен мусиқачи бўлдим, йўкса тадбиркор бўлардим”, дейиншади. Бўлган воқеадан улар ижобий мантиқ топадилар ва ўзларига уёки бу тарзда мураккаб ҳаёттй вазиятни чакирғанлари учун миннатдор бўладилар.

Лэнс Армстронг воқеасига ўхшаш ҳикоялар ҳакида ўйлаб кўрмагунича бу ёндашув бемаънидай кўринади. Лэнс унинг ҳаётида саратон касаллиги мухим ҳодиса бўлиб колганини уқтиради. Касаллик туфайли у дунё миқёсидағи спорчига айланди. Армстронг замонамизнинг афсонаси. У тарихимизнинг бир бўлраги. Унинг ўсишига бошқа одамлар оғат ҳисоблаган нарса ҳаракатлантирувчи куч бўлган. Бошқалар эса бу оғатга бўйсунишади ва шундай бўлинб қоладилар.

Бироқ бўйсунувчилар ҳам турлича фикрлаши мумкин. Бир одам: “Тузатиб бўлмайдиган ҳодиса юз берди. Мен бўйсунувчи бўлиб қолдим”, деб айтади. Бошқаси эса: “Ёқимсиз воқеа юз берди. Бунда менинг ҳам айбим бор ва ундан сабоқ олишим керак. Ҳар ҳолда бу кўнгилсизлик менинг кучлироқ бўлишимга ёрдам берди”, деб ўйлайди. Исталган ҳаёт тарзида нарсаларни у ёки бу тарзда қабул қилиш имконияти мавжуд.

*Тереза Пушкар:* Демак, юз берини мұқаррар бўлган нарса юзберар эканда. Гап фақат унга қандай муносабатдалигимизга боғлиқ, тўгрими?

**Жо:** Мутлақо тўгри. Содир бўлиши керак бўлган воқеа бари бир содир бўлади. Унга қўшимча қилиб фақат бир нарсани айтишим мумкин. Яна бир марта содир бўлаётган воқеага ўз муносабатнингизни аниқлайсиз. Агар сиз бўйсунувчан фикрлаш билан чегараланган бўлсангиз, уни эсдан чиқаришга ҳаракат қилинг. У сизни ҳеч нарсага ўргатмайди. Фақат рулга ўтираётганда ичмаслик керак деган холосага келасиз. Ваҳоланки, ундан каттароқ нарсани ўрганиш мумкин. Онгингиз тубида сиз кичкина воқеани яратдингиз, у эса катта кўнгилсизликка сабаб бўлади. Лекин сиз ундан сабоқ олиш учун уни яратгансиз.

## Хатто чўққидан ҳам юкорига кўтарилинг

**Тереза Пушкар:** Сиз тўрт босқич ҳақида гапираётганингизда, ажойиб кунларининг бирида омадим кулиб. тўртинчи босқичда пайдо бўлишим ҳақида орзу қилдим. Тўртинчи босқичда, одам китоб ўкиши, аудиокассета эшлиши шарт бўлмайдими? Коучинг керак бўлмайдиган вақт келадими?

**Жо:** Сиз жуда қизик савол бердингиз. Мен ҳали тўртинчи босқичга етиб келганим йўқ. Бу босқичда мен журналист ролида бу ҳолатни тасвиirlаб чиқаяпман. Мен сизлардан фарқ қилмайман, ўсиш ва ривожланишда давом этяпман, кўпроқ англаб, тушунаяпман. Менимча, сизларда аввалгидек ўкиш, телевизор кўриш, спагетти сийиш, рақс тушиш ва ёқимли таассурот олиш истаги сўнмайди. Фақатгина буларни сиз бошқача англаш даражасида бажарасиз.

Ҳаммангиз шундай ўсишда давом этаверасиз. Сиз ҳаёт ва ўлим ҳақидағи ҳамма саволларга жавоб берадиган доно компьютерга айланиб қолишингизга ҳеч нарса гувохлик бермайди. Сиз ривожланишда давом этасиз. Ўкишни давом эттирасиз. Баъзи вазиятларда сиз аввалгидек, ташқи шароитлар билан курашасиз. Унда кўпроқ ўзингиздаги ойнага ишонасиз. Сиз катта томошада — илоҳий саҳна кўриннишида факатгина роль ижро этатганингизни тушунасиз ва бундан жуда лаззатланасиз. Сиз ташқи ҳодисалардан чегараланганингиз туфайли, уларнинг устидан кулишингиз мумкин. Аниқ босқичга келганда уни ўзингиз яратганингизни, Коинотнинг бир бўлаги эканлигинги тушунасиз. Кўзланган босқичда сизга яхши бўлади, ҳаммаси тугайди. Сиз Коинотга қайтасиз ва унинг бир бўлагига айланасиз. Шунинг учун ўкишдан тўхтаманг, ҳаракат қилинг, каттарок кувват билан ёниб меҳнат қилинг. Менинг фикрим шундай.

## Ҳамма гап ҳақиқаттгүйлика

**Тереза Пушкир:** Бу жавобингиз билан яна бир марта ўзингизнинг самимийлигингизни эслатдингиз. Одамларга шундай ишонч билан мурожаат қилиш учун ўзингизга кучни қайидан оласиз?

**Жо:** Ҳақиқаттгүй бўлиш ярим муваффакият дегани. Ўзингизга нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам. Ёлғон гапирсангиз ҳеч қачон ўсмайсиз. Шукурки, мен бир куни тушундим: Кимнидир алдасам, Коинотни ҳам алдаётган бўламан”. Шундай вазиятда Коинотга илтижо қиламан: “Гуноҳимни ювнишга, ҳақиқаттгүй бўлишимга ёрдам бер!”

Мен учун ҳаммаси мутлақ ҳақиқаттгүйлиқдан бошланади. Чунки ҳаётда ўзингиз истаётган, тасаввур қилаётган, ўзингизга тортмоқчи бўлған, нарсаларга факат ҳалоллик билан эришасиз.

Ишончим комилки, Коинот бундай танланган ўйни маъкуллайди. Ўйлайманки, бошқа одамлар ҳам шу ўйни ҳурмат қиласилар, у идрок қилиши жараёнида, сизнинг ривожланишинигизда тегишини ўрин тутади.

Ҳамма куч — ҳақиқаттгүйлиқда. Ҳақиқаттгүй бўлиш маънавий изланишиларнинг ажралмас қисмидир.

**Тереза Пушкир:** Жуда яхши гапларини айтдингиз. Менда яна бир шу мавзуга онд савол бор.

## Инкор этиш, истамаган жойингизга йўналтиради

**Жо:** Яхши, саволнингизни беринг.

**Тереза Пушкир:** Гап инкор қилиш ҳақида. Масалан, одамлар атрофларини химоя тўсиклари билан ўраб олганликларни туфайли, кўп нарсаларга лоқайд муносабатда бўладилар. Уларни қандай қилиб уйготиш мумкун?

**Жо:** Савол, тўғриси, қизиқ экан: Бу одамлар ҳали биринчи ё иккинчи босқичдалар. Менинг фикримча, бу ўз истақлари, тажрибалари, муаммо ва бошқа нарсаларни тан олмасликларидан келиб чиқади. Бундай ҳолат бўйсунувчи

рухиятидагилар учун хос. Улар содир бўлаётган воқеаларини назорат қилмаслик, ундан ташкарп, масъулиятни бўйинларига олмаслик ҳақида ганирадилар. Улар у ёки бу шаклдаги ҳар қандай масъулиятдан ўзларини олиб қочадилар. Афсуски, сизнинг оғатлар ва фалокатлар ҳақидаги саволинингизга кайтсак, айнан шундай одамлар билан кўнгилсиз ҳолатлар юз беради. Уларнинг уйгонишлари учун, албатта қандайдир ажабтур ҳодиса юз бериши керак.

Бу аксномадек эшитилишини истамайман, мен шуни сездимки, кўп ҳолларда иккинчи “мен”ини инкор қиувчи одамлар шахсий истакларини айтмайдилар, охири-оқибатда кўнгилсиз воқеалар гирдобида қоладилар.

Мен билан бу нарса кўчага улоқтириб юборилганимда юз берган. Мендан: “Ўз ҳаётингизни Жек Лондон ва Эрнест Хемингуэй каби аянчли шаклда кураётганингизни англашингизга нима мажбур қилди?” – деб сўрашади. Улар ажойиб ёзувчилар эди, аммо ҳаётлари аянчли якун топган эди. Мен улардан ўрнак олардим, ишларим эса оркага кетарди.

Ўйлашимча, мени бундан баттар бўлиши мумкин эмаслигини тушуниш уйғотди. Атрофимга қараб, жамоа ҳожатхонасида ёки черков остоносида тунаётганимни, баҳтсизлигимни, ҳаётда хеч нарсага эришмаганимни ва ҳаракат қилмаётганимни тушундим. Агар мен инкор этаверсам, ўзимнинг ёзувчи эканимни, албатта менинг ишларимни чоп этишади, мен буюк чўккиларни эгаллайман, деб қайсарлик қиласверар эдим. Аслида ҳаммаси бошқача кўринишда эди: мен кўчада яшардим, кашшоқ ва уйсиз эдим. Менга идрок “Сени уйгонишга мажбур қиладиган ҳодисаларни ўйлаб топаман, тезроқ уйгон”, деган маҳал уйгонишнинг мумкин-дек туюлади. Шунда сиз иккинчи босқичга ўтасиз.

Сизнинг иккинчи босқичга элтувчи йўлингиз китобларимдан, “Сир” фильмни ёки дўстларим Жон Ассараф, Лиза Никольс, Жек Кэнфилд ва Боб Проктор китобларидан хulosha чинкариш орқали бўлишини истардим. Шунда уйгониш оғрикли эмас, анча енгил бўларди.

**Тереза Пушкиар:** Бизни ҳозир тинглаётган кўп одамлар: “Ха, бу менинг акам ҳақида-ку”, “Бу менинг синглум ҳақида” ёки “Бу менинг раҳбарим ҳақида”, дейишаётгандир. Агар ҳакиқатан ҳам улар бизнинг гапларимизни тушунмаётган бўлсалар, айтилган гаплар уларга ҳам бевосита тегишли эканини англамасалар, у ҳолда китобингизни қайтадан ўкиб, бу ва ўз ҳаётлари учун масъулнятли эканликларини тушунишлари керак.

**Жо:** Фикрингизга қўшиламан. Сиз шу китобни қўлингизда туриб ўқиётган бўлсангиз, энди сиз бўйсунувчи эмассиз. Сиз кучлироқ бўлдингиз. Чунки уйғониш ҳақидаги билимлар сизга куч багишлади.

Қўлингизни деярли кўтариб: “Мен уйғонишни истайман. Мен ўсишни истайман. Мен янги босқичга кўтарилимоқчиман”, ледингиз. Табриклайман! Бу жуда ёқимли ҳис бўлса керак: сиз бўйсунувчи бўлмай қолдингиз, кучлироқ бўлдингиз ва яна куч тўплаяпсиз.

### Мувозанат — тобеликка қарши қуролдир

**Тереза Пушкиар:** Инкор қилишдан ташқари, бизнинг жамиятимизда яна бир муаммо, умумий тобе кўринниш мавжуддек туюлади, яъни ўз муаммоларидан қочиб телевидениега, компьютерга тобе бўлиш ёки ҳаддан ташқари тўғри овқатланиш ва фитнесга иисбатан иштиёқ. Олдин яхши бўлган гоялар шакли бузилади ва бемаъниликка айланади.

**Жо:** Ҳа, худди шундай. Уильям Гласснернинг “Ижобий тобелик” деб номланган яхши китоби бор. Ижобий тобелик мавжуд нарса. Эрталаблари югуриш, тренажер залларидағи машқларанча фойдалидир, лекин сиз уларга жуда кўп зътибор қаратсангиз, оила, ишингизга вакт ажратга олмасангиз, бу тобеликнинг салбий тус олади. Балки сиз фақат бир йўналишга дикқат билан қараётгандирсиз.

Муаммонинг ечими — мувозанатда. Менинг фикримча, тобелик — бўйсунувчи руҳиятнинг намоён бўлишидир. Эхти-

мол, бир соҳадаги муаммолар ўрнини, сиз бошқа соҳадаги ютуқларингиз билан тўлдирмоқчиидирсиз ёки уларни ҳал килишдан қочарсиз. Эҳтимол, сиз бажаришни истамаётган нимадир борки, сиз ёқимсиз машғулотдан қочишига уринасиз. Телевидение, таомлар, чекиш каби зарап келтирадиган ҳар бир ортиқча машғулот ҳам носоғлом тобеликка айланиши мумкин.

## Керак бўлганида ёрдам келади

**Жо:** Менга ёрдам керак бўлганида, у албатта келишига ишонаман. Мен коучинг дастурига асос солдим. Сиз у хақда эшигансиз деб ўйлайман. Дастур иштирокчилари кўллаб-кувватланадилар, илхомлантириладилар ва ахборот оладилар. Менинг хаётимдаги энг сезиларли ўзгаришлар коучинг таъсири туфайли юз берганлигини фаҳмладим. Спортчиларнинг доимо устоз- мураббийлари бўлади. Ҳозирда коучинг дастури бизнес соҳасида, шахслараро муносабат соҳаларида ҳам пайдо бўлди. Коллекционерларнинг ҳам ўз устозлари бор. Ҳар бир соҳада ҳам билнимли устозни топиш мумкин. Агарда одам ўзининг зарарли одатларига қарши кураша олмаса, қўлини кўтариб, ёрдам сўраши керак. Бунинг уятли томони йўқ.

Ўз фаолиятимда, енгиб бўлмасдек туюлган тўсиклар учраганида, ҳар сафар покланиш усуллари менинг қуролимга айланарди. Мен жанговар рухни кўтарувчи кўплаб усулларни биламан. Агарда кўлингиздан келмаса, ҳали ҳам муаммолар гирдобида жуда ўралашиб қолган вазиятда бўлсангиз ёки кандайдир гоянгиз амалга ошмаса, уларни амалга ошириш учун ёрдам сўраш керак. Менинг “Мўъжизалар яратамиз” дастуримда шахсий коучингларим бор.

Шунинг учун ҳаммани ёрдам сўрашга чорлайман. Ёлғиз ўзингиз уни амалга оширишга уринманг. Мен бунга кўп вактимни кетказдим ва муваффакиятга эришиш учун бир кишининг ёлғиз ўзи ҳаракат қилиши осон эмас.

*Тереза Пушкар:* Устоз-мураббийликдаги мен учун энг яхши нарса, бу кимнингдир жавоб берishi ва кимнингдир олдида масъулиятли бўлиши, масъулиятни ўз зиммамга олиш имконияти пайдо бўлиши. Бизнинг кўпчилигимиз ўзимизни интизомли одам деб хисоблаймиз. Бинобарин, юксак чўққи-ларга фақат коучинг ёрдамида — ўзгага ҳамдардлик ва уни эшита олиш, “Келаси ҳафтада менинг ёнимга нима билан келасан? Сендан нима чиқади?” деган талаб қўйиш орқали етишиш мумкин.

## **Масъулият — жуда муҳим фазилатлардан бирин**

*Жо:* Дарҳақиқат, масъулият катта аҳамиятга эга. Кимнингдир олдида жавобгар бўлиш, ўз қилмишларига ҳисоб бериш жуда муҳим. Сиз келгуси ҳафтада коучинг билан учрашувни режалаштирган бўлсангиз, унинг: “Сен ҳафтада неча марта машғулотга бординг? Сен ўз китобинг устида ишладингми? Сен ўз бизнесингни йўлга қўйдингми? Бизнес режа туздингми?” деб сўрашини билиб, тезроқ ҳаракат кила бошлийсан. Агарда устозинг бўлса, анча кўп ишларни амалга оширишинг мумкин. Баъзи бир одамлар ички иродалари туфайли мустақил ҳаракат кила оладилар, аммо коучинг ёрдамида яхши натижаларга эришадилар.

Сизда ўзингиз билан дардлашадиган, сизни йўналтирадиган, тўғри йўл кўрсатадиган ва қўллаб қувватлайдиган рафбатлар бўлгани учун яхшироқ ҳаракат қиласиз. Коучинг — муваффақият калитидир.

*Тереза Пушкар:* Албатта, ҳозир сизни дикқат билан тинглайдиган, фикрини фақат сизда жамлайдиган, меҳрибонлик қиласидиган ва ҳар томонлама қувватлайдиган одамни учратиш жуда қийин.

*Жо:* Шунинг учун коучинг зарурлигини таъкидлайпман.

## **Билим тажрибадан нимаси билан фарқ қиласы?**

**Тереза Пушкар:** Албаттa мени тажриба ва билим ўртасидаги фарқ нимадалиги қизиқтиради. Бизнинг китобхонларимиз бир неча китобларни ўқишган ва аудиодастурларни тинглашган. Улар билим олишди, аммо амалий тажриба эмас. Булар тамоман бошқа нарсалар. Шу ҳақда тұхталсанғиз.

**Жо :** Шубхасиз, билим ва тажриба турли түшунчалардир. Мен медитация ҳақида гапирганимда, сиз елкангизни қисиб, қачонлардир сиз ҳам медитация қылганингиз ҳақида ўйлагансиз. Аммо йўлдаги медитация умуман ўзгача кечинма беради: кун бўйи медитация қылганингизда, нафас олаётганингизда, харакат қилаётганингизда турли воқеалар содир бўлаётганини англайсиз.

Билим ва тажрибанинг фарки — ширинлик рецептi ва мазасидаги кабидир. Рецепт мазасини аниклай оласизми? Ширинлик мазаси эса сизга аниқ ёқади. Мен тўртинчи босқичда бўлишни тасаввур қиласман, амалда мен унга эришмаганман. Баъзида мен ўша онларни коллекция қилаётгандек туюламан, уларга интиласман.

Аввалгидек ҳар куни медитация қиласман. Ҳар куни миннатдорчиликлик изҳор қилиш учун вақт топаман. Мен ҳали ҳам хоопонопоно усулидан фойдаланаман, мен уни ҳар куни бажараман, негаки ҳар дақиқада, мен кўп ишлашим кераклигини, қанчалик кўп ишласам ўзимни уйғонишга ва ундан кейин бўладиган воқеаларга тайёрлашимни биламан.

Рухий даражада эришган билимим ҳеч қачон етарли бўлмайди. У сизни келажақда бўладиган воқеаларга, факат биринчи қадамга тайёрлайди.

## **Бу иш эмас**

**Тереза Пушкар:** Сиз иш ҳақида гапирганингизда, биламан, сиз учун у катта лаззат оладиган машгулотдир.

**Жо:** Худди шундай.

*Тереза Пушкар:* Илтимос, бу ҳакда батафсилоқ гапириб беринг.

**Жо:** Бу жуда қызық мавзу. Чунки мен учун иш түшүнчеси доимий, турғун нарса эмас. Күпчилик иш вактини соат 8 дан 17 гача деб хисоблайди, бу вактни биз ишхонада ўтказамиз ва доимо бундан шикоят қыламиз. Аммо мен фаол кишиман, элликка яқын китоб ёздим. Бир неча видеодисклар, уйда ўқитиш курсини ишлаб чыкдим, “Мұъжизалар яратамиз”нинг иккита ва “Устоз – раҳбар” дастурларини яратдым. Мен турли семинарлар олиб бораман, маъruzалар ўқыйман, күп вактимни ўзим учун сарфлайман.

Одамлар “Сизнинг ишинギз қўп! Қандай улгурасиз?” – деб ҳайрон бўлишади. Бу иш эмас, роҳат! Мен ёзиш ҳакида ўйласам, юзимда табассум пайдо бўлади, ёзишни яхши кўраман ва бу ишни яйраб бажараман, қувонч билан тадбирларда иштирок этаман. Мен биладиган нарсаларни бўлиша оладиган дақиқаларни қувонч билан кутаман, ўқишни, ривожланишни истаётган одамлар борлигидан курсанд бўламан. Мен уларга шундай имкониятни бериш учун шошиламан. Бу иш эмас, фаолият. Энди бу фаолият яхши натижа беради, мен ундан воз кечишга кучим етмайди. Мен ҳали ҳам “иш” сўзидан унумли фойдаланаман, чунки фаолиятим баъзи бир мажбуриятлар билан боғлик. Бу факат сўз, бошқа нарса эмас. Менинг түшүнчамда салбий нарсанинг ўзи йўқ, бошқаларникидек у ҳеч қандай салбий ҳис-туйгу олиб юрмайди.

Мен ўз ишимни яхши кўраман. Бу менинг ҳаёт тарзим.

## Кувончингилизни бўлишинг

*Тереза Пушкар:* Ёнингизда ўтириб мен сиздан ёйилаётган кувватни сезаман. У сизга куч беради. Сиз ўрганган мухитингиздасиз. Сиз унга шундай берилгансизки, зўрикиш сўзи умуман сизга тўғри келмайди.

**Жо:** Фикрингизга кўшиламан. Зўриқишларимнинг кўп кисми ўтмишда қолди. Мен фақат ўзимга ёқадиган нарсалар билан шуғулланишга ҳаракат қиляпман. Агар менга ёқмайдиган ишни, масалан, солик декларациясини тўлдириш керак бўлиб қолса, уни ҳисобчига топшираман, у бу машгулотни қизиқарли деб билади. Уларнинг ўзларини баҳтли ҳис қилишига ёрдам бераман. Ҳар бир одам ўз истеъодига қараб иш килади. Олам шундай қурилган!

## Кўнгилсизлик

**Тереза Пушкар:** Сизнинг гапларингиз мени бир нарса хақида ўлашга мажбур қилди. Яқинда мен коучингдан: агар сизнинг бирор нарсага кўнглингиз бўлмаса, шу ишни ташланг ва у билан бутунлай хайрлашинг, уни ўз ҳаётингиздан ўчириб ташланг, деган гапини эшилдим. Аммо бошқа қарашларга кўра у сизга ёқмаса, демак, тан олгингиз келмаяпти. Бундай нуқтаи назар коучинг айтган нарсага тўғри келмайди дейилади. Мен иккала қараш ҳам тўғри деб ҳисблайман. Бирок иккаласи бир-бири билан низолашади. Сиз бу ҳақда нима ўйлайсиз?

**Жо:** Мен биринчи ёндашувда мантиқ кўрмаяпман. Мен учун “Агар нимадир сизга ёқмаса, у билан бутунлай хайрлашинг” деган гапда ҳеч қандай маъно йўқ.

Менинг тушунчамда, бирор нарсанинг ёқимсизлиги, ичингида унинг борлигини билдиради. Худди шу тугмачани босадиган қарашми ёки сифатми, нимадир сизда мавжуд. Сиз агар нимадир сизни асабийлаштиришини ёки хафа қилишини билиб қолсангиз, бу яхши белги: сиз энди ниманинг устида ишлаб, ундан қандай кутулишни биласиз. Сиз газаблантирадиган хисдан ва унинг ортида турган нарсадан кутулсангиз, кўнгилсизликдан холи бўласиз.

Покланиб, аввал сизни ғазаблантирган нарсаларга хотиржам қарайсиз. Худди китоб ўқиётгандек. Улар катта куч талаб қилмайди ва салбий туйғу уйғотмайди: сиз улардан тозаланасиз. Аммо уни рад этиб, ҳаётингиздан улоқтириб ташлайсиз... Мен унинг нималигини билмайман.

## **Мақсад — албатта муҳаббат**

**Тереза Пушкир:** Демак, ниҳоят биз бахтли муҳаббат ҳақида сұхбатлашамиз, у ерда поклик, шодлик тантана қилади. Ҳеч нарса газаблантиrmайди, күнгилни совитмайди. Сизнинг жавобингиз ҳузур багишлайди.

**Жо:** Менга бу ёқади. Менимча, ҳақиқий муҳаббат — бу бизнинг мақсадимиздир, у ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли.

Сиз бирор нарсани кўриб, бу Яратганнинг иродаси, Коинотнинг муҳаббати эканлигини тушунасиз, сизда у ҳақда тўпланинг фикр йўқ, уни шунчаки қабул қиласиз, сиз уйғонасиз. Бу вақтга келиб, сиз уйғонасиз. Агар сиз суворакни кўриб: “Мен уни ёқтираман”, – десангиз, аввал сизнинг жаҳлингизни чиқарган нарсани кўриб: “Мен, уни нима учун яхши кўришимни биламан. Бунинг нималигини тушунаман”, десангиз, демак сиз уйғондингиз. Сиз ҳаётингизда бор нарсаларни сўзсиз қабул қилсангиз, демак сиз рўшноликка эришгансиз ёки унга яқинсиз...

## **Ҳаммани кечиринг — шу жумладан ўзингизни ҳам**

**Тереза Пушкир:** Кечириш ҳақида гап кетганда, мен шуни тушундимки, кечириш бизнинг оламимизда бозори чаққон нарса эмас. Бизларга кечириш ҳеч қачон ёқмайди. Биз салбий кувватни тўплаб, ўз ҳаётий кувватимизни сарфлаймиз, асабийлашишимизни тушуниб ҳам кечиришни ўйламаймиз.

**Жо:** Мен бу мавзу ҳақида гап бошлаганингиздан хурсанд бўлдим. Кечириш — покланишнинг энг таъсирили усулидир. Ҳали бу ҳақда сұхбатимизда гапирмаган эдим, сиздан миннатдорман. Кечириш ҳақида албатта эслатиб ўтиш керак. Менинг шахсий тажрибамга кўра, агарда сизнинг ишингиз юришмаса, олдинга юришингизда тўсиклар учраса, кўпроқ сиз шу ишга тааллуқли одамни ёки ўзингизни кечирмагансиз.

Биз кўпинча кейинчалик афсус чекадиган ишлар қиласиз.  
Айниқса ёшлиқда ҳаммамиз хато қиласиз.

Улгаямиз, бари бир хато қилаверамиз. Баъзи бир одамлар ўз хатоларини кечирмайдилар. Биз уларни ёдда тутиб, ўзимизни ўзимиз қийнаймиз. Кўпинча хатоларни билмасдан содир этамиз. Самимий кечириш — салбий қувватдан озод бўлишнинг энг таъсирилдиноситаларидан биридир. Сиз ўзингизни ёки сизни хафа қилган одамни то кечирмагунингизга кадар, ўзингизда ўтмишнинг салбий қувватини олиб юрасиз. Сиз айни дамда бу ерда эмас, келажак ёки ўтмишда бўласиз.

Қалбингизда хато ва гиналарни тўплаб, сиз аввалги фикрлаш тарзи ва афсуслардан кутулолмайсиз. Сиз кечиришингиз керак. Менга “ўзи учун ўзи” тамойилида яшайдиганларнинг бу ҳақдаги фикри ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Менга уларнинг нима деб ўйлашлари муҳим эмас, чунки мисли кўрилмаган кучга эга бўлган восита — ўзингни хафа қилганларни номма-ном эслаб, кечириш эканлигини биламан. Буни ёзма равишда амалга ошиrsa ҳам бўлади.

### “Кечирилувчилик рўйхатини” тузиш

**Жо:** Қулайроқ жойлашиб ўтиринг, хато ва гиналарнингизнинг тўлиқ рўйхатини ёзаб чиқинг. Бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини батафсил ёзаб, ундаги иштирокчиларнинг барчасини кечиринг. Дарвоқе, китобнинг бошида, биз бўйсунувчининг фикрлаш тарзини муҳокама қилаётганимизда, мен китобхонлардан ўзларини бўйсунувчи деб хисоблаган ҳаётий вазиятларни ёзаб кўйишни сўрагандим. Энди шу рўйхатга қайтиб, ўша вазиятга дахли борларнинг ҳаммасини кечириб юборинг. Балки у жуда кўп вақтни олар, сиз вазифани бўлаклаб ва қисмларга ажратиб бажаришингиз ҳам мумкин. Рўйхатингизда пайдо бўлган одамларга: “Мен афсусдаман. Мен сени кечираман. Мен ўзимни кечираман. Мен унда иштирок этгандарнинг барчасини кечираман”, дейишингиз керак. Бунда хоопонопоно услубидан фойда-

ланишингиз мумкин. Ҳиссиятларингизни бир жойга жамлаб, Коинотдан кечиришга ёрдам беришини сўранг: “Мен гуноҳкорга раҳм қилиб, кечир. Мендан ўз марҳаматингни аяма. Мен сени севаман!”

Ўйлайманки, сизга бу маслаҳатни Коинотнинг ўзи беради. Агар сиз бунга бефарқ бўлмасангиз, олдинга илдам қадам ташламоқчи бўлсангиз, ўтмишга қайтинг, ўзингизни ва барча хафа бўлган одамларингизни кечиринг. Ҳозир мен чукур нафас олиб, бу ҳақда ўйлайпман, бу жуда катта таъсир кучига эга бўлган кўп нарсаларни ўзгартириншга кодир.

Ўзингизни ва ҳаммани кечиринг!

### **Тўлиқ кечириш**

**Жо:** Тўлиқ кечириш деганимда, мен тўғрилаб бўлмайдиган ҳеч қандай воқеа бўлмаганини англашни назарда тутаман. Тўлиқ кечиришни сиз ҳеч қандай шартларсиз, муҳаббат билан бажаришингиз керак, бунинг ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқ. Бўлиб ўтган воқеалар мен учун фойдали бўлганини кўроялман, мен ундан маълум бир сабоқ олиб ўсадим.

Бошқалар ҳам ўси迪 ёки ўзгарди. Онгингиз ҳеч қандай ёмон нарса бўлгани йўқ деган далилни қабул қилганидан сўнг, сиз ўтмиш хотираларидан қутуласиз.

Бундан буён сиз аччиқ хотиралардан озодсан!

### **Коинотдан илтимос қилинг: у сизнинг кечиришингизга ёрдам беради**

**Тереза Пушкин:** Жуда ҳам қизиқ. Сиз гапираётганингизда: “Мен шу одамни кечиришга ҳаракат қиласман ва бу одамни кечира олмаганимдан қийналиб кетдим, кечирмагунимча кувватимни кетказишимни тушунаман”, – деб ўйлаётган эдим. Агар Коинотга ва ўзимга: “Мен гуноҳкорман. Мени кечир, илтимос”, – десам мен покланаманми?

**Жо:** Бу ҳолатда сизнинг сўзларингиз ёрдам сўраб илтижо қилаёгандек туюлади. Бу жуда доно қарор. Агар сиз бирорга сабаб билан кимнидир кечира олмаслигинизни тушунсангиз, Коннотга: “Бу мен учун жуда мураккаб. Менга уни ҳал қилишга ёрдам бер. Илтимос мени кечир. Мендай ғуноҳкорга раҳм қил. Марҳаматингни аяма. Мен сендан миннатдорман”, – деб кечиришга куч топмаган вақтингизда доимо такрорланг. Коннот сизни қўллайди.

Мен аниқ биламан, Коннотдан ёрдам сўрасангиз, у албатта ёрдамга келади.

**Тереза Пушкар:** Биз жуда кам сўраймиз, тўгрими?

**Жо:** Сиз ҳақсиз.

**Тереза Пушкар:** Катта раҳмат, Жо. Яна кўп саволлар колиб кетди. Келгуси дастурларимизда бу саволлар билан сизга, албатта мурожаат қиласиз. Мен бунга ишонаман.

**Жо:** Мен сизга шуни айтмоқчи эдимки, доктор Хью Лин билан ҳамкорликда ёзилган “Чегарасиз ҳаёт” китобида “Саволлар онг орқали туғилади” дейилади. Агар сиз уни қабул қила олсангиз, сўнг қўйиб юборсангиз Коннот сари бир қадам ташлайсиз.

# **“МҮЙЖИЗАЛАР ЯРАТАМИЗ” ДАСТУРИ ХАҚИДА БИР НЕЧА СҮЗ**

*Агар ҳаётшынгизда ёки аламда шуб үзгаришилар көз беринини истасанғызыз, үз ҳаётшынгиз ва атрофдагиларнинг ҳаётида үзингиң үйләгандан күра маstryятын эканлигинизни тууциунишингиз көркөлигига амин бүлдим.*

**Жо Витале**

## **Сиз нима истайсиз?**

Агар сиз истаган нарсанғызыга эриша олганингизда ҳаётингиз қандаї бўлишини тасаввур кила оласизми? Янги машина, мол-давлат, орзунгиздаги уй, самимий дўст, яхта, барча касалликларга қарши дори... Сиз орзуларгизни амалга оширмоқчимисиз?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Янги автомобилми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Янги уйми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Ҳаёт ва саломатлик кувватими?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Ҳисоб дафтарида пуллар ва инвестицияларми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Ривожланган қонунчиликми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Атрофингизда ажойиб хиёбонми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Эҳсон беришга вактми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Мұхаббатми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Бойликми?

Сиз нимага эгалик қилишни истайсиз? Оламдатинчликми?

## **Мўйжизалар бехосдан рўй беради**

Кўпчилик ўзи билан мўйжиза юз беришини хоҳлайди. Кўпчилик келаётган 40 дақиқа ичидаги мўйжиза юз беришини

истайди. Мен бунга ишонмайман. Ким мўъжизани айнан бугун келаётган 40 дақиқа ичидаги содир бўлишини хоҳлади?

Сиз истаган нарсангизнинг барчасини оласизми? Бир нечта “ҳа”, бир нечта “билмайман” ва бир нечта “йўқ” деган жавобларни оламиз. Сиз ҳакиқатан ҳам истаган нарсангизнинг барча-барчасини оласизми? Сизда ҳаммаси жойидами? Йўқ, бундай эмас. Унда сиз бу ерда бўлмасдингиз. Сиз бундан кўпрогини хоҳлайсиз. Агар сизда бўлмаган нарсаннинг кўпрогини хоҳласангиз, менга нега бундайлигини тушунтиришинг. Баъзи бирларингизда кўз ёшлигини кўраяпман. Нима сабабдан? Мен сиз билан етишмаётган сир ҳакида гаплашмоқчиман. Умид қиласманки, сиз “Сир” фильмини кўргансиз. Бугун бир аёл билан сухбатлашдим.

У мени саволга тутди:

– Сиз кимсиз? Нима билан шугулланасиз?  
– Мен ёзувчиман, “Сир” фильмида суратга тушганман, – деб жавоб бердим.

– У қандай фильм? – деди у қизиқиб.

– Ажойиб фильм, 2006 йилда экранга чиқкан.

Баъзи бир одамлар у ҳақда ҳали эшишишмаган ҳам. “Сир” фильмини кўрганлар, улардаги услублардан фойдаланишганда, бу уларга таъсир қилдими? Бирортангиз таъсир қилмади, деб айтмоқчи бўлсангиз, қўлингизни кўтаришдан кўркманг. Мен бир неча кўлларни кўряпман.

## Коинот сизга қараб иш тутади

Тортишиш кучи қонунида сизнинг фикрларингиз ва туйгуларингиз моддийлашиб, амалга ошади. Ҳаётингиздаги баъзи воқеалар сизнинг ички тўлқинларингиз туфайли юз беради. “Сир” фақат томошабинларни қонуннинг асосий гояси билан таниширади. Аммо унинг таъсир қилиш тамойилларини тўлик даражада тушунтирмайди. Бугун сиз билан шу ҳақда гаплашмоқчиман. Барча сир шундан иборатки, агар бирор нарсани хоҳласангиз, уни аник белгилаб олинг.

Нима истайсиз? Масалан уйми ёки машина? Сиз ўз максадингиз сари йўлда илгариладингизми? Мен сиздан сўрашда давом этяпман. Сиз нима истайсиз? Сиз нима истайсиз? Сиз нима истайсиз? Сиз нима истайсиз? Аниқ жавобни белгилашингиз учун саволни қайта-қайта бераяп-ман. Сиз жавобни аниқлаштирганингиздан кейин нима бўлади? Кимdir ҳаракат қиласди, кимdir ҳаттоти ўрнидан қимирлаб ·кўймайди. Ўйлайдики, ҳаммаси ўз-ўзидан юз беради. Фақатгина креслога ўтириб тилагини тиласа, масалан, ҳовлига тушса, орзуидаги машина дарвазаси олдида турган бўлса. Дарҳақиқат, шундай таассурот бўлиши мумкин. Аммо бундай эмас.

“Сир” фильми қаҳрамонларидан бири: “Коинот тезликни, пул ҳам тезликни яхши кўради”, дейди. Факат ҳаракатлар билан ҳодисалар юз беради. Мўъжизалар сизнинг қўлингиз билан яратилади. Сизнинг ишингиз сизни Коинот нимага йўналтираётганини тушуниш ва ҳаракат қилиш вазифасидан иборатдир. Сиз нима исташингизни аниқ билишингизни ва уни қўлга киритиш учун ҳамма нарса қилишингизни, аммо унга эриша олмаётганингизни айтасиз. Истаган нарсангиз ҳаётингизга келмаяпти. Иш топа олмаяпсиз. Савдонинг ҳажмини ошира олмаяпсиз. Шерик топа олмаяпсиз. Саломатлигингизни тиклай олмаяпсиз. Нима қўлсангиз ҳам ишингиз юришмаяпти. Нима бошқача? Демак, тортишиш кучи қонуни ишламас экан-да?

### **Коинот доим эшитади ва жавоб беради**

Аслини олганда тортишиш кучи қонуни тўхтамасдан, онгимиз остида ишлайди. Энг улкан операцион тизим онг эмас, онг ости ҳисобланади. Онгингиз оламга эшик тиркиши орқали карайди. Юз бераетган нарсалар ҳақида заррача тассавурга эга эмас. Одам онги билан ўзини бир-бирига тенглаштиради. Биз ҳаётимизни назорат киламиз, деб ҳисоблаймиз. Бу ундай эмас. Такрорлайман: онг ости улкан операцион тизим. Унда англанмаган тасаввурлар сиз билан

юз берәётган ҳамма нарсаны ўзига тортади. Нега “ҳаммаси” деяётганимда, ҳазиллашаётганим йўқ. Бу коидада чеклашлар йўқ. Мен ҳаммаси бундай эмаслигини кечроқ тушунтириб бераман.

Сизнинг онг остиңгизда нималар юз беради? Фараз қиласиз, сиз кўп пулга эга бўлмоқчисиз ва мен пулларга эга бўлмоқчиман, мен бой бўлишга лойиқман, мен пулларни севаман, пуллар менинг дўстларим деб таъкидлайсиз. Шундай таъкидларнинг кўпини “Пуллар менинг дўстларим” ёки “Тортишиш кучи қонуни” китобларимда ҳам ўқишингиз мумкин. Бундай таъкидлар учун сиз айбдор эмассиз. Сиз бунга масъулсиз. Кўлингиздан келган барча ишни қиласиз ва пулларни кўрасиз. Тасаввур қилинг, пуллар айнан сизга мос равишда пайдо бўлади. Аммо ҳеч нарса юз бермайди. Балки ўзингизда қарама-қаршиликлар мавжуддир.

Шундай ажойиб ниятлар билан ҳафтасига 3 марта машқ қиласман, фалончи одам билан муносабатларимни яхшилайман ёки кейинги ҳафтада савдо ҳажмини ошираман дейман. Мақтовга лойиқ ниятлар. Шу билан бирга онг остиңгизда уларни амалга оширишга тўскенилик қилувчи, ниятга қарши қаршиликлар бор. Унда сиз натижага эришмайсиз ёки уни қабул қила олмайсиз. Ўзингизга ўзингиз халақит берасиз ва яхши ниятларингизни йўқотишига йўл топасиз.

Мен доим пул масаласига қайтаман. Чунки 30 йил аввал қашшоқ эдим. Кўпчилигингиз бу ҳакда яхши биласиз. Буни баъзиларингиз энди эшишиб турибсиз. Узоқ вақт у давр ҳақида гапира олмаганман. Хотираларим мени каттиқ яраларди. Вокеа Далласда юз берган. Кейинроқ бу шаҳарга қайтиб бориш оғирлигини сездим. Далласда пайдо бўлишим билан осмонда кора булутлар пайдо бўларди ва ҳар сафар мен билан кўнгилсиз воеалар юз берарди. Эсимда бир куни шаҳарга киришда мени полициячи тўхтатди. Нега дейсизми? Шунчаки уни оҳанрабодек ўзимга тортиб олдим, менинг онг остимда Далласда бошпанасиз яшаган давримнинг ҳамма ахлати тўпланиб қолган. Мен ундан ҳеч ҳам халос бўла олмасдим.

## **Тасаввурларингизни ўзгартирсангиз, ҳаётингиз ҳам ўзгаради**

Агар сизда турли фикр, гоя, туйгулар бўлиб, уларни мантиқан якунлай олмаётган бўлсангиз, демак, уларнинг ҳар бирида тасаввур ва қаршиликлар мавжуд, уни яхшилаб таҳрир килиш керак. Баъзилар доим “Мен кўп пулга эга бўлмокчиман” деб таъкидлайдилар ва бундан бойиб қолмайдилар. Демак, уларнинг ҳаётида қаршиликлар мавжуд. Уларнинг онгида “Пул ҳамма балоларнинг сабабчиси”, “Пул одамларни бузади”, “Кўп пулга эга бўлиш учун оғир меҳнат қилиш керак”, “Ҳамма бойлар — ёмон одамлар”, “Ҳамма йирик компаниялар истеъмолчилар ҳисобига кенгаяди”, “Пул мени ўзгартиради, мен бошқа одам бўламан” каби фикрлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси сизнинг онг остингизга жойлашади, онг ости эса энг кучли операцион тизим ҳисобланади. Сиз бой бўлиш учун уриниб кўрасиз. Онг остида эса, ўзингиздан бойликни итарасиз, “Ҳамма гап иқтисодиётда”, “Мен ҳеч нарса қила олмайман”, деб ўзингизни ишонтирасиз.

## **Ўйғонишнинг биринчи босқичи: бўйсунувчига хос фикрлар**

Мен бизнинг ҳаётимиз — уйғониш жараёнларига эга эканлигига ишонаман. Ҳаёт — бу уйғониш. Биз дунёга бўйсунувчи онги билан келамиз. Бу қоидадан келиб чиқиб, тугилишимиз билан ота-онамиз, мактаб, дин, хокимият томонидан берилган фикрларга қарам бўламиз — ҳеч ким кучли бўлишимизни дастурламайди. Мен яна бир бор такрорлайман, кўпчилик одамлар бу дунёга: “Мен шу шароитга маҳкумман”, “Мен атрофдагиларга чидашга мажбурман”, деган таъкидлар билан яшашни давом эттирадилар. Ҳаттоқи, ҳаётлари бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақида шубҳаланмайдилар ҳам. Демак, ўзини бўйсунувчи сифатида англаш — уйғониш жараёнидаги биринчи босқичdir.

Сиз мавжуд вазиятни қандай ўзгартириш мүмкінлиги ҳақида ўйлашни бошлайсиз. Бирор фильм, масалан “Сир” фильмини томоша қилаётганингизда, эмоционал озодлик техникасидан фойдаланишин тавсия этаман. Балки, Жек Кенфилд, Боб Проктор китобларини ўқиётганингизда сизда тортишиш кучи пайдо бўлар ва “Мен бўйсунувчи бўлишга мажбурмасман. Ҳар доимидан кучлироқман” деган фикрга келарсиз.

Сиз ўз ҳаётингиздаги воқеаларни назорат қила бошлияпсиз. Сиз тўғри фикрлай бошлияпсиз. Кимдир: “Бунинг ҳаммаси кимга керак? Мен шундоқ ҳам фикрнинг кучи билан машинамни қўйиш учун бўш жой топа оламан”, – деб ўйласа, сиз ҳам бу фикрга қўшиласизми? Сизга машина тўхташ жойида бўш жой топиш кийин эмас. Сиз ўзингизга бўш жой топишга шайлана оласиз. Нима учун ундан каттароқ ишни бажаришга жазм қилмайсиз? Менинг фикримча, сизга қарама-қарши ниятлар халақит киласди.

### **Иккинчи босқич: бўйсунувчанликдан кучлироқ бўлиш сари**

Иккинчи босқичга ўтиш даври бошланади ва сиз уйғонаётганингизни тушуна бошлияпсиз. Аввалгидан кўра кучингиз кўпаяди. Сиз оламни кенгроқ кўра бошлияпсиз. Ўз ниятингизни билдира оляяпсиз. Уларни амалга ошириш учун харакат қилмоқдасиз. Биринчи натижаларни сезиб: “Бу ҳақиқий сеҳгарлик. Мен сеҳгарликка ишонаман. Мен мўъжизага ишонаман. Мен мўъжизалар вақти келганига ишонаман”, – деб ўйлай бошлияпсиз.

### **Учинчи босқич: кучлилиқдан итоаткорликка**

Сўнг ҳаётингизда яна бир кутилмаган ҳодиса юз беради. У сизни учинчи босқичга йўналтиради. Мен “Чегарасиз ҳаёт” китобини ёздим. Орангизда уни ўқиганлар борми?

Кўраяпман, уни жуда камчилик ўқибди. “Чегарасиз ҳаёт” мен ёзган китобларнинг энг асосийси бўлиб туюлади. Бу китоб жуда шахсий ва мазмунан теранроқ кўринади. Жуда кўпчилик “Чегарасиз ҳаёт” китобини ўқишидади ва “Етишмайдиган сир” дастурини эшишишади. Чунки учинчи босқич бу итоаткорлик эканлигини тушунишади. Учинчи босқичда сиз “Коинот деб атаётган мавжудликнинг” харакатлари йўналтирувчисига айланаяпсиз.

Бу менинг босқичим ва бугун ҳар бирингизни ўз ёнимда кўришни истаяпман. Энг бошида “Қайси бирингиз мўъжизани кўргингиз келаяпти?” деганимда, қайси бирингиздир етарлича оптимиистлик рух билан жавоб бердингиз. Яхшиси мен билан қолинг. Биз ўсајамиз ва янги эшиклар очиляпти. “Чегарасиз ҳаёт” ва “Етишмайдиган сир” аудиокурсида содир бўлган бир воқеани айтиб бераман. Сиз бунга ишонмаслингиз мумкин. Бу воқеа менинг онгимда портлаган бомба эффектини берди.

Воқеа оғир жиноятлар содир этган рухий касаллар шифохонасида ишлайдиган Гавайн шифокори ҳақида. Унинг ҳамма беморлари жамият учун жуда хавфли ҳисобланарди. Бу уларнинг кучли транквилизаторлар қабул килганидан ёки бўлмаса кун давомида кишандаги юрганларидан эди. Касалхона ходимлари касалхонада кўп ишлаб қололмасдилар. Ходимлар, шифокорлар тез-тез алмашиб турарди. Ҳамшира ва санитарлар 2 ҳафтадан ортиқ ишлай олмасдилар. Бундай шароитга ҳамма ҳам чидай олмасди. Хизмат кўрсатувчи ходимлар деворга ёпишиб юрадилар, оркаларидан келиб хужум қилишларидан кўркардилар.

Бу ҳақиқий дўзахнинг ўзи эди.

## **Юз фоиз жавобгарлик ва барчаси ўзгаради**

Янги шифокорлардан бири гавайича даволаш усули билан таниш эди. У ишга кирнишдан олдин шундай деди: “Касалхонада ишлашга розиман, аммо касаллар билан

шахсан учрашмайман. Мен фақат уларнинг ҳужжати билан танишаман ва ўз услубим билан хонамда тинчлик ва хавфсизликда ўтириб ишлайман”. У ҳамма руҳий шифохонадаги касалларни ўзининг Коинот олдидаги итоаткорлик усули ва юз фоиз жавобгарликни бўйнига олиш билан даволади. Бу воқеани айтиш билан мен сизларга “Ҳаёт — уйғониш жараёни. Учинчи босқич итоаткорликни тахмин қилади”, – деган сўзларни етказмоқчиман. Бугун мен сизларга мўъжиза юз беришига ваъда бераман. Мен сизларни у билан таништираман. Шифокор ҳакидаги маълумотга ишонмасдан, у ҳақда маълумот қидирганман. Агар у рост бўлса, мен уни каердан топишни билишим керак. У билан сухбатлашишим ва у ҳақда дунёга хабар қилишим керак.

Мен бу одамни топишга муваффақ бўлдим, бу ёндашувни ўрганиб чиқдим. У билан бирга ишладим. Биргаликда у билан кўплаб семинарлар ўтказдик. Унинг исми Хью Лин. У хоопонопоно услубини қўллаган. Узундан-узун номини кисқартиш учун уни Хью Лин усули деб номлайман. Бу усул онгингизни тўлиқ маъсуллият олишингиз ва қарама-каршиликлардан холи бўлишингиз усули ҳақидадир. Сиз ўз борлигингизни яратасиз. Уларни ҳатто англай олмайсиз. Мени дикқат билан эшитинг. Ҳар бирингиз “Одам ўз тақдирининг яратувчиси” деган иборани эшитгансиз.

Мен сизларга ўз тақдирингиз ва борлигингизни ўзингиз яратасиз деб самимий айтаман. Буни англаган одам маълум даражада уйгоқдир. Сиз бу иборани эшитгансиз ва биласиз. Хью Лин бу билимларни шундай юқори натижага кўтардики, мен уни тасаввур ҳам қила олмайман. Унинг гоялари онгимнинг ҳар бир ҳужайрасига таъсир этди. Бунга ишониб бўлмайди. Бусиз ўз борлигингизни яратсангиз, демак унда пайдо бўлган ҳамма нарса, руҳий касаллар билан қўшиб, уларни ўзингиз яратгансиз. Ҳозир ҳам уни эслашим билан бошим айланиб кетди. Ҳақиқатан ҳам сиз бунга тўлиқ жавобгарсиз. Чунки бу ҳолатда сиз нафақат ўзингизнинг, йўлингизда пайдо бўлган одам ҳаёти учун ҳам жавобгарликни ўз бўйнингизга оласиз. Бу эса, ақлга сигмайди.

## **Сиздан анча қудратли бўлган куч билан боғлиқсиз**

Доктор Хью Лин ўз беморларининг касаллик тарихи билан ишламоқчи бўлган. Эсингиздан чиқарманг, уларнинг ҳаммаси, ёвуз жиноятчилар ва руҳий касаллар эди. Орасида қотиллар ҳам бор эди. Улардан жуда кўркишарди. Доктор Хью Лин ёзиб ташлаган варакларга қараб, газаб, кўнгил совиши, руҳий тушкунлик, алам сезарди. Унинг айнан қандай туйгуларни хис қилганини билмайман. Қандай бўлмасин, уларни Коинотга жўнатарди. Сиз ҳам ўз туйгуларингизни Коинотга, ҳаётга, сайдеримизга юборишингиз мумкин.

Қандай истакни танлаган бўлманг, у қудратли кучга айланади. Қудрати сиздан анча юқори. У сизнинг маҳфий захирангиздир. Сизнинг худбинлигингиз вазиятни назорат қилмайди. Бу куч сиздан буюк, сиз унга боғлиқсиз. Сиз унинг бир бўлагисиз. Доктор Хью Лин чин дилдан, тўхтамасдан: “Мен гуноҳкорман. Илтимос, мени кечир. Сендан миннатдорман. Мен сени севаман”, – деган иборани қайтарди.

Мен унга қандай қилиб, унинг ҳиссиётлари руҳий касал жиноятчиларга таъсир кўрсатганлигини сўрадим.

Бу қандай ишлайди?

### **Биз ҳаммамиз бир бутунииз**

У биз бир-биримиз ва Коинот билан ўзаро боғлиқмиз, деб жавоб берди. Моҳиятан у қайтаришдан чарчамайдиган иборалар билан ҳам боғлиқмиз. Бу қуидаги иборалардир: “Мен гуноҳкорман. Бу вазиятни ёки бу одамнинг пайдо бўлишидан менга нима таъсир кўрсатганлигини билмайман. Мени кечир. Мен нима килаётганимни англамадим. Илтимос, беинтиёр унда иштирок этганим учун мени кечир. Менга берганларинг учун сендан миннатдорман. Мен сени севаман!”.

Гап шундаки, бизнинг тасаввурларимиз — онгимизда яшайдиганларнинг кўпчилигини кўп ҳолатларда улар нимани тасвирилашларини билмаймиз. Улар билан қандай ишлаш ҳақида мен “Етишмайдиган сир” аудиокурсида сўзлаб бераман. Сиз: “Мени кечир. Илтимос. Мен билмаган эдим. Мен умуман англамаган эдим. Барчasi учун раҳмат！”, – дейсиз. Бу сизнинг улкан миннатдорлигингизни намойиш этади ва бу сизни Коинот билан боғлайдиган ажойиб рағбат бўлади.

Сиз Коинотдан гамхўрлиги учун, салбий тасаввурлар, фикрлар ва чекловлардан халос этгани учун миннатдор бўласиз. Худди доктор Хью Лин ҳаётида қотиллар пайдо бўлишига сабаб бўлган фикрларидан поклангани каби.

### Мен сени севаман!

Менинг фикримча “Мен сизни севаман!” ибораси таъсирнинг энг қудратли воситасидир. Бу қудратли ибора сайёрамизни ўзгартириб юборишга қодир. Мен уни худди ички овозимдек талаффуз этишга ўргандим. Ичимиздаги монолог хусусияти билан кўпинча ўз-ўзимиз ва бошқалар билан уришаётгандек, “Мен гуноҳкорман. Мени кечир, илтимос. Мен сендан миннаторман. Мен сени севаман” деб гаплашаман. Бу сўзларни сизга айта туриб, Коинотни англаяпман. Бу сўзларни доктор Хью Лин Коинотга кўп марталаб юборган. У ҳар бир бемор учун такрорлаган. Бир неча ойдан сўнг уларнинг кишанларини ечишган ва седатив препаратларини юборишни тўхтатишган. 2 йил ўтгач, уларнинг ҳаммаси даволанган ва касалхона бўшаган.

Ҳеч ким бу жиноятчилар качонлардир озод бўлишини тасаввур қила олмасди. Ҳар бирингиз Хью Лин усулидан фойдаланишингиз мумкин. Биз қаршиликлардан: “Мен шу уйни хоҳлайман. Мен шу одам билан муносабатларни тикламоқчиман. Мен бой бўлмоқчиман. Мен бутун дунёда тинчликни хоҳлайман. Мен ... истайман”, – деб такрорлаб, қаршиликлардан холи бўла оламиз.

## **Коинот бизга ёрдам беради**

Ниятингизни айтиб, унинг амалга ошишини кутинг. Вақт кетяпти, бизнинг ҳаётимиизда ҳеч нарса ўзгармаяпти. Сизнинг сабрингиз тугади, ҳафсалангиз пир бўлди. Ҳамма нарсадан шубҳаланяпсиз ва ўзингизга “Ҳаммаси жойидами?” деб савол берасиз. Нимани ҳис қилсангиз ҳам, қандай туйгулар сизни қамраб олган бўлса ҳам Коинотга мурожаат қилиб, улардан холи бўлишингиз мумкинлигини билдиринг.

Ўз ҳиссиётларингизни, у билан муносабатларингиз қандай бўлишидан қатъи назар Коинотга йўналтиринг: “Мен жуда афсусдаман. Илтимос, мени кечир. Раҳмат. Мен сени севаман”. Бу покланишнинг энг осон йўли, тўғрими? Орангизда қайси бирингиз уни бажарасиз?

## **Энг аввало баҳтли бўлинг**

Одамлар машина, уй ёки бўлмаса бир нарса олишни айтаётганларида хато қиласидар. Уларнинг фикрлашлари хато. Машина, уй, севги, бойлик, улар интилаётган барча нарса баҳт келтиради, деб хато қиласидар. Баҳт шу ерда ва шу дамда ёнингизда, колгани иллюзия. Ўз-ўзини алдаш. Биласизми нега? Баҳт мана шу ерда ва шу дамда. Мен “Live in now”(Бугун яшанг) деган ёзувли футболка кийиб юраман. Мана ўша етишмаётган сир қаерда. Бу шу ерда, сизнинг кўз ўнгингизда. Сизнинг кучингиз шу ерда ва шу дамдалигини тушуниш уйғониш демакдир. Буни тўлиқ англасангиз, сиз билан ҳақиқий мўъжизалар юз беради.

Ўзингизни ўтаётган дақиқада ҳис қиласиз ва: “Мана қандай чўққиларга эришдим-а? Менга қаранг, атрофимдаги одамларга қаранг. Эшитаётганимга қаранг. Ажойиб мўъжиза. Худонинг марҳамати!”. Мўъжизалар ҳозир юз беради. Сиз ҳозирги дақиқада бўлишни ўрганганингизда ёрқин воеалар рўй бера бошлади. Сиз уларни тасаввур қила олмайсиз. Чунки сизнинг хаёлингиз худбинлигингизга жавоб беради. У: “Мен шундай ажойиб машинани хоҳлардим”, дейди. Лекин Коинотда доим ундан каттароқ захира бор. Фақат унга

имконият беришингиз керак. Балки сизни бирор одам билан аниқ муносабатлар қизиктираётгандир.

Мен күпинча шундай гаплар эшитаман: “Бу одам ҳаётимда пайдо бўлиши учун нима қилишим керак?” Ер юзида 7 миллиарддан ортиқ одам яшайди. Агар сиз ўзингизнинг ярмингизни топдим деб хисобласангиз, қувонинг. Сизга омад қулиб бокибди. Ҳозирнинг ўзида сиз ўзингизни баҳгли деб ҳисоблайсиз. Ҳозирги кун билан яшаётганингизда мўъжизалар юз беради. Мен битта воқеани гапиришни жуда яхши кўраман.

Биринчи марта Ларри Кингнинг шоусига таклиф қилишганда бошқа қаҳрамонлар сингари ўз навбатимни кутиб йўлакда турардим. Атрофимда қувончли кайфият ҳукм сурарди. Иштирокчилардан бири елкамга бир тушириб: “Бу жуда ажойиб. Биз Ларри Кингнинг олдига кетаяпмиз-а? Мен шу дақиқани олти йил кутдим”, деди. “Ростданми? Мен эса икки хафта кутдим”. деб жавоб бердим. Бу албатта ҳазил эди. Мен ўз сухбатдошимдан устун кўрингим келаётганди.

Ҳозир биз у билан қалип дўстмиз.

### Гўшакни кўтаринг. Сизга Коннотдан қўнғироқ қилишаяпти

Тўғрисини айтганда, мен ҳеч қачон тўғридан-тўғри эфирда Ларри Кинг билан бўлиш ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Менга қўнғироқ қилишди. Самолётга чипта олдим. Бу таклифни қабул қилиб, вақтимни ажойиб ўтказдим. Мен яна ўша ерга бориш ҳақида тасаввур килмадим. Бу жуда зўр бўларди. Мен Ларри Кинг шоусидан хотира қолдириш максадида фотоальбом тузиш ҳақида ўйлаяпман. Бу расмлар альбомда саклашга арзиди. Иккинчи марта эфирдан бир кун ўтгандан кейин қўнғироқ қилишди. Мен бундай таклифни кутмагандим. Қўнғироқка жавоб бердим. Таклифни қабул қилдим. Чипта олиш учун аэропортга югурдим. Учдим. Аzonда айтилган жойда бўлиб, шоуда иштирок этиб, ортимга қайтдим.

Сехгарлик ва мўъжиза сиз лаҳзаларни ҳис қилганингизда юз беради...

## **Жим... Коннот гапирмокда**

Одамлар менинг “Тортишиш кучи сири”, “Чегарасиз ҳаёт” китобларимни ўқиганларида кўпинча мендан: “Бу нимаси? “Тортишиш кучи сири” китобида ният муҳимлиги тўғрисида гапирасиз. “Сир” фильмида буни тасдиқлайсиз. Энди бўлса, “Мен ўз ниятимни айтмайман” деяпсиз. “Ҳақиқат қаерда?” деб сўрашади.

Ҳақиқат: Мен ниятимни бутунлигичи айтмайман. Мен худбинлигим таъкидлаётган ниятларимни айтишдан тўхтадим. Мен факат Коннотнинг истакларини баъкараяпман. Уни эшигини учун эса, мен шу ерда ва шу дамда бўлишим даркор.

## **Коннот сизнинг тилингиздан гапирсин**

Мени аудитория олдида чиқишга таклиф қилишганда аввалдан нутк тайёрламайман. Дўстларимдан бири мени ижодий кечага кузатаётиб, асабийлашаётганимни сезди ва: “Ҳаммаси жойидами? Нима ҳақда гапиришингни биласанми?” деб қизиқди. “Ўйлаб ҳам кўрмадим”, – деб ростини айтиб, тан олдим. Менинг чиқишим мен учун худди бошқалардек сюрприз эди. Нимага? Нега деганда ҳозирги онга мослашинни ўргандим. Албатта, мен уни тўлалигича ҳис қилмайман. Акс ҳолда, мен асабийлашмасдим ва хавотирланмасдим. Аммо мен одамман ва ўз хато-камчиликларимни тан оламан.

Саҳнага кўтарилиб, кўлимга микрофон олганимда ҳаяжоним йўқолади. Мен хотиржам тортаман. Асабийлашмайман. Мен ҳаяжонимни енгаман. Ўзимни енгаман. Худбинлигим менга айтаётган нарсадан четлашаман. У чиқишимни режалаштиради. Power Pointда презентация тайёрланди. Нуткимнинг ҳар бир дақиқаси белгиланди. Унинг қизиқарли ва фойдали бўлишини инкор этмайман. Факат мени бир нарса қизиктиради. Мен яна бир бор “Ҳаёт бу қизиқарли жараён”, деб айта оламан.

Бу жараён мен учун тугамаган. Мен у билан бирга уйғонаяпман.

## **Коинотни рулга ўтқизинг. У сизни орзу қилишга журъат этолмаган жойларга олиб боради**

Хозир фикрлаётган ва ҳаракатланаётганингизда Коинот сизни янги ютукларга илҳомлантиради. Коинотда сиз түғрингизда айнан шундай режалар бор. Яхши күрган бир мисолим бор. Автомобилларни яхши кўраман. Менинг автомобиль коллекциям бор. Дунёдаги энг йирик автомобиллар коллекциясини йиға олардим. Ҳатто Жей Лено ҳасад билан “Техасдаги уинберлик йигит ўзи ким? Нега унинг машиналари меникидан кўп?”, – дерди ва меникига келишни хоҳларди, биз у билан мусобақалашардик. Агар олдимга шундай мақсад қўйганимда, юз фониз худбинлик килган бўлардим. Мен илҳомимга қараб, кўпинча, охириги дақиқаларда уларни сотиб олардим.

### **Илҳомга буткул ишонинг**

Баъзи бирларингиз қачонлардир, Aerosmith гурухидаги Стив Тайлерга тегишли автомобильни кўлга киритганим хақида балки биларсиз. 1988 йилда чиққан модель аллақачон ишлаб чиқаришдан олиб ташланган. Тайлер камида 2 марта автоҳалокатга учраган. У ўз автосида автографини қолдирган. Хозир бу автомобиль коллекцион нусха ҳисобланади. Бу автомобильни Ebay ёпилишидан 2 соат олдин топдим. Сотувчи машина машҳур мусиқачига тегишли эканлигини таъкидлаб ўтирмади. Ичимда бир нарса Стив Тайлер машинасини сотиб олиш фойдали иш эканлигини, уни бир муддат ҳайдаб юриб, уни “Сир” фильмида роль ўйнаган Жо Витале ҳам ҳайдаган деб қимматроқ сотиш фикри келди.

Бу кўпроқ мен учун иштиёқ эди. Мен ёниб-куймадим, хотиржам бўлдим ва хоҳлаган нарсамга эришдим. Хуллас, ўз хоҳишимизга эришиш учун биринчи навбатда ўз ҳиссиётингиз авжидалигига унга ишониш керак. Иккинчидан, қарши фикрлардан кутулиш керак. Буни хоопонопоно услуги, яъни

“Мен афсусдаман. Илтимос, мени кечир. Сенга раҳмат. Мен сени севаман” иборасини тақрорлаш билан амалга ошириш мүмкін. Сиз қандай ниятдалигингиз ва сизни қандай худбинона фикрлар бошқараётганини аниқлаш осонроқ бўлади. Сизнинг истакларингиз худбинликдан, онгингиз ва ақлингиздан эмас, Коинот уни йўналтираётгани учун юрагингиздан келаётганига эътибор беринг.

Сиз бир неча машғулотлардан сўнг унинг фарқига бора бошлайсиз, агар ундан бўлмаса покланишда давом этинг: “Мен афсусдаман. Мени кечир, илтимос. Сендан миннадорман. Мен сени севаман”. Ўйлашимча, кўп одамларнинг дуч келадиган яна бир муаммоси — бу бир хил натижага боғланиб қолишидадир. Улар шундай фикр юритадилар: “Мен айнан шу уйга, шу ишга, шу миқдордаги пулга эга бўлишни истайман”.

Айнан шундай вазият сизнинг худбинлигингизни назорат қиласиди. Бу сизни чеклайди.

### **Яратган сизнинг фаровон ҳаёт кечиришингизни истайди**

Коинот бизга иложи борича кўпроқ ёрдам беришга интилади. Сиз унга боғланиб қолишдан воз кечмогингиз лозим. Мендан кўпинча бу нима дегани, деб сўрашади. Бу сиз хузурланишингиз керак деганидир. “Агар менинг мижозларим кўп бўлса, бу жуда яхши. Агар шу одам билан муносабат ўрнатсан, бу жуда зўр. Шу машинага, уйга эга бўлиш қандай зўр ва ёқимли бўларди!”

Фақат нарсаларнинг фарқига боришни унутманг. Сиз натижасига боғланиб қолмагансиз. Сиз унга тобе эмассиз. Агар натижага эришишни ҳаёт-мамот масаласи деб қарасангиз, демак, шу нарса миянгизда жо бўлиб қолган. Боғлиқлик ўзида англашмаган қувват олиб юриб, сиз интилаётган нарсани ўзидан итаради. Қувват енгил ва ижобий бўлиши керак. Шундай бўлса ёқимли ва кизиқ бўлади, тўғрини.

Мен, СНВС каналы орқали Донни Дойчнинг "Кағга ғоя" шоусини томоша қиёдим. Менин шу дастурда иштирок этгим келди. Мен уни жуда яхши кўраман. Мен у ҳақда хикоя килаётганимга эътибор беринг. Мен бу шоуни яхши кўраман. У менга жуда ёқади, илҳомлантиради. Крей Перрин билан ҳамкорликда "Илҳомлантирувчи маркетинг" деган китоб ёздиқ. У Донни Дойчга бағишланган.

Қўриб турганингиздек, мен у кишига нисбатан катта ҳурмат ва мұхаббатни хис қиласман, менга олдиндан унинг шоусида иштирок этишини мүмкіндек туяларди. Мен Донни билан учрашишини жуда орзу қиласман. Охири-оқибат шу нареа юз берди. Мен бунга ёш боладек қувондым, самолётда бир жойда ўтиrolмадим ҳам: "Донни Дойч билан учрашишга сабрим чидамаянти! Мен Донни Дойч билан учрашувга кетаянман!" Мен 54 ёнда эдим, ўзимни 12 ёшли боладек тутдим.

## Коннотининг сирлари биз ўйлаганчалик махфий эмас

Мен шу одам билан учрашиш имкониятимдан гоят завқланардим. Ниҳоят мен студияга етиб келдим. Менинг ёнимига Доннининг ўзи келиб, "Жо, сизда Коннот сирларини очиш учун тахминан тўрт дақика бор. Мана камера. Ганиринг", деди.

Менинг шоудаги иштироким шундай ўтди. Яна бир бор айтаман, мен шу учрашувга интилишда туриб олғаним йўқ эди. Баъзан ичимда: "Донни Дойчникида меҳмонда бўлиб колсан зўр бўларди", – деб шунчаки ўйлардим.

Менга айнан шундай енгил кайфият керак эди. Мана шуни мен етишмайдиган сир деб атайман. Ўзингизнинг қарши иннятларингиздан покланишда давом этинг. Покланишнинг энг яхши усулиларидан бири уни кўпчилигингиз биласиз, бу доктор Хью Линнинг хоопонопону усулидир: "Ўзинг кечир. Мен гуноҳкорман. Миннатдорман. Мен сени севаман".

У сизнинг олкишларингизга, қарсакларингизга лойиқдир. Энди менга қайсиdir кўрсатув номини айтинг.

## **Банк ҳисобингиздаги мисдор ўзинги ҳақинигиздаги фикрингиз билан мутаносибдир**

“Мен бунга лойиқ эмасман” — жуда оммабоп тасаввур. “Мен лойиқ эмасман” — бу деярли ҳамма тасдиқлайдиган ва таъкидлайдиган сўзлар. Ҳаммамизниң ўзимиз ҳақимизда тасаввурларимиз бор, лойиқлик даражаси, у сизнинг фикрингиңча, қанча олишга лойиқ бўлсангиз, шунча олишга имкон беради. Ҳаммаси онг остида инкор қилинади. Бу жуда ҳам муҳим. Мен бу ҳақда жуда кўп ёзганман ва “Етишмайдиган сир” деган аудиодастурларим ҳам бор. Сизда нолойикман деган маълум бир тушунча мавжуд. Баландлик — сизнинг онг ости тасаввурларингизга боғлик. Сизнинг “Нолойикман” деган ҳиссениңиз узоқ вақт сақланиб қолади. Аммо уни онг остидан тозалаш керак.

Уни бажаришга ҳиссёти эркинлик техникаси ёрдам беради. Иккى оғиз қилиб айтганда, “мен нолойикман”, деган тасаввурда жамланиш қовурғангизнинг устига кафтингиз билан уриб, “Агар мен лойиқ бўлмасам ҳам, мен ўзимни жуда севаман, уни борлигича қабул қиласман ва ўзимни кечираман”, дейиншингиз керак.

Келинг, буни биргаликда бажарамиз: “Мен бунга нолойик бўлсан ҳам, мен ўзимни севаман ва кечираман”. Бу сўзларни тақрорлар эканман, сиз бу мавзуни ёпмайсанз, улардан халос бўласиз. Кафтингиз билан столга уриб, тасаввурингиз ҳақида ўйлаб шундай таъкидланг: “Мен нолойик бўлсан ҳам, мен севаман, қабул қиласман ва ўзимни кечираман”.

Сўнг енгилгина чаккангизга уриб қўйиб “Мен нолойикман”, иягинингизга уриб “Мен нолойикман”, бурнингизга уриб “Мен нолойикман” дениг. Мен буни ҳар куни қиласман. Буни ҳар сафар саҳнага чиқиш олдидан бажараман. Сизларга саҳнага чиқишдан олдин асабийлашаман дегандим. Шунинг учун ўзимдан ишончназлик туйгусини чиқариб ташлайман. Ҳистойгуларнинг эркинлиги батафсил покланиши техникасини ифодалайди. Буни истаган ҳаётий вазиятда ўзингизда синаб кўринг.

## Ёрдам сўраинг ва албатта кўмак оласиз

Салбий тасавурлардан покланишнинг яна бир йўли — устоз билан шуғуланишdir. Мен устозлик гоясига қатъий ишонаман. Қулоқ солинг, мен 30 йил илгари уйсиз эдим. Дааласдаги ҳаёт тарзим ҳакида айтиб ўтгандим. Хьюстонга кўчиб ўтиб, 10 йил давомида қашшоқликда яшаганман. Мен автомобиллар сотардим, репортёр, таксичи, юк ташувчи, ҳайдовчи бўлиб ишлаганман. Ич-ичимдан нафратланадиган барча ишларни бажаардим. Нефть компаниясида ишлатганимда, уйдан ишга деярли йиғлагудек бўлиб кетардим, ўзимни шу даражада баҳтсиз ҳисоблардим.

Бир чақасиз, уйсиз йигитдан қандай қилиб рок юлдузларининг автомобилларини коллекция қиладиган, бой-бадавлат, ҳар куни мусаффо осмон остида бассейнда чўмилиб, юлдузларга қараб: “Менда бор нарсалар учун сенга раҳмат?” деб айта оладиган даражага етдим? Бу қандай юз берди?

Бу савони кўпинча менга бошқалар беришади. Энг аввало, мен ўз устимда кўп ишладим. Ҳозир ҳам ишляпман. Менинг ўқувчиларим Жо Виталеда эволюцияни кўришилари мумкин, буни кўриш учун китобларимни ўқишнинг ўзи кифоя.

Ундан ташқари, кўп ўқидим, ҳаракат қилдим, қатъиятли бўлдим. Дааласда уйсиз яшаган пайтларимда кутубхонага кириб, Клод Бристолнинг, Дейл Карнеги ва менга йўл кўрсатган бошқа муаллифларнинг китобларини ўқирдим. Агарда ростини айтадиган бўлсам, китоблар менинг камол топишимда жуда мухим аҳамият касб этмаган. Менга асосий таъсир этган нарса — устоз бўлган. Кимда устоз бор? Кўпчиликда эмас, деб ўйлайман. Устоз — муҳаббат, дўстлик ва тушуниш билан салбий қарашларингиздан кутулишингизга ёрдам беради. Ахир сизнинг қарашларингиз факат фикрингиздир, у сизга худди борлиқни яратувчилик

күрннади. Сиз уни борлық деб ўйлайсиз. Аммо бу борлық у ҳақдаги тасаввурлардан пайдо бўлган. Тасаввурларингизни ўзгартиринг — ҳаётингиз ўзгаради.

Мен устоз билан қандай ишлаганимни “Тортишиш кучи сири” китоби ва озгина “Етишмайдиган сир” дастурида тўхтатганман. Бу одам мен учун қайгурди, қўллаб-куватлади, кўнглимни кўтариб, менинг заарали тасаввурларимни дўсто-на сухбатимизда йўқотишга ёрдам берди. Айнан шу нарса менинг камол топишимда мадад бўлди.

### **Тасаввурларни ўзгартириш мумкин: факат бунга қарор қилиш керак**

Бир мисол келтираман. Мен кўпчилигингизга ўхшаб бу босқичдан ўтганман. Кўпчилик эса ўша ерда қолиб кетди. Сиз қанча кам пул ишлатсангиз, шунча кўп қолади деб ўйлайсиз, тўғрими? Йўқ? Сиз ундан деб ҳисобламайсизми? Ким шундай деб ўйлайди? Шундай ўйлашингиз математика нуқтаи назаридан тўғрими? Ҳисобчи бу ҳақда нима дерди? Мен ҳам қачонлардир бунга ишонардим: қанча кўп ишлатсан, шунча кам қолади деб ўйлардим. Мен бу тасаввурни ўзгартирдим. Мен уни ўзгартира олдим. Устозим менга бу факат тасаввур эканлигини, борлық эмаслигини исботлади.

Бу менинг тасаввурим. Биз уни реаллик деб номлаймиз, бу эса факат тасаввургина, холос.

### **Қанча кўп сарфласак, шунча кўп оламиз**

Энди мен бошқа нарсага ишонаман: мен қанча кўп сарфласам, шунча кўп оламан. Бу гапларимга ҳеч қачон молиячиларни ишонтира олмайман, аммо мен шундай яшайман. Ҳар сафар нимадир сотиб олишни истасам, орка планда “Агарда мен шу нарсани олсан, унга ишимни, жамгарма ишини ва бир талай пулни исроф қиласман”, –

деган фикр келади. Менинг тасаввурим шу, акла тўғри келмайдиган иш бўлиб кўринса ҳам, у менинг борлигимни яратади. Бунга эринишда устозим менга ёрдам берди.

## Ўз қўлларимиз билан мўъжиза яратамиз

Демак, мен кисқагина қилиб “Мўъжизалар яратамиз” деган дастурим ҳакида сўзлаб бераман. Бу дастурга турли тасаввурдаги кишилар келишади. Уларнинг ҳаётлари қандай бўлиши ҳакида тасаввурлари бор. Уларда имкониятларининг чегараси, улар эриша оладиган даромад даражаси ҳакида тасаввур бор. Улар муносабатларга, ишдаги мувваффакиятга интиладилар. Улар баҳтли оилаславий ҳаёт ва фарзандларига энг яхши ниятларни қиладилар. Улар соғлом бўлишни истайдилар. Ҳаммаларининг ўзларига яраша ташвишлари бор. Мен яна ва яна юзлаб одамларни қузатиб, ўз дастурим устида ишлаб, янги ютуклардан ва ҳаётимдаги мўъжизалардан қувонаман.

Хар куни уларда ўкиш орқали тақдирини юксалтириш ва яна ҳаётининг яхшиланиши тоғ ортида эмаслигига ишонч ҳамда имкониятлари бор.

## Асосийси — ҳозир ва шу дамда

Мен сизнинг билишингизни истайман: мўъжиза шу ерда ва шу дамда юз беради. Агарда сиз шу онда яшаш кераклигини ўзлаштирган бўлсангиз, сиз ҳаракат қилаётган бўлсангиз, демак, тўғри йўлдан кетяпсиз. Сизнинг миянгизга керакли фикрлар келади, сиз чекланган тасаввурлардан халос бўласиз, доим: “Мен афсусдаман. Мени кечир. Сендан миннатдорман. Мен сени севаман”ни кўпроқ такрорланг. Билиб қўйинг, мен бу сўзларни ҳар бўш қолган дақиқада такрорлайман. Бу китоб устида ишлаётганимда ҳам мен шу дуони уқтираман: “Мен сизни севаман, мен афсусдаман. Мени кечиринглар, илтимос. Барчаси учун раҳмат. Мен сизни яхши кўраман. Мен афсусдаман”.

## **Чегарасыз ҳәёт: саволларга жавоблар**

Бугун әрталаб түртта колибри қуиндер азат тағида сув ичиншігә учиб келишді Ажойиб. Одатда улар бир-бириләри билан уришиб, бирлашмасылар. Улар мұхаббат ва боянкоңык инималыгын билмайдылар.

### **Нима учун бугун әрталаб улар бирлашдылар?**

Кече Хью Лин билан биргаликда олиб борған “Чегарасыз ҳәёт” китоби бүйінча охирғы, учинчі семинар тугады.

У менинг ҳәётіндеги энг ёкимли, сермазмұн онылар бўлиб колди. Ер юзи даги юзлаб одамлар бизнинг тажрибамизни олини учун келдилар.

Доктор Хью Лин бизга нокланған усуллары ҳақида, Коннот билан мулоқотининг чукур жиҳатлары ва бошқа күн парсалар ҳақида ганирди.

Мен шахсан ўзим билан юз берган ўзгарышлар ҳақида ва бир неча ибратли хикоялар айттиб бердим. Биз аудитория-дагиларининг саволларында жавоб бердик. Ҳар бир тингловчи қалбінда хотиржамлик сезилди.

Әхтимол, севгінинң умумий хисеп күшларға ўтандыр. Бу ажойиб ўхшатын ва зёр гоядир. Ўзинің билан ўзинің үйғуналиқда бўлганингизда, атрофигигизда хамма нарса тинч бўлади.

2007 йил “Чегарасыз ҳәёт” бестселлери чоп этилганида, одамларда кўплаб саволлар тугилди. Мен улардан энг кўн такрорланғанига жавоб беринга карор қилдим. Бу савол-жавоблар сизларга худди колибри күшларидек хотиржамлик келтирсени.

Мұхаббат билан сизга жавоб йўллаїман.

\* \* \*

*Мен хоопонопоно усулининг иборалари ҳаммада ҳар хил чиқишини сездим. Мен унинг кетма-кетлиги жуда мұжимлиги ҳақида эшиштегандым. Кейинчалик сиз улар әркін бўлиши ҳақида айтдингиз. Нотўғри тартиб натижасида салбий таъсир кўрсатади, деб қўрқаман.*

Унинг қандай тартибда янграши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, асосийси уларни айтишни эсдан чиқариш керак эмас. Ўзингизга қулоқ тутинг ва хаёлан сизга қулай бўлган тартибда такрорланг. Ўз ҳисларингизни бошқаринг.

Доктор Хью Лин “Чегарасиз ҳаёт” семинарида 4 иборани 2 иборага қисқартириди: “Мен сени севаман! Раҳмат”. Маълум тартибда уларни айтишдан воз кечинг. Бу содда услуб чекловларсиз ҳаёт сари сизларга ўз йўлингизни топишда ёрдам беради. Агар бирор нарсани бажаришдан кўрқсангиз — кўркувларингиздан покланинг.

\* \* \*

*Ўзимга таъсир кўрсатмоқчиман, нима қилай?*

Сизнинг вазифангиз — қалбингиздаги қандайдир одам ёки вазиятни муаммо деб биладиган қисмини тозалашдан ибораттир. Бу сиздан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсага тааллуқли эмас. Бу ташқаридан ўзгаришга бўлган талабдир. Ёдда тутинг; агар сиз ташқаридагини ўзгартиришга интилсангиз, аввало ичингиздан ўзгаришни бошланг. Албатта покловчи иборалардан фойдаланинг.

\* \* \*

*Менда муаммо пайдо бўлганда, покланиш жирафенида фикримни одам ёки муаммога қаратайми?*

Агар муаммоларим фарзандларимга тегишли бўлса, улар учун покланаман. Уларнинг иродасига каршилик қылмайман. Агар улар менга ижозат бермасалар, жавоби аввалги саволинкига ўхшаш бўлади. Сиз бошқа одамга эмас, факат ўзингизга фикрингизни жамлагансиз. Муаммолар ташқарида эмас, сизнинг ичингизда.

\* \* \*

*Сиз ўз фикрингизни муаммo va идрокишигизга жамлайсиз. Сиз бўлаётган ҳодисани қандай идрок қиласиз?*

Доктор Хью Лин айтгандек, ҳар қандай муаммода унинг таркибий қисми бор. У сизнинг ўзингиз. Сиз уни ҳеч қачон сезмайсиз. Мохијатан ҳамма муаммо сизда. Фикрингизни жамлашингиз қерак. Сиз покланиш учун фикрингизни жамлайсиз. Коннотдан ичингиздаги муаммодек қабул қилинган қувватдан куткаришни сўрайсиз.

\* \* \*

*Мен қолган умримда доимо покланишим керакми? Бу катта ва жуда зерикарли иш бўлса керак. Боиқа усул борми?*

Бу оламда жуда кўп ахборотлар бор: онгни дастурлаш, тасаввур қилиш, нигилизм (қонунларни тан олмаслик), бу оқим ҳеч қачон тугамайди. Ҳа, ҳар доим покланиш керак. Бунинг нимаси қийин? Фақат хаёлан “Мен сени севаман ва ҳаммаси учун раҳмат” дейишнинг нимаси қийин экан?

\* \* \*

*Агар биз фақат 4 та иборани билдишмиз керак бўлса, хоопонопоно услубига бағишлаган китоблар имга учун сотилади? Менинчада бу гоядан кимдир пул шилаб топса керак. Бу ундан ўтубхаланишга олиб келади. Менинг савалимга жавоб беринг, иштимос.*

Кимдир бу гояда бойиб кетаётганлиги ҳакидаги фикрингиз пулга нисбатан ифлос нарсадек муносабатда бўлишингизга боғлиқ. Пуллар ёмон нарса эмас — у ўз ҳолича яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Улар нейтрал. Пулларга “Пулларни тортиш сири” аудиокурси бағишлиланган.

Агар ҳамма нарса Коннот туфайли мавжуд бўлса, нега пуллар бундан мустасно бўлиши керак. Китоблар ва хоопонопоно усули сизларга ёрдам бериши учун мавжуд. Уларни ҳарид килгингиз келмаса, бу сизнинг ишингиз. Аммо одамлар атайлаб сиз ўзингизни яхши, пок ва баҳтири хис қилишингизга ёрдам берадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, нега ўз фикрингизда туриб оласиз? Улар сизга ўз хизматларини таклиф қилишади. Унга салбий муносабатда бўлсангиз, ундан халос бўлишингиз керак. Бу ёмон даражадаги худбинилидир, бундан халос бўлинг.

\* \* \*

*Бошқа одамларни покланишига қандай ўргатиш керак?*

Хеч кимни бунга ўргатиш керак эмас. Сизнинг кандай нокланишинигиз хеч кимга керак эмас. Покланишинигиз факат ўзинингизга тегишли. Доктор Хью Лин охириги 25 йил ичидаги ўзини поклади. У хозиргача тириклигини ягона сабаб шу эканлигини очик айтади. Бошқа одамнинг шу нарсаларни бажариш-бажармаслиги аҳамиятсиз нарсадир. Уни сиз бажараётганингиз аҳамиятлайдир. Баъзида семинарларда одамлар бошқаларнинг муаммоларини эшишиб, уларга “Бундан покланишинигиз керак”, деб маслаҳат беришади. Нотўғри, агар муаммо хақида ўзингиз биллиб қолсангиз, покланинг.

Шу ондаёқ сиз эшиштаётган ва ҳис қилаётган ҳамма нарса сизнинг вазифангизга айлансин.

## **Тўртинчи босқич: уйгонишдан камолот сари**

*Мен “Чегарасиз ҳаёт” семинарида шитирок этдиш ва кўп нарсага тушушибдим. Унинг асосий моҳияти нимада?*

Асосий гап Кониот багрига қайтиш хақида. Китобимда мен уйгонининг 4-босқичи хақида гапириб бераман. Кўпчилик одамлар бутунилай биринчи босқичда колиб кетади. “Сир” фильмни ёрдамида кўпчилик иккинчи босқичга ўтган. “Чегарасиз ҳаёт” китоби ёрдамида баъзи бирорлар учинчи босқичга ўтишган. Бу ерда 4-босқич ҳам бор. Унда сиз уйгонасиз ва Кониот сизнинг ҳаракатларинигизда ўзини намоён қиласди. “Чегарасиз ҳаёт” — бу сиз ва Кониотни бояглаб турувчи восита. Унинг моҳияти нимада? Илдиз отган тасаввурлардан тозаланиш, Кониот сиз орқали мухаббатни англаб ҳаракат қилиши учун кўп ишлашингиз керак. Шунинг учун покланишдан тўхтаманг.

\* \* \*

*Бу усул сизга ёрдам бердими? Яқшиларингиздан кимни дидир ҳаётини сенгашлаштиредими?*

Покланишиниг биргина мақсади онгингизда тўплланган, сиз ва Кониот ўртасидаги ҳамма кераксиз ахборотлардан

холи бўлишдир. Покланиб, сиз шифо тонасиг ёки қандайдир мақсадга эришасиз. Сизнинг вазифангиз Коннот ёрдамида яшай оладиган даражага чиқишингиздир. Доктор Хью Лин жиноятчи руҳий қасаллар шифохонасида ишлаётганда уларни эмас, ўзини даволашга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқсан. Мен 4 йилдан бери покланаман ва буни доимо бажариб келаман. Нимага? Мен ва Коннот орасидаги фарқин минимумга етказишим лозим. Бир кун Коннот истаса, биз бир бутун, яхлит бўламиз. Мен унгача покланаман. Мен бунга вакт сарфламасам, унинг натижасини кўраман.

\* \* \*

2008 йилининг декабрида мен "Чегарасиз ҳаёт" китобини ўқидим. Мен Ботон Руждаги аёллар қамоқхонасида тарбиячи бўлиб шилдайман. Ҳар ҳафтада 20 та аёлдан иборат груп билан 3 марта машгулот ўтказаман. Ҳоопонопоно услугидан фойдаланаман. Мен унинг натижасини дарроқ кўрдим. Кўл остимдагишлар гагма-гаг ўқишилари учун 5 та китоб сотиб алдим. Улар менга атрофдаги одамлар қандай ўзгаряётганлари ҳақида қизик воқсалар айтиб бершиди.

Олдинги ҳафтада потичлик юз берди. Синф хонасидан ташқарида мен шовқини ва қий-чув тўполон овозини эшилдим. Қамоқхона бошиги бизнисе хоначисга кириб, ҳайратланди. У эшик орқасида тартибсизлик бўлаётганда бизнисе хонамиз тинч ва соки бўлжаниса шоимасди. "Нима билан шугулланаётгангизни билмайман-у, шу ўйсинда давом этинг".

Бундан ташқари аёллар ўзларити яхши тутаётганликлари, бундай бўлгашини ҳамто ҳаёлларига келитирмаганларини айтишиди. Мен ўслир ёшидаги қизим ва турмуши ўртоғим билан муносабатларда ижобий ўзгаришларни кўрдим. Китмат раҳмат!

Синди Рей-Губер

Худудий бошқарма бошилиги, RCB, Батон Руж.

Чеклюктарсиз ҳаётга бағылланған семинар ва хоопонопонопоно курсшынгүйкөри ва настки даражадаги курслардан фарқи нимада? Мен ҳар бириңе борышым керакми? Агар мұхомама қылаётгап ахбороттар муаллиф ұкуғын сифатида ұмыоя қылғынса, унда нимага бу ҳақда гапиришиади ва семинарларни видеога олишади.

“Чегарасиз ҳаёт” ва хоопонопоно курсларининг асосий фарқи биринчи ҳолатда мен йүриқчи сифатида чиқаман. Хоопонопоно олий босқичига ўтишдан олдин мен йилига 2 марта бошланғич даражадаги машгулот ўтишим керак. Ахборот тарқатишиң келсак, бунинг учун доктор Хью Линдан рухсат олдим. У “Чегарасиз ҳаёт” китобининг муаллифи ва хоопонопононинг асосий йүриқчисидир. Агар у менга китоб ёзишиңа ёки аудио-видео дисклар чиқаришиңа рухсат берса, мен бунга ҳақлимаман.

*“Мен афсусдаман”. Бу ибора нимани англашади? Кечиричиними ёки афсусними? Агар Коинотда ҳаммаси мукаммал бўлса, мен нимадан афсус чекишим керак?*

Сиз “Мен афсусдаман” ва “Мени кечир, илтимос”, деб билмасдан қилган ишларингиз учун узр сўрайсиз. Бунинг афсусга, айбга, уятга ёки таъналарга ҳеч қандай боғлиқлиги жойи йўқ. Аммо сизнинг уйқуда эканлигингизни англашга тўғридан-тўғри боғлиқлиги бор. Супермаркетда кимгадир урилиб кетсангиз, сиз: “Кечирасиз”, – дейсиз. Нимага? Чунки хатога йўл кўйдингиз. Сиз билмасдан ҳаракат қилдингиз ёки бирор нарсада адашдингиз.

Коинотга бу сўзлар билан мурожаат килиб, сизнинг ҳаракатларингиз атайин қилинмаганини тушунтирасиз. Бу сиз эга бўлган энг таъсирили воситадир. Агар сиз билмасдан, қилган ишларингизга кечирим сўрамасангиз, ўз ҳаётингизда Коинотнинг пайдобўлиши ва бошқа соҳаларни чеклайсиз. Бир куни мен доктор Хью Линдан “Мен афсусдаман”, – дейиниши истамайдиган одамларга нима дейишим кераклигини сўрадим. “Улар бу гапларни айтишни исташмаса, керак эмас”, – деб жавоб берди у.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>ЎЗ ҲЛЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИШГА ТАВАККАЛ ҚИЛИНГ. ....</b>	<b>4</b>
<b>БИРИНЧИ БОСҚИЧ: КЎР-КЎРОНА БЎЙСУНУВЧАНЛИК СИНДРОМИ.....</b>	<b>21</b>
<b>ИККИНЧИ БОСҚИЧ: КУЧ .....</b>	<b>43</b>
<b>УЧИНЧИ БОСҚИЧ: ИТОАТКОРЛИК .....</b>	<b>65</b>
<b>ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ: УЙГОНИШ .....</b>	<b>85</b>
<b>УЙГОНГАН МИЛЛИОНЕР .....</b>	<b>101</b>
<b>ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ УЙГОНИШИ .....</b>	<b>133</b>
<b>“МЎҶИЗАЛАР ЯРАТАМИЗ” ДАСТУРИ ҲАҚИДА БИР НЕЧА СЎЗ .....</b>	<b>165</b>

*Хатто чўққилардан ҳам юқорига  
кўтарилинг!*

*Тасаввурларингизни ўзгартириб,  
ҳаётингизни ҳам ўзгартирасиз!*

*Шукроналик — қудратли восита.  
У сизни уйгоқ миллионер бўлишингизга  
ёрдам беради.*

*Сиз интилаётган бойлик, сиз излаётган  
миллионлар, сиз орзу қилаётган фаровон  
ҳаёт — ҳаммаси қўрқувингиз ортига  
яширинган!*



ISBN 978-9943-984-51-6

9 789943 984516